

88/197
46-11

Dunyo
adabiyoti
kutubxonasi

Уияям Фолкнер

ҚОРА МУСЦА

БУ КИТОБ ҒОЯЛАР, РАМЗЛАР ТЎҒРИСИДА
ЭМАС, БУ КИТОБ ОДАМЛАР ТЎҒРИСИДА

Б41/41
Ф-81

Уилям Фолкнер



ҚОРА МУСЦҚА

БУ КИТОБ ҒОЯЛАР, РАМЗЛАР ТЎҒРИСИДА
ЭМАС, БУ КИТОБ ОДАМЛАР ТЎҒРИСИДА



ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2018

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(7)

Ф – 81

Фолкнер, Уилям

Қора мусиқа: қисса ва ҳикоялар. Уилям Фолкнер / Таржимонлар: И.Ғафуров, Э.Эрназаров. Тўпловчи ва сўзбоши муаллифи А.Х.Саидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 304 бет.

ISBN 978-9943-20-313-6

Уилям Фолкнер – XX аср Америка адабиётининг йирик намояндаларидан бири. Илк шеърый китоби 1924 йилда нашр этилган. Биринчи романи «Аскар мукофоти» 1926 йилда чоп этилган. «Сарторис», «Шовқин ва қаҳр», «Ўлим тўшагида», «Ибодатгоҳ», «Август ёғдуси», «Авессалом, Авессалом!», «Қишлоқ», «Шаҳар», «Қўрғон», «Мусо, кел», «Нақл» сингари йирик романлар, ҳикоялар ҳамда қиссалар муаллифи Фолкнер Нобель мукофоти совриндоридир.

Иброҳим Ғафуров XX асрнинг саксонинчи йилларида Фолкнернинг «Эмили учун атиргуллар», «Тўзонли сентябрь», «Уош», «Қора мусиқа» сингари ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилган эди.

Ушбу китоб У.Фолкнернинг ўзбек тилида чоп этилаётган илк тўпламидир.

Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(7)

Таржимонлар

И.Ғафуров, Э.Эрназаров

Тўпловчи ва сўзбоши муаллифи

профессор А.Х.Саидов

ISBN 978-9943-20-313-6

© Уилям Фолкнер, «Қора мусиқа». «Янги аср авлоди», 2018 йил.

УИЛЯМ ФОЛКНЕР – ИНСОНПАРВАР ЁЗУВЧИ

«Ёзувчининг масъулияти – ҳақиқатни ҳикоя қилишдир, ҳақиқатни шундай ҳикоя қилиш керакки, у унутилмайдиган образга айлансин. Бирор нарсани оддийгина хабар қилиш, адолатсизлик тўғрисида ёзишнинг ўзи баъзан етарли эмас. Бу одамларга таъсир қилмайди. Ёзувчи бунга ўзининг истеъдодини қўйиши керак, у ана шу ҳақиқатни олиб, одамлар бунга ёдда сақлаб қолишлари учун тағидан гулхан ёқиши керак. Ёзувчининг масъулияти худди шундадир».

У.Фолкнер

Буюк америкалик ёзувчи У.Фолкнер ўз қабртошидаги ёзувни шундай тасаввур қилган: **Уилям Катберт Фолкнер (1897–1952)** – америкалик ёзувчи, шоир, драматург, публицист, эссечи, кино-сценариячи, адабиёт соҳасида 1949 йилги Нобель мукофотининг лауреати, XX асрнинг энг йирик адиби, эҳтимол, аввалги юз йиллик адабиётининг энг машҳур сиймосидир. Франциялик ёзувчи **Ж.П.Сартр** америкалик танқидчи **М.Каулига** йўлаган мактубида эса «**Фолкнер – бу Тангри!**» деган. Айни пайтда, кейинчалик М.Каули «Фолкнернинг асарларини ватанида кам ўқишар ва унга етарлича баҳо беришмасди», – деб кўрсатган ва унинг романларини «**эришиб бўлмайдиган бадний жасорат**» деб эътироф этган.

Инсон тақдири учун, одамлар бошига тушадиган уқубатлар, улар дучор бўладиган адолатсизлик ва шафқатсизлик учун қайғурниш – У.Фолкнер бутун ижодидан қизил ип бўлиб ўтган. Шунинг учун ҳам ёзувчи Япониядаги Нагано университети студентларининг ўзини қайси адабий мактабга мансуб деб ҳисоблаши тўғрисидаги саволига жавоб берар экан, шундай деган: **«Мен мансуб бўлган, мансуб бўлишни хоҳлаган ягона мактаб – бу инсонпарварлик мактабидир».**

Уилям Катберт Фолкнер 1897 йилнинг 25 сентябрида Миссисипи штатининг Нью-Олбани шаҳарчасида университетнинг ишлар бошқарувчиси Марри Чарльз Фолкнер ва Мод (Батлер) Фолкнер оиласида туғилган. Кейинчалик оиласи ушбу штат шимолига, Оксфорд шаҳрига кўчиб ўтган. Бўлажак ёзувчи бир неча сафарлари ҳисобга олинмаса, ҳаётининг асосий қисмини шу ерда ўтказган.

Бўлажак ёзувчининг оиласида **бобосининг отаси – полковник Уилям Кларк Фолкнер** тўғрисидаги ёрқин хотиралар сақланиб қолган. Бу машҳур шахс хотираси сифатида унга Уилям, қисқартириб айтилганда Билл номини беришган. Нобель мукофоти лауреатининг романларида Уилям Кларк Фолкнер полковник Сарториснинг тимсоли бўлган.

Адиб учун бобосининг отаси тақдири мисолида Сарторисдек қаҳрамон характерини очиб бериш нақадар беқиёс бадиий маҳорат талаб қилинганлигини тасаввур этиш мумкин. Уилям Кларк Фолкнер ўсмирлик пайтида уйдан чиқиб кетган ва 14 ёшидаёқ шаҳар турмасида ишлаган. У Мексикадаги урушда иштирок этган, юрист бўлиб ишлаган, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган, Фуқаролар уруши вақтида суворий аскарлар полкига қўмондонлик қилган. Бу инсон урушдан сўнг ўз штатида биринчи темир йўлни қурган.

Уилям Кларк Фолкнер шеърлар битган, кейинчалик насрда ҳам ижод қилган. Унинг «**Мемфиснинг оқ атиргули**» романи қайта-қайта нашр этилган. «Мемфиснинг оқ атиргули» романтизм анъаналари руҳида битилган бўлиб, Америка Жанубидаги рицарликка ўзига хос мадҳдир. Шунинг учун ҳам бу роман жанубда жуда машҳур бўлган. Буни ушбу асар **Маргерет Митчелл**нинг оламшумул «**Еллар олиб кетган**» китобининг бадий манбаси бўлганлиги ҳам исботлайди.

Полковникнинг жўшқин ҳаёти фожиона тугаган: уни бизнес рақобатчиси ўлдирган.

Уилям Катберт Фолкнернинг болалиги **Марк Твен**нинг китобларидаги Том Сойер ва Гек Финн тўғрисида ёдда қолган воқеаларга ўхшаб кетган. Бу қаҳрамонлар каби Уилямнинг болалик таассуротлари ҳам ўз ёшига хос бўлмаган. У икки бор қора танлилар қатл этиладиган Линч судини кузатган. У. Фолкнер 11 ёшга тўлганда Оксфордда шаҳарнинг икки минг аҳолиси иштирок этган Линч суди бўлиб ўтган. Суд ҳукмига кўра калласи олинган кимсанинг жасади майдонга осиб қўйилган. Бундан-да даҳшатли суд олти йил ўтгач рўй берган. У. Фолкнерга бундай қонли ирқий фожиа қаттиқ таъсир қилган. Шунинг учун унинг деярли ҳар бир асарида Америкадаги ирқий муаммо кўтарилади.

У.Фолкнер Марк Твен каби тизимли таълим олмаган. У ўрта мактабни тугаллай олмаган, университетда ҳам атиги бир ярим йил ўқиган. Унинг маълумоти жуда кўп китобларни тартибсиз равишда ўқишдан иборат бўлган, холос. У 17 ёшида мактабни ташлаб кетган. У ўз бобосининг банкида ишлаган. Ўша пайтдаёқ Уилям фақат расм солишга қизиқиб қолмасдан, 13 ёшидан шеърлар ҳам ёза бошлаган.

Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан у армия сафига киришга ариза берган, бироқ бўйи атиги 167

см бўлганлиги учун хоҳиши қондирилмаган. Шунга қарамасдан, 1918 йилда ўз орзусига эришган – ҳарбий учувчи бўлган. У.Фолкнер ўзининг учувчилик маҳоратини Канаданинг Торонто шаҳридаги Қироллик ҳарбий-ҳаво кучларида оширган, лекин ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмаган. Чунки машқларнинг бирида у авиация фалокатига учраган.

Бўлажак ёзувчи армиядаги хизмати тугагач, қадрдон шаҳрига қайтган. У бемор отасининг хоҳишига кўра Оксфорд университетига кирган, бу ерда испан ва француз тилларини муваффақиятли эгаллаган. Бундан ташқари, шу университетда почта хизматчиси бўлиб ҳам ишлаган. Уни иш вақтида китоб ўқиш билан машғул бўлганлиги учун ишдан бўшатишган. У.Фолкнер ишдан бўшаш тўғрисидаги аризасини жуда антиқа битган: «Капиталистик тизимда яшар эканман, ўз ҳаётимни пулдор одамлар талаблари таъсирига дучор қилишга тайёрман. Лекин почта маркаси учун икки цент сарф қила оладиган ҳар бир дарбадар ярамаснинг хизматини қилсам, менга лаънатлар бўлсин».

1927 йилда У.Фолкнер ўз орзусига эришган – мактабда ўқиётган пайтида севиб қолган Эстел Олдхэм Франклинга уйланган. Эстел бундан аввал биринчи эридан ажралган. Уларнинг икки фарзанди – Алабама (1931 йилда вафот этган) ва Жил бўлган.

У.Фолкнернинг «Нью Рипаблик» («New Republic») журналида 1919 йилда чоп этилган **«Фавннинг кундузги туши»** («L'Après-midi dun faune») шеърининг эълон қилиниши унинг адабий ижоди муқаддимаси бўлган.

Ижодининг илк даврида У.Фолкнер Франция символистларининг таъсири остида бўлган, уларга очиқчасига тақлид қилган. Кейин эса тажрибавий, модерн деб аталадиган адабиёт – **Ж.Жойс, Т.С.Элиот** ижодига мойиллик сезган. У.Фолкнернинг ўзи Ж.Жойснинг

«Улисс» романи (1922) билан танишлигини инкор этган. Бироқ кейинчалик унинг XX аср энг янги адабиётини бошлаб берган деб ҳисобланган ушбу асарни анча эрта ўқиганлиги маълум бўлган.

1920 йилда У.Фолкнер университетдаги ўқишини ташлаб, Нью-Йорк шаҳрига келган ва китоб магзинида сотувчи бўлиб ишлаган. У чаққон сотувчи сифатида офизга тушмаган бўлса ҳам, жуда китобсеварлиги билан ажралиб турган. Бевосита худди шу Нью-Йорк шаҳрида у илк бор **Сервантес** ва **Достоевский**, **Толстой**, **Бальзак** ва **Диккенс**, **Флобер** ва **Мелвилл**нинг асарларини кунт билан мутолаа қилган.

1924 йилда «**Мармар фавн**» («The Marble Fawn») шеърлар тўпламини (у ўқувчиларнинг эътиборига тушмаган) чиқарган, кейин Янги Орлеанга кўчиб ўтиб, бу ерда ёзувчи **Шервуд Андерсон** билан танишган. Ш.Андерсон унга шундай маслаҳат берган: «Сиз, Фолкнер, қишлоқлик йигитсиз. Сиз билган ҳамма нарса – Миссисипидаги бир қарич ердир. Аммо шунинг ўзи етарли. Бу ҳам Америка».

У.Фолкнер асарларининг ихлосмандлари учун мана шу бир қарич ер – ёзувчи томонидан ўйлаб топилган Миссисипидаги Йокнапатофа округи ўша даврдаги Америка жануби ва бутун мамлакат тимсолига айланган. Ушбу округ аҳолиси деҳқончилик билан шуғулланган, фарзандларини тарбия қилган, уч авлод алмашиши даврида ҳар кун қайта ва қайта Фуқаролар урушида шимоликларга қарши жангларни ёдга олиб, ўшанда улар ҳақ бўлганликларига қатъий ишонч билан яшашган.

«Йокнапатофа» Чикесо ҳиндуларининг тилида «водийда тинч оқадиган дарё» маъносини англатади. У.Фолкнер Йокнапатофани Шимолий Миссисипининг қадимий хариталаридан қидириб топган. Бу жойлардан оқиб ўтадиган дарё шундай номланган.

Адиб ҳатто бу округ аҳолиси 6298 оқ танли ва 9113 қора танлидан иборат деб кўрсатган. У.Фолкнер Йокнапатофанинг харитасини ҳам чизган ҳамда унинг остига гурур билан «Уилям Фолкнер – ягона соҳиб ва хўжайин» деб ёзиб қўйган.

Йокнапатофа номининг рамзий маъноси эса «ҳамма нарсани қамраб оладиган, бошланадиган ва оқиб тушадиган жойи бўлмаган дарё – ҳаётдир». Бу ҳаёт дарёси У.Фолкнер насрида гоҳ кенг оқим, гоҳ эгри-бутри ирмоқларга бўлинган ҳолда оқишда давом этаверади. Ёзувчи эса ушбу ҳаёт дарёси сарчашмаларидан олган янги-янги ғояларни китобхонга тақдим этган.

Умуман олганда, адиб учун она юртининг ҳар бир қарич ери, оиласи тарихи, ўз округининг тарихи бутун Америка тарихи манзарасида ижодининг битмас-туганмас манбаига айланган. «Сарторис»дан бошлаб, – деган эди У.Фолкнер, – мўъжазгина почта маркасидек келадиган ўз қадрдон юртимнинг бу жойи ёзишга жуда арзигулик эканлигини тушундим, ушбу мавзуни тўла –тўкис ёритиш учун эса бутун ҳаётим ҳам етмайди».

У.Фолкнерда ҳаёт дарёсининг муттасил оқими тўғрисидаги фикр фожиона тус олган: бу ҳаёт даҳшатли ва шафқатсиз, дарёнинг сокинлиги эса алдоқчидир. Йокнапатофа дунёси улкан бўлишига қарамасдан, қишлоқона ва тор: бу ерда барча одамлар бир-бирларини яхши билишади. Масалан, Йокнапатофанинг ўн беш мингдан кўпроқ аҳолисининг У.Фолкнер асарларида тасвирланган 600 киши номма-ном атаб чиқилган. Бунда ёзувчи **Бальзак** томонидан кашф этилган адабий усулдан фойдаланган: унинг қаҳрамонлари бир романдан иккинчисига ўтар экан, яхлит дунё тасаввурини туғдиради. Яна бир тасаввур – вақт оқимидир.

Адиб асарларида тилга олинган воқеаларни саналар бўйича тартиблаштирилса, тахминан бир юз эллик йиллик давр – Миссисипида дастлабки оқ танли кўчманчилар пайдо бўлган вақтдан бошланадиган улкан кўп жилдли эпопея гавдаланади. Уларда инсоннинг ёввойи табиат билан кураши, табиатнинг чекиниши ва ҳалок бўлиши, Фуқаролар уруши ва қулчиликнинг барҳам топиши, қашшоқ ижарачиларнинг тақдири, «янги кишилар»нинг Американинг ичкарасига ҳужуми, шафқатсиз ирқий муносабатлар акс эттирилган. Шунинг учун У.Фолкнернинг ўзи моҳият жиҳатидан бутун умри давомида «битта тарихни – ўзи ва дунё тўғрисидаги таърифни» ёзганлигини уқтирган.

Ёзувчи шундай деганди: «Менда кенг кўламли тарихий манзараларни яратиш нияти бўлмаган, шунчаки қўл остимда бўлган мақбул асбоблардан фойдаландим. Ўзим яхши билган нарсадан, яъни туғилган ва ҳаётимнинг катта қисми ўтган жойдан фойдаландим. Бу худди дурадгор иш тутганидек – у панжара ясайдиган бўлса, ёнида ётган болғачадан фойдаланади».

Уилям Фолкнер Ш.Андерсоннинг маслаҳатига қулоқ тутиб, насрда ижод қила бошлаган ва **«Аскар мукофоти»** («Soldier's Pay», 1925) романини ёзишга киришган. Мазкур асар империалистик урушга очиқ-равшан қарши қаратилган. Романнинг қаҳрамони – учувчи яраланганидан кейин кўпгина инсоний хусусиятларини йўқотади, унинг вафоти эса инсон шахси сўниши жараёнининг ниҳояси бўлган, холос. Ушбу романда адиб уруш қиёфасидаги қаҳрамонлик ниқобини йиртиб ташлаб, бунинг одамлар учун келтирган мислсиз кулфатларини очиб берган. Бу асарни мутолаа қилар экансан, «ватанпарварлик», «муқаддас қурбонлар», «қаҳра-

монлик», «жанговар шуҳрат» каби баландпарвоз сўзлар ялтироқ ўрама бўлиб, унинг ичида эса одатий ўлим яширинганлиги уқилади.

Америкалик ёзувчининг реалистик ижоди жаҳон реалистик адабиёти улкан намояндаларининг кучли таъсири остида шаклланган. У ижодига таъсир кўрсатган ёзувчилар тўғрисидаги саволга жавоб берар экан, шахсан ҳақиқий биринчи америкалик ёзувчи деб эътироф этадиган Марк Твен номини тилга олган. Бошқа америкалик ёзувчилар орасида у **Уитмен, К.Сэндберг, Т.Драйзер, Ш.Андерсон**, яъни Америка адабиётининг реалистик, миллий, демократик вакиллари ажратиб кўрсатган. У ўз устозлари орасида **Сервантес, Шекспир, Диккенс, Бальзак, Флобер** номларини тилга олган. Бу рўйхатда рус ёзувчилари – **Толстой, Достоевский, Гоголь** алоҳида ўрин тутади. У.Фолкнерга Ф.Достоевский энг кучли таъсир кўрсатган. «У ўз маҳорати бўйича, – деган эди ёзувчи, – инсоннинг ички дунёсига кириш кучи бўйича, қайғуришнинг чуқурлиги бўйича ҳар бир ёзувчи тенглашишни хоҳлаганларидан бири бўлган».

1927 йилда адабнинг Нью-Орлеандаги зодагонлар фарзандларининг «шоҳона турмуши» танқид остига олинган **«Чивинлар»** («Mosquitoes») романи нашр этилган. Бу асар қаҳрамонларидан бирининг прототипи Ш.Андерсон бўлганлиги билан қизиқарлидир. Бу ўринда ёзувчи ўша пайтда у билан барча алоқаларини узганлигини ҳам айтиб ўтиш керак.

У.Фолкнернинг Йокнапатофа ва Жефферсон тарихи билан боғлиқ 15 туркум романининг биринчиси – **«Сарторис»** («Sartoris», 1929)дан бошланган. Ушбу асарда ёзувчи бутун ижодини бағишлаган ижтимоий ва ахлоқий муаммолар у ёки бу даражада ўз ифодасини топган. **Уни ижодкор сифатида, энг**

аввало, инсоннинг жамият билан ўзаро муносабатлари қизиқтирган. Бу У.Фолкнер таърифича: «... инсон ўзи билан қам, ўз биродари билан қам, ўз вақти билан, ўзи яшайдиган жой билан қам низода». Уни инсоннинг руҳий ҳолатлари, қаҳрамон эга бўлган ёки эга бўлиши керак бўлган ахлоқий қадриятлар қизиқтирган.

Адиб ижодий меросида энг новаторча ҳисобланган **«Шовқин ва қаҳр»** («The Sound and the Fury», 1929) **тажриба романи** ёзувчини машҳур қилган. Танқидчилар якдиллик билан бу асарни фожиали мавзу – «Еврипидни ёдга олишга мажбур қиладиган» «буюк китоб» деб баҳолашган.

«Шовқин ва қаҳр» романи номини ёзувчи Шекспирнинг «Макбет» асари қаҳрамонининг борлиқнинг маънисизлиги тўғрисидаги қуйидаги машҳур монологидан олган: **«Ҳаёт – бу телба томонидан ҳнқоя қилинган, шовқин ва қаҳрга тўла, ҳеч ким томонидан пайқалмаган тарнхдир»** («Макбет», V кўриниш, 5-саҳна).

Ушбу романда Америка Жанубининг «оилавий драма» насри учун анъанавий бўлган реализмини У.Фолкнернинг беҳисоб новаторча услубий топилмалари безаган. Улардан энг муҳими – инглиз тилида битилган адабиётда амалда Шекспирнинг «Қирол Лир»идан ке-йин биринчи марта «онг оқими» усулени ишлатишдир. Моҳият жиҳатидан «Шовқин ва қаҳр» асосини ташкил этган жиноят ва жазо, эҳтирослар У.Фолкнер даҳоси билан адабиётда йўл қўйиш мумкин бўлган чегаралар кенгайтирилиб, роман ноёб асар даражасига кўтарилган.

Ушбу романида У.Фолкнер ҳаётга тўрт хусусий субъектив нуқтаи назарни баён этган ва асарнинг якунловчи қисмида ака-ука Компсонлар ички монологларини ҳаётдаги реал воқелик билан таққослаб

якун чиқарган. Моҳият жиҳатидан ёзувчи бир воқеани тўрт марта ҳикоя қилган, лекин уларни охиригача етказмаган. Бу билан у ушбу воқеани ҳақиқий воқеликнинг, асар қаҳрамони онги оқимининг бир қисми қилмоқчи бўлган. Китобхон бу дунёни ичидан ҳис қилиши учун ана шу воқеликка, онг оқимига шўнғиши лозим бўлган. Бу романга ўзига хос ноёб хусусият бахш этган.

Жан-Поль Сартр мазкур романга қизиқ баҳо берган. У асар муаллифи вақт кечишида тўхтатилган ҳаракатга ўхшаш нарса яратмоқчи эканлигини кўрсатган: **«У.Фолкнерда тараққиёт, келажакдан келиши мумкин бўлган бирон нарса ҳеч қачон бўлмайди. Ҳозир содир бўлаётган нарсалар биз кутаётган келажакдаги воқеаларни қамраб олмайди... ҳеч нарса рўй бермайди, ҳамма нарса бўлиб ўтган. Бу бизга асар қаҳрамонларидан бирининг «Мен йўқман. Мен бўлганман» – ғалати формуласини тушуниш имкониятини беради».**

Ж.П.Сартр У.Фолкнер қаҳрамонини самолётнинг ҳаво бўшлиғига қулашига ўхшатади: **«Ҳар бир нуқтада қаҳрамон онги ўтмишга қулайди ва яна йиқилиш учун тагин ўрнидан туради. Ҳозирги вақт мавжуд эмас, у бўлмоқда. Ҳамма нарса бўлган...»**

Адиб бу услубдан кейинги – **«Мен ўлаётган вақт»** («As I Lay Dying», 1930) романида ҳам фойдаланган. Ушбу асар ҳам ноёбдир. 59 та ички монологдан таркиб топган китобда Америка Жанубидаги камбағал Бандрен оиласининг Жефферсондаги қабристонга Бандрен хоним жасадини олиб бориш билан боғлиқ саргузаштлар ҳақида ҳикоя қилинган. Романда муаллиф сўзи умуман учрамайди, асарнинг 14 қаҳрамони, асосан Бандренларнинг, уларнинг ўзларидек камбағал қўшнилариининг баъзан узун-

дан-узоқ, айрим ҳолларда лўнда, атиги бир-икки жумлага жо бўлган монологларидан иборат. Асарда вақт ўзининг табиий ҳаракатдалигига, ҳатто воқеалар маркази – марҳуманинг монологи мавжудлигига қарамасдан, матндаги аралаш-қуралашлик яққол кўзга ташланган. Бироқ У.Фолкнерни инсон нутқини табиийлигича ифода қилишдек жўн вазифа қизиқтирмайди. Бундай хусусий, тасодифий тасаввурлар, ўткинчи нигоҳлар ва жўнгина жумлалардан мураккаб яхлитлик гавдалантирилган.

«Зиёратгоҳ» («Sanctuary», 1931) романида шафқатсиз ва қалбсиз одам – Катта кўзли гангстер тасвирланган. «Лекин, – деганди У.Фолкнер бу ҳақда, – у мен учун яна бир йўқотилган инсоний мавжудотдир. У ҳозирги давр жамиятида тасодифан ёвузлик рамзига айланган, лекин **мен ғоялар, рамзлар тўғрисида эмас, балки одамлар ҳақида ёзаман**».

«Зиёратгоҳ» – америкалик савдо корчалонининг нақадар тубанликка юз тутганлигини ўз кўзи билан кўрган инсон қайғусининг ўзига хос нидосидир. Шу билан бирга, ёзувчи «ҳаётдаги салбий ҳодисаларни фақат уларга барҳам бериш учунгина тасвирлаш керак», деб таъкидлаганини ёддан чиқармаслик лозим. Шу маънода ушбу роман америкача миллий турмуш тарзига хос бўлган белгиларни мужассамлаштирган ўзига хос америкача «Жиноят ва жазо»дир. Шунинг учун **Андрей Мальро «Зиёратгоҳ» – бу «саргузашт сюжетига эга бўлган юнон фожиаси»** деган.

У.Фолкнернинг бадиий жиҳатдан энг мукаммал асарларидан бири – **«Август ёғдуси»** («Light in August», 1932) романи ҳисобланади. Ушбу асарда хавфли, ҳамма нарсани вайронага айлантирадиган эҳтирослар жўш уради, ирқчилик ва шафқатсизлик ҳукм суради, муҳаббат ва ғазаб антик давр кўлам-

лари даражасига етади. Бош қаҳрамон Жо Кристмасга уюштирилган ваҳшийларча «ов»га ашаддий ирқчи Перси Грим раҳбарлик қилади. Муаллифнинг изоҳига кўра, у – фашист: «у оқ танлиларни қутқарар экан, Кристмасни ўлдиради. Мен уни 1931 йилда ўйлаб топганман. Гитлер газеталарда пайдо бўлгунга қадар нацистларни ундан ҳам илгарироқ яратганимни англамасдим».

Ёзувчи **«Авессалом, Авессалом!»** («Absalom, Absalom», 1932) романида Америка Жанубининг «шонли» ўтмиши ҳақидаги афсоналарни жуда чуқур, шафқатсиз ва бадий жиҳатдан ниҳоятда ишонарли тадқиқ этган.

У.Фолкнернинг шундан кейинги – **«Енгилмаганлар»** («The Unvanquished», 1938) романи фуқаролар уруши воқеаларига бағишланган бўлиб, унда бош қаҳрамон сифатида яна полковник Жон Сарторис тасвирланган.

Адибнинг ушбу самарали ижод даврида **«Ёввойи пальмалар»** («It I Forget Three Jerusalem», «The Wild Palms/Old man», 1939) дилогияси ҳамда олти қиссадан иборат **«Туш, Моисей»** (Go Down, Moses, 1942) романи ҳам битилган. Агар «Ёввойи пальмалар» романида муҳаббат тарихи тилга олинган бўлса, «Туш, Моисей» – етти ўзаро боғлиқ ҳикоядан иборат тўпламдир. Уни кўпинча роман деб аташади. У.Фолкнер ўзининг «Ёввойи пальмалар» романидаги кўп такрорлайдиган **«Мен қайғу билан ҳеч нарса ўртасида танлов қилар эканман, қайғуни танлайман»** жумласида Америка энг йирик ёзувчиси ҳаётининг формуласи мужассамлашган, деб айтиш мумкин.

Ушбу йилларда ёзувчи вақтининг асосий қисмини Голливудда ўтказган. Тирикчилик учун пул топиш мақсадида у «Метро – Голдвин – Мейер» компанияси учун сценарийлар ёзган. У.Фолкнер

«Шухрат сари йўл» («The Road to Glory», 1936), «Гунга Дин» («Gunga Din», 1939), «Эга бўлмоқ ва эга бўлмаслик» («The Have and Have not», 1945), «Мангу уйқу» («The Big Sleep», 1946) каби машхур фильмларнинг сценарийларини битган.

АҚШда Тинч океани соҳилининг Лос-Анжелес яқинида қад ростлаган Голливуд нима эканлигини ҳамма билади. Бу харитадаги кичик шаҳарчагина эмас, балки миллий ривоятнинг таркибий қисмидир. Голливуд чексиз имкониятлар, мислсиз муваффақиятлар, яшин тезлигидаги шуҳрат рамзидир. Аммо У.Фолкнер Голливуд учун «бегона» эди. Бу ердаги муҳитдан, уйини соғинишдан азоб чеккан У.Фолкнер сценарийлар ёзишдан бўш вақтини кўпинча майхоналарда ўтказган, шу сабабли алкоголизмдан даволанишига ҳам тўғри келган.

1942 йилда У.Фолкнер энг машхур, жаҳон адабиёти хазинасини бойитган «**Айиқ**» («The Bear») қиссасини ёзган.

...Ҳар йилнинг ноябрь ойида бир гуруҳ эркаклар ўрмон хўжайини ҳисобланган афсонавий қари айиқ овига йўл олади. Рўй бераётган воқеалар ўспирин нигоҳи билан тасвирланади, унинг табиат билан тил топишга ҳаракат қилиши, ўрмон билан яккама-якка учрашишига тайёргарлик кўришининг бетакрор лавҳалари гавдаланади. Бундай учрашувда Ўрмон элчиси – ўша қари айиқ бўлади.

Ушбу қисса У.Фолкнернинг услуби ва фалсафий тамойилларини яққол ифода этган. Асарда асосий ўринни одамлар, ёввойи ҳайвонлар эмас, балки Ўрмон эгаллайди. У – Бош қаҳрамон, барча ҳақиқат ва абадийликнинг Одам Атосидир.

У.Фолкнер бизни гўё ўрмон ичкарасига чорлаётгандек туюлади. Китобхон овчилар одимларини, изқувар итларнинг ҳуришини, туёқлар овозини

эштади, улар босган издан отилаётган тупроқни кўради. Қари Бен эса ўлгандан сўнг ҳам тирик афсонадир. Бу буюк айиқнинг ўлиши ҳам кутилган, ҳам тасодифийдир. Лекин бу жуда сокин, тинч, ўз соати ва ўз муддатида рўй берди. Афсона эса ўлмаган, балки худди поезд тонгнинг оқиш булути орасида узоқлашаётгандек шунчаки нарироққа сурилган.

Асардан табиат билан баҳслашма, уни бўйсундиришга уринма деган нақл анланади. Овчилар бунга ҳаракат қилишмаган. Ўрмон ва унинг фарзандлари қисса қаҳрамони Айкни инсон сифатида вояга етказди. Ҳолбуки, китобхон бу қаҳрамон тўғрисида кўп нарса билмайди: унинг алоҳида қизиқишлари, ўйлари, мойилликларидан хабардор эмас. Аслида бунинг кераги ҳам йўқ. Айзек қалбининг асосий қисмини Ўрмон эгаллаганининг ўзи кифоя. Асардаги Сэм Фазерс, Йўлбарс ёки Қари Бен – буларнинг ҳаммаси ўз ўйинини олиб бораётган Ўрмоннинг бир қисмидир. Кимлардир ов қилади – сен қочасан. Буларнинг ҳаммаси рисоладагидек, шу ўйин доирасида, ҳаёт доирасидаги ҳаётдир. Тасвирланган милтиқ, итлар, хачир, отлар ўз ҳолича, ҳеч ким ҳеч кимга ўз-ўзидан тегмайди, улар ҳатто қадрдонлардек бирга яшайди.

«Айиқ»да инсоннинг табиат билан ўзаро муносабатларидаги руҳий ҳолати очиб берилган, она табиатнинг замонавий механизациялашган цивилизация босими остида қандай ҳалок бўлаётганлиги чуқур изтироб билан тасвирланган.

«Бу асар рамзнийдир, – деган эди У.Фолкнер. – Бу фақат бола тўғрисидагина эмас, балки замин, дунё билан баҳслашиш учун вояга етадиган ҳар бир инсон мавжудоти ҳақидаги воқеадир. Айиқ ваҳшийлик тимсоли эмас, балки қариш жараёнидир... Бола бу айиқдан айиқлар тўғрисида

эмас, балки дунё, инсон, матонат, раҳмдиллик, масъулият ҳақидаги нарсаларни билиб олади».

Адиб «**Майитни булғаш**» («Intender in the Dust», 1948) романида ирқий муносабатлар муаммоси тўғрисида ўзининг аниқ ва етук фикрини билдирган.

У.Фолкнерга «**Ҳозирги давр Америка романни ривожлантиришга салмоқли ва бадний жиҳатдан ноёб ҳисса қўшганлиги учун**» 1949 йилда Нобель мукофоти берилган.

Ёзувчи ўзига бу юксак мукофот берилиши маросимида сўзлаган нутқида инсоният муаммолари ҳамда ижодкорнинг бурчи ва масъулияти тўғрисида шундай деган: «**Ядровий йўқ қилиш хавфи олдида бугун асарлар битаётган ёзувчилар ёш эркак ёки ёш аёл муҳаббати муаммоларини, изтиробли қалбларни ёддан чиқарди. Мен инсоннинг ҳалокатга учраши тўғрисидаги фикрни рад этаман. Инсон фақат матонатли бўлганлиги учун мангу барҳаёт бўлишини айтиш осон; энг сўнгги қизғиш ва ўлаётган оқшом шуълаларида ёлғиз қад ростлаб турган, энди керак бўлмаган охирги баландликда ҳам яна бир лаънат эшитилади – ҳатто яна бир тебраниш – унинг ожиз ўзгармас овози тебраниши қолади. Мен инсон йўқ бўлиб кетишига ишонишдан воз кечаман... Мен одам фақат ҳамма уқубатларга чидабгина қолмасдан, балки ғалаба қозонишига ишонаман... Бу ҳақда ёзиш ёзувчининг, шоирнинг бурчидир. Инсоннинг руҳини кўтариб, унинг ёдига матонат, шон-шараф, ғурур, ачиниш, раҳмдиллик, қурбонлар – ўтмишда унинг шухрати бўлган ҳамма нарсаларни ёдига солиб, руҳини кўтариш – ёзувчининг фахрий вазифасидир. Шоирнинг сўзи инсон ишларининг шунчаки қоғозга туширилган ёзувлари бўлмаслиги керак**

- у инсонга курашиш ва ғалаба қозониш учун ёрдам берадиган мустаҳкам таянч бўлиши зарур... Инсон фақат инсоният овози ҳеч қачон ўчмаслиги учун эмас, балки инсон ўз характери, қалби бўйича қайғуриш, қурбонликка тайёрлиги ва матонатлиги учун мангу барҳаётдир».

У. Фолкнерга Нобель мукофотининг берилиши хусусида зиддиятли фикрлар билдирилган. «Уни реакционер деб аташади, – деди ўз нутқида Швеция академиясининг аъзоси Густаф Хельстрём У.Фолкнернинг Америка Жанубидаги нафрат ва зўравонлик мавзуларига ҳаддан ташқари қизиқишини назарда тутган ҳолда. – Агар шундай бўлган ҳолда ҳам У.Фолкнернинг нафрати айбдорлик ҳисси билан мутаносиблашади. **Унингдек адолат ва инсонпарварлик ҳиссига эга бўлган ёзувчи учун нафрат ётдир. Шунинг учун ҳам унинг Йокнапатофаси унверсалдир».**

У.Фолкнер узоқ вақт давомида адабиётда «Америка орзуси»ни тасвирлар экан, руҳ оқсуяқларининг қатор авлодлари – Сарторислар, Компсонлар, Маккалемларни гавдалангирди. Кейинчалик ёзувчи бундай зодагон уруғлар ва оилаларнинг тушкунлигини кўрсатган. Улар ўрнини принципсиз Флем Сноупс эгаллаган. Сноупслар оиласи тўғрисидаги трилогиянинг биринчиси – «**Қишлоқча**» 1940 йилда пайдо бўлган, кейин «**Шаҳар**» («The Town», 1957), «**Иморат**» («The Mansion», 1959) ёзилган.

Гурусиз ва виждонсиз, принципсиз ва эътиқодсиз, инсоний ҳиссиётларсиз ва ожизликни билмайдиган, айёр, уддабурон, ўзини ўраб турган дунёда пулдан бошқа ҳеч нарса қадрланмаслигини аниқ тушунадиган Флем Сноупс У.Фолкнернинг бошқа қаҳрамонларидан фарқли равишда, инсоний қадриятлар ўрнини чайқовчилик ва совуқ ҳисоб-китоб алмаштирган замонавий Америка жамияти учун энг

мослашган шахс бўлиб чиқади. Шунга қарамасдан, Ф.Сноупснинг жамиятда мавқеи ортиб боришига анъанавий қадриятларни ҳимоя қиладиган маҳаллий кексаларнинг авлодлари бўлган ўртаҳол буржуйлар ғалабаси чек қўяди.

У.Фолкнер Пулитцер мукофотига сазовор бўлган сўнгги **«Ўғрилар»** («The Reivers», 1962) романи нашр этилгандан биров кейин отда сайр қилиб юрганда йиқилиб тушади. Шундан уч ҳафта ўтгач, 1962 йил 6 июлда у Миссисипи штатининг Байхелиадаги санаториясида вафот қилган.

У.Фолкнер сал бўлмаса, модернчи адабиётчилар қаторидан ўрин оларди, лекин унинг ижодида анъанавийлик устун турган.

Бу ёзувчига Америка адабий заминига Европанинг Ўрта асрлар сагасини олиб кирган ижодкор сифатида баҳо беришади. Унинг ижодига буюк америкаликлар – **Эдгар По** ўзининг даҳшатли манзараларини моҳирона тасвирлаши ва **Марк Твен** юмори билан катта таъсир кўрсатган.

У.Фолкнер ижодининг энг ўзига хос ва буюк белгилари сифатида инсоний эҳтирослар, турмушнинг «шовқни ва қаҳри»ни кўрсатишади. У тарихни, энг аввало, Америка Жануби тарихини ёритишга жуда ўзига хос тарзда ёндошган. Шу билан бирга, ёзувчи одатий воқеликдан ҳаммабоп умуминсоний ҳаёт моделларини яратиш юксак маҳоратига эга бўлган.

Биринчи жаҳон уруши У.Фолкнерни сал бўлмаса **«йўқотилган авлод»** вакили қилиб қўйган. Унинг илк асарларида бевосита уруш қаҳрамонлар эҳтиросларини уйғотган.

Зодагон Сарторислар уруғининг икки вакили – ака-ука Жон ва Баярд урушга кўнгилилар сифатида йўл олишади, учувчи бўлишади. Жон ҳаво

жангида ҳалок бўлади. Тирик қолган Баярд акасининг ҳалок бўлишида ўзини айбдор ҳис этади ва қадрдон шахрига қайтиб келгач, фақат ўзининг ўлимини тезлаштириш билан шуғулланаётганга ўхшайди. Унинг автомобилни учуриб қайдаши шаҳарликларни ваҳимага солган. Фақат бобоси, қария Баярд гўё неварасининг бундай жинниликларини рағбатлантираётгандек бўлади, ўзи ҳам бундай автомобиль пойгаларида иштирок этади. Авваллари кекса Баярд автомобилни тан олмаган ва банкдаги ишига отда борган. Энди эса худди автомобиль жонига текканидек, неварасининг машинасида вафот этади.

Кенжа Баярд уйдан қочиб кетади, яна самолётларни синаш билан шуғулланади, осмонга бузуқ самолётда кўтарилиб, ҳалокатга учрайди.

Сарторисларнинг бундай телбаликларидан, айнқиқса, аёллар жафо чеккан. Аммо улардан бири – Женни хола ўтган даврлар, Сарторисларнинг фуқаролар уруши йилларидаги жасоратларини эъзоз билан ёдга олади. Баярднинг беваси ўғил кўрганда эса унга ҳам Баярд деб ном беришади.

У.Фолкнер адабиётда «Америка орзуси»ни тасвирлашда Жануб тарихи ва анъаналарига, руҳ зодагонлари – Сарторис, Компсон, Маккалемлар авлодлари етишиб чиққан алоҳида патриархал муҳитга таянади. Кейинчалик ёзувчи «**Қишлоқча**» ва бошқа романларида Америка Жануби инқирозини сноупсизм – очкўзлик, эътиқодсизлик, ўч олишга интилиш билан боғлаган.

Ёзувчи худди фуқаролар уруши ҳамда Шимол ва Жануб ўртасида ажралиш юз берган тарих билан боғлиқ Америка тарихига ўз даъволарини билдиради. Бироқ унинг адиб сифатидаги қарашлари тарихий ва ижтимоий чизмаларга қараганда анчагина

кенгроқдир. Унинг ижоди ўзининг серқирралиги билан ҳайратга солади.

У.Фолкнернинг энг оддий, «шаффоф» ва, эҳтимол, бадий жихатдан мукамал асари – **«Август ёгдуси»** романи ҳисобланади. Бу ҳомиладор етим қиз Линанинг уни қармоғига илинтирган эркакни қидириб, бу кимсани Жефферсонда топганлиги тўғрисида эҳтиросли ва шафқатсиз ҳикоядир.

У.Фолкнернинг бошқа романлари шу қадар мураккабки, уларда ҳикоя қилинган воқеаларнинг туб моҳиятига етиш учун махсус иловалар – саналар жадваллари, сулоалар ва ҳоказолар талаб этилади. Унинг **«Шовқин ва қаҳр» романи** худди шундайдир. Унда ёзувчи асардаги тўрт қаҳрамонга мансуб тўрт «онг оқими»ни гоят новаторлик билан ифода этган. Айниқса, ўттиз уч ёшли, лекин уч яшар боладек фикр юритадиган телбасимон Бенжининг ички монологи китобхонларда катта таассурот қолдиради.

Ёзувчининг насрга энг машҳур «илова»си – Йокнапатофа округининг харитасидир. АҚШнинг жўрофий харитасида бундай ҳудуд мавжуд эмас. У.Фолкнер уни ўзи ўйлаб топган, «почта маркаси катталиги»даги бу маконга аҳолини жойлаштирган. Яъни бу Миссисипи штатидаги Йокнапатофа округи бўлиб, пойтахти – Жефферсон. Округнинг майдони, Фолкнер харитада ўз қўли билан ёзиб қўйганидек, 2400 квадрат милни ташкил этади. Аҳолиси – 15611 киши, асосан савдогарлар, ҳунармандлар, адвокатлар, фермерлар, ўрмон кесувчилар, қора танлилардан иборат. Ёзувчи Йокнапатофада яшайдиган ҳар бир кишини шахсан танийди, уларнинг ҳар бири тўғрисида қисқа ёки узоқ ҳикоя қилиб бериши мумкин. Шунинг учун унинг тасавурида яратилган Йокнапатофа асосий асарларида воқеалар рўй берадиган жойдир.

У.Фолкнернинг ижодий даҳолиги фақат тасаввурининг кучи, эҳтиросларни баён этишдаги маҳоратидагина эмас, балки унинг асарлари фолкнерча инсонпарварлик ғояси билан суғорилганидир. Бу – айрим одамлар, умуман бутун цивилизация даврида йўл қўйилган хатолар ва гуноҳларга қарамасдан, инсонларга муҳаббат, инсониятга ишончдир. У.Фолкнер ўзига Нобель мукофоти топширилишининг тантанали маросимида сўзлаган нутқида худди шу ҳақда гапирган.

Шуниси ажабланарлики, бу адибнинг ватани – АҚШда У.Фолкнернинг машҳурлиги, асарларига бўлган қизиқиш Европадаги каби эмас эди. Унга тақлид қилувчилар эса Америкада ҳам, Европада ҳам у қадар кўп бўлмаган. Эҳтимол, бу айрим йўналишларда У.Фолкнердан устун бўлиш – тасаввур қилиб бўлмайдиган иш эканлиги билан изоҳланади.

У Фолкнернинг адабий шуҳрати вафотидан сўнг ҳам муттасил ортиб бормоқда. **Майкл Миллгитт**нинг таърифича «унинг китобларидаги антиқа композициялар ва образлар моделларини таҳлил қилган танқидчилар услубнинг пухта ўйланганлиги роман материаллари билан, уларнинг маънавий ва ҳиссий сабаблари билан узвий боғлиқ деган хулосага келадилар».

«У.Фолкнер Миссисипининг сарҳадсиз маданий саҳросида ёлғизликда ишлаб, – деб ёзган америкалик ёзувчи ва танқидчи **Жон Олдриж**, – ўз ақли учун воҳа ва ўз ижоди учун боғ ярата олди. Ёзувчи бу боғни шу қадар меҳр билан парвариш қилдики, у бугунги кунда ҳам бутун инсоният дунёсидаги мамнун одамлар тасаввурини озиқлантиришни давом эттирмоқда».

У.Фолкнернинг бутун ижоди, энг яхши романлари ва ҳикоялари китобхонни ҳаётгий ҳақиқат кўзига

тик қарашга ўргатади, энг юксак инсонпарварлик, маънавий тамойилларга жавоб беради. Адиб ёзувчининг бурчини «инсон қалбини мустақкамлаб, унинг ёдига инсоннинг адабий шуҳратини ташкил этадиган мардлик, умид, ғурур, раҳмдиллик, фидойиликни солиб, инсонлигини сақлаб қолишга ёрдам бериш»да деб билган.

А.Х.САИДОВ,
профессор

АЙИҚ

*Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист
Эркин Эрназаров таржимаси*

I

Энди ит ҳам, одам ҳам айиқдек эди. Йиртқичлар – Қари Бенни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, иккита, одамлар ҳам – томирларида индеецлар, бироқ Сэмдагидек қабила бошлиқлариники каби бўлмаган қони оқаётган Бун Хоггенбекни қўшиб ҳисоблаганда, иккита эди, фақат Сэм Фазерс, Қари Бен ва Шер лақабли насли чатишган ит бенуқсон ва беиллат эди.

Бола ўн олти ёшда эди. Етти йилки у катталар билан овга борарди. Етти йилки ғоят мароқли суҳбатга қулоқ тутарди. Гурунг сокин, савдогарлар қалъаларидан ҳам кўҳнароқ туюлар ва аҳамиятли кечарди. Даврада ўрмоннинг бир қисмига эгалик қиламан деган ожиз фикрда (майор де Спейн Сатпендан сотиб олган бир парча жой неча асрли ўрмонларга тенглаша олармиди, қария Томас Сатпен ёки ҳатто унга бу бир парча жойни сотган Чикесо қабиласи йўлбошчиси Иккемотубба қадимий ўрмонлар билан баҳслаша олармиди, ҳолбуки буларнинг учаласи ҳам ўрмон олди-сотди моли бўла олмаслигини билишарди) битимга имзо чеккан оқ танли плантация соҳиби, ундан бу сохта эгалик қилиш ҳуқуқини сотиб олган, бешафқат, нияти бузуқ ҳинду бўлса ҳам гап ўрмонга бориб тақалар-

ди. Суҳбат одамлар: оқ, қора ёки қизил танлилар ҳақида эмас, балки матонатли ва сабри, бардошли ва иродали, ўрмон чорлаган, ўз бағридан жой топиб берган аъло, тенги топилмайдиган, қадимий ва қатъий қоидалари раҳм-шафқатни тан олмайдиган овчилар, олишишлар, мурасасиз ўтадиган ўйинлар, итлар, айиқлар, буғулар хусусида бўларди. Гурунгни бирон нарса билан таққослаб бўлмасди: у овдан эсдалик сифатида терилар ва шохлар, филофланган милтиқлар осикдик шаҳар уйларидаги хоналарда ёки плантация идораларида эмас, балки ҳали гўшти совуманган ўлжа илиб қўйилган уйчада, ўтин ёнаётган ўчоқ атрофида кечарди. Овчилар уйча ва ўчоқ бўлмаса, брезент чодирлар ёнида, бурқсираб ёнаётган гулхан атрофида чордана қуриб, бамайлихотир овга якун яшашарди. Даврада, албатта, май бўларди, болага шишадаги қўнғиртус ичкилик барча матонат, ақл, чапдастлик ва укувнинг энг тотли ва ёрқин лаҳзаларини қориштиргандек туюларди, у овчилар оқизган қонни эмас, балки бу шаробдан тотиб кўришга чорлаётгандек бўларди. Бу ичкилик гўё жиловсиз ва боқий руҳ шарбати эди, овчилар уни мажусийларнинг пасткаш ва беҳуда умидларидан фарқли ўлароқ абжирлик, кучлилик ва чаққонлик фазилатлари шарафига қултумлаб, итоаткорона ичишарди. Ҳамма нарса ўша ичкилик – вискидан бошланди, табиийки, бошқача бўлиши мумкин эмасди – декабрнинг ўша тонгида болага шундай туюлганди.

Кейинчалик бола бу анча олдинроқ бошланганлигини уқди. Ҳа, бу ёши илк бор иккита рақамда ёзилдиган бўлган ва амакиваччаси Маккаслин унинг сабри ва чидами етса, ўрмондан овчи мансаби ва унвонини хизмат кўрсатиб қўлга киритиш навбати келганлигини айтган, уни ўзи билан биринчи марта лагерга, ўрмон хилватига олиб келган кунда бошлан-

ганди. У ҳали ўз кўзи билан кўрмаган, товони қопқон билан мажақланган, одам сингари ўз номига эга қари айиқни гўё меросдек қабул қилиб олди. Қари айиқнинг шуҳрати атрофдаги ўнлаб миля¹ га ёйилган, вайрон ва шип-шийдон қилинган омборлар, ўрмонга судраб кетилиб, паққос туширилган чўчқа болалари, чўчқалар, бузоқлар, ҳар томонга қўйилган тузоқлар ва қопқонлар, тилка-пора қилинган итлар, деярли рўбарўдан узилган, унга эса атиги болакайнинг найчасидан пуфлаб отилган нўхотдек таъсир қилган питра ва ҳатто ўқлар хусусида офиздан-офизга ўтиб келаётган қисса узундан-узоқ эди; паҳмоқ паҳлавон бу мажақлаш ва босқинчилик йўлидан бола дунёга келишидан анча илгари ҳамма нарсани янчиб бораётганди, аниқроғи шафқатсиз муқаррарлик билан локомотивдек бостириб кетаётганди. Айиқ кўпдан бери боланинг хаёлини эгаллаганди. Бола ҳали болта тегмаган, айиқ икки бармоқли изи муҳрини қолдирадиган хилватда бирор марта бўлмаганди; аммо паҳмоқ, баҳайбат, йиртқичсифат эмас, балки кўзлари улкан, қонталаш айиқ тушларида гавдаланар, гўё тепасида турарди: у ўзи гиж-гижлатадиган итлар, уни қувиб етиш учун едириладиган отлар, овчилар ва ўзига қарата отиладиган ўқлар учун баҳайбат, уни бағрига олган хилват учун ҳам улкан кўринарди. Бола ҳали туйғуси ақли бовар қилишга ожиз нарсани тасаввур қилаётгандек бўларди: йўқ қилинишга ҳукм қилинган хилват – унинг хилват эканлигининг ўзидан даҳшатга тушадиган одамлар омочлари ва болталари билан бетўхтов чеккаларини қиртишлардилар; ўрмонда тасодифан пайдо бўлган ваҳшийдек изғиб юрган эмас, бас келиб, хонакилаштириб

¹ Миля – масофа бирлиги, 1,852 километрга тенг (таржимон изоҳлари).

бўлмайдиган, ўтмиш ва ўлик вақт алмисоқидек, кўҳна ибтидоий ҳаётнинг рамзи, қотишмаси, энг юксак чўққисидек ўз номига сазовор қари айиқ атрофида эса мудраётган фил панжаси ёнидаги миттилар – сон-саноқсиз одамлар қутурган ҳолда жирканч ва қўрқувда болталарини силкитардилар; қари айиқ тизгинлаб бўлмайдиган ва сўққабошдек, бева, фарзандсиз ва ўлим ҳукми ўтмайдигандек, маликасини йўқотган ва ўз болаларидан узоқроқ яшаётган қария Приам²дек кўринарди.

Ўшанда бола ов учун ёшлик қиларди, уч йил, кейин икки, сўнг бир йил кутиш қолганди, у ҳар ноябрда Катта Пастликка, катта ўрмонга итлар, тўшаклар, милтиқлар, амакиваччаси Маккаслини ва Теннин Жимни (Теннин Жим – собиқ қул, негр Тенниннинг ўғли; кўпинча қул номига фамилияси ўрнига «Теннин» ва шу кабиларни қўшиб қўйишарди), ва Сэм лагерга умрбод кўчиб ўтмагунча Сэм Фазерсни олиб кетаётган извошни нигоҳи билан кузатиб қоларди. Болага улар буғуларни ва айиқларни ўлжа олиш, ов қилиш учун эмас, балки ўлдиришни мўлжаллашмаган қари айиқ билан ҳар йилги учрашувга кетаётганларидек туюларди. Икки ҳафтадан кейин улар ўлжаларсиз, териларсиз қайтиб келарди. У ўлжаларга умидвор эмасди ҳам. Лекин бу сафар извошда бошқа каллалар ва терилар орасида қари айиқ ҳам бўлишидан хавфсирарди. У ҳатто ўзига «мана, уч йил, икки йил ўтади, ўзи ҳам овга йўл олади, ва, эҳтимол, унинг милтиғи бошқаларга қараганда мўлжални аниқроқ олади», деб ҳам айтмасди. У ўрмонда овчи бўлишга муносиблигини тасдиқлагач, панжасиз из ортидан

² Приам – кўҳна юнон ривоятларининг қаҳрамони, Троянинг олтинчи, сўнгги подшоси, беҳисоб фарзандларга эгалиги билан машҳур.

боришга изн олиши ва ҳатто ўшанда ҳам ноябрнинг икки ҳафтаси давомида у амакиваччаси, майор де Спейн, генерал Компсон, Уолтер Юэлл, Бун каби, айиққа бас келишга дов бермайдиган итлар каби, ҳатто унинг қонини оқизишга ярамайдиган питра ва милтиқлар каби – атиги боқий ва қаҳрли қари айиқ шарафига ҳар йилги анъанавий байрамнинг оддий иштирокчиси бўлишни орзуларди.

Ниҳоят унинг куни келди. У майор де Спейн, генерал Компсон ва амакиваччаси билан бирга жой олган извошда ноябрнинг шивалаб ёғаётган музли ёмғирининг пардасидан ўрмонни кўрди; кейинчалик ўрмон ҳамиша ноябрдагидек хотирланар, ўлакса палланинг хира томчилари узра баланд ҳадсиз девордек саф тортган, қовоғини уйган хилват дарахтлар тасвири гавдаланар ва извошда ўтирган жойида қаерда, қайси жойда ичкарига кириш мумкинлигини фарқлай олмасди, ҳолбуки, уларни Сэм Фазерс извоши билан кутаётганлигини биларди – улар эса ҳамон ўрмонга туташ, унинг мудроқ биқинидан узиб олинган сўнгги ямоқ дала-лардаги яланғоч, ғужмайган ғўза ва макка поялари ёқалаб боришарди, бепоён кенгликлар манзарасида кулгили даражадаги мўъжаз извош гўё умуман силжимаётгандек туюларди – у худди океаннинг соҳилсиз яйдоқ қўйнидаги қайиқчанинг бир жойда паст-баландга чайқалиб туришига ўхшаб кетарди (бу ўхшатиш анча кейин, кўп йиллар ўтгач, у катта ёшдалигида денгизга борганида пайдо бўлганди).

Сузиб келишди. Сабр билан кутаётган хачирлардан буғ ўрмаларди, извошкаш ўриндигида жулни ёмғирпўш қилган Сэм ўтирарди. Боланинг шогирдлиги қуёнлар ва бошқа чурвақа жонзотлардан бошланганида ёнида Сэм бўлганди; уни бағрига олган ва шу заҳотиёқ яна сафларини жуфтлаштирган

ҳақиқий ўрмонга итоаткор бўлиб қадам қўяётган ҳозирги вақтда ҳам ёнидаги нам, иссиқ, негр иси келиб турган қавилган жул остида эди. Ўрмонзор чекинарди ва сафларини жуфтларди, бу йўл ҳам, сўқмоқ ҳам эмасди, балки извошдан ўн қадам олдинда очилаётган, орқаларида ўн қадамдан кейин ёпилаётган сирпанчиқ ёруғлик эди, шунинг учун улар хачирлар қўшилган извошда кетаётгандек эмасди, балки уйқудаги, хилват, қоронғу, сидирға, оқар муҳит ўзларини тисартирилайётган, итқитаётгандек эди.

У тасавурида ўн ёшида қайтадан туғилаётгандек эди, аммо ажабланмаётганди. Буларнинг ҳаммаси фақат тушидагина эмас, ўнгида ҳам гавдаланганди. Лагерга келишди, у бўялмаган, олти хонали, кузги селлар хавфи сабаб қозик оёқларга кўтарилган бир қаватли уйни таниди. Шошилиб жойлашишга тушишди ва у хоналарни саранжомлашга ёрдамлашарди, ҳозир қўллари қандай ҳаракат қилаётган бўлса, олдиндан шундай тасаввур этарди. Кейин ярим ой давомида ов қилишни ошпазликдан муҳимроқ ҳисоблаганлар томонидан апил-тапил тайёрланган жўнгина эркаклар емаклари – бўлакланган нордон нон ва буғу, айиқ, курка, ёнот гўштини – бундай гўштни у умрида татимаганди – тановул қиларди; у ҳам овчилардек чойшабсиз, дағал тўшакда ухларди. Ҳар бир кулранг тонг уни Сэм Фазерс билан бирга ўрада қаршиларди. Унга энг ночор, бошқаларникига қараганда энг ўнғайсиз жой ажратишди. У бунга тайёр эди ва ўзининг биринчи овида из қуваётган итлар овозини эшитишга умид ҳам қилмасди. Аммо эшитди. Бу учинчи тонгда рўй берди – қаердандир илғаб бўлмас сас келди, у аввал ҳеч қачон итлар галаси йиртқични қувишини кўрмаган бўлса ҳам буни анг-

лай олди. Шовқин кучайди, сасларга бўлинди ва у гала увиллашида Маккаслиннинг беш ити овозини ажрата олди.

– Энди, – деди Сэм, – милтиқни хиёл тепага кўтар, тепкини тўғрила ва қимир этмай тур.

Лекин бу сафар ҳали унга изн берилмаганди. У итоаткор бўлишга ўрганиб қолганди. Сабр қилишга ҳам одатланди. Ахир бу биринчи ҳафта-ку, ёши ҳам энди ўнда. Лаҳза учди-кетди. Унга чакалакзорда бойиб бўлаётган шохдор кўрингандек бўлди, тутун орасидан бир зумгина чўзиқ ҳуриш ҳам тинди, ложувард сукут эса ҳали жарангларди: олисдаги тунд ўрмонда, кулранг ёмғирга чўмилган тонгда икки ўқ овози эшитилди.

– Энди тепкини қўйиб юбор, – деди Сэм.

У бўйсунди.

– Сен қувиш шу ердан ўтишини билармидинг?

– Ҳа, – жавоб берди Сэм. – Мен сени ўқ уза олмай қолган бўлсанг, қандай иш тутиш кераклигига ўргатяпман. Йиртқич ўтиб кетди, тепки эса туширилмаган, мана шундай вақтларда одамлар ва итлар ҳалок бўлади.

– Барибир бу у эмасди, – деди бола. – Ҳатто бошқа айиқ ҳам эмас. Атиги буғу холос.

– Ҳа, – деди Сэм, – атиги буғу холос.

Иккинчи ҳафта тонгларидан бирида қулоғига яна гала шовқини эшитилди. Бу гал ўлжа ортидан қувиш аввалгисидан йироқроқда бўлса ҳам у дарҳол, эслатишмасидан, ўзининг катталарга мўлжалланган, бесўнақай узун ва зил-замбил милтиғини шай қилди. Итларнинг ҳуриши зўр-базўр ва бошқача эшитиларди. «Тепкини тўғрила, атроф яхши кўринадиган жойни эгалла ва тек тур» – Сэм шундай ўргатганди, у эса бирдан жойидан силжиди.

– Эшитяпсанми? – сўради Сэм.

Боланинг вужуди қулоққа айланди: бу янги из олган галанинг шиддатли қувиши жаранги эмасди, балки одатийдан бир парда юқори қий-чувли акиллаш бўлиб, унда қатъиятсизлик ёки ҳатто назарга илмасликка қараганда ҳам қандайдир аччиқ, ҳозирча унинг учун тушунарли бўлмаган бир нарса бор эди; ҳуриш овозлари оҳиста узоқлашарди; узоқ вақт ҳавода ингичка, деярли одамлардек ҳўнграш, таҳқирли, қайғули оҳанг муаллақ қолганди, из қувиш шиддати англонамасди, елиб бораётган, буф кўтарилаётган тана тасаввур этилмасди.

Сэм ёнида тез ва бир меъёрда нафас оларди. Бола қария ҳавони ичга ютаётганда бурни букчайиб, кенгаяётганини илғади.

– Бу Қария Бен! – шивирлаганча ҳайқирди бола.

Сэм қимирламасди, фақат бошини из қувиш овози келаётган томон бурар, бурни эса ожиз титрарди.

– Қара-я! – деди Сэм. – Ҳатто қочмаяпти. Шунчаки узоқлашмоқда.

– Аммо нимага келган?! – хитоб қилди бола. – Бу ерда унга нима керак?

– У ҳар йили пайдо бўлади, – деди Сэм. – Бир маротаба, кўп эмас. Эш билан Бун «у айикчаларга пўписа қилгани келади», деб ўйлашади. Яъни, бу ердан туёфингизни шиқиллатинг, овчилар кетсин – кейин қайтасиз. Эҳтимол, шундайдир.

Энди боланинг қулоғига ҳеч нарса кирмаётганди, Сэм эса юзини аста-секин ундан буриб, овоз келаётган томонга қаратганди. Лекин, мана бу қадрдон, савлатли, кулмаган пайтларда тунд кўринадиган башара яна ўзи томон ўгирилди ва нигоҳи ўша таниш кўзлар билан тўқнашди, лекин улар ҳозир тобора сўниб бораётган бўлса ҳам аввалгидек даҳшат уйғотадиган, мағрур, оловдек алангаланган қора кўзлар эди.

Фақат энди унинг бошқа нарсалар: одамлар, итлар, айиқлар билан ҳам иши йўқ. У ҳозир лагерда ким борлиги, янги келганлар отишни билишармикин, уларнинг сабри қанчага етаркин – шуни билмоқ учун келган. Ундан ҳуркиб кетмайдиган ва овчилар етиб келгунига қадар ўлжани қочирмай тура оладиган ит топилармикин? Бу ерда у бош. Йўлбошчи.

Чақнаётган ўт сўнди, кўзлар одатий, ҳамма вақтдагидек бўлиб қолди.

– У итлар дарёгача изидан боришларига сабр қилади. Ўша ердан уйларига қайтариб юборади. Юр, биз ҳам борайлик, итлар қай ҳолда қайтишганини кўрасан.

Итлар лагерга келишган ва ошхона ҳужраси қозиклари атрофида бекинишган, ўнолов бўлиб тўпланишганди. Бола Сэм ёнида чўккалаб, итларнинг кўз қорачиқлари ялтираётган ва сассиз айланаётган зимистонликка боқди. Яна ўзига номаълум руҳни, итдан анчайин йирик ва кучлироқ бирор нарса борлигини, шунчаки йиртқичники бўлмаган ҳидни туйди. Чунки илгариги шармандали, изтиробли акиллашда йиртқич ҳис этилмас, фақат хилват ўрмон сезиларди. Ўн биринчи изқувар ит, моча кечга яқин қайтди, бола Теннин Жим билан бирга итоаткор, ҳали ҳам титраётган итни ушлаб туришар, Сэм мочанинг йиртилган қулоғи ва тирналган ортига скипидар ва қатрон сурарди, болага эса итни тирик мавжудот яраламаган, балки ўрмоннинг ўзи бир сония эгилиб, журъати учун хиёл шапатилагандек туюларди.

– Худди одамдек, – деди Сэм. – Одамлардагидек эканликлари аниқ, чўзаверди, чўзаверди, ҳолбуки бундан кейин ҳам изқувар деб аталиши учун эртами-кеч, бирор марта жасурлик кўрсатиши керак-

лигини, олдиндан бу жасурлигининг оқибати нима бўлишини биларди.

Бола Сэм лагерда йўқлигини дарҳол пайқамади. Шундан кейин уч кун давомида уйғонар, нонушта қилар, аммо ҳеч ким уни кутиб турмасди. У Сэм-сиз ўрмондаги ўз жойига йўл олар, бир ўзи ўша ерга етиб борар ва Сэм ўргатгандек ўрнашарди. Учинчи тонгда у яна из олган итларнинг дадил ва жарангдор овозларини эшитди, рисоладагидек шайланди, аммо ўлжа изидан қувиш олисдан ўтди – ҳали унга эрта эди, аввал бошдан сабот ва итоаткорлик билан ўрмонга бахшида қилган узоқ ҳаёти билан таққослаганда жуда қисқа – ўзининг дастлабки икки ҳафтали муддатида ҳали бундан арзигулик нарсага даъво қилолмасди; у ўқ овозини эшитди, бу гал биргина ўқ узилди – Уолтер Юэллнинг бешотари гумбуллади. Эндиликда у фақат ҳамроҳ-сиз пистирма жойига бориб, лагерга қайтиб келиш-гагина қодир эмасди; амакиваччаси совға қилган компасдан фойдаланиб, Уолтернинг олдига, буғу думалатилган ва ичак-чавоқлар атрофида итлар уймалашаётган жойга отларини чоптириб келган майор де Спейн ва Теннин Жим ҳисобга олинмаса ҳаммадан аввал, қон ҳиди ва, айтишларича, айиқ руҳини ҳам писанд қилмайдиган, извошга қўшиладиган бир кўзли хачирни минган Эш тоғадан ҳам илгари келди.

Бир кўзли хачирдаги Эш тоға эмас экан. Етиб келган Сэм экан. Тушдан кейин бола бир кўзли хачирга минди, уни кутиб турган Сэм эса извошга қўшиладиган иккинчи хачирга ўтирди ва улар булутли, қош тез қораядиган паллада йўл у ёқда турсин, кўз илғайдиган сўқмоқ ҳам топилмайдиган ўрмондан уч соатдан кўпроқ вақт йўл босдилар ва бола ҳали бирор марта бўлмаган манзилга етиб

келдилар. Шу жойда бола нима учун Сэм уни қон ҳиди ва айиқ руҳидан қўрқмайдиган бир кўзли хачирга миндирганини тушунди. Иккинчи хачир бирдан ҳуркиб, шаталоқ отмоқчи бўлди, лекин Сэм бу вақтда ерга сакраб тушганди; хачир оёқ тираб олган, жиловни тортар, узмоқчи бўларди, Сэм эса уни тинчлантирар, олдинга тортар, судрарди – қантариш хавфли эди – бола ҳам ўзининг ювош хачиридан тушди. У сўниб бораётган қиш қунида, улкан хилват ўрмоннинг қуюқ ғира-ширасида Сэм ёнида туриб, панжаларда тирналиб, буткул титкилаб юборилган чирик тўнка, унинг атрофидаги нам тупроқда икки бармоқли баҳайбат товондан қолган қинғир изга индамай боқарди. Энди ўша тонгда изқувар итларнинг ҳуриши нимани англатиши ва улар ошхона атрофига тўдалашиб олганларида қандай ис таралгани маълум бўлди. Бола асрий ўрмон олдида ўзининг мўртлиги, ожизлигидан (лекин қўрқоқлиги, иккиланишидан эмас) инсоний бўлса ҳам бироз бошқачароқ қўмсаш, мутелик, камситишли ҳисни сезди; оғзи қўққисдан болтаъм сўлакка тўлди, қаердалигини – миядами, тепки остидами – аниқлаб бўлмайдиган бирор нарса кескин сиқди ва бу асосийси эмасди; асосийси – у буни илк бор туйганди; ўзига ақли ҳали пешланмасдан эшитган ҳикоялари, кўрган тушлари тинчлик бермай келаётган, демак амакиваччасига ҳам, майор де Спейнга ҳам ва ҳатто қария Компсонга ҳам бутун умрлари давомида тинчлик бермаётган йиртқич – бу тирик айиқ ва агар, улар ҳар ноябрда лагерга йўл олар эканлар, уни қувиб, қопқонга туширишга, айиқ умри боқий ҳисобланганлиги учун эмас, балки уни қувиш ҳозирча беҳуда эканлиги сабабли умид қилмасдилар.

– Демак, эртага, – деди бола.

– Яъни эртага уриниб кўрамиз, – деди Сэм. – Бизда ҳали ит йўқ.

– Бизда улар ўн битта, – деди у. – Улар айиқни душанбада қувишди.

– Сен қувишни эшитдинг, – деди Сэм. – Кейин итларни кўрдинг. Бизда ҳозирча ит йўқ. Биттаси ҳам етарди. Аммо бизда унақаси йўқ. Эҳтимол, бунақаси умуман йўқдир. Фақат битта илинж бор: унинг ўзи янглишиб, мўлжали хато кетишини ёқтирмайдиганга рўпара келиб қолса.

– Менга рўпара бўлмас, – деди бола. – Уолтерга ёки майорга ё ...

– Сенга ҳам тўғри келиши мумкин, – деди Сэм. – Сен эртага кўз-қулоқ бўлиб тур. Ахир у ақлли. Акс ҳолда шунча яшамасди. Агар уни қуршовга олишса ва унга қуршовни ёриб ўтиш керак бўлса, сени танлайди.

– Қандай қилиб? – деди бола. – У қаёқдан билди... – У сўзини тугалламади. – Сенинчга, у ҳозирданоқ мен бу жойда биринчи марта эканлигимни ва ҳали ўзимни синаб кўрмаганлигимни биладими...

У Сэмга бақрайиб қарар экан, бу сафар ҳам сўзини тугалламади ва энди тобелик билан, ҳайратланмасдан деди:

– Демак, у мени кўриш учун келган. Афтидан, унга бир қиё боқиш кифоя қилса керак.

– Эртага тайёр тур, – деди Сэм. – Энди лагерга қайтиш вақти келди. Шундай ҳам тунда етиб борамиз.

Эрталаб овчилар ўрмонга одатдагидан уч соат илгари йўл олдилар. Уларга ҳатто Эш тоға, ўзини фақат лагерь ошпази деб ҳисоблайдиган ва ўрмонга ов қилишга эмас, балки емак тайёрлашга борадиган майор де Спейннинг ошпази ҳам қўшилди; аммо ўрмонда шунчаки бўлишнинг ўзи кифоя қиларди;

болага ҳам бунинг нуқси юққанди ва ҳозир итнинг йиртилган қулоғи, елкаси, балчиқдаги панжасиз из барчада, шу жумладан атиги ярим ой олдин ўрмонга қадам босган болада ҳам ажиб туйғу уйғотаётганди. Яёв бориш учун манзил олис эди – шу сабабли бола ва Сэм билан Эш извошда, итлар билан ёнма-ён, Маккаслин, майор де Спейн, генерал Компсон, Бун, Уолтер ва Жим бир отга иккитадан мингашиб боришарди: болани яна ярим ой илгариги, биринчи кундаги каби ёриша бошлаган ложувард тонг ўрада қарши олди. Сэм уни жойлаштириб кетди, бола майор де Спейннинг мулки бўлган, ниҳоятда бесўнақай, биринчи кундаёқ қўндоқ тепишини синаш ва қайта ўқлашни ўрганиб олиш учун бир маротабагина тўнкага ўқ узган милтиқни отишга шайлаган ҳолда тик турарди. У торгина дарё ҳалқаси ёнидаги катта дарахтга орқа қилиб турарди; қорамтир кўлмак сув қўғалар орасидан сокин сизиб чиқар ва яна қамишзорга қайтиб кирарди, бу ерда кўринмаётган, негрлар Тангри Ноғорачиси деб номлашадиган улкан қизилиштон қуриган дарахтни тақиллатарди. Бу ер у ҳар тонг эгаллайдиган ўрнидан деярли фарқ қилмасди, атрофдаги манзара икки ҳафта давомида бироз кўниккани учун одатий кўринадди – аввалдагидек яйдоқ, ожиз ва юраксиз одам ўтган, лекин ҳеч нарсага тегинмаган, из ҳам, бирор белги ҳам қолдирмаган мудроқ хилват эди; у худди Сэм Фазерснинг қадимий, индеецлардан ҳам аввалги аждоди биринчи бор бу жойга яшириниб келган ва йўсинни ёки тош болтани тушириб қолиш, ё суяк учли ёй ўқини отишга тайёр ҳолда аланглаб турган пайтдагидек кўринадди; фарқи шунда эдики, энди бола жасурлик кўрсатган ва Сэм айтганидек, бундан буён ҳам изқувар деб атала олинадиган итлар пушиб ётган ошхона ҳидини туйган, итнинг тимдаланган

орти ва қулоғини, кеча эса чангаллар билан титилган тўнка ёнида тирик айиқнинг икки бармоқли товон изини кўрганди. Қувиш шовқини, ҳуриш ҳам, бошқа нарса ҳам эшитилмасди. Аммо қизилиштон бирдан тинчиб қолди ва бола айиқ шу ердалиги ва унга қараб турганини англай олди. У қаердадир атрофда, қўға ёки ўзининг орқасида, дарахтлар панасида. У қўлидаги қурол ҳозирги йиртқич учун ҳам, кейин бошқа овларда ҳам асқотмаслигини тушунган ҳолда бефойда милтиқни қўлида қисганича қотиб қолди ва оғзида ўшанда ошхона остидан тарқалган, бадбўй, мис таъмни туйди.

Айиқ кетди. Қизилиштоннинг тақиллатиши қандай тўхтаган бўлса, шундай дафъатан бошланди, бироз ўтгач, итлар акиллаши ҳам қулоққа чалингандай бўлди, базўр, тушунарсиз, дарҳол эмас, бир ёки икки дақиқадан сўнг анланган, афтидан аранг эшитилган ва дарҳол ўчган сурон қулоққа чалинди. Товуш олисдан келди, ўзи бу итларнинг ҳуришимиди? Агар итлар айиқни қувган бўлсалар ҳам бунисини эмас – бошқасини бўлса керак. Қамишзордан сув кечиб Сэм чиқди, унинг ортидан исковичдек изқувар ит эргашганди. Ит бола олдига келиб, титраган ҳолда оёғига суйкалди.

– Мен уни кўрмадим, Сэм, – деди бола. – Ҳа, кўролмадим.

– Биламан, – деди Сэм. – аммо у сени кўрди. Демак, шитирламадими?

– Йўқ, – деди у. – Мен...

– У ақли, – деди Сэм. – Ўта ақли...

Сэмнинг кўзлари яна қора ва таҳдидли ўт олди: у бола оёғига суйкалаётган ва аста, бетиним титраётган итга қараб турарди. Янги қон томчилари ит елкасида қизил маржонлардек осилиб турарди.

– ... ва жуда катта. Ҳозирча бизда итлар йўқ. Балким, топилиб қолар.

Ҳали олдинда овлар кўп бўлади. У атиги ўн бир ёшда. Бола вақт дунёга келадиган ва қиёфага кирадиган келажак зимистонида икковлон: ўлим ўз ҳукмини ўткази олмайди қари айиқни ва ўзини – оддийгина, бу манзара иштирокчиси сифатида тасаввур қиларди. Зеро, у ҳозир бекинишиб олган итлардан қандай ис анқиётганини ва сўйлаққа нима мис таъмини беришини биларди, ўзида кўпларни севган ва кўплар томонидан суйилган аёл қиёфасини кўрганда ёки ҳатто бу аёлнинг ётоқхонасини кўрганда ўсмир йигитда муҳаббат ва эҳтирос, ҳали эгаллашга улгурмаган азалий тажриба ва илмга рўбарў келингандаги кўрқинч пайдо бўлганди. «Уни кўришимга тўғри келадиганга ўхшайди, – ҳаяжонланмасдан, айти пайтда ноумидлик билан ўйларди у. – Унга бир бор тик қарашга тўғри келадиганга ўхшайди». Ёз – июнь келди. Улар майор де Спейн ва генерал Компсоннинг туғилган кунларини нишонлаш учун яна лагерга келдилар. Ҳолбуки, уларнинг бири сентябрда, иккинчиси қиш чилласида, майордан ўттиз йил аввал туғилганди, лекин ҳар июнда улар Маккаслин, Бун ва Уолтер Юэлл билан (эндиликда бола ҳам улар билан) ярим ой давомида балиқ тутиш, олмахон ва куркани, тунда – итлар билан ёнут ва ёввойи мушукларни ов қилишга боришарди. Аниқроғи, Бун ва негрлар, энди эса бола ҳам балиқ овлашар, олмахонларни отишар, ёнотларга итларни гижгижлатишарди, овчиликлари тан олинган майор де Спейн ва қария Компсон (у бу икки ҳафтани чайқаладиган креслода дарранда димланган қозон олдида тунука чўмичдаги вискини аралаштириб, тотиб ва ҳўплаб ўтирарди, хафақон, нўноқ ошпазликда айланган Эш тоға ва ичкилик шишасини тайёр қилиб турган Теннин Жим ҳам шу ерда ҳозир у нозир эдилар) ҳамда ҳали кексаймаган

Маккаслин ва Уолтер Юэлл гаровга ёки мерганликда машқ қилиш учун пистолетлари билан ёввойи куркаларни отардилар, бошқа овни эса ўзларига эп кўрмасдилар.

Маккаслин ва бошқалар бола ўрмонда олмахонларни излаб юрибди деб ўйлашарди. Аммо Сэм Фазерс бошқа фикрда эди, бунга у учинчи оқшомда ишонч ҳосил қилганди. Бола ҳар тонг нонуштадан кейин дарҳол ўрмонга кетарди. Энди унинг амакиваччаси рождество³да совға қилган янги қўшотари бор эди; кейин у салкам етмиш йил шу милтиқ билан ов қилади, икки марта стволи ва затворини, бир марта қўндоғини алмаштиради, шунинг учун охир-оқибат бу милтиқдан унинг ва Маккаслиннинг номлари, кун, ой ва йил – 1878 ўйиб ёзилган, кумуш билан сайқалланган ҳалқа қолади, холос. У ўша тонгга ўзи бўлган дарё ҳалқасини ва дарахтни қидириб топди. Компасга қараб, бу ердан ичкарироққа йўл олди, ўзи пайқамаган ҳолда ҳақиқий ўрмончига айлана бошлади. Учинчи кун биринчи марта ёнида икки панжали изни кўрган жойдаги титкиланган тўнкани ҳам топди. Тўнка азбаройи тилка-пора қилинганидан тобора нураб-сочилиб борар, ўзлигидан воз кечган ҳолда дарахт бўлиб бўй чўзган она-заминига қайтаётганди. У ёзги ўрмоннинг ҳатто ноябрнинг кулранг музли ёмғири шивалайдиган пайтдагидан ҳам қоронғироқ яшил зулматида дайдириди, қуёш пешинда ҳам ҳамиша нам ва ана шу зулматдек доғсимон, шунинг учун дарров пайқаб бўлмайдиган, яшириниб олган, илонлар уймалашиб ётган тупроқда ола-була шуълаланди; ҳар кун у лагерга тобора кечроқ қайтарди.

³ Рождество – Исо Масиҳ таваллуд топиши шарафига ўрнатилган, насронийларнинг 25 декабрда нишонланадиган асосий байрамларидан бири.

Учинчи кун кечкурун бола Сэм ҳозиргина отини тунда қантариш учун жойлаштираётган, панжара билан ўралган хари синчли сарой ёнидан ўтиб кетаётганда таниш овоз тўхтатди.

– Ҳали ҳам сенга кўринмадими? – сўради Сэм.

Бола бир лаҳза сукут сақлади. Кейин сув ирмоқдаги ўйинчоқ дамбани бузиб, вазмин отилгандек бамайлихотирлик билан деди:

– Ҳозирча йўқ. Лекин қаердан қидириш керак? Мен дарё қўлтиғида бўлдим. Тўнкани ҳам топдим. Мен...

– Ҳаммаси шундай. У сени кўрган бўлиши керак. Унинг панжаларини эсла-чи.

– Мен... – деди бола. – Менинг ёдимдан кўтарилибди... Ўйламабман...

– Ҳамма гап милтиқда, – деди Сэм.

У – қул негр аёли ва чикесо йўлбошчисининг ўғли – қария панжара олдида униққан комбинезонда ва қул негрларнинг бош кийими – эскирган беш центли сомон шляпада эди. У ҳозир бу шляпани фақат озодликка чиққанининг белгиси сифатида кийиб юрарди. Лагерь – дарахтлар кесилган жой, уй, сарой ва қўра ғира-ширада ғойиб бўларди; майор де Спейн ўрмонда очган яйдоқлик парча ер устида дарахтзорларнинг тунолди зимистони бирлашарди. «Милтиқ, – ўйлади бола. – Милтиқ».

– Сенга танлашга тўғри келади, – деди Сэм.

Эртаси кун тонгда бола кун ёришгунча, ношушта қилмасдан, Эш тоға ошхонада полга тўшалган қавилган кўрпа ичидан чиқиб, ўчоқда олов ёқадиган вақтдан анча эртароқ йўлга тушди. Деярли бир миляни қоронғиликда хотирасида қолганича босиб ўтди. Кейин қўлида ҳозир стрелкасини илғаб бўлмайдиган компасини ушлаганича тўсин устига ўтирди. Одимлаётганида тин олган товушлар

жонланишди, югураклаб қолишди, кейин узил-кесил тинчиб қолишди, бойўғилар ҳам уйғонаётган кундузги қушларга жой бўшатиб, сукутга кетишди, кулранг ва нам ўрмонда қуёш шуълалари нур соча бошлади ва найза белгиси кўзга ташланди. У тез, лекин ҳозирча бежавотир йўлга тушди, бораркан ўрмон илмини, ҳали ўзи ҳис этмаётган бўлса ҳам такомиллаштириб борди: кийикни боласи билан бирга ҳуркитиб юборди, уларга шунчалар яқин келдики, кийик шитирлаган буталар ичида ғойиб бўлар экан, оқ кўзгусини ялтиратди, кийикнинг орқасидан эса у ўйлаганидан чаққонроқ чиққан боласи шаталоқ отди. Бола ҳозир бунинг нафи бўлмаса ҳам овчилардек, Сэм ўргатганидек шамолга қарши борарди. Милтиқ лагерда қолдирилганди, ундан ўз ихтиёри билан воз кечди. Бу билан овчиликнинг жуда жўн ибтидосини эмас, шу пайтгача айиққа рўбарў бўла олмаганлигини эмас, балки бир йўла боқий ов ўйини барча қоидалари ҳам ўз кучини йўқотадиган алоҳида шартларни зиммасига олди. У қўрқинч бутун вужудини эгалласа: териси, қони, ичи, суякларини тешиб ўтса, ўтмиш хотиралари билан миясига зарба берса ҳам, бу ерда ўзини ўша айиқдан, кейин етмиш йил мобайнида ўзи дуч келадиган барча бошқа айиқлар ва буғулардан ягона фарқи бўлган тор, аниқ, йўқ қилиб бўлмайдиган соғлом ақл тасмасини бой берса ҳам бўш келмайди, қўрқоқлик қилмайди. Сэм сабоғи бежиз эмасди: «Қўрқ. Бусиз иложи йўқ. Лекин номардлик қилма. Ўрмон йиртқичи чекинадиган жойи бўлса ёки юраксизлик қилаётганингни сезмагунича сенга тегмайди. Айиқлар ва буғулар ҳам қўрқоқдан ҳудди довюрак одам номарддан хавфсираши керак бўлгандек огоҳ бўлади».

У аллақачон дарё ҳалқасидан ўтиб кетган ва пешинга бориб аввалдагилардагидан анча ичкари-

роққа – нотаниш жойга бориб қолганди; энди у йўлини компас ва отасидан қолган оғир кумуш юмалоқ соат билан чамалаб одимларди. У лагердан тўққиз соат олдин йўлга чиққанди, қоронғи тушишига саккиз, бундан бир соат кам қолаётганди. Компас стрелкасини илғаш мумкин бўлганида тўшакдан турганидан ҳозиргача дам олмасдан йўл босарди, лекин шу ерда тўхтади ва енги билан юзидаги терни артар экан, атрофга назар ташлади. Ўзи милтиқни олмади, ўзи ундан итоаткорлик билан нолимасдан, афсусланмасдан воз кечди; аммо, афтидан, бу ҳаммаси эмас, ҳали озлик қилади. У – бу ерда бегона, белгисиз чангалзорда муаллақ яшил гира-ширада адашган бола бир дақиқа турди. Кейин охиригача тобе бўлди. Улар – соат ва компас халақит беряпти. Батамом соф бўлиши зарур. У комбинезонидаги қайишчасини ечди, занжирчани бўшатди, компас ва соатини бутага илиб қўйди, ёнига таёғини қўйди ва чангалзорга кирди.

У адашиб қолганини тушунгандан кейин Сэм сабоқ бергандек иш тутди: ўзининг аввалги изини топиш учун доира бўйлаб айлана бошлади. Охириги икки соатда, айниқса компасиз қолганидан кейин жуда илдамламади. Ҳозир эса умуман шошилмай одимларди, чунки остида ўша бута ўсиб турган дарахт олисда эмасди; ҳақиқатан ҳам дарахтни кутганидан ҳам эртароқ илғади ва у томон йўл солди. Бироқ у жойда на бута, на соат, на компас бор эди, шунда у Сэм ўргатганидек, доирани янги, бироқ аввалгиларига қарши томонга анча кенгроқ олди; бу ҳолда доираларнинг умумий чизиги изи билан кесишиши керак эди, лекин ҳеч ерда изларидан дарак йўқ эди ва у олдингига қараганда илдамроқ, юрагининг уриши бир меъёрда ва кучли бўлсада, тезлашган, ўзи аввалгидек ваҳимага тушмасдан

одимларди ва яна дарахтга, аммо бошқасига дуч келди; бунинг ёнида қулаган йўсин ётарди, унинг атрофида қуруқлик ҳам, сув ҳам эмас – нам си-заётган балчиқча бор эди ва у Сэмнинг сўнгги, учинчи ўгитига қулоқ тутиб, ўша йўсинга чўкди ва зах жойда сув тўлиб, шаклини йўқотаётган икки бармоқли эгри изни кўрди. Бола бошини кўтариб, яна бир неча қадам ташлаб бошқасини кўрди, ҳовлиқиб югуришга тушмади, балки уларни батамом йўқотмаганига қадар худди осмондан ёғилаётган излар кетидан изчилик билан ҳаяжонланмасдан, иккиланмасдан, бироз нафаси қисилиб, юраги ду-киллаб, унга болғачада зарб билан тез-тез урилаёт-гандек борарди, кейин ўзи ҳам бир умрга йўқол-гандек бўлди ва кутилмаганда ялангликка чиқиб қолди. Хилват сассиз қаршисига отилди ва қуёш шуълалари остида дарахтлар, бута, соат ва компас шаклида қуюқлашди. Ва у айиқни кўрди. Айиқ кел-маганди, йўқдан бор бўлмаганди – яшил жазирама чошгоҳда тушларидаги каби баҳайбатлигича эмас, ўнгида тасаввур қилганидек ёки бироз йирикроқ – гавдасини доғли-хира манзарада чамалаш қийин эди – ҳолда намоён бўлди ва боқиб турарди. Қимир-лади. Шошилмасдан яйдоқ жой орқали йўлга тушди, бир лаҳза қуёш уни ёритиб юборди, яна тўхтади, елкаси орқали қаради. Кетди. Яъни кетмади – бир сафар бола кўз ўнгида балиқ – улкан ёши ўтган олабуға камарнинг қорамтир тубида сузгичларини ҳам қимирлатмасдан яширингандек қуюқ ўрмонга чўкди, йўқ бўлди.

II

Шер унда нафрат ва қўрқинч уйғотишини кутиш мумкин эди. Бу вақтда у ўн тўртинчи баҳорини қаршилаганди. Бола ўзининг биринчи кийигини ўлжа қилишга улгурганди ва Сэм унга қайноқ кийик қони оқишини кўрсатганди, бир йилдан сўнг ноябрда эса у айиқни ўлдирди. Бу тантанали бағишловга қадар у ўрмонни ўзи каби тажрибага эга кўпгина катта ёшдаги овчилардан яхшироқ биларди. Энди эса фахрий ўрмончиларнинг ҳаммаси ҳам у билан баслаша олмасди. У лагернинг йигирма беш миля атрофидаги жойларни – ҳар бир дарё қўлтиғи ва тепаликни, ҳар бир кўзга ташланадиган дарахт ва ҳар бир сўқмоқни беш қўлидек билар, истаган одамни адашмасдан хоҳлаган жойига олиб борар ва лагерга қайтариб олиб кела оларди. У ҳатто Сэм Фазерс билмайдиган йиртқичлар раҳналаридан хабардор эди ва учинчи кузида бирор кимсанинг ёрдамисиз кийик тунайдиган жойни топди ҳамда амакиввачасига лом-мим демасдан ЮЭллнинг беш-отарини олиб, Сэмдан эшитгани бўйича қадимда индеецлар иш тутишганидек, тонг саҳарда ётоғига қайтаётган шохдорни қулатди.

Қари айиқнинг изи энди ўзиникидек таниш эди ва бунга фақат панжа жароҳатлангани сабаб эмасди. Атрофда бошқа айиқлар санғиб юришлари, улар панжаларининг деярли шундай катталиқдаги излари қолиши ва бу изларни фарқлаш учун бирини иккинчисига солиштириш талаб қилинишига қарамасдан, у бошқа уч панжа қолдирган изларни ҳам шу ондаёқ ажрата оларди. Аммо гап панжаларнинг катта-кичиклигида эмасди. Агар Сэм Фазерс илк йиллардан бошлаб унинг устози, тайёрлов синфлари – ўрмон четидаги қуён ва олмахонлар бўлса, қари

айиқ қишлайдиган хилват – дорилфунуни, гўё ўзини ўзи дунёга келтирган, азалдан танҳо, бекфарзанд айиқ – *alma mater*⁴га айланди.

Энди икки панжали изни лагердан ўн, беш миля узоқликда, ундан ҳам яқинроқда излаб топиши мушкул эмасди. Ўтган уч йил мобайнида у икки бор ўз жойидан итлар айиқнинг изига тушганини эшитган, бир сафар эса йиртқичга дуч келганини билди, итлар овозлари чийиллаб чиқарди, аянчли, деяри одамларникига ўхшаб тутқаноқли эди. Кунлардан бирида у раҳнада Уолтер Юэлнинг бешотари билан пистирмада турганида Қари Бен бўронда қулатилган дарахтлар узун кесмасидан думбалоқ ошишини кўрди. Айиқ остин-устин дарахтлар тупи ва бутоқлари устидан, аниқроғи улар узра локомотивдек шиддат билан бола учун кутилмаган буғу тезлигида елиб ўтди, ҳолбуки буғу бу жойдан сакраб ўтган бўларди; бола ўшанда айиқнинг йўлини тўсиш учун фақат беқиёс жасургина эмас, шунингдек ноёб катталиқдаги ва тезчопар ит кераклигини тушунди. Уйида негрлар лайча деб аташадиган дурагай зотли, каламушдан хиёлгина катта, ақлидан озадиган даражада, телбаларча жасур кучукча – каламушлар кушандаси бор эди. Бола кучукчани июнь ойидаги овлардан бирига ўзи билан бирга олиб келди ва вақти келганда каламушлар кушандасининг бошини қоп билан бекитиб худди аввалдан келишиб қўйилган амалий учрашувга отлангандек йўлга тушди, Сэм эса галадан бир жуфт изқувар итни бошлаб келди, улар шамол эсаётган томондан изга тушдилар ва айиқ сал бўлмаса чинакам пистирмага дуч келиб қолаёзди. Итлар

⁴ *Альма матер* (лотинча «*alma mater*» – «эмизувчи она» сўзидан) – маънавий (диний, фалсафий) таълим берадиган университетларнинг қадимий норасмий номланиши.

йиртқичга шу қадар яқинлашиб келдиларки, кейин боланинг ўйига келганича, афтидан, каламушлар кушандасининг қутурган акиллашидан саросимага тушган айиқни ҳатто тўхтата олдилар. Ўғон сарв дарахтининг танасига қисилган айиқ орқа оёқларида кўтарилар экан, каламушлар кушандасининг чексиз жасурлиги юққан изқувар итлар қаршисида тобора юксалиб, баҳайбатлашиб борарди. Шу лаҳзада бола лайча айиқ билан чинакамига олишишга тайёрлигини англаб етди. У милтигини ерга ташлаб, олдинга интилди. Йиқила туриб, айиқ оёқлари олдида қулоқни тешадиган даражада ҳураётган, ғазабга минган кучукчани ушлаб олди. Бурнига айиқнинг кучли, иссиқ қўланса иси урилди. Шундоқ устида момақалдирок булутидек қўланка солаётган айиқни кўрди. «Бу илгари қаердадир бўлганди», – хаёлидан яшин тезлигида ўтди ва қаердалиги ёдига келди: тушида кўрганди.

Айиқ кетди. У йиртқич қандай узоқлашганини кўрмади ҳам. Тиззаларида туриб, икки қўли билан қутурган кучукчани ушлаган ҳолда изқувар итларнинг йиғлоқи акиллаши узоқлашаётганлиги қулоғига чалинарди. Сэм келди, милтигини ёнига оҳиста қўйди, болага қарар экан, қаддини ростлади.

– Мана, уни милтиқ билан ҳам икки марта кўрдинг, – деди Сэм. – Бугун уни ҳойнаҳой қулатган бўлардинг.

Бола ўрнидан турди. Ҳали ҳам каламушлар кушандасини ушлаб турарди. Кучукча ҳамон акиллар, гўё уни электр токи билан куйдираётганлардек ғазаб билан тўлганар, қўлдан отилиб чиқишга ҳаракат қиларди.

– Ўзинг-чи? – деди бола хиёл титраган овозда. – Милтиқ сенда қолди. Нега отмадинг?

Сэм эшитмаётгандек эди. Қўлини чўзиб, итлар овози эшитилмай қолган бўлса ҳам ҳураётган ва талпинаётган кучукчага тегинди.

– У кетиб бўлди, – деди Сэм. – Ўзингни бос, энди келгуси галгача дам ол.

Кучукча силаётган қўллар остида тинчлана бошлади.

– Сен деярли биз бопсан, – дерди Сэм. – Фақат жуссанг кичикроқ. Бизда ҳозирча ит йўқ. У зотли бўлиши, яна бўйдор бўлиши, бундан ташқари жасур бўлиши ҳам керак.

У кучукча бошидан қўлини олиб, айиқ ва итлар яширинган ўрмонга нигоҳини қадади.

– Қачонлардир кимдир қулатиши керак.

– Биламан, – деди бола. – Бу бизларникидан кимнингдир чекига тушади. Энг сўнгида. Унинг ўзи хотима қўйиш керак деб хоҳлаганда.

Шунинг учун у Шердан нафратланиши ва қўрқини керак эди. Бу тўртинчи ёзда, у майор де Спейн ва генерал Компсон туғилган кунини овчиларга хос нишонлаш учун тўртинчи марта келганида содир бўлганди. Майор де Спейннинг байтали эрта баҳорда туққанди. Сэм ёз оқшомларининг бирида отлар ва хачирларни тунашга ҳайдаб келиб, янги туғилган тойчоқни топмади, қутурган она эса ўтанга кирмасдан, оёғини тираб олди. Сэм байталнинг ўзи тойчоғини қолдирган жойга бошлайди деб ўйлаганди, бироқ бундай бўлмади. Байталнинг ўзини ҳар томонга уришидан тойчоқ адашган жойни ҳам, томонни ҳам англаб бўлмасди. У даҳшатга тушган ҳолда ҳеч нарсани кўрмаётгандай сапчишдан тўхтамасди. Бир сафар у ўз одами эканлигини ҳам унутиб, ғазаб билан Сэмга ташланиб қолди. Сэм ниҳоят уни ўтан ичига киритишга муваффақ бўлди. Бу вақтда қош қорайиб, тойчоқнинг адашган изларини топиш амри маҳол эди.

Сэм уйчага йўл олиб, бўлган воқеадан майор де Спейнни хабардор қилди. Бу йирик йиртқичнинг

иши эканлиги, тойчоқни қидир-қидирма бефойдалиги, унинг ҳалок бўлганлиги равшан эди. Кечки овқат қилаётганлар буни тушунишарди.

– Бу – қоплон, – дарҳол қарорга келди генерал Компсон. – Ўша, мартда кийик боласи билан бузоқни тилка-пора қилган.

Бун Хоггенбек⁵ баҳорда одатдагидек қишлоқни қандай ўтказганликларидан бир хабар олгани келганида Сэм у орқали майор де Спейнга бу воқеани – кийик бўғизланганлиги, кейин унинг боласига ҳам қувиб етилиб, ўлдирилганлигини етказганди.

– Сэм бу қайси сўйлоқнинг иши эканлигига аниқлик киритмаганди, – деди майор де Спейн. Сэм қачон гапиришни тўхтатишлари ва у ўз ётоғига кетиши мумкинлигини кутаётгандек тик турар ва офиз очмасди. Нигоҳи бўшлиқни ифода этарди.

– Қоплон буғуни қулатишга, кейин эса боласини осонгина қўлга туширишга қодир. Бироқ она байтал ёнида бўлганида бирорта қоплоннинг тойчоққа ташланишга юраги дов бермайди. Бу – Қари Бен, – давом этди де Спейн. – Унинг тўғрисида фикрим тузукроқ эди. Ундан буни кутмаётгандим. Менинг ва Маккаслиннинг итларини ҳолдан тойдириш – бир масала. Итларни унга қарши тикканимиздан ҳар икки томон огоҳлантирилган. Аммо ерларимга бостириб кириш, тагин молимни ёзда бўғизлаш – бу қоидаларга хилоф, Сэм, бу – Қари Беннинг иши.

Сэм аввалгидек жим турар, де Спейн гапини тугатишини кутарди.

– Эртага изидан тушиб, ўзимиз ишонч ҳосил қиламиз.

Сэм кетди. У лагернинг ўзида жойлашишни истамаганди, бу ердан чорак миля нарида, дарё қўл-

⁵ Бун Хоггенбек – У.Фолкнернинг «Йокнапатофа сагаси» романлар туркумининг саргузаштларга ўч қаҳрамонлари.

тиғи ёнида Жо Бейкернинг кулбасидек, аммо ёғоч тўсинлардан бақувватроқ ва зичроқ қилиб саройча қуриб олган, бу ерда чўчқа болаларига бериш учун маккажўхори захирасини сақларди. Сэм эрталаб ҳамма ухлаб ётганида келди. У тойчоқни топганди. Нонуштани кутмасдан ўша жойга йўл олишди. Бу яқин орада, отхонадан олти юз қадам чамаси нарида экан, уч ойлик тойчоқ биқинида ётар, бўғизланган, ичак-чавоғи ва биқинининг бир қисми еб тугатилган эди. Мурдага қаралса, йиртқич унга тепадан ташланмаганлиги, биқинидан уриб, думалатгани сезиларди, агар бу қоплон бўлганида тойчоқни бўғизлагунча унинг танасида қолиши керак бўлган чангал излари кўринмасди. Излардан байтал онгсиз равишда йиртқич атрофида айланиб юрганлиги, кейин кеча Сэмга ташланганидек, йиртқичга қутурганча ҳужум қилганлиги уқиларди. Узун излар йиртқич байталга ташланмаганлиги, фақат у томон уч-тўрт қадам қўйгани, от эса қўрқувдан шаталоқ отиб, қочиб қолганлигидан далолат берарди. Генерал Компсон сукут сақлай олмади:

– Худо кўрсатмасин, бўри!

Сэм сукут сақларди. Бошқалар чўкка тушиб, изларни ўлчар эканлар бола ундан кўзини олмасди. Энди Сэм юзидан қандайдир янгилик балқирди. Тантана ҳам, қувонч ҳам, умид ҳам эмас. Бола улғайгач, бу ифода маъносини уқди: Сэм бошиданок бу кимнинг излари ва баҳорда кийик билан унинг боласини ким бўғизлаганини биларди. Ниҳоянинг башорати – ўша тонгда Сэмнинг юзида шу ёзилганди. «У хурсанд эди, – дерди бола кейин ўзига. – Ахир у чол. Энди болаларни ҳам, ўз халқини ҳам, қондошларидан ҳеч кимни ҳам учратмасди, ҳаммаси ерда ётарди. Бундай учрашув яқинлик ҳам, акс садо ҳам бермасди, чунки мана етмиш йилдан

бери унинг танаси бошқа, қора эди. Энди ниҳоя яқинлашаётгани ва у бунга хурсанд бўлаётгани».

Улар лагерга йўл олдилар, овқатланиб милтиқлар ва изқувар итлар билан қайтиб келдилар. Шу пайтда улар ҳам Сэмдек тойчоқни қайси йиртқич қулатганини англашлари керак эди, деб хаёлидан ўтказгани бола кейинроқ. Бироқ бу одамлар янглиш хулосага келиб, кейин унинг асосида иш тутганларининг гувоҳи бўлган бундай ҳолатлар ҳаётида биринчиси ва охиргиси ҳам эмасди. Бун тойчоқ нимтаси ҳар икки томонидаги товонларни аниқлаб, белбоғи билан итларни ҳайдади ва итлар изларни искай бошладилар. Ҳали ёш изқувар ит бир гал акиллаб, йиртқич изига тушгандек, бироз югура кетди. Аммо бошқа итлар тўхтаб қолишди ва одамларга нима қилишни билмагандек эмас, балки саволомуз тикилишди: «Хўш, буёғи нима бўлади?» Кейин яна орқага, тойчоқ нимтаси ёнига қайтишди, бу ерда эса Бен уларни савалаб кутиб олди.

– Из иси бу қадар тез йўқолмайди, – деди генерал Компсон.

– Бу бўри ҳамма нарсага – тойчоқни онасидан ажратишга ҳам, ис қолдирмасликка ҳам қодирга ўхшайди, – деди майор де Спейн.

– Эҳтимол, у ўта маккордир, – деди Уолтер Юэлл ва Теннин Жимга қаради. – Жим, қандай фикрдасан?

Итлар из ололмагач, майор де Спейн Сэмга изни юз қадамча нарироқдан излаш ва итларни яна из кетига тушишга чорлашни буюрди. Тажрибасиз ёш ит худди лайча нотанишга вовуллайдигандек яна акиллади, бироқ йиртқич изига тушганда бундай ҳурилмасди. Генерал Компсон олмахонни ов қиладиганлар – бола, Бун ва Жимга деди:

– Сизлар итлар билан тушгача атрофни айланиб чиқинг. Афтидан у шу яқин орада, тойчоқнинг

нимтаси олдидан кетишимизни пойлаётганга ўхшайди. Балки унга тўқнаш келиб қоларсизлар.

Лекин тонг бесамар ўтди. Боланинг ёдида: улар итларни тасмаларга боғлаб, ўрмон ичкарисига йўл олишди, Сэм эса улар орқасидан қараб қолди – унинг индеец юзидан кулмагунича ҳеч нарса англай олмайсан, фақатгина ўша, қари айиқ кетига тушган биринчи тонгдагидек бурнининг катаклари титраб туради. Улар итларни янги изларга солиб юбориш учун эртасига ҳам келдилар, аммо тойчоқ нимтаси жойидан ғойиб бўлибди. Учинчи кун эрталаб яна Сэм пайдо бўлди, бу сафар улар нонушта қилиб бўлишларини пойлаб турди. Кейин: «Кетдик» деди. Уларни ўз кулбаси, саройчасига бошлаб келди. Кеча у бу ердаги маккажўхорини олиб чиқиб, тойчоқ нимтасидан хўрак тайёрлаганди; улар тўсинлар орасидаги тирқишдан деярли милтиқ ёки пистолет тусига ўхшаш қандайдир йиртқични пайқашди. Йиртқич кўзга ташланмасликка ҳаракат қиларди. У ётмаганди ҳам, турмасди ҳам. Аммо ҳаракатда эди, худди ҳаводан қарама-қарши келаётганди, офир гавдаси билан эшикка шу қадар даҳшатли кучда урилди-ки, эшик ошиқ-мошиғидан отилиб чиқди, номаълум йиртқич янги сакраш учун полга оёғи тегмаёқ яна эшикка зарб билан урилди.

– Юринглар, – деди Сэм, – бўйнини синдириб олмагунча борайлик.

Улар одим отар эканлар, аввалгидек қаттиқ зарблар эшитилар ва ҳар гал икки дюйм⁶ли эшикларзага келар, йиртқичнинг ҳириллаши ҳам, тиш қайраши ҳам қулоққа чалинмасди – у товуш чиқазмасди.

– У қайси иблисдан туғилган? – сўради майор де Спейн.

⁶ Дюйм – 2,54 сантиметр.

– Бу ит, – жавоб берди Сэм. Унинг бурнининг катаклари айиқ изидан тушишган ўша биринчи тонгдагидек бироз шишган, кўзларида у қадар равшан бўлмаган, яшинли оқимтир шуъла пайқаларди.

– Қайси ит? – сўради майор де Спейн.

– Қари Бен йўлини тўсадиган.

– Итмиш, – деди майор де Спейн. – Бу йиртқични галамга қўшгандан кўра Қари Бенни олганим маъқулроқ. Уни отиб ташла.

– Йўқ, – деди Сэм.

– Уни бир умр ўргата олмайсан. Қандай қилиб сендан қўрқадиган бўлади?

– Менга ўргатилган ит керакмас, – деди Сэм. Бола яна унинг бурни катаклари ҳаракатини ва кўзларидаги яшинли оқимтир шуълани сезди. – Қўрқитилган бўлса, умуман керакмас. Фақат бу дунёда ҳеч ким ва ҳеч нарса уни қўрқита олмайди.

– У билан нима қилмоқчисан?

– Ўзингиз кўрасиз, – жавоб берди Сэм.

Овнинг бутун иккинчи ҳафтаси давомида улар эрталаб саройчага бориб туришди. Сэм томдан саройча ичига арқон тушириб, унга боғланган тойчоқ нимтасидан хўрак тайёрлаган, ит бу ҳийлага учгач, нимтани тортиб олган экан. Ҳар тонг улар Сэм саройча ичига арқонга боғланган челақда сув туширишини, ит сабот билан эшикка ташланиши ва йиқилишини, яна ўрнидан туриб ташланишини кўришарди. У бирон товуш чиқармас, сакрашларида ашаддийлик эмас, балки совуқ ва тунд қатъият сезиларди. Ҳафта охирида эшикка сакрашлар тўхтади. Бунга ит ҳолдан тойгандан эмас, балки эшикка кучи етмаслигини англагани сабаб бўлганга ўхшарди. У шунчаки бундан буёқдаги уринишларидан нафратланганди. Лекин ётиб олмади. Улар ҳали уни ётган ҳолда учратмади. У тик турарди ва

итни дурустроқ кўриш мумкин эди – ўзида мастиф, эрдел⁷ дан баъзи нарсаларни, эҳтимол, бошқа ўнтача зот белгиларини мужассамлаштирганди, бўйи ўттиз дюймдан баландроқ, оғирлиги тўқсон фунт⁸ га бориб қоларди, кўзлари совуқ сариқ тусда, яғрини ниҳоятда бақувват, жуни ғалати сидирға, милтиқ стволиникидек кўкимтир тусда эди.

Ярим ой тугади. Овчилар кетиш тараддудига тушдилар. Лекин бола шу ерда қолишга изн сўради ва амакиваччаси бунга рухсат берди. Бола Сэм Фазерснинг кулбасига кўчиб ўтди. Эрталаблари у саройча ичига челақда сув туширилишига қарарди. Ҳафта охирида ит ётиб олди. У ўрнидан турар, тентираб сув олдига борар ва йиқиларди. Тонглардан бирида у сув олдига эмаклаб боришга ҳам, бошини ердан кўтаришга ҳам мадори қолмади. Сэм калтароқ таёқни олиб, саройчага йўл олди.

– Тўхтаб тур, – деди бола. – Милтиқни олиб келай...

– Ҳожати йўқ, – деди Сэм. – Унинг қимирлашга ҳам ҳоли йўқ.

Шундай экан. Сэм таёқчасини итнинг боши, озиб кетган гавдасига теккизиб кўрди, аммо у қимирламай ёнбошлаб ётар, сариқ кўзлари эса очиқ эди. Уларда нафрат пайқалмасди, балки деярли бўрон ва қаҳратон қиш шиддатидек бефарқ совуқ шиддати акс этарди. Бу кўзлар тўсинлар орасидаги тирқишлардан қараётган Сэм ва болага қадалганди.

Сэм итга овқат берди. Гўштли шўрвани ичиб бўлгунича бошини ушлаб туришга тўғри келди.

⁷ *Мастиф, англиз мастифи* – англиз итларининг энг қадимий зотларидан, айиқ овида кўп фойдаланилади; *эрдель, эрдельтерьер* – Англиядаги Йоркшир графлигининг ғарбидаги Эрдель воҳасида кўпайтирилган, терьер зотига мансуб ит, овда ҳайвонлар, йиртқичлар инларини қидириб топишга ўргатилган.

⁸ *Фунт* – оғирлик ўлчови, 2,2 фунт – 1 килограмм.

Сэм тунда саройчада итга товоқчада гўшт бўлак-лари тўғралган шўрвани қолдирди. Эрталаб бу ерга кирганида товоқча бўш, ит эса ағдарилиб, бошини кўтарган ҳолда қорнида ётар, совуқ сариқ кўзларини эшикка тикканди ва у бу совуқ кўзлар қарашини ўзгартирмасдан, ҳатто ирилламасдан ташланиб қолди, аммо мўлжали хато кетди – ожизлашиб кетган мушаклари панд берди, шу сабаб Сэм таёқчаси билан бу ҳужумни даф қилиш, ташқарига отилиб чиқиш ва эшикни бекитишга улгурди. Шу заҳотиёқ ит гўё икки ҳафталик очликни бошидан кечирмагандек, янги сакраш учун қаердан куч топгани номаълум ҳолда эшикка тапланди.

Чошгоҳда улар ўрмондан лагерлари томон келаётган кимнингдир овчилардек овоз берганини эшитдилар. Бу Бун экан. У саройчага яқинлашиб, тирқиш орқали бошини баланд тутган, мудраб, сариқ кўзларини пирпиратаётган баҳайбат – букилмаган, бўйсундирилмаган руҳнинг тимсоли бўлган итни кузатиб турди.

– Биз учун уни қўйиб юбориб, – деди Бун, – ўрнига Қари Бенни ушлаш ва айиқни шу қаттолга гижгижлатиш осонроқ эди.

У ўгирилиб, шамол қизартириб юборган юзи билан болага қадалар экан:

– Ашқол-дашқолингни йиғиштир. Кас уйга қайтишингни буюрди. Бу тойхўрга шунча суқланганинг етар, – деди.

Бун извошни пастқамликка кираверишда қолдирганди; унга бу ердагиларда бўлмаган хачир қўшилганди. Тунда бола уйида эди. У амакиваччасига шундай ҳикоя қиларди:

– Сэм биз унинг олдига кириб, қўл теккизиб кўрмагунимизча қантаради. Кейин овқат бера бошлайди. Сўнг, агар талаб қилинса, яна оч қолдиради.

– Нега? – сўради Маккаслин. – Бунинг қандай нафи бор? Ҳатто Сэм ҳам ҳеч қачон уни ўзига бўйсундира олмайди.

– У бўйсундирилган ҳолида бизга керакмас. У бизга ҳозир қандай бўлса, шундайлигича керак. Фақат у охир-оқибат Сэмга, бизга итоат қилмагунча саройчадан чиқа олмаслигини тушуниши керак. Ундан бошқа ҳеч ким Қари Бенни тўхтата олмайди. Ҳозир унинг лақаби ҳам бор. Биз уни Шер деб чақиряпмиз.

Ниҳоят ноябрь эшик қоқди. Улар лагерга қайтиб келдилар. У ҳовлида генерал Компсон, майор де Спейн, амакиваччаси Уолтер ва Бун билан митиқлар, тўшаклар, озиқ-овқат солинган қутилар орасида туриб, Сэм Фазерс ва Шерни кўрди – қари индеец отхона ёнидаги йўлакчадан увадаси чиққан комбинезон устига қўй терисидан тикилган униққан куртка кийиб олган, резина этикда, бошида аввал боланинг отаси кийиб юрадиган шляпа қўндирилган ҳолда одимларди, ёнида эса баҳайбат ит мағрур борарди. Изқувар итлар қаршисига ташланмоқчи бўлишди, бироқ ҳали ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган лайчадан бошқа ҳаммалари тисарилиб қолишди. Лайча думини ликиллатганча Шер ёнига борди. Шер ҳатто тишлари оқини ҳам кўрсатмади. Йўл-йўлакай айиқча қилиб шундай туширдик, лайча уч қадам нарига дўмбалоқ отиб тушди, Шер эса ҳовлига кириб, ҳеч кимга боқмасдан, бефарқ ва мудраган ҳолда тик қотди.

– Буни қаранг-а, – деди Бун. – Унга қўл теккизиб бўладими?

– Мумкин, – деди Сэм. – Унга барибир. Унинг учун одамлар ҳам, йиртқичлар ҳам йўқдек ҳисоб.

Бола кузатиб борарди. Бун чўкка тушиб, Шернинг бошини силаб, суяклари ва мушакларини ушлаб, кучини чамалаб кўрган пайтдан кейин икки

йил давомида бу жуфтликни кузатиб борди. Гўё Шер аёлдек эди ёки, афтидан, бу жуфтликдаги аёл Бун эди. Агар – Сэм таърифига кўра – одамлар ва йиртқичлар йўқдек ҳисоб, баҳайбат, мағрур, мудроқ ит ҳамда жўшқин, қўпол, томирларига индеецлар қони аралашган, онги боланикидек, буришган юзли одам ўзаро таққосланса, иккинчиси тўғрироқ эди. Бун Сэмни ҳам, Эш тоғани ҳам четлатиб, Шерни ўзи боқувига олди. Бола Бун ошхона олдида совуқ ёмғир остида Шерни овқатлантираётганини неча бор кўрганди. Шер бошқа итлардан алоҳида овқатлантирилар, алоҳида сақланарди, ammo фақат келгуси ноябрдагина уларга Шер бевосита қаерда тунаши аниқ бўлди; шунгача ҳамма у Сэм кулбаси ёнидаги ўз уясида туради деб ўйларди, бироқ бир сафар Маккаслин тасодифан Сэмдан бу ҳақда сўраганида, у бор гапни ошкор қилди. Кечқурун майор де Спейн, Маккаслин ва бола қўлда чироқ билан Бун ухлаётган тор, унинг ювинмаган танасидан ва нам овчи кийимидан келаётган қўланса исга тўла хонага киришганида чалқанча ётган Бун ҳурраги бўғзига тикилиб уйғонди, унинг ёнидаги Шер келганларга совуқ мудроқ сариқ кўзларини қаратди.

– Бун, бу ишинг ярамайди, – деди Маккаслин. – Бу ер ит турадиган жой эмас. Ахир у эрталаб Қари Бенни қувиши керак. Тун бўйи у сенинг исингдан нафас олса, изни қандай топади.

– Ҳозирча ҳидим ўзимга халақит бераётгани йўқ, – деди Бун.

– Халақит берганида ҳам сендан ислаб из топиш талаб қилинмайди, – деди майор де Спейн. – Итни олиб чиқ. Уй тагидаги бошқа итларга қўшиб қўй.

Бун ўрнидан турар экан:

– Ахир у ўзига қараб чучкирган ёки эснаган, тасодифан унга тегиб кетган биринчи итниёқ ражиб ташлайди-ку, – деди.

– Хавотир олма, – деди де Спейн. – Итлардан бирортаси тушидаям тушкуруишга ҳам, уни туртиб юборишга ҳам юраги дов бермайди. Уни ҳовлига олиб чиқ. У менга эртага исни дарров топа оладиган ҳолда керак. Қари Бен ўтган йил уни доғда қолдирди. Бу сафар бунинг уддасидан чиқолмаса керак.

Ифлос иштондаги Бун туриб, оёғини пойабзалига тикди, унинг ипларини бойламасдан, ухлаётганида тўзғиб кетган сочларини тўғриламасдан – қандоқ бўлса шундайлигича Шерни хонадан олиб чиқди. Бошқалар яна ўз хоналарига қайтишди – Маккаслин билан де Спейн яна қарта ўйнашга киришдилар. Бироздан кейин Маккаслин:

– Истасангиз, бориб текшираб кўраман, – деб таклиф қилди.

– Ҳожати йўқ, – жавоб берди де Спейн. Сўнг: – Тикканингни қабул қиламан, – деб Уолтер Юэллга мурожаат қилди. Ва яна Маккаслинга қараб, – агар у ёққа бормоқчи бўлсанг, менга индама. Қариётганлигимнинг биринчи белгиси: агар бераётган буйруғим деворга айтилаётганлигини олдиндан билсам ҳам унинг бажарилмаслиги ғазабимни кўзғатади, – деди.

Тўшак остида кўзини уйқу босишини пойлаб ётаркан, бола ҳам Шер яна Бун қўйнидан жой олганлигини, бугун ҳам, эртага ҳам, ноябрдаги овнинг бошқа тунларини ҳам, бошқа ов мавсумларини ҳам шу жойда ўтказишини биларди. Унинг хаёлидан: «Қизиқ, Сэм нега рози бўлганикин? Бун оқ танли бўлса ҳам Сэм Шерни унга бермаслиги мумкин эди. Майор ҳам, амакиваччаси ҳам бунга эътироз билдиришмасди. Энг асосийси, Шерга биринчи бўлиб Сэмнинг қўли теккан ва Шер хўжайини ким эканлигини биларди», деган фикр ўтди. Улғайгач, бунинг тагига етди. Шундай бўлиши керак эканлигини тушунди. Ўзи тартиб шунақа. Сэм – қабила

бошлиғи, даҳо; Бун – паст табақали, унинг овчиси. Ит кетидан Бун юриши керак.

Шер биринчи бор изқувар итлар галасини Қари Бен томон бошлаган тонгда лагерда қаердандир: балчиқда истиқомат қилиб, ёнотни қопқонда овлаш ёки пасттекислик четларида пахта ва маккажўхори етиштириш билан шуғулланадиган, Сэм Фазерсга қараганда бироз пўримроқ, аммо Теннин Жимдан анча хароб кийинган етти нафар серсуяк, безгакдан силласи қуриган кимса пайдо бўлди; улар тун бўйи питра милтиқлари ва бешотарлари билан ҳовлида тизза чўккан ҳолда сабр билан ёмғир остида бўкишди. Улардан энг сўзамоли (Сэм Фазерс кейин майор де Спейнга гапириб беришича, улар ёз бўйи лагерга ёлғиз, икковлон, учовлон бўлиб келиб туришар, Шерни томоша қилиб, яна қайтиб кетишарди) шундай деди:

– Хайрли тонг, майор. Эшитишимизча, бугун қўш панжали айиқни кўктус итингиз билан қувламоқчи экансиз. Қарши бўлмасангиз, буни биз ҳам кўрмоқчи эдик. Айиққа, агар устимизга ташланиб қолмасагина, ўқ узмаймиз.

– Қадамларингизга ҳасанот, – деди майор де Спейн. – Марҳамат, отаверинглар. Айиқ биздан-да ҳам кўпроқ сизларники.

– Гапингизда жон бор. У мендан қарздор: бир қанча сигирим емиши бўлди. Уч йил аввал чўчқам ҳам.

– Мен ҳам даъвогорман, – деди яна бири. – Фақат айиққа эмас.

Де Спейн унга тикилди. Бу кимса тамакини чайнаб бўлиб, туфлаб ташлади.

– Бузоғим йўқолиб қолди. Бултур. Яхши бузоқ эди. Кейин июнда тахминан сизнинг тойчоғингиздек тилка-пора қилинган ҳолда топдим.

– Шундай денг, – деди майор де Спейн. – Начора, йиртқичга итларим остидан бемалол отаверинг.

Ўша куни Қари Бенга битта ҳам ўқ узилмади. Овчилар уни кўришмади. У болага уч йил аввал ёзда рўпара келган ялангликдан юз қадам чамаси нарида оёққа турғизилди. Бола бу ердан чорак миля ҳам келмайдиган нарида эди. У итлар айиққа ташланганларидаги товушларни эшитди, бироқ Шерга тегишли бўлган нотаниш овоз сезилмади ва бундан у Шер ўша ерда бўлмаса керак деган хулоса чиқарди. Қари Бенни қувиш илгаридегиларга қараганда жадалроқ кечарди, юқори, жазавали ҳуриш қулоққа чалинмаганлиги ҳам ҳақиқий аҳволга ойдинлик киритмади. Фақат оқшомда Сэм унга Шер сас чиқармасдан из қувишини тушунтирди.

– Қари Беннинг бўғзига ёпишгандагина ириллайди, – деди Сэм. – У бошқа пайт саройчада эшикка ташланаётган вақтдагидек бирор сас чиқармайди. Кўктус зоти ўзи шунақа. Нима дегандинг?

– Эрдель, – деди бола.

Шер из қувишни бошқарарди: итлар айиқни дарё томон жуда сиқиб боришди. Бун Шер билан тунда соат ўн бирга яқин қайтиб келгач, Шер Қари Бенни қисувга олиши мумкинлиги, бироқ изқувар итлар унга яқинлашишга журъат қила олмаганликлари, шу сабабли Қари Бен улардан қутулиб, сувга ташланганлиги ва оқим бўйича сузиб кетганлиги, у эса Шер билан айиқ сувдан чиққан жойни топиш учун соҳил бўйлаб ўн миляча борганликлари, кечувдан нариги қирғоққа ўтиб, орқага қайтганлари, лекин қоронғида айиқ изига туша олмаганликлари, балки Қари Бен кечувдан нарига сузиб кетган бўлиши мумкинлигига онт ичарди. Бун изқувар итларни бўралаб сўкаркан, Эш тоға кечки овқатдан ўзига қолдирилган улушни тамадди қилиб, ухлагани йўл

олди, бироздан кейин бола хуррак авжига чиққан хона эшигини очганда йирик ит бошини улуғворлик билан кўтарди, унга мудроқ нигоҳи билан боқди, сўнг яна калласини Бун ёстиғига қўйди.

Яна ноябрь эшик қоқиб, сўнгги кунни Қари Бен учун қолдириш одат тусига кирганда лагерда ўн беш нафарга яқин одам тўпланди. Улар фақат овчиларгина эмасди. Бу ерга тўпланганлар орасида Шер ва Қари Бен ҳақида эшитган ҳамда кўктус баҳайбат итнинг қари панжасиз айиқ билан ҳар йилги тўқнашувида ҳозир бўлиш истагидаги Жефферсон сингари қўшни округ марказидек шаҳарлардан келганлар ҳам бор эди. Айримлар ҳатто милтиқсиз, куни кеча дўкондан харид қилинган овчи курткалари ва этикларда эдилар.

Шер Қари Бенга дарёдан беш милядан кўпроқ масофада етиб олди, уни тўхтатди, изидан тушди ва шиддати сусайган изқувар итларни ортидан эргаштирди. Бола из кетидан қувиш бошланганини эшитди: ўша жойдан у қадар узоқда эмасди. Бола Буннинг итларни жўштираётганларини эшитди; икки бор узилган ўқ овози янгради – бу генерал Компсон масофадан туриб (ҳуркиган отни тинчлантириб бўлмаётганди) айиққа қўш отаридан беш питра ва ўқлардан отганди. Изқувар итлар қочаётган йиртқич кетидан ҳуришарди. Бола бу овозларни югуриб кетаётганида эшитди; ҳавони симириб, қоқилиб, ўпкаси шишиб, генерал Компсон ўқ узган ва Қари Бен томонидан ўлдирилган икки ит ётган жойга етиб келди. Айиқ изларида Компсон ўқлари оқизган қонни кўрди, аммо у ёғига югура олмади. Нафасини ростлаш, юрак уришини тинчлантириш учун дарахтга суянди ва из қувиш саси сўниб бораётганини туйди.

Сэм Фазерс ёрдамга етиб келмагунча кун бўйи янги овчи курткалари ва этикларида ўрмонда ада-

шиб юрган, ҳали ўзларига келолмаган беш нафар шаҳарлик кечқурун лагерда тунашга қолганларида бола из қувиш тафсилотларини эшитди: Шериккинчи бор айиқни қувиб етиб, унга йўл бермаган, лекин йиртқич қони ҳидидан қўрқмайдиган фақат бир эгри хачиргина уларга яқинлашган, бу хачир устида эса отишни эплолмайдиган Бун ўтирган. Бун айиққа ўз питра милтиғидаги беш ўқнинг ҳаммасини узган, лекин ҳаммаси зое кетган, Қари Бен эса яна бир итни қулатиб, қуршовдан чиққан, дарёгача етиб борган ва ғойиб бўлган. Бун яна Шер билан бирга қирғоқ бўйлаб унинг изидан тушганлар. Узоққа, жуда узоққача боришган: дарёдан ўтишаётганда қоронғилик туша бошлаган ва нариги соҳилдан бир миля ҳам юрмасларидан атроф зимистонга айланган. Бу сафар Шер гира-ширада ҳам сув ёқасида Қари Бен изини топа олган – эҳтимол, қон ҳидини туйган, яхшиямки Шер тизгинда бўлган, Бун хачирдан сакраб тушиб, ит билан яккама-якка олишишга тушган ва уни айиқ изидан олиб кетишга муваффақ бўлган. Бун бу сафар сўкинмаётганди. Ҳамма ёғига лой чапилган, ўта ҳориган ҳолда, баркашдек бадбашара юзида ҳамон фожиа, ҳайрат акс этганигача остонада турарди.

– Хато қилдим, – деди у. – Ўн қадам жойдан беш марта мўлжалга теккиза олмадим.

– Аммо биз унинг қонини оқиздик, – деди майор Спейн. – Генерал Компсоннинг ўқи унга тегди. Илгарилари бунинг уддасидан чиқолмагандик.

– Мен эса мўлжални ололмадим. Беш марта хато қилдим. Шернинг кўзи олдида.

– Ўксинма, – юпатди уни майор де Спейн. – Из қувиш аъло ўтди. Қонини ҳам оқиздик. Келгуси сафар Кэтига генерал Компсон ёки Уолтерни миндирамиз ва у биздан қочиб қутула олмайди.

Шу онда Маккаслин сўраб қолди:

– Ҳой Бун, Шер қаерда?

– Сэмнинг олдида қолдирдим, – жавоб берди Бун. У кетиш тараддудига тушганди. – Унга шерик бўлишга ярамай қолдим.

Йўқ, болада Шерга нисбатан нафрат ҳам, қўрқув ҳам йўқ эди. Рўй бераётган воқеаларда у қандайдир муқаррарликни ҳис этарди. Унингча бирор нарса бошланаётган, бошлангандек туюларди. Худди тай-ёр саҳнадаги сўнгги кўриниш.

Интиҳонинг ибтидоси, аммо бу қандай ниҳоя эканлигидан беҳабар эди, бироқ қайғу бўлмайди. Итоат ва ғурур бўлади, унга фақат томошабин роли насиб этган бўлса ҳам майли, ўзига шундай роль насиб этганидан фахр бўлади.

III

Декабрь эди. Хотирасида қолган энг аёзли ой. Улар ҳаво бироз илишини ва ўшанда Шер Қари Бен билан ҳар йилги из қувишларини ўтказишларини кутиб, лагерда мўлжалдаги икки ҳафтадан кейин ҳам тўрт кун туришарди. Из қувиш ўтса бу ерни тарк этиб, уйларига равона бўлишлари мумкин. Покер⁹ ўйнаб кўзда тутилмаган кутиш кунларини кеч қилиш виски захирасини тугатди ва шу сабаб Қари Бен билан болани Мемфисга жомадон ҳамда майор де Спейннинг мусалласчи мистер Семсга бир парча хати билан йўлга отлантиришди. Яъни майор де Спейн ва Маккаслин Бунни виски олиб келишга, болани эса Бун бу вискиларни ёки уларнинг кўпроғини, ҳеч бўлмаса бирор шишаларини етказиб келишини назорат қилиш учун жўнатишаётганди.

Тун соат учда Теннин Жим уни уйғотди. Бола совуқдан эмас – ўчоқда олов гурилларди – бу узоқ

⁹ Покер – қарта ўйинининг бир тури.

қиш кечасида юрак қонни эриниб ҳайдаши ва уйқуга тўйилмагандан жунжикиб тез кийинди. У уйдан фақат яна уч соатдан сўнг ўрнини кунга бўшатиб берадиган донг қотиб ялтираётган тун остида темиртус ер тасмасидан, музли зулматдан тили, танглайи, ўпкасининг чеккаларигача куйдириб ошхонага ўтди, бу ерда чироқ нур сочиб турар, чўғга айланган плита деразаларни хира торттирган, тўртдан бири индеец, чикесо қабиласидан бўлган сквонинг невараси, баъзан томирларида бир томчи бўлса ҳам оқ қони йўқлигига ишорадек гурзи ва қаҳрли муштлари билан қарши оладиган, баъзан, одатда кайфлигида, ана шу мушти ва ўша қаҳри билан отаси тиш-тирноғигача чикесо, бунинг устига қабила бошлиғи бўлганлиги ва ҳатто онаси ярмига индеец аёли эканлигини исботлайдиган Бун эса аллақачон ликобчага тиралиб, ўсиб кетган соқолари қўқартириб юборган жағларини ишга солганди. Унинг бўйи бир метру тўқсон, онги – боланики, қалби – отники, тугмача кўзлари ҳеч нарсани – разиликни ҳам, бағрикенгликни ҳам, меҳрибонликни ҳам, газабни ҳам ифода этмайдиган, бола умрида кўрмаган бадбашара бетига қадалганди. Бундай башарани гўё кимдир футбол ўйнайдиган тўпдан каттароқ ёнғоқ топиб олиб, уни искана билан тарашлаган, кейин индеецларнинг қизил танасидек эмас, балки келиб чиқиши, эҳтимол, қисман вискиникига, асосан эса очиқ осмон остида тараллабедод яшаш нусқиси бўлган деярли бир тусли қизғиш-ғишт рангига бўяган; бундай бетда ажинлар ҳам, қирқ йиллик умрнинг муҳри ҳам йўқ, шунчаки қуёш тифидан ва чакалакзорларнинг зулматига шўнғиётган йиртқич ортидан кўзни қисийшдан қолган, тонг ёришиши билан овни давом эттиришни кутиб изғиринли ноябрь ёки декабрь заминидан ётганида

атайин ўрмон гулханларида куйдирилган бурмалар; унинг учун вақт худди ҳаводек, ўзи бу жойларда сира қаримасдан одимлайдиган ҳаводек эди. Жасур, бепарво ва тутуруқсиз эди; ҳунари, машғулоти, касби йўқ эди, фақат битта қусури – вискига ружу қўйган ва битта фазилати – майор де Спейн ҳамда боланинг тоғаси Маккаслинга сўзсиз, муҳокамага ўринсиз содиқлиги бор эди.

– Баъзан унинг қусурини ҳам фазилатига қўшигинг келади, – деганди майор де Спейн.

– Ёки фазилатини қусурга, – қўшимча қилди Маккаслин.

Бола стол ёнига ўтирди; пол остидаги итлар қовурилган гўшт ҳиди ёки одам қадамларидан ғимирлаб қолди. Шер уларга қисқа ва ҳукмли – ҳар қандай овда тўда етакчиси лўндагина буйруқ берса, аҳмоқлардан бошқа ҳамма дарҳол тушунадиган тарзда ириллади; майор ва Маккаслин итларининг орасида баҳайбатлиги ва кучи, эҳтимол, жасурлиги бўйича Шерга бас келадиганлар топилмасди, лекин аҳмоқлари ҳам йўқ эди, охиргисини Кекса Бен бир йил аввал нариги дунёга равона қилганди.

Нонуштани тугатишаётганида Теннин Жим кириб келди. Извош остона олдида турарди. Маълум бўлишича, Эшнинг ўзи уларни тор изли поезд қатнайдиган жойга олиб бориб қўяр экан, бу ерда Хоуксга борадиган ёғоч ортилган составга чиқишаркан, ликобчаларни эса Жим юваверсин. Бола Эш нима учун йўлга чиққанини биларди. Қария Эш Буннинг ғазабини жунбушга келтирганига бир гал гувоҳ бўлганди.

Қирчиллама қиш эди. Извош ғилдираклари музлаган ерга урилар, осмон мусаффо эди. Ҳозир у жунжикмаётганди – танасига йирик, бир меъёрдаги титроқ урилар, унинг ўртасида эса ҳиёл аввалги но-

нуштанинг оғирлиги худди ғилдиракка тушаётган юкдек ҳис этиларди.

– Эрталаб из қувиш бўлмайди, – деди Бун. – Итлар ис сезмайди, изни топишолмайди.

– Шер топади, – эътироз билдирди Эш. – Шерга ис шарт эмас. Унга айиқ керак.

Эш оёғини дағал мато билан ўраб олган, боши аралаш бутун гавдасини ошхонада полда ёпиниб ётадиган қавилган кўрпага буркагани, тиниқ осмондаги юлдузларнинг ялтироқ шуъаллари остида унинг қиёфасини бирон нарсага ўхшатиб бўлмасди.

– У ўн милялик муз устида ҳам айиқни қува олади. Қувиб етади ҳам. Бошқа итлар ҳисоб эмас, айиқ Шернинг изидан қувганида улар Шерга шерик бўлолмайди.

– Бошқа итларнинг нимаси сенга ёқмайди? – сўради Бен. – Ўзинг ҳеч вақони билмайсан. Биз шу ердалигимиздан буён ўтин олиб келишга чиқмаган бўлсанг, бошингни ошхонадан суқмадинг-ку, фақат ҳозир биз билан биргасан.

– Итлар менга ўта маъқул, – деди Эш. – Улардан кўнглим хотиржам. Мен ҳам ёшлигимдан улардек соғлигимнинг қадрига етсам бўларкан.

– Айтганимдек, бугун из қувиш бўлмайди, – деди Бун. Унинг овози ғазабнамोक ва қатъий эди. – Майор биз Айк билан қайтиб келмагунимизча кутишга ваъда берди.

– Бугун ҳаво ўзгаради. Кун илийди. Кечаси ёмғир ёғади, – шундай дея Эш ўралган боши томондан ҳиринглади, кейин тизгинни силтаб бақирди: – Хачирлар, қани туёқни шиқирлатинглар-чи!

Хачирлар югурди, извош чайқалиб, қийшайди, бир неча лаҳзадан кейин эса улар олдингидек бир текисда йўрғалашни давом эттирдилар.

– Яна бир нарсани аниқламоқчиман, майор нега сени пойласин. Унга Шер керак. Сенинг қўлингда

эса лагерда ҳеч қачон айиқ гўштини ҳам, даррандани ҳам кўришмаган.

«Ҳозир Бун унинг таъзирини беради, ҳатто мушт тушириб қолиши мумкин» хаёлидан ўтказди бола. Аммо авваллари ва кейин ҳам бўлганидек, бирор кор-ҳол рўй бермади; Бун Эшга нисбатан сабр-тоқатли эди, аммо тўрт йил муқаддам Бун Жефферсондаги кўча ўртасида бировнинг пистолетидан, ўтган куз Қари Бенни мўлжалга ололмаганидек, негрга қарата беш ўқ узганди.

– Шўхлигинг тутдими? – деди Бун. – Кечқурун қайтиб келмагунимча, итлар бир қадам ҳам силжимади. Менга ваъда бердими – тамом-вассалом. Сен, яхшиси хачирларингни тезлат, нима мени музлатиб қўймоқчимисан?

Темир йўлга етиб келишиб, гулхан ёқишди. Кўп ўтмай ўрмондан, оқара бошлаган шарқдан ёғоч юкланган состав кўринди ва Бун қўлини силкитиб, уни тўхтатди. Иссиқ хизмат бўлмасида бола мудраб қолди, Бун эса иккала кондуктор билан, кейинроқ Салливэн ва Килрейн¹⁰, бундан ҳам сўнгроқ эса Демпси ва Тэнни¹¹ хусусида бўладигандек, Шер ва Қари Бен ҳақида суҳбатни бошлаб юборганди. Темир йўл станциясига қадар бола туш аралаш, рессорсиз вагоннинг тақир-туқури остида Қари Бен томонидан тилка-пора қилинган ғунажинлар ва чўчқалар, унинг омборларни, қопқонларни, пистирмаларни чилпарчин этганлиги, панжасиз Қари Беннинг – бу ўлкаларда қопқон панжаларини мажақлаган айиқлар элик йиллар чамаси Уч панжали, Панжасиз, Икки панжали лақаблари билан машҳур бўлган, аммо Қари Бен улар орасида ҳам ажралиб

¹⁰ Салливэн, Килрейн – XIX аср охирида ўзаро рақиб бўлган таниқли америкалик боксчилар.

¹¹ Демпси, Тэнни – XX аср 20-йилларидаги машҳур америкалик боксчилар.

турадиган алоҳида айиқ эди (генерал Компсон уни айиқлар шоҳи деб мартабасини оширарди), шунинг учун у лақабга эмас, инсон ҳам уялмайдиган ўз исмига эга эди, эҳтимол, териси ичида қўрғошин ўқ ин қурганлиги тўғрисидаги ҳикояларни эшитарди.

Қуёш кўтарила бошлаганда Хоуксга етиб келишди. Увадаси чиқай деган олачипор овчи кийимлари ва ифлос этикларида иссиқ вагондан тушдилар. Бироқ бу ерда ана шундай уст-бош ҳам, Буннинг қиртишланмаган соқоллари ҳам одатий ҳол ҳисобланарди. Хоукс ёғоч тиладиган корхона, озиқ-овқат дўкончаси, иккита магазин ва боши берк темир йўлдаги ёғоч ортиладиган жойдан иборат, бу ерда ҳамма этик ва олачипор кийимда юрарди. Кўп ўтмай Мемфисга борадиган поезд ҳам келиб қолди. Вагонда Бун бир шиша пиво ҳамда бол аралаштирилган уч пачка қовурилган жўхори харид қилди ва бола Буннинг жўхорини чайнаши товуши остида яна ухлаб қолди.

Лекин Мемфисдаги тартиб бошқача эди. Баланд бинолар ва тош терилган кўчалар, чиройли файтулар, конкалар¹², ёқаси қотирилган ва галстук тақилган кўйлакдаги одамлар манзарасида уларнинг этиклари ва олачипор кийимлари янада дағалроқ ва ифлосроқ, Буннинг соқоллари тиканлироқ ва роса ўсиб кетгандек кўринарди, Буннинг бу башараси билан ўрмондан чиқмагани, боз устига майор де Спейн ҳам, Маккаслин ҳам, бошқа танишлари ҳам бўлмаган жойга келмагани маъқулроқ бўларди, ҳеч ким бу ерда йўловчиларни «Қўрқманг. У ҳеч кимга тегмайди», деб тинчлантормасди. Бун тишининг орасидаги жўхорини тили билан чиқаришга уриниб ва янги милтиқ стволини йўнишда чиқадиган пўлат қириндидек кўктус соқолини ликиллашиб, вокзалнинг

¹² Конка – от торгадиган трамвай.

силлиқ полидан гўё мой суртилган ойна узра одимлаётгандек оёғини қийшайтириб ва букиб борарди. Биринчи кўчадан ўтишди. Ҳатто ёпиқ эшиклар ортидан ҳам бола қипиқ ва эски спирт исини туйди. Бун йўтала бошлади. Ярим дақиқача томоқ қирди.

– Жин урсин, – деди у, – қаерда шамоллай қолдим-а?

– Вокзалда, – деди бола.

Яна йўталмоқчи бўлган Бун индамади, болага боқди.

– Нима? – қайта сўради у.

– Сен лагерда ҳам, поездда ҳам йўталмаган эдинг-ку.

Бун қошини учирганча қараб турарди. Қошини учирришни тўхтатди. Лекин йўталишни бошламади. Оҳистагина деди:

– Пича доллардан чўз. Хасислик қилма. Сенда бор-ку. Сен пул ишлатмайсан-ку. Сен хасис эмассан. Шунчаки, сенга ҳеч қачон ҳеч нарса керакмас. Ўн олти ёшлигимда долларлар қўлимдан учирма бўларди, улар қайси банк томонидан чиқарилганига қиё боқишга ҳам улгурмасдим. Айк, доллардан чўз, – бамайлихотир сўзини яқунлади у.

– Ахир сен майорга ваъда бергандинг. Маккаслинга сўз бергандинг. Лагерга қайтиб боргунча бир томчи ҳам ичмайман дегандинг.

– Қўйсангчи, – аввалгидек оҳиста ва сабр билан давом этди Бун, – бир долларга маст бўладиган даражада ичиб бўлармиди. Иккинчи долларни бермайсан-ку ахир.

– Бунга қўнглинг тўқ бўлаверсин, – бола ҳам сокин ва кимгадир аччиқ қилиб деди; бироқ бу Бунга қаратилмаганди, чунки Буннинг ухлаб қолмаслик, уни ва Маккаслинни ошхонадаги соатга қараб уйғотиш ҳамда улар билан ўн етти миль йўл босиб Жеффер-

сонда Мемфисга борадиган поездга кеч қолмаслик учун ошхонадаги стулда хуррак отаётганлиги; бола Маккаслиндан ўргатилмаган Техас понисини сотиб олишга изн ва пул сўрагани, у Бун билан бу ёввойи тойчани ким ошди савдосида тўрт доллар етмиш беш центга сотиб олганликлари ва уйга икки қари байталнинг ўртасига жойлаштириб, тиконли сим билан чирмаган ҳолда олиб келганликлари (пони тозаланган жўхорини умрида кўрмаган бўлса керак ва бу донни қандайдир қўнғизларга ўхшатгани эҳтимол) ва ниҳоят (ўшанда у ўн ёшда эди, Бун эса бутун умри давомида ўн ёшлиқдек эди) Бун пони тийгинланганлигини айтгани ҳамда тойчанинг бошига қоп кийгизилиб, тўрт негр ёрдамида икки филдиракли эски извошга қўшилгани, Бун билан у извошга ўтириб, Буннинг: «Ҳаммаси жойида, йигитлар. Қўйиб юборинг» дегани ва негрлардан бири – Тенни Жим пони бошидаги қопни тортиб олибоқ четга қочгани, извош устунга урилиб, бир филдираги ўқидан чиқиб кетганлиги, ўшанда Бун болани ёқасидан ушлаб извошдан ариққа улоқтиргани, қолганини у узук-юлуқ: иккинчи филдиракнинг эшикка тегиб, ҳовлидан думалаб бориб айвонга урилгани, ҳамма жойда извош бўлаклари сочилиб ётгани; тизгинни тутиб олган Буннинг чанг-тўзон ичида қорнида судраб кетилаётгани, кейин эса тизгиннинг узилгани, икки кун ўтиб пони худди маликаларнинг кўксидаги қўшқатор дурдек бўйинтуруғи билан уйдан етти миль узоқликда ушлангани ёдида қолган эди... Бола Бунга бир доллар берди.

– Ҳаммаси жойида, – деди Бун. – Сен ҳам юр, совуқда турасанми.

– Совқатаётганим йўқ...

– Лимонад ичардинг.

– Лимонад ичгим йўқ.

Ортида эшик ёпилди. Қуёш тиккага келиб қолганди. Эш кечқурун ёмғир ёғишини башорат қилган бўлса ҳам ҳаво очиқ эди. Кун совуётганди, эртага из қувиш бўлади. Биринчи галдагидек қалби покиза ва қўхна қувончга тўлаётганди; майли, ов қилиш ва ҳайвонларни тутиш билан қартая қолсин, уни тоабат ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайдиган дахлдорлик, итоат ва фахр тарк этмайди. Бу ҳақда ўйламагани маъқул. Акс ҳолда оёқларининг ўзи вокзалга, перронга, жанубга борадиган поезд томон югуриб қолади; бу ҳақда ўйламагани яхши. Кўча гавжум эди. Яғринли норманд отлари, олифта файтунлар, улардан башанг пальтода эркаклар ва мўйнага бурканган пуштиранг хонимлар тушиб, вокзал биносига йўл олардилар. Ўйигрма йил муқаддам унинг отаси – Форрест армияси¹³ таркибида бўлган Сарторис отрядининг суворийси, ҳикоя қилишларича, Мемфисга келиб, отида шаҳарнинг бош кўчасидан янки¹⁴ зобитлари чарм қопланган креслоларга ястаниб, бўйдор, миси ялтиратилган кулдонларга тупуриб ўтиришган Гейозо меҳмонхонасига кириб келган ва отини чоптириб соппа-соғ ғойиб бўлган...

Ортидаги эшик очилди. Бун кафтининг орқа томони билан лабини артарди.

¹³ Натаниэль Бедфорд Форрест (*ингл.* Nathaniel Bedford Forrest, 1821–1877) – АҚШда XIX аср ўрталаридаги фуқаролар уруши йилларида Америка Конфедерация Штатлари армиясининг генерали. У Форт Пиллоудаги жангларда ҳарбий жиноятларда – Америка Иттифоқ армиясидан паноҳ топган куросиз қора танлиларни қириб ташлаганликда айбланган. АҚШ жанубий штатларидаги энг бой миллионерлардан ҳисобланган Форрест фуқаролар урушидан кейин ирқчи Ку-клукс-клан ташкилотчиларидан бири бўлган.

¹⁴ Ямки (*ингл.* «yankee») – XVIII асрда муомалага кирган, Янги Англия (АҚШ шимолий-шарқий штатлари) аҳолисига берилган ном, ҳозирги вақтда бутун АҚШ аҳолисига нисбатан ишлатилади.

– Ҳаммаси жойида, – деди у. – Энди эса ишни дўндириб, уйга йўрғалаш қолди.

Мусалласчи уйида жомадонларига вискини жойлаб беришди. Бун яна бир шиша вискини қаерда ва қачон қўлга киритгани номаълум. Афтидан мистер Семс берган бўлиши керак (Хоуксга қош қорайганда етиб келганларида, бу ерда ҳеч кимса кўринмасди). Уларнинг поезди икки соатдан кейин йўлга чиқар экан. Бунга аввал майор де Спейн, кейин Маккаслин буюришганидек ва болани унга кўз-қулоқ бўлиб туришни топширишганидек, мусалласчи уйдан ҳеч қаёққа бош суқмасдан тўғри вокзалга келишганди. Бун ёнидаги шишасини вокзал ҳожатхонасида очди. Хизмат фуражкали одам бу ерда майхўрлик қилиш мумкин эмаслигини айтмоқчи бўлиб Бунга яқинлашиб, унга қиё ташлади-ю индамай қўя қолди. Кейин Бун ресторанда вискини стаканига стол остида қуяётганида емакхона ходимаси пайдо бўлди ва у индамай қўя қолмагани учун у яна ҳожатхонага йўл олди. Бун негр официант ва бир йўла бу ердаги ҳамма хўрандаларга улар эшитмаган ва ихтиёрлари ўзларида бўлса эшитишни хоҳламайдиган Шер ва Қари Бен тўғрисида бақриб ҳикоя қилиб беришга улгурганди. Сўнг бирданига унинг эсига ҳайвонот боғи келиб қолди. Соат учда Хоуксга яна бир поезд борар экан, демак улар ҳозир йиртқич ҳайвонларни томоша қилгани борадилар ва сўнг ўша, соат учдаги поездда кетадилар. Бун ҳожатхонага учинчи марта кириб чиққанидан кейин дарҳол лагерга, Шернинг олдида боришлари ва учовлон – Шер билан бирга ҳайвонот боғига қайтишлари, бу ерда Шер музқаймоқ ва конфетга тўйдирилган йиртқичларнинг адабини бериб қўйишини эълон қилди.

Шундай қилиб, улар қайтишлари керак бўлган поездга чиқмадилар, лекин бола Бунга соат учда-

ги поездни ўтказиб юборишига йўл қўймади ва бу билан аҳволни ўнглади; энди Бун ҳожатхонага бормас, шу ерда – вагоннинг ўзида ичар ва йўлакда кимнидир тўхтатиб уларга Шер тўғрисидаги гапни уқтирар, улар эса вокзалдаги хизмат фуражкали хизматчидек сукут сақлардилар.

Қуёш ботганида Хоуксга етиб келганларида Бун ухлаётганди. Бола уни туртиб уйғотиб, вагондан жомадон билан бирга олиб тушди ва ҳатто озиқ-овқат дўкончасида кечки овқатни қилиб олишга кўндирди. Шунинг учун паровозча яна уларни қизғиш қуёш ботаётган ўрмон ичига олиб кириб кетаётганида Буннинг кайфи деярли тарқаган, осмон тунд эди, демак тунда ер музламайди. Энди бола чўғга айланган печка ортида ухларди; вагонча тақирлар ва қирчилларди, суҳбат Шер ва Қари Бен ҳақида борарди, кондукторлар гапни англаётганларини тасдиқлаб туришарди, чунки Бун ўз даврасида эди.

– Осмонга булут чиқди, кун илийдиган бўлди, – дерди Бун. – Эртага Шер уни йўқ қилади.

Йўқ қилиш Шернинг ёки бошқанингми, лекин Буннинг чекига тушмаганди. У, эслашларича, шу пайтгача олмахондан бўлак бирор ҳайвонни йиқита олмаган – фақат негрга беш марта ўқ узганида тасодифан негр аёлини яралаганини ҳисобга олмаса. Негр эса дароз йигит бўлиб, деспейнлик қора танли извошчидан олган пистолетидан ўқ узаётган Бундан тўрт қадам нарида турарди, негр ҳам почта орқали бир ярим долларга олган тўппончасини қўлга олган, Бунни илма-тешик қилиб ташлаши мумкин эди, бироқ тўппончаси отилмасди, фақат – чиқ-чиқ, чиқ-чиқ... Бун эса кейин Маккаслиндан қирқ беш доллар тўлашни талаб қилишган ойнаванд витринани чилпарчин қилиб ва бу ердан ўтиб кетаётган негр аёлини оёғини яралаб, ўқдондаги ўқларни

сарфлаб бўлганди; бу аёл учун майор де Спейн пул тўлади: у Маккаслин билан ким витрина учун, ким оёқ учун пул тўлашни қарта ташлаб бўлашиб олганди. Бу йил эса лагерда, овнинг биринчи кунда Буннинг олдидан шоҳдор чиқиб қолди; бола Буннинг эски сочма ўқли милтигидан беш марта ўқ узилганини, кейин эса Буннинг: «Лаънатлар бўлгур, қочиб қоляпти! Қаршисидан чиқ! Қаршисидан!» деган овозини эшитди ва ўша жойга борганида ўқ узилган жойдан кийик изларигача бўлган масофа йигирма қадам ҳам келмаслигини кўрди.

Ўша кеча лагерда Жефферсондан келган беш киши: Баярд Сарторис ўғли билан, кенжа Компсон ва яна икки одам меҳмон эди. Тонгда эса бола Эш томонидан башорат қилинган кулранг ёмғир ури-лаётган деразадан қараб, йигирматадан кўпроқ одамни кўрди – улар ўн йилдан бери Қари Бенни дон, чўчқалар ва бузоқлар билан таъминлаб турардилар, ҳозир эса шаҳарлик ҳар қандай негр ташлаб ёки ёқиб юборган эски шляпалар, куртка ва комбinezонларда шивалаб ёғаётган ёмғир остида турардилар ёки чўккалаб олгандилар; ҳатто эски, пўлатдан ясалмаган милтиқлар ҳам ҳаммада бор эмасди, фақат резинка этиклари бутун ва пишиқ эди. Нонушта қилишар экан, пиёда ва отда яна чамаси ўн икки нафар одам етиб келди: улар – лагерь қўйи томонида ўн икки миль наридаги участкадаги ўрмон кесувчилар; Хоуксдаги дарахт арралайдиган жойдаги ишчилар, тор изли темир йўлдан келган кондуктор эди (улар орасида фақат шу одамда милтиқ бор эди). Шундай қилиб, ўша тонгда майор Спейнга сўнгги марта, тунд 64-65-йилларда ўзи бошчилик қилган отрядга қуролланиши бўйича бас келолмаса ҳам, сони жиҳатидан кам бўлмаган гуруҳни ўрмонга бошлаб боришига тўғри келди. Бу ерга

келганлар ҳовлига сифмади, улар майор де Спейн байтали устида Эш ифлос кийими билан мойланганидан ёғли патронларни бешотар милтиғига ўқлаб бўлиши ва унга узатишини пойлаётган, яшил тусли баҳайбат – кучукча эмас, балки от сифат мағрур, мудроқ зумрад кўзли, атрофдаги ҳамма нарсага, ҳатто Бун ва Теннин Жим олиб чиққан, боғлоқлик изқувар итларнинг шовқинига ҳам кўр ва кар ҳолда узанги олдида тик ит турган дарвоза ортида ҳам кутишаётганди.

– Кэтига генерал Компсонни ўтқазамиз, – деди майор де Спейн. – Ўтган йили у айиқнинг қонини оқизганди; тагида вазминроқ хачир бўлганида, у...

– Йўқ, – деди генерал Компсон, – чангалзорларда от ва хачирда қувиш учун қарилик қиламан. Буннинг устига ўтган йил ўз имкониятимни бой бериб қўйдим. Бугун пистирмада тураман. Кэтини эса йигитчага бермоқчиман.

– Шошманг, – деди Маккаслин. – Айкда ҳамма нарса, ов ва айиқлар ҳам олдинда. Яхшиси бошқа биров...

– Йўқ, – деди генерал Компсон. – Кэтини Айк минади. Ҳозирнинг ўзида у биздан кўпроқ нарсани билади, ўн йилдан кейин эса Уолтерга ҳам тенглашиб олади.

Бола майор де Спейн унга Кэтига минишни айтмагунича бунга ишонмасди. Мана у ёввойи ҳайвон қонидан ҳуркимайдиган бир кўзли хачир устида ўтирибди ва майор де Спейн узангиси ёнида турган, кулранг аёзли тонгда йирик бузоқдек, аслида бўлганидан йирикроқ кўринадиган – боши катта, яғрини ўзиникидан кенгроқ, яшилтус жуни остидаги мушаклари кимнингдир тегиб кетишидан титрамайдиган, зеро улар томон қонни ҳайдайдиган юрак ҳеч кимни ва ҳеч нарсани севмайдиган итга

қараб турибди; ит отдек баҳайбат, аммо бошқача-роқ кўринади, зеро отнинг сиймоси залворли ва тезлик билан боғлиқ; Шер эса ўзида фақат жасурлик ҳамда таъқиб этиш ва ўлжа олишга интилиш ва иродани мужассамлаштирадиган бошқа нарсаларни ҳам эмас, балки ана шу қувиб етиш ва ўлжа олишга интилишдаги қатъиятни тасаввур этиб бўладиган чегарадан ҳам ўзишга бўлган иродани акс эттирарди. Ит унга боқди. Бошини қимиллатди, хиёл ит ириллаши узра нигоҳини қаратди: Бунникидек – тубсиз, Бунникидек – паскашгликсиз ва бағрикенг, меҳрсиз ва қаҳрсиз, совуқ, мудроқ кўзларини тикди, холос. Сўнг кўзлар имо қилди ва бола тушунди – бу кўзлар унга қарамаётганди ва қарамаганди, шунчаки Шернинг боши шу томон бурилганди.

Ушбу тонгда у из қувиш овозларини бошидан эшитди. Сэм билан Теннин Жим извошдан чиқарилган хачир ва отни эгарлар эканлар, Шер кўздан ғойиб бўлди, шундан сўнг изқувар итлар ҳам из қувишга қўшилдилар, улар искаб ва вовуллаб чакалакзорга шўнғидилар. Бола, майор де Спейн, Сэм, Теннин Жим улар кетидан йўлга тушдилар ва икки юз қадам чамаси наридан қор эриётган ўрмондан уларга илк, баланд, одамникига ўхшаш фиғонли, болага таниш товуш эшитилди, кейин бунга бошқа изқувар итлар ҳам қўшилиб, ғира-шира хилватни тиниқ бўкириш билан тўлдирдилар. Шундан сўнг пойга бошланди. Болага ўзи уларнинг иккаласини ҳам кўраётгандек туюларди: улкан кулранг ит қатъият билан, овоз чиқармасдан қувмоқда, олдинда эса тўрт йил аввалгидек чакалакзор ичидан ақлбовар қилмайдиган тезликда айиқ локомотивдек елиб бормоқда, югураётган хачирлар эса тобора орқада қоляпти. Якка ўқ овози эшитилди. Отлиқлар яккам-дуккам дарахтлар орасидан суяк бет, чирик

тишли оғзидан қичқириқ отилиб чиқаётган, қўли билан узоқлашаётган, ғойиб бўлаётган из қувиш йўналишини кўрсатиб турган ўқ узган овчи ёнидан хачирларини чоптириб ўтдилар.

Хуришлар янги тус олди ва бола уч юз қадам олдинда итлар ва уларга қайрилган айиқни кўрди. Шер югурганича унга ташланганини ва айиқнинг панжаси билан итни итқитиб юборганини, ўзи изқувар итлар тўдасига отилгани, биттасини ерпарчин қилиб, шундан кейин қочиб қолганини кўрди. Отлиқлар ёнидан изқувар итлар оқими ўтиб кетди. Де Спейн билан Жим худди пистолетдан ўқ узишаётгандек ҳайқиришди, Жим итларни орқасига қайтаришга уриниб камарини силкитди. Энди бола ва Сэм Фазерс ёлғиз ўзлари хачирларини чоптирардилар. Из қувишни Шер билан бирга яна бир ит давом эттирарди. Бола унинг овозидан таниди. Ўтган йилги лайча, ўшанда ҳам, ҳозир ҳам ҳеч бўлмаганда изқувар итлар наздида – ақсиз. «Эҳгимол, жасурлик шу бўлса керак» хаёлидан ўтказди бола.

– Ўнгроққа! – орқадан Сэмнинг овози эшитилди.
– Ўнгроққа ол! Уни дарёдан узоқлаштириш керак.

Шу ердан қамишзорлар бошланарди. У йўлни Сэмдан ёмон билмасди. Бутазор ичидан тўппа-тўғри сўқмоқ йўлга чиқишди. Сўқмоқ чангалзор орқали дарёга, яланг қирғоққа олиб чиқди. Уолтер Юэллнинг бешотари тўмтоқ банғиллади – яна бир бор ва кейин икки марта ўқ овози эшитилди.

– Йўқ, – деди Сэм. – Мен изқувар итнинг овозини эшитяпман. Олға!

Улар тор томсиз туннелдан – қамишларнинг шитирлаши ва синиши ичидан остида ҳаракатсиз қуюқлашаётгандек ва кулранг нур оқимида акс этмаётган сариқ сув оқаётган жарга от чоптириб чиқдилар. Ҳозир бола ҳам лайча овозини эшитаёт-

ганди. Чинқириқли ҳуриш жойида қотиб қолганди. Қирғоқ бўйлаб югуриб кетаётган Буннинг елкасига милтиқ қайиши ўрнидаги арқондаги пилта милтиқ урилар ва чайқаларди. У кескин бурилиб, югуриб келди – бети ёввойи, бир кўзли хачирга, бола ортига сакраб минди.

– Лаънатлар бўлсин, қайиққа! – қичқирарди у. – У қирғоқнинг нарига бетиди! Айиқ тўғри ўша қирғоққа отилди! Шер унинг қочиб кетишига йўл қўймади! Лайча ёрдамлашди! Шер жуда яқин эди, отиб бўлмасди! Чоп! – қичқирарди у товони билан хачир биқинини ниқталар экан. – Қани, чоп!

Қор эриётган тупроқда сирғаниб, ўт-ўлан орасидан сувга отилишди. Бола ўнг қўлида милтиқни сув устида кўтарганича, чап қўли билан жиловни хачирнинг бир томонидан, иккинчи томонидан эса Бун ушлаганларича совуқни, музнинг ачитишини сезмади. Қаердадир орқаларида Сэм эди, бу ерда эса дарё, сувнинг ҳамма ёғи итлар билан тўлганди. Изқувар итлар хачирларга қараганда тезроқ сузардилар: хачирларнинг оёғи дарё тубига тегмасдан итлар тик қирғоққа тирмашгандилар. Нариги қирғоқдан майор де Спейн ҳайқирарди ва бола ўтирилиб, сувга Жимнинг оти тушаётганлигини кўрди.

Олдларидаги ўрмон ва ёмғир тош бостирган ҳаво энди яхлит ҳайқириққа айланганди. Бу тошқинли, жарангдор қичқириқ нариги қирғоққа бориб урилар, парчаланар, яна бирлашар, тўлиб-тошар, жаранглар ва болага ўлкадаги ҳамма итлар – барчаси қулоғига ўкираётгандек туюларди. У сувдан чиқаётган хачирга тирмашди. Бун хачирга минмади, унинг узангисидан ушлаб олди. Улар жарликка югуриб чиқдилар, қирғоқдаги буталар орасидан ўтдилар ва айиқни кўрдилар: айиқ орқа оёқларида орқаси билан дарахтга тираниб турар,

атрофида итлар ҳуриб айланишарди ва мана Шер унга отилди.

Бу сафар айиқ уни ерга уриб туширмади. Шерни қучоқламоқчи бўлганидек, иккала панжаси билан қарши олди ва иккаласи ҳам йиқилишди. Бола хачирдан сакраб тушганди. Тепкини тортди, лекин олачипор ит гавдалари бўтқасида у ердан яна айиқ гавдалана бошлагунга қадар ҳеч нарсани ажрата олмасди. Бун бақирар, лекин нима деяётганини англаб бўлмасди; Шер айиқнинг бўғзига ёпишганича унга осилиб олганди, айиқ эса ярим гавдасини тиклаганча панжаси билан итлардан бирини уриб, улоқтириб юборди ва қаддини ростлаб, ростлаб, икки орқа оёғига тик туриб олди ва олд оёқлари билан Шернинг қорнини тила бошлади. Бун олдинга ташланди. Итларнинг бирини устидан сакраб ўтиб, бошқаларини тепиб улоқтириб юбориб, қўлида хира ялтираётган пичоғи билан югурганича худди хачирга минадигандек айиққа сакради, оёқлари билан айиқ биқинларини қисди, Шер ёпишган бўғзини чап қўли билан ушлаб олди ва бола кўтарилган ва санчилган пичоқ тиғи ялтираганини илғади.

Қўл бир мартагина пастга тушди. Бир лаҳза бу ҳайкаллар композициясига ўхшаб кетди: бутун жон-жаҳди билан бўғизга ёпишиб олган ит, айиқ ва унга мингашиб олган, кўз илғамас ҳаракатлари билан чуқур санчилган пичоқни қимирлатаётган одам. Кейин Бун гавдасининг оғирлиги уларни судраб, чалқанчасига думалатди. Биринчи бўлиб айиқнинг бели кўтарилди, аммо Бун шу ондаёқ айиққа мингашди. Ҳали ҳам пичоғи қўлида эди ва бола яна қўл ва елканинг кўз илғамайдиган пайпасланишини сизди; сўнг айиқ Бун ва Шер қапишиб олган гавдасини тиклади, одамдек ўтирилди, ўрмон томон икки ёки уч қадам қўйиб тўнтарилди. Ҳолсизланмади, тиз чўкмади. Худди

дарахтдек қулар экан, учалови – одам, ит, айиқ гўё силкитиб ташлангандек туюлди.

Бола Жим билан бирга югуриб келишди. Бун чўккалаб, айиқ боши ёнида тимирскиланарди. Буннинг чап қулоғи ражилган, курткасининг чап енги узиб ташланган, ўнг этигининг қўнжи пошнагача тилиб юборилганди; оёғи, қўли, ваҳшиёна эмас – ҳозир мутлақо хотиржам юзи бўйлаб ёмғир суйилтирган қизил қон оқарди. Улар учовлашиб Шернинг жағини очишди.

– Секинроқ, иблислар, – деди Бун. – Кўрмаяпсизми, ахир ичак-чавоғи чиқиб ётибди-ку?

У Жимга аввалгидек оҳиста сўз қотар экан, устидаги курткасини ечарди:

– Қайиқни бу ерга олиб келсанг, у дарё оқими пастида, юз қадамча нарида.

Теннин Жим ўрнидан туриб, йўлга тушди. Шу он бола ё Жим овозига бошини кўтариб ёки шунчаки қараб (хотирасида сақланиб қолмаганди), энгашган Жим ва лойда юзтубан ётган Сэм Фазерсни кўрди.

Йўқ, хачир уни устидан тўнтармаганди. Боланинг ёдида – Бун айиққа ташлангунга қадар Сэм ҳам шошилаётганди. Жароҳат ҳам, лат ҳам йўқ. Бола Бун билан уни ўнгига тўнтаришганида, Сэмнинг кўзлари очиқ эди ва у илгарилари Жо Бейкер (Жо Бейкер – Сэмнинг сўнгги қабиладоши) билан гаплашадиган тилда нималардир деди. Аммо ўрнидан тура олмади. Теннин Жим қайиқни жар олдига олиб келди: у дарё узра майор де Спейн билан савол-жавоб қилишаётгани эшитиларди. Бун Шерни курткасига ўраб, қайиққа кўтариб борди, Сэмни ҳам ўша ерга олиб боришди, кейин қайтиб келишди, Жимнинг қайиш тизгинини бир кўзли хачирнинг эгарига бойлаб, айиқни жарга, ўша жойдан қайиққа судраб келтиришди, Теннин Жим

эса от ва икки хачирни сувдан ўтказиш учун шу ерда қолди. Қайиқ қирғоққа етиб келмасдан Бун қайиқ тумшугини ушлаб олган майор де Спейн ёнидан сакраб пастга тушди. Майор Қари Бенга боқди, оҳистагина «Шундоқми» деди. У қайиққа ўтирди, эгилиб Сэмга қўл теккизди, Сэм унга нигоҳ ташлади ва яна ўзининг қадимий тилида нималарнидир деди.

– Унга нима бўлди, билмайсанми? – сўради майор де Спейн.

– Хабарим йўқ, сэр, – жавоб берди бола. – У хачирдан йиқилмаганди. Бун айиққа ташланганидан аввал хачирдан тушганди. Кейин қарасак – ерда ётибди.

– Тезроқ бўл, жин ургур! – бақирарди Бун энди дарёнинг ярмига келган Теннин Жимга. – Хачирни менга бер.

– Хачирни нима қиласан? – сўради майор де Спейн.

Бун унга қарамади ҳам.

– Хоуксга, докторнинг олдига бораман, – деди у пинагини бузмасдан, қизил қон оқаётган, ёмғир уни муттасил ювиб кетаётган юзи мутлақо хотиржам эди.

– Доктор сенинг ўзингга керак, – деди майор де Спейн. – Теннин Жим...

– Қўйсангиз-чи, – деди Бун. У майор де Спейн томон ўтирибди. Юзи аввалгидек хотиржам, лекин овози қатъийроқ эди. – Кўрмаяпсизми, итнинг ичак-чавоғи тилка-пора қилинган.

– Бун, – яна сўз қотди майор де Спейн. Улар бир-бирига қараб турардилар. Бун ундан камида бир бош баланд келарди; ҳатто бола ҳам майор де Спейндан новчароқ эди.

– Доктор зарур, – деди Бун. – Ичак-чавоғини...

– Яхши, – деди де Спейн.

Жим сувдан қирғоққа чиққанди. От ва иккинчи хачир Қари Бен исини туйишга улгуришганди: улар шаталоқ отиб, Жимни судраганча қочиб қолишди. Жим уларни жарлик тепасидагина тўхтата олди ва бойлаб, қайтиб келди. Майор де Спейн компас қайишини ҳалқасидан олиб Жимга узатди.

– Дарҳол Хоуксга, доктор Крофорд олдига йўлга туш, – буюрди у. – Унга лагерда икки одамни кўриб қўйиш кераклигини айт. Менинг отимга мин. Йўлни топа оласанми?

– Ҳа, сэр, – деди Теннин Жим.

– Яхши, – деди майор де Спейн. – Боравер.

У болага қайрилди:

– Хачирлар ва отларни олгинда, извош олдига олиб бор. Биз қайиқда Ёнотлар кўприги олдига сузиб борамиз. Ўша ерда учрашамиз.

– Хўп бўлади, сэр, – жавоб берди бола.

– Яхши. Киришавер.

Бола извош томон йўл олди. Шундагина из қувиш билан бўлиб, нақадар олисга келиб қолганликларини тушунди. Чошгоҳда хачирларни извошга қўшиб, отни унинг ортига боғлаганидан анча вақт ўтганди. Қош қорайгандагина у Ёнотлар кўпригига етиб келди. Қайиқ шу ерда эди. Бола қайиққа тузукроқ нигоҳ ташлашга улгурмасдан, сувни кўриши билан қўлида жилов билан қийшая бошлаган извошдан сакраб тушишга, извошни айланиб ўтиб, пастдан Бун етиб келгунга қадар юганни, кейин эса шаталоқ отган хачирнинг қулоғини ушлаб олган ҳолда ерга пошналари билан тиралиб туришга мажбур бўлди. От эса аллақачон арқонни узиб, лагерь томон борадиган йўлдан қочиб қолганди. Бун билан бола извошни дарёга орқа қилиб қўйишди, хачирларнинг жиловини ечишди, бола иккинчи хачирни юз

ярд¹⁵ нарига олиб бориб, йўл четига боғлаб қўйди. Бу вақтда Бун Сэм эндиликда ётмасдан, балки ўтирган қайиқдан Шерни олиб тушди, Сэмни ўрнидан турғизишганда, у бир амаллаб қирғоққа чиқиб олди ва извошга ўзи ўтиришга ҳаракат қилмоқчи бўлди, Бун буни кутмасдан уни қўлтиғидан кўтариб, ўриндиққа ўтқазиб қўйди. Улар Кэтининг эгарига яна қайишни маҳкамлашди, Қари Бенни извош олдига судраб келишди, кейин уни қия қилиб қўйилган икки хода орқали извошга тортиб олишди, шундан сўнг бола иккинчи хачирни етаклаб келди ва Бун уни Кэти ёнига қалтираган ҳолида турмагунича қаттиқ, тушаётган зарбалардан бўғиқ товуш чиқараётган тумшугига савалади. Кейин ёмғир, кун бўйи сабр қилиб тургандек, бастига олди.

Улар ёмғир остида, кўз ҳеч нарсани ажрата олмайдиган қоронғиликда қайтишарди, лагердаги чироқлар ёғдуси «ялт» этганидан анча илгари бурғунинг ва йўл кўрсатувчи, тенг вақт оралиғида отилган ўқ овозлари эшитилди. Сэмнинг қорамтир кулбаси ёнидан ўтаётганларида Сэм тикланди. Яна қадимий қавмларининг тилида бир нарсаларни айтди, сўнг аниқ қилиб:

– Мени қўйиб юборинглар. Қўйиб юборинглар, – деди.

– Унинг уйида чироқ ҳам йўқ, – деди майор. – Қамчини бос! – қатъий буюрди у.

Аммо Сэм бу пайтда ўрнидан туришга чиранаётганди.

– Хўжайин, мени қўйиб юборинг, – деди у. – Уйга қўйиб юборинг!

Бола хачирларни тўхтатди. Бун пастга тушиб, извошдаги Сэмни кўтарди. Ҳозир у Сэмни оёққа

¹⁵ Ярд – АҚШ ва Англияда масофани ўлчаш бирлиги, 0,9144 метрга тенг.

турғизмасдан, қўлида кўтарганича кулбасига олиб борди. Майор де Спейн ўчоқдаги сўнмаган чўғларни титкилаб, букланган қоғозни ўт олдириб, чироқни ёқди. Бун Сэмни тўшагига ётқизди, этигини тортиб ечди, майор де Спейн уни кўрпа билан ўраб қўйди. Бола эса хачирлар олдида қолиб, ўша иккинчисини, яна қочиб қолишга уринаётган хачир юганини ушлаб турарди, чунки извош тўхташи билан Қари Беннинг иси тим қоронғиликдаги ҳаво оқимида димоққа урилди – бироқ, афтидан, Сэмнинг кўзлари тагин очилган, ўткир нигоҳи кулбаси ва овчилардан узоқларга, ўлик айиқ ва жон таслим қилаётган итдан нарига қадалганди. Шундан сўнг яна бурғунинг чўзиқ фарёди ва бир маромда отилаётган, ҳар бири навбатдагиси жўр бўлмагунча қуюқ зимистон оқимида гўё чўкмасдан осилиб қолаётган ўқлар томон йўлга тушишди, нурга чўмган уй, ёмғир излари қолган ёруғ деразалар, қон сачраган, вазмин, бир нарса ортмоқлаган Бунга индамай қараб турган башаралар олдига етиб келишди. Бун қонга бўялган Шер ўралган тугунини ҳатто саришталикда аёллардек эпчил Эш ҳам текислашнинг уддасидан чиқа олмайдиган чойшабсиз тўшагига қўйди.

Хоуксдаги ёғоч тилимайдиган жойдаги доктор етиб келганди. Бун докторни ўзига яқинлаштирмади: яхшиси, аввал Шер билан шуғулансин. Доктор Шерни карахт қилишга юраги бетламади. Наркозсиз ичак-чавоғини ўрнига жойлаб, тикиб қўйди, майор де Спейн Шернинг бошидан, Бун эса оёқларидан ушлаб турарди. Аммо Шер бирор марта қимирлаб ҳам қўймади. У сарғиш кўзларини Бун ва унинг кийимлари ўта анқиб турган дим хонани тўлдирган ва сукут сақлаб қараб турган, яп-янги ва эски овчи курткаларидаги одамлардан четга қадаганча ётарди. Кейин доктор Буннинг юзи, қўли ва

оёғини ювиб, куйдириб, бинт билан боғлаб қўйди ва улар – олдинда чироқ ушлаган бола, кейин доктор, Маккаслин, майор де Спейн ва генерал Компсон Сэмнинг олдига, унинг кулбасига йўл олдилар. Теннин Жим бу ерда ўчоққа ўт ёқишга улгурган ва олов олдида чўккалаб ўтирганича мудрарди. Сэм эса Бун уни қандай ётқизган, майор де Спейн ўраб қўйган бўлса, шу ҳолида чалқанчасига ётар, улар киргач кўзини очди, нигоҳи билан юзларни айланиб чиқди ва Маккаслин қўлини елкасига қўйиб: «Сэм, доктор сени кўриб қўймоқчи» деди. Сэм қўлини тўшак орасидан суғуриб олиб, ҳатто тугмаларини қадашга тушди, аммо Маккаслин: «Тинчлан. Биз ўзимиз» деди. Улар Сэмни ечинтиришди. У туб ўрмончининг мис-жигарранг тусдаги, деярли туксиз танаси, болалари ҳам, қариндош-уруғлари ҳам, ўз халқи ҳам бўлмаган қари танаси билан қимирламасдан, кўзларини очиб, ҳеч кимга қарамасдан ётарди; доктор уни кўздан кечиришини тугатди, Сэмни тўшаги билан ўраб қўйди, стестокوپини жомадончасига жойлади, калитни чиқиллатди ва фақатгина бола Сэм ҳам тирик қолмаслигини биларди.

– Зўриқиш, – деди доктор. – Балки жазавадир. Унинг ёшида қишда дарёдан сузиб ўтиб бўладими. Бу ўтиб кетади. Фақат бир-икки кун ўрнидан турмасин. Бу ерда унга қараб турадиган одам топиладими?

– Топилади, – жавоб берди майор де Спейн.

Улар уйга қайтиб келдилар: бу ердаги дим хонада Бун ҳали ҳам қўлини Шернинг бошидан олмасдан тўшагида ўтирарди ва одамлар – Шер йиртқични улар учун қувган одамлар ҳам, ҳозиргача у ҳақда орқаваротдан эшитганлар ҳам итга бир кўз ташлаб, чиқиб кетиш учун секингина кирардилар. Кейин кун ёриша бошлади ва ҳамма Қари Бенни кўриш учун ҳовлига чиқди; унинг кўзлари ҳам очиқ эди,

тишлари қайралиб турарди, панжаси қопқон билан мажақланган, териси остида, бурама ҳолда эски ўқлар (умумий сони эллик иккита – сочма, беш отарники ва думалоқ), чап елкаси остида эса Буннинг пичоғи орасидан айиқ юрагига етиб борган, аранг кўзга ташланадиган тирқишча. Сўнг Эш тоғорага залворли қошиғини тақиллатиб, халойиқни ошхонага чорлади ва биринчи бор изқувар итлар пол остида ғимирлашмади. Афтидан, айиқ мурда ҳолида ҳам итларнинг юрагига даҳшат солар ва улар Шерсиз бу қўрқинчдан ўзларича халос бўла олмасдилар.

Ёмғир тундаёқ тинганди. Тонг ўрталаганда эса оппоқ қуёш кўринди, тезда туман ва булутларни куйдириб, ҳаво ва ерни иситди: шамолсиз, декабрдаги, миссисипича, худди илиқ кузни тирилтиргандек кун эди. Улар Шерни айвонга, офтобга олиб чиқдилар. Бу Буннинг ўйига келганди.

– Лаънатлар бўлсин, – деди Бун, – у хонаки эмасди-ку, бунга мен мажбур қилардим. Ўзингиз буни биласиз.

Бун Шерни безовта қилмаслик учун лом билан полнинг тўшаги тўшалган жойдаги тахтасини суғуриб олди ва Шерни кўрпа билан бирга кўтариб олиб чиқиб, бетини ўрмонга қаратганча ётқизиб қўйди. Шундан кейин бола, доктор, Маккаслин ва майор де Спейн Сэм олдига, кулбага йўл олди. Сэм кўзини очмасдан жуда сокин ва тинч, деярли ҳеч ким сезмайдиган ҳолда нафас оларди. Доктор унга стес-токопини ҳам, ҳатто қўлини ҳам яқинлаштирмади.

– Ҳаммаси жойида, – деди доктор. – У шамоллаб ҳам қолмабди. Шунчаки, организми ғалаён кўтарибди.

– Ғалаён кўтарибди? – сўради Маккаслин.

– Ҳа. Қарияларда бу учраб туради, тўйиб ухлашса ёки бир қадаҳ отиб олишса – бу дунё билан хайрлашишлари ҳам ёдларидан кўтарилади.

Лагерга қайтиб келишди. Бу ерга хинин¹⁶, ёнотлар ва дарё суви билан тирик, ботқоқликларда яшайдиган ориқ траппер¹⁷лар, айиқ экинзорлари, омборлари ва қўраларини ҳонавайрон қиладиган, пасттекисликларга маккажўхоризорлари ва пахтазорлари ҳошия бўладиган фермерлар, қўшни участкадаги ўрмон кесувчилар, хукслик ёғоч тиладиганлар, қари айиқ итларини ўлдирган, пистирма ва тузоқларини чилпарчин қилган, қўрғошин ўқларини териси остида олиб юрган, Хоуксдан олисроқларда истиқомат қиладиган шаҳарликлар кела бошладилар. Улар отлиқ, пиёда, извошларда келишар, ҳовлига кириб ва айиқни обдон томоша қилиб, Шер ётган айвонга кўтарилишарди; кўп ўтмай улар ҳовлига сифмай қолдилар – сал кам юз киши тикка туриб ёки чўккалаб мудратадиган илиқ қуёш остида ов, дарранда ва уларни келтирадиган итлар, изқувар итлар, айиқлар, кийиклар, ҳаёт бўлган ва бу дунёдан ўтиб кетган одамлар ҳақида оҳиста суҳбат олиб боришар, йирик кўкимтир ит вақти-вақти билан бир дақиқа кўзларини очиб, гурунглашаётганларга эмас, балки ўрмонга муҳри ёки тасдиқловчи нигоҳи билан тикиларди. Кун ботаётганда у ўлиб қолди.

Бу лагердаги сўнгги оқшом эди. Шерни ўрмонга олиб кетишди, яъни Бун уни қавилган кўрпага буркаб, кеча доктор келгунча қилганидек, ҳеч кимнинг қўлини теккиздирмасдан олиб кетди; Бун итни кўтариб борар, унинг орқасидан эса чироқлар ва

¹⁶ Хинин – хин дарахти пўстлоғидан олинадиган аччиқ таъмли, иссиқни туширадиган ва оғриқни қолдирадиган асосий алкалоид (С 20 Н 24 N 2 O 2).

¹⁷ Траппер (*ингл.* «trap» – «тузоқ» сўзидан) – Шимолий Америкада мўйнали ҳайвонларни тузоқда ушлайдиган овчи. Шимолий Америка европаликлар томонидан ўзлаштирила бошланган дастлабки пайтда мўйна савдо-сотикда асосий товар ҳисобланганлиги сабабли бу ов тури ниҳоятда оммалашган эди.

ўт олдирилган қарағай бутуқлари билан бола, генерал Компсон, Уолтер ҳамда бу ерга келган ва энди тунда қайтишларини Хоукс ҳамда ундан узоқларда кутишаётган одамлардан чамаси элик нафари, хилват вайрона ётоқларига отда эмас, балки яёв етиб боришлари керак бўлган ўрмончилар эргашганди. Бун белқуракка ҳам ҳеч кимни йўлатмади, ўзи чуқур қазиди, у ерга Шерни жойлаштирди, устидан тупроқ тортди ҳамда қатрон анқиши ва қишки шоҳлар орасида сузаётган тутунда генерал Компсон гўрнинг бош томонида, худди одам қабри устида тургандек видолашув сўзларини айтди. Кейин орқаларига қайтдилар. Бу вақтда майор де Спейн Маккаслин ва Эш билан тўшакларни ўраб, боғлаб бўлган эдилар. Хачирлар извошга қўшилган, юк ортилган извош йўлга тўғрилаб қўйилган ва бола кечки овқатни тановул қилиб бўлган де Спейн ва Маккаслиннинг олдига югуриб кирганида, ўчоқдаги ўт ўчган, столда эса нон, совуқ гўшт қолдиқлари турар, фақат қаҳва иссиқ эди.

– Бу нимаси? – қичқирди у. – Нимага? Мен кетмайман.

– Жўнайсан, – деди Маккаслин. – Ҳаммамиз кетяпмиз. Майор уйимизга қайтишни буюрди.

– Йўқ! Мен қоламан.

– Душанбада мактабга боришинг керак. Шундай ҳам дарсларни икки эмас, уч ҳафта қолдирдинг. Душанбагача дарсликларни ўқийсан, бўлмаса синфдошларингга етиб ололмайсан. Сэмга ҳеч нарса қилмайди. Доктор Крофорд нима деганини эшитдинг. Бу ерда Бун билан Жимни қолдирыпман – Сэм оёққа турмагунча у билан бўладилар.

Боланинг томоғи бўфилаётганди. Ошхонада бошқалар тўпланганди. Ноиложликдан уларга кескин бурилди. Бун оғзи очилмаган шишани ушлаб турарди. Бун уни тўнгириб, тубига кифти билан

урди, бўғзидаги пўкакни тиши билан суғуриб олиб, туфлаб ташлади ва шишадан бир қултум хўплади.

– Сен бола, мактабга боришдан бўйин товлама, – деди Бун. – Акс ҳолда иштонингни тушираман-да, савалайман. Мен Кас эмасман, ўн олти ёш бўлмасдан олтмиш ёш бўлсанг ҳам сен билан пачакилашиб ўтирмайман. Ўқимасанг ким бўласан? Кас ким бўларди? Лаънатлар бўлсин, мактабга қатнамаганимда мен ким бўлардим?

Бола яна Маккаслинга ўгирилди. Гўё ошхонада ҳамма учун ҳаво етишмаётгандек, у тобора тезроқ, тобора қисқароқ нафас оларди.

– Бугун энди пайшанба. Маккаслин, бу ердан от оламан-да, уйга якшанба кечқурун, ҳатто кундузи етиб бораман. Тунгача китоб ўқиб, қувиб етаман, – дерди у ноиложлик чегарасидан ҳам ўтган ҳолда.

– Йўқ дейилдими, йўқ, – чўрт кесди Маккаслин. – Кечки овқатга ўтир. Ҳозир..

– Кас, шошма, – деди генерал Компсон кўлини боланинг елкасига қўяр экан. Бола у келганини сезмай қолганди.

– Сенга нима бўлди, ўғлим? – сўради генерал Компсон.

– Мен қолишим керак, – деди бола. – Қолишим зарур.

– Майли, – деди генерал Компсон. – Қолақол. Агар бу ерда бир ҳафта ортиқча бўлганингдан қайсидир ўқитувчи томонидан пул эвазига амал-тақал қилиб битилган китобчани ўзлаштиргунингча ботмон-ботмон терга ботсанг, мактабга қатнашингга ҳожат йўқ. Сен эса, Кас, тилингни тийиб тур, – Маккаслин шундай ҳам индамай турганига қарамасдан, генерал гапини давом эттирди. – Бир оёғинг билан фермада, иккинчиси билан банкда ботиб қолгансан, асл, қадимий ишда эса сен унинг олдида гўдаксан;

сизлар, шунақа Сарторислар ва Эдмондслар¹⁸ бу болага туғилганидан ато қилинган илмдан ўзларингизни тўсиб олиш учун ферма ва банкларни тўқиб чиқардинглар; қўрқинч ҳам туғма эканлиги тушунарли, аммо қўрқоқлик эмас ва у бизнинг бирортамиз ўқ уза олиш масофасига яқинлаша олмаган айиқни кўриш учун компас билан ўн миля йўл босди ва уни кўрди ҳамда қоронғуликда ўн миля орқасига қайтди; бу, эҳтимол, ферма ва банклардан муҳимроқдир... Хўш, айтчи, гап нимада?

Бироқ бола фақат аввалгидек шундай дея олди, холос:

– Қолишим зарур.

– Майли, – деди генерал Компсон. Бу ерда емишлик сизларга етарли. Демак, Маккаслинга ваъда қилганингдек, якшанбада уйгами? Кечқурун эмас, кундузи.

– Ҳа, сэр.

– Шундай бўлсин. Қани, кечки овқатга, – хотима ясади генерал Компсон. – Чаққонроқ бўлинглар. Тунда совуқ қақшатади.

Овқатланиб бўлишди. Извош тайёр турарди, ўтиришса бас. Бун уларни ўрмон четигача, фэйтун кутаётган ферма отхонасигача олиб бориб қўяди. Бун извош олдида қўлида шиша, жароҳати боғланган бошини орқасига ташлаб, осмон манзарасида баланд қилиб ўралган афғон салласини кўз-кўз қиларди. Мана, бўш шиша лабдан узилди, думалаган-

¹⁸ «Сарторис» (ингл. «Sartoris») – Уильям Фолкнернинг «Йокнапатофа сагаси» романлар туркумига кирадиган, биринчи бор 1929 йилда қисқартирилган тарзда (у 1973 йилда «Чанг босган байроқлар» номи билан тўла ҳолида чоп этилган) нашр этилган, Америкада фуқаролик урушидан кейинги ижтимоий ларзалар оқибатида Миссисипи оқсуякларининг тушкунлиги ҳақида ҳикоя қилинган романи. У.Фолкнер бувасининг отаси, фуқаролар уруши полковниги Кларк Фолкнер асар қаҳрамони полковник Жон Сарторис прототипи бўлган.

ча ва юлдузларнинг хира шуъласида ялтираганча итқитилди. «Кетаётганлар – ўтиринглар, қолаётганлар – четга чиқинглар», – эълон қилди Бун. Ўтиришди. Бун генерал ёнидаги ўриндикқа жойлашди, извош тунга шўнғиди ва дастлаб шакл-шамойили ғойиб бўлди, кейин эса ҳаракатдаги қуюқлашган туман ҳамма ёқни зулматга қоплаб, ҳеч нарсани ажратиб бўлмай қолди. Бироқ бола яна анча вақт араванинг ўйдим-чуқурликларда ёғочнамо ва шошилмай тақиллаётганини эшитиб турди. Бу шовқин тинди, лекин Буннинг овози эшитилаётганди. Бун ғадир, жарангли, оҳангсиз куйларди.

Бу пайшанба куни бўлганди. Шанбада эса эрта-лаб Теннин Жин олти йил ўрмондан чиқмаган Маккаслиннинг овда минадиган отини эгарлади, уни қош қораётган, Маккаслин дўкончада ижарачилар ва ходимларга бир ҳафталик озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатиш билан машғул бўлган пайтда тер қуйилтириб дарвозадан чоптириб кирди. Бу сафар шаҳарда вақтни беҳуда ўтказмаслик, майор де Спейннинг извоши тайёрланишини пойламаслик учун Маккаслиннинг файтунига ўтириб, Жефферсонга майорни олиб қайтиш учун йўлга тушишди (файтунни Маккаслин бошқариб борарди, Теннин Жим орқа ўриндикда уйқуга кетганди); майор де Спейн тезда этигини кийди, курткасини устига илди ва улар ўша тундаёқ лагергача бўлган ўттиз миля йўлни зулматда босиб ўтдилар, тонг саҳарда лагердаги байтал ва хачирга минишиб, қуёш кўтарилаётганда чангалзордан Шер кўмилган тоғ ёнбағрига чиқдилар; мўъжазгина қабрда ҳали ҳам Бун белкураги излари сақланиб қолганди, гўрнинг орқасида тўрт дарахт ўртасида янги кесилган ходалардан супача ясалган ва унинг устида тўшакка нимадир ўралганича турарди; қабрга яқин жойда

эса Бун билан бола чўккалаганди ва шу замон Бун – жароҳатининг боғлагичи ечилган, юлқиб олинган, Қари Бен тирноқларининг узун излари қуёшда қотган қора қатрондек эди – сакраб турди ва уларга ўзининг умри бўйи мўлжални хато олган эски питра милтигини ўқталди; аммо Маккаслин бу ерга шошилаётганди: у отни чоптирганича эгарга таяниб, оёқларини узангидан чиқариб олди, хачирдан сакраб тушди ва Бун томон йўналди.

– Яқинлашма, – деди Бун. – Малъун бўлай, унинг олдига ўтказмайман. Яқинлашма, Маккаслин.

Маккаслин эса тез, лекин қизишмасдан яқинлашарди.

– Кас! – чақирди майор де Спейн, кейин эса бақирди: – Бун! Эшитяпсанми, Бун!

У ҳам шошилаётганди. Бола ҳам ўрнидан сакраб турди, Маккаслин ҳовлиқмасдан, қатъий одим отарди, қабр олдига келди, шошилмасдан, бироқ тез ҳаракат қилиб, питра милтиқ стволи ўртасидан ушлаб олди ва у Бун билан бирга Шер гўри устида бир-бирига қарши турганча қотиб қолишди; чарчоқ, бўйсунмас, ҳайратли-қаҳрли, юзи айиқ тирноқлари билан тилинган Бун Маккаслиндан салкам бир бош баланд ҳолида қийинчилик билан, гўё бутун қалин дарахтзор хилватида тўрт, икки кишига, ҳатто Буннинг бир ўзига ҳам ҳаво етишмаётгандек бутун кўкраги билан нафас ола бошлади.

– Бун, милтиқни қўйиб юбор, – деди Маккаслин.

– Эҳ, сен, тирранча, – ғазаб билан деди Бун. – Мен ичагингни суғуриб оламан-ку. Суғуриб оламан ва бўйинбоғ қилиб бўйнингга боғлаб қўяман.

– Ишонаман, – деди Маккаслин. – Милтиқни қўйиб юбор, Бун.

– Унинг васияти шундай эди. У буни бизга айтганди. Қандай иш тутиш кераклигини аниқ қилиб

айтганди. Унга қўл теккизгани йўл қўймайман. У қандай буюрган бўлса, шундай кўмдик ва ўша вақтдан бери шу ерда ўтириб, уни силовсин ва бошқа ифлослардан қўриқлаяпман, йўл қўймайман...

Унинг бармоқлари ёйилди ва Маккаслин питра милтиқни қийшайтириб, ўқларни шу қадар тез чиқариб ташладики, худди биринчи ўқ ерга тушмасдан бешинчи, охиргиси ўқдондан отилиб чиққандек бўлди ва бутун шу вақт давомида Буннинг кўзига тик қараганча, милтиқни четга улоқтирди.

– Уни сен ўлдирдингми, Бун? – сўради у.

Бун ўзини четга олди: гўё пайшанбадан бери мастдек, таянч излагандек қўлларини чўзди, чайқалиб яқиндаги дарахт томон қадам ташлади, кўр бўлиб қолгандек адашди ва йиқилар, тўнтарилар экан, қўллари билан йўғон дарахтга тиранди, ўтирилиб орқа томони ва гардани билан унга суянди – бети шиддатли, ҳорғин, чандиқди, кўкраги баланд кўтарилиб тушмоқда, Маккаслин эса унинг изидан кетма-кет борар экан, Бундан кўзини узмасди.

– Уни сен ўлдирдингми, Бун?

– Йўқ! – деди, Бун. – Йўқ!

– Тўғриси айт, – Маккаслин қатъиятли эди. – Ўзим ҳам унга бунни рад этолмасдим.

Шу пайт бола югуриб келди. Бунни тўсар экан, улар ўртасига туриб олди ва ёшлари кўзларидан эмас, балки ўзига туйилганидек, бутун юзидан қуйила бошлаганди.

– Уни тинч қўй! – қичқирди бола. – Йўқол! Тинч қўй!

Ўрмон саноати компанияси темир йўл ётқизиби, дарахт кесишни бошлагунга қадар бола лагерда яна бир бор бўлиб қайтди. Майор де Спейннинг ўзи у ерга бошқа бормади. Аммо уларни таклиф қиларди: яшайвер ва хоҳлаган пайтингда ов қилавер. Ўша якунловчи овдан, Сэм Фазерс ва Шернинг ўлимидан сўнг генерал Компсон Уолтер Юзелл билан бирга қишда корпорация таъсис этиб, ўзларининг эски тўғарагидаги барча аъзолар томонидан майорнинг лагери ва атрофдаги ўрмонларни ов қилиш учун ижарага олишга уриниб кўришди – бу соддадил қари генералнинг миясига келган, Бун Хоггенбекка ҳам муносиб ҳисобланган ғоя эди. Ҳатто бола ҳам дарҳол бу ҳийлани – майорни яна лагерь билан қизиқтириб кўришга уринишни тушуниб етди; бўм-бўш ва сароб умидга Маккаслин ҳам тирмашиб олмоқчи бўлди, бироқ ҳатто бола мурдани малҳам билан тирилтириб бўлмаслигини, майор де Спейн таклифни рад этишини биларди. Рад ҳам этди. Бола тафсилотлардан беҳабар қолди. Бу гап кўтарилганда у йўқ эди, Маккаслин эса ҳеч нарсани овоза қилмади. Аммо июнь ўтиб кетди, қўшалоқ туғилган кун нишонланмай қолди, ноябрь бошланди, майор де Спейннинг лагери тўғрисида ҳеч ким оғиз очмади ва бола майор билан бўлажак ов тўғрисида гап-сўз бўлганлигидан дарак топмади, ҳолбуки майор Эш орқали кўрилаётган тараддуд ҳақида эшитганди, албатта: улар – бола, Маккаслин, генерал Компсон (унинг учун бу сўнгги ов бўлганди), Уолтер, Бун, Теннин Жим ва қария Эш – ўшанда захиралар ортилган иккита аравада икки кун йўл босиб, болага таниш бўлган жойлардан қирқ миля нарига қўнишган ва у ерда мўлжалдаги икки ҳафта давомида чодирларда яшашганди. Баҳор келди ва улар майор (фақат

унинг ўзидан эмас) ўрмонни дарахтларни кесиш учун мемфислик ўрмон саноатчиларига сотганлигини эшитишди, июль ойи шанбаларидан бирида бола Маккаслин билан шаҳарга келиб, майор де Спейннинг иккинчи қаватдаги кенг хонанинг деразалари дўкончаларнинг моллар уюлиб ётган залларига, панжара ўрнатилган балконлари эса шаҳар майдонига қаратилган идорасига кириб келишди: бу ерда деворларга китоблар тахланган, парда ортидаги токчада кедр дарахтидан ясалган челақда сув, қанддон, қошиқ, стакан ва чирмалган шишада виски турарди, эшик олдида қария Эш стулда чайқалиб, ёзув столи устидаги бамбук ва қоғоздан ясалган катта елпигич тасмасини тортқиларди.

– Марҳамат, – деди майор де Спейн. – Ўйлашимча, Эш ўрмонда яшаб, ўзи овқат пиширишга қарши эмас. Доим Дэзи тайёрлаган таомлар ёқмаслигидан шикоят қилгани қилган. Сен билан яна кимдир бўладими?

– Йўқ, сэр, – жавоб берди у. – Балки Бун деган ўйдаман...

Мана ярим йилки, Бун Хоуксда полициячи бўлиб хизмат қиларди; майор ўрмонни сотаётганида шуни шарт қилиб қўйганди, аниқроғи муросага борганди: у Бунни ходаларни тилиш учун узатиб турувчи ишчиларга ўнбоши қилиб қўймоқчи эди, лекин компания тартиб назоратчиси бўлиш унинг учун мувофиқроқ деган қарорга келди.

– Майли, – деди майор де Спейн. – Бугун унга Хоуксга телеграмма жўнатаман. Ўша ерда учрашасизлар, Эш поездда жўнайди, улар егуликларни ўзлари билан олиб борадилар, сен эса юксиз отда кетавер.

– Яхши, сэр, – деди у. – Раҳмат.

Шу вақт у ўз овозини яна эшитди. У бу ҳақда гап очишини билмасди ва айна пайтда биларди, ҳамма вақт биларди:

– Балки, ўзингиз ҳам...

Овоз ўчди. Гапи нега узилиб қолгани номаълум, ахир майор де Спейн сўзини бўлмади, ҳатто дарҳол стол ва қоғозлар олдиға қайтмади, дарров кўзини олиб қочмади: ўзи унинг ўтиришиға ҳожат бўлмаганди, бола кирганида майор – бўйи новчамас, тўладан келган, оқ сочли, юпқа газмолдан тикилган расмий қора костюмда, ёқаси ялтирайдиган даражада қотирилган кўйлақда стол олдида қўлида қоғоз билан ўтирарди, рўпарасида турган ўсмир эса уни соқоли олинмаган, этикда ва лой чапиган духобали иштонда, бақувват, жундор, узун оёқли, эгарига кўпни кўрган винчестер¹⁹ осилган, узангисига яшил тусли катта ит тасвири ўйиб туширилган байтал устида кўришға одатланганди; ўша охирги йилда, ҳеч бўлмаганда ўсмир нигоҳида биргаликда узоқ йил ишлаган, ишнинг кўзини биладиган ёки узоқ йил севишган икки киши ўзаро ўхшаш бўлиб қоладиганларидек, суворий ва ит нимаси биландир бир-бириға ўхшаб кетганди. Майор де Спейн ҳеч кўзини кўтармасди.

– Йўқ. Ишлар қўйиб юбормайди. Сенға эса омад тилайман. Олмахон ушласанг, олиб келарсан.

– Яхши, – деди бола. – Келтираман.

У ўзи катта қилган ва ўргатган уч ёшли отда йўлга тушди. Тунги соат бирда уйдан чиқиб, олти соатдан кейин ҳам отни қора терға ботирмасдан Хоуксға, темир йўл узелиға етиб келганди, унга бу жой ҳам авваллари майор де Спейнға қарашлиға

¹⁹ Винчестер (*ингл.* «Winchester rifle») – АҚШда «Winchester Repeating Arms Company» томонидан XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб ишлаб чиқарила бошланган бешотарлар ва бошқа милтиқларнинг умумий номи.

ўхшаб туюларди, ваҳоланки аслида майор де Спейн томонидан компанияга анча илгари темир йўл бекати йўллари, платформа ва дўконча учун фақат ер сотилганди; у лол қолган, аянч билан ҳайратга тушган ҳолда атрофга аланларди – ҳолбуки икки ёки уч акр²⁰ майдонни эгаллаган, чала битган ёғоч заводи ва бутун бошли бир миля узунлигида тахлаб ташланган, янги пўлатдаги каби ўша ёрқин-қўнғир занг боса бошлаган рельслар, креозот²¹ обдан анқитган шпалаларни, икки юзта ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ хачирлар учун тиканли сим билан тўсилган отхона ва охурлар ҳамда от уюрларини ҳайдайдиганлар учун чодирларни кўрганидан кейин ҳеч нарсага ажабланмайман деб ўйлаганди; шу сабаб у тезда отини отхонага етаклаб борди, отбоқар билан келишди, атрофга алангламасдан состав охиридаги хизмат вагончасига ўтирди, милтиғи билан юқоридаги дераза ёнига чиқиб олди ва олдиндаги, ҳеч бўлмаганда бу гал кўрганларидан яширинса бўладиган, девор бўлиб турган ўрмонга кўзини қадади.

Паровозча чинқириқли ҳуштагини чалди, силтади, пишиллади, уланиш шақир-шуқури худди уйқусирагандек состав узра узатилди, вагон жойидан қўзғалди, шошқалоқ пихиллаш қуюқ бир маромдаги тутун чиқариш билан алмашди ва у поезднинг боши бурилиш бутун чизигидаги ягона ёйдан ўтиб, дарахтзорда яширинаётгани ҳамда у гўё кўримсиз ва зарарсиз илонча (ўша вақтларда илонча зарарсиз бўлганди) майса ичига судралиб кириб кетаётгандек, думини ўзи томон тортаётга-

²⁰ Акр (*ингл.* «acre») – инглизча ўлчовлар тизими қўлланиладиган қатор мамлакатлардаги (Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия ва бошқалар) ер майдони бирлиги, 0,405 гектарга тенг.

²¹ Креозот (*франц.* «créosote») – ёғоч ва тошкўмир қатронидан олинадиган мойли суюқлик.

нига қараб турарди – ва, мана, поезд бутун кучи билан аввалги вақтлардаги каби болта тегмаган қалин ўрмоннинг икки девори орасидан тарақлаб елиб борарди. Бундан атиги беш йил илгари худди шу вагондан Уолтер Юэлл поезд юриб кетаётганида олти шоҳли буғуни отиб йиқитганди; ёки ўша ёш айиқни ёдга олиш мумкин: биринчи состав энди-гина ўрмон ичкараси томон ётқизилган ўттиз миля узунликдаги темир йўлдан кетмоқда, рельслар ўртасида эса – айиқ, орқасини ўйинқароқ кучукчадек кўрсатиб, шпалалар орасини титкилайди, у ерда чумоли ёки бирор қумурсқа бор-йўқлиги билан қизиқмоқда ва, умуман, бу – гўё бир кечада бўшлиқдан пайдо бўлган ва чексиз, математик аниқлик билан қатъий саф тортган ғаройиб, текис, тўғри бурчакли, пўстлоқсиз кўндаланг ёғочлар нима ўзи: паровоз яқинлашиб келяпти, у эса ҳамон шпалаларни ўргаяпти; машинист тормоз берди, ўттиз қадамча қолганда ҳуштак чалди, айиқ ўқдай отилиб, тўғри келган биринчи дарахт – эркакнинг сонидан йўғон бўлмаган нав-ниҳол шумтолнинг даярли учига чиқиб олди, дарахтга ёпишди, бошини одамлардек, аниқроғи аёллардек панжалари билан бекитди, кондуктор эса унга тош отарди; уч соат кейин состав биринчи ёғоч ортилган юк билан қайтаётганида айиқ энди шумтолнинг устидан тушаётиб, дарҳол яна дарахтнинг тепароғига чиқиб олди ва тагин дарахт орқасига бекинди ҳамда кундузи поезд яна ёғоч ортиб келгани йўл олганида ҳамда қош қорайганида қайтаётганида айиқ ҳамон шумтолнинг устида ўтирарди; Бун тушликда станцияга ун олгани келганида поезд бригадаси бу ҳақда гапиришаётганини эшитди ва Бун билан Эш ўша тунни (у пайтда ҳар иккиси ҳозиргидан йигирма йилга ёш эди) кимдир айиқни отиб туширмасин

деб шумтол тагида ўтказишди, эрталаб эса майор де Спейн составни станцияда тўхтатиб турди ва фақат кун оққанида (бу вақтда дарахт яқинида Бун билан Эшдан ташқари майор де Спейн, генерал Компсон, Уолтер ва йигирма ёшли Маккаслин тўпланишганди) айиқ деярли ўттиз олти соат сувсиз дарахт тепасида ўтирганидан кейингина ерга тушди – одамлар эса бочка олдида туриб, эҳтимол, ҳозир айиқ тўхтади ва сувдан тўйиб ичади деган хаёлга боришганди; Маккаслин кейинчалик унга айиқ юришини секинлаштириб, сувга, одамларга, сўнг яна сувга қарагани ва сувни ичмасдан нарига, айиқлар югурадигандек олдинги ва орқа панжалари билан параллел, лекин алоҳида-алоҳида изларини муҳрлаган ҳолда шаталоқ отганини ҳикоя қилиб берган эди.

Ҳа, ўшанда илонча безарар эди. Ўтиб кетаётган поезд овозини лагерда баъзан эшитишар, баъзан эшитишмасди – ахир улар бунга қулоқ тутмасдилар. Пишилаётган паровозча рельслар туташган жойда тақиллаб, бўш платформаларни ўрмон ичкарисига илдам олиб кириб кетаётганлиги ва унинг чинқириқли ҳуштаги ҳатто акс садо ҳам пайдо қилмай ўйчан ва бефарқ хилватда лаҳза ўтмай кўмилиб кетишини эшитиб қолишарди. Кейин состав ортилган юк билан қайтарди, илгаридек тез юрмасди, бироқ олдингидек, ўйинчоқ-судралувчи бўлса ҳам, шиддатли тезлик тасаввурини ҳосил қиларди; энди паровозча ҳуштагини чалмасди – буғни тежарди, фақат ҳарсилларди, асрий ўрмонлар юзига шиддатли ва бефойда, суронли, бўм-бўш, болаларча кеккайиши билан пишилаб пуфларди, ходаларни қаерларгадир ва нима учунлардир олиб кетарди, ортида эса ўрмон қум ортилган ўйинчоқ аравача ўз юкини олиб бориб тўккач, янгисини келтириш учун шошилгани, уни ўйнаётган толмас, тинимсиз,

чаққон қўл эса аравачага ортиш учун тўкилган кумни тезда жойига қайтарганидек, тўнкалар ва чандиқлар устида бирлашаётган бўларди. Ҳозир эса – бошқача. Поезд ўша –аввалгиси эди: паровоз, платформалар, охирги вагон, ҳатто машинист, ўт ёқувчи ва кондукторлар ҳам; Бун – атиги ўн тўрт соат ичида ичиб, маст бўлишга, кайфи тарқаша, яна ичиб, маст бўлишга ва деярли кайфи тарқашига улгурган ҳолда икки йил аввал ўша кун улар олдида эртага Қари Бенга хотима ясалади деб мақтанганди; ва ушбу поезд ўша ўйинчоқ-шиддатли тезлик билан ўша хилват, кўз ўтмайдиган ўрмон деворлари ўртасидан, ўзи учун хотирали бўлган, яраланган ва яраланмаган буғуларни қувган, неча бор кўзи ўнгида асло яраланмаган буғу ўрмондан отилиб чиқиб, кўтармага отилар ва рельслар орасидан ўтиб, яна ўрмонга кириб кетган йиртқичлар сўқмоқлари олдида ўтарди; буғу бошқа ҳайвонлардек тўрт оёқли бўлса ҳам ердан туёғини узиб, одатдагидан уч маротаба узунроқ ва ҳатто туси ҳам ёрқинроқ ҳолда замин узра – худди тек туриш ва мутлақ ҳаракат ўртасида чегара бўлгандек ва бу чегара ортида ҳатто офирлик ҳам офриқсиз ва уқубатсиз кимёвий янги ҳолатга ўтиб, фақат ҳажми ва шаклини ўзгартириб қолмасдан, балки туси билан шамол рангига яқинлашадигандек ёйдек учарди; аммо ҳозир поезд болтага кунда бўладиган хилватга интиҳони, янги, майли, қуриб битказилмаган завод, майли, ҳали ўрнатилмаган бўлса ҳам рельс ва шпаллар ҳақидаги хабарни элтаётганди; биргина поезд эмас, унинг ўзи ҳам кўрганларини сақлайдиган хотирасида, кўзларида ва ҳатто – худди бемор ёки мурда олдида соф, майин эсаётган ҳавога чиқилганда ўзинг билан турғун ва кулфатли ҳидни келтирганингдек – кийимида бу хабарни элтаётганди; ва у энди май-

ор де Спейн неҗа келмаганлигини тушунди (ҳали эрталаб станцияда буни англаган, лекин фикрида шакллантиришга улгурмаганди); мана шу муқаррар мартадан сўнг унинг ўзи ҳам бошқа бу ерга қайтиб келмаслигини туйди.

Машинист ҳуштак чалди – етиб келишаётганини бусиз ҳам биларди. Мана, Эш извош билан ва яна, бола ёдида қолганига кўра саккиз йилдан бери майор де Спейн Эшга бундай қилиш мумкин эмас деб уқтиришига қарамасдан, жиловни тормоз тутқиси атрофига ўраб қўйибди; поезд тезликни пасайтирди, лаппаклар тўқнашиб, тарақлаб кетди, вагон извошга тенглашди, у қўлидаги милтиғи билан сакраб тушди, тепадаги кондуктор бўйнини чўзиб, байроқчаси билан машинистга белги берди, вагон ҳануз тезликни пасайтирганча олдидан оҳиста сузиб ўтди, аммо паровоз сокин хилват томон қарата тобора тез-тез пишиларди, узатгичлар тарақ-туруғининг тўлқини яна вагонлар узра ўтди, ниҳоят тезлик ортди ва поезд кўринмай қолди. Ўзи у йўқ эди. Овози ҳам қолмаганди. Боқий, чексиз-чегарасиз, яшил, ёғоч арралайдиган заводдан қадимийроқ, тор изли темир йўллардан узунроқ, бефарқ, ўз ўйига шўнғиган хилват юқорида бирлашди.

– Мистер Бун келдими? – сўради у.

– Мендан ҳам олдинроқ келган, – деди Эш. – Кеча Хоуксда поезддан тушганида, юк ортилган извош кутиб турган экан. Кечқурун лагерга келсам, остонада ўтирган экан. Бугун кун ёришмасданоқ ўрмонга йўл олди. Олмахон дарахти томон йўл олишини, сен ҳам ов қилишга ўша жойга боришингни айтди. Ўша ерда учрашасизлар.

Бу жойни у биларди – ўрмон четида, кесилган эски ёғочлар орасида йирик дарахт бор, агар сездирмасдан секин бориб, тўсатдан отилиб чиқилса,

йилнинг бу палласида баъзан шохларда ўн-ўн беш олмахонни кўриш мумкин. Улар қоча олмайди, атрофда бошқа дарахт йўқ. Шунинг учун у извошга чиқмади.

– Мен тўғри ўша ерга, – деди у.

– Ўзим ҳам шундай ўйлагандим, – деди Эш, – мана, бир қути ўқларни олиб келгандим.

У қутини узатиб, жировни тормоз тутқисидан еча бошлади.

– Майор сенга бундай қилиш мумкин эмаслигини неча марта айтган, – деди бола.

– Нима? – деди Эш. Кейин давом этди. – Бун Хоггенбек ёдида тутсин – тушлик ярим соатдан кейин дастурхонда бўлади, тамадди қилмоқчи бўлсангиз, тезроқ қимирланглар.

– Бир соатдан кейин? – қайтадан сўради у. – Ҳали тўққиз бўлгани йўқ-ку. – У соатини чиқариб, Эшга кўрсатди.

Эш соатга боқмади ҳам.

– Бу шаҳар вақти. Ҳозир биз шаҳардамасмиз. Ўрмондамиз.

– Ундай бўлса қуёшга қара.

– Қуёшга қарашга ҳам ҳожат йўқ, – деди Эш. – Агар Бун Хоггенбек билан тушлик қилмоқчи бўлсангиз, сизга айтилган вақтда келинг. Кейин ўчоқ бошида ғимирлашга вақтим бўлмайди, ўтининг ғамини ейишим керак. Оёғинг остига ҳам қараш керак. Бу ерда ҳозир судралувчилар тўлиб-тошиб ётибди.

– Хўп, майли, – деди у.

Ва ям-яшил, ёзги ўрмон уни танҳолик билан эмас, балки хилват чамбари билан ўраб олди. Ўрмон ўша-ўша эди: унга, боқийга ёзнинг яшиллиги, кузнинг ёнғинлари ва ёмғирлари, муздек совуғи ва ҳатто қорининг ўзгариши учун ҳожат бўлмаганидек, ўзгаришига ҳожат йўқ эди...

...ўзининг биринчи буғусини ўлдирган, Сэм юзига буғунинг иссиқ қонини суртиб қўйган ва улар лагерга қайтиб келган ўша кун, ўша тонгда Эш қошини чимириб, аччиғланган, ҳатто ҳақоратланган ҳолда қараб турганини ва охир-оқибат Маккаслинга ҳақиқатан ҳам буғуни у йиқитганлигини тасдиқлашга тўғри келгани ёдида: Эш ўша оқшомда ўчоқ ортидаги бурчақда қовоғини уйиб, ёнига йўлатмай ўтириб олди, шунинг учун Теннин Жимга кечки овқатни келтиришга тўғри келди ва ўзи ҳаммани тун соат бирда уйғотди ва Эш нонушта дастурхонини ёзганлигини маълум қилди ва жаҳли чиққан майор де Спейн Эшнинг роса пўстагини қоқишга тушди, Эш эса тунд, тишини қайрар ва ниҳоят Эш ҳам овга бориш ва буғуни отиб ўлдиришни истаётгани, шунчаки хоҳлабгина эмас, балки қатъий равишда отиб ўлдирмоқчи эканлиги маълум бўлди ва майор де Спейн шундай деди: «Ана қанақа ният, агар биз бунга рози бўлмасак, ўзимиз фартук тақишимизга тўғри келади», Уолтер Юэлл эса қўшиб қўйди: «Ёки нонушта қилиш учун ярим тунда ўрнимиздан туришга тўғри келади»; ва бола буғуни отиб ўлдиришга улгургани ва фақат гўшт тугамаса, бунга бошқа рухсат берилмаслиги сабабли милтиғини Эшга таклиф қилиб кўрди, бироқ бу масалага майор де Спейн аралашиб, болага милтиғини бугун Бун беришини буюрди, Эшга эса Буннинг тузукроқ питра милтиғи ва ўқларни топширишга кўрсатма берди, лекин Эш «Ўқларим ўзимда бор» деб бирваракайига тўрт сочма ўқ қутисини: қуён учун учинчи рақамли, қушлар учун иккинчи рақамлиларни кўрсатди ва бу ҳар бир ўқ турининг келиб чиқиши тарихини гапириб берди; ва майор де Спейн, Уолтер ва генерал Компсоннинг буни қай ҳолда тинглаганлари боланинг ёдида қол-

ди; Эшнинг «Отилмайди? Шундай отилсинки! Мана бунисини, – у йирик питрани кўрсатди, – генерал Компсон саккиз йил аввал берган, тўппа-тўғри милтиғидан, ўшанда уч шохдорни қулатган милтиғидан чиқариб берган. Мана буниси эса, – у қуёнларга мўлжалланган ўқларни тантанавор кўрсатди, – бу болакайдан ҳам катта ёшда!» дегани; ва ўша тонгда Эшнинг милтиғини ўзи ўқлаб берди: ўқдонга аввал лойхўракка мўлжалланганини, кейин учинчи рақамлини, ўқдонда биринчи бўлиб туриши учун эса охирида йирик питрани жойлади; ва қор ёғарди, майор де Спейн Жим билан отда, у – милтиқсиз ва Эш отлар билан ёнма-ён боришарди; ва, мана, қўйиб юборилган изқувар итлар изга тушдилар, унсиз чўкаётган ҳавода жарангдор, қулоққа ёқимли ҳуриш чалинди ва гўё ҳали туғилмаган акс садо билан бирга кўмилгандек вазнсиз, беҳисоб, чарчоқ билмай, шитирламасдан тушаётган қор парчалари остида деярли ўша оннинг ўзида ўрмонда ғойиб бўлди; ва майор де Спейн ва Жим итлар кетидан отларини ниқтаганча чоптириб кетдилар ҳамда ҳамма нарсга жой-жойига тушди, у худди ҳозиргина Эшдан аниқ эшитгандек, ҳаммасини тушунди – Эш ов қилиб бўлган ва ҳатто ўзи, болага буғуни қулатганини ҳам кечирди ва улар орқаларига қайтдилар; аниқроғи Эш: «Энди қаёққа?» деб сўради ва у «Бу ёққа» деди; ва бўралаётган қор остида олдинда борарди, чунки Эш мана, йигирма йилдан бери ҳар йили бу ерда ярим ой бўлишига қарамай ва лагергача ярим миля бўлмаса ҳам йўлни билмасди; бироқ кўп ўтмай уни Эш милтиқни қандай ушлаб олгани ҳазилакам чўчитмади ва у Эшни олдинга ўтказиб юборди; ва Эш шахдам қадам ташлар экан, энди сўзамоллик билан аввал ўтиб бораётган жойлари, кейин ўрмон ва ўрмондаги ҳаёт, дарранда

гўшти, умуман егулик, таомни тайёрлаш ва хотини овқатни қандай пишириши, лўндагина кампиршо хотини хусусиятлари ҳақида ҳикоя қилиб кетди; шу жойга келганда дарҳол яқинда майор де Спейннинг қўшнилари ёллаган оқсоч аёл ва агар бу хизматкор бундан кейин ҳам «думини ликиллатадиган» бўлса, қариялар нималарга қодирлигини кўрсатиб қўйиши, афсуски хотини унга ҳамиша кўз-қулоқлиги тўғрисида жуда ими-жимигача, ниҳояси йўқ қаричилик дostonини тўқишда давом этди; улар ҳозир лагердан чорак миля нарида тугайдиган қамишзор ва наъматаклар орасидаги ҳайвонлар сўқмоғидан борардилар; уларнинг йўлини сўқмоққа кўндаланг йиқитилган катта дарахт тўсди ва Эш ҳамон гап сотганча ундан сакраб ўтмоқчи бўлганди, тўсатдан дарахт орқасидан бир яшарча айиқ боласи кўтарилди, орқа оёқларига ўтириб олди, олд оёқларини беҳол, худди дуо китобидек кўтариб юзини тўсди, бир неча лаҳза ўтди, Эш милтиғини қўрқув ситови билан кўтарди, бола «Аввал ўқни ўқдондан чиқар» деди, аммо милтиқ тепкиси босилганди, бола «У ерда ўқ йўқ-ку, аввал ўқни жойла» деди; ва Эш унга қулоқ солди, милтиқ чайқалди, тик қотди, тепки босилгани эшитилди, пистон чиқмади, бола «Қайтадан ўқла» деди ва ўқ бутун оғирлиги билан дўмбалоқ ошиб ён томонга, чакалакзорга урилди. «Энди учинчи рақамлиси» – ўйига келди унинг ва яна тепки беҳудага босилди ва «Лойхўракники қолди» деган фикр миясига урилди, Эш тезда милтиқни қайтадан ўқлади, у эса «Отма! Отма!» деб бақирди, аммо яна тепкининг қуруқ чиқиллагани эшитилди, холос; ва айиқ ўтирилди, чўккалади, ғойиб бўлди; ва дарахт, қамишзор, юмшоқ ва бетўхтов бўралаётган қор қолди; ва Эш «Энди қаёққа?» деб сўради ва у «Бу ёққа. Кетдик» деди ва йўлда давом

этмоқчи эди, Эш «Аввал пистонларни йиғиб олиш керак» деди; ва у «Бошингга урасанми. Кетдик» деди, бироқ Эш милтиғини дарахтга суяб қўйиб, сўқмоқдан четга чиқиб, у келиб, пистонларни қидириб топунича букилган ҳолда тўнка атрофини титкилади, ва улар иккаласи қаддини ростлаган эдилар, шу лаҳзада уч қадам нарида суяб қўйилган ва ёдларидан кўтарилган милтиқ ўз-ўзидан пақиллаб, олов сочди ва тинди; ва бу сафар милтиқни ўзи қўлига олиб, ўқларни ўқдондан чиқарди, Эшга охирги қотиб қолган гильзани узатди, милтиқни бошқа ўқламасдан лагерга олиб келди ва Бун тўшаги олдидаги бурчакка суяб қўйди.

...ёз ва куз ва қор ва нам, шарбатдан бўккан баҳорнинг белгилаб қўйилган навбат алмашишлари, ўрмон борлиғининг ўчмас ва боқий босқичлари, уни инсон ёки деярли инсон қилган ўрмонлар; ўрмон боланинг маънавий отаси бўлган, у эъзозлайдиган ва қулоқ тутадиган, севадиган, ундан маҳрум бўлган ва у ҳақда мотам тутаётган, қул негрлар ва индеецлар йўлбошчиси авлоди бўлган қари Сэм Фазерсни боққан ва тўйдирган ўрмонлар; вақти келиб у уйланади ва у хотини билан ўз навбатида қисқа ва хаёлий бахтларини топадилар (табиати бўйича ўткинчи бўлса, уни бахт деб бўлармикин?), Сэм тўғрисидаги хотираларини, эҳтимол, тана танани тан олмайдиган жойга олиб кетадилар – ахир, хотира мангу-ку – шундай бўлса ҳам ўрмон унинг яккаю ягона рафиқаси ва маҳбубаси бўлади.

У ўша йирик дарахтга яқинлашмасдан, аксинча ундан узоқлашаётган ҳолда одимларди. Бу ерда бир ўзи дайдиб юришига рухсат беришмайдиган вақтга кўп бўлгани йўқ; хиёл каттароқ бўлиб ва деярли ҳеч нарсани билмаслигини англай бошлагач, ўзи ҳам бу ерга ёлғиз келишга юраги дов бермас-

ди; яна бироз улғайиб ва ўз билимсизлиги чегарасини у қадар аниқ бўлмасида тасаввур этиб, бу ерга компас билан келишга азм қилган ва адашиб қолмаган бўларди; йўқ, ўзига ишончи шу қадар ортгани учун эмас, балки Маккаслин, майор де Спейн, Уолтер ва Компсон ниҳоят уни компаснинг стрелкаси қаёққа кўрсатмасин, бунга ишонишга ўргатганлари учун. Ҳозир эса компасга қараб эмас, балки мўлжалини қуёш билан солиштирган ҳолда борарди, аммо хоҳлаган вақтда харитада қаерда турганлигини қирқ қадам аниқлик билан кўрсата оларди; ва ҳақиқатан ҳам деярли ўзи қутган жойда компания танобчилари томонидан майор де Спейн сотишни истамаган участка бурчакларига ўрнатган тўрт бетон устундан бирини кўрди; нишабли қияликдан кўтарилиб, кўп ўтмай қир устида турарди ва бу ердан оқ бўёқларини сақлаб қолган, қишнинг қори ва ёмғир остида жонсиз, ҳатто емирилиш ҳам қайноқ, сачратқи, урчиш ва туғилиш ола-ғовуридан бўртадиган, ўлим эса умуман бўлмаган ушбу ерда мутлақо бегона барча тўрт устун кўриниб турарди. Икки куз хазонрезгисида япроқлар билан тўшалган, икки баҳор сувлари билан ювилган қабрларни ажратиб бўлмасди. Лекин йўлдан адашмайдиганлар қабр устларидаги тошларга ҳам муҳтож эмасдилар, у Сэм Фазерс ўргатганидек, атрофдаги белгилар, дарахтларга қараб мўлжал оларди ва у ишонч ҳосил қилиш учун суққан овчи пичоғи дарҳол Шер суякларини устига кўмилган Қари Беннинг жароҳатланган, қуриб қолган панжаси ётган ғилдирак мойи солинадиган думалоқ жез банкасига қадалди.

У шу заҳотиёқ бу жойни тупроқ билан тўлдирди. Ва икки йил муқаддам якшанба тонгида улар Маккаслин, майор де Спейн ва Бун билан бирга Сэмни унинг овчи бурғуси, пичоғи ва трубкаси билан

бирга кўмишган иккинчи қабрни қидирмади – ис-кашнинг ҳожати йўқ эди. У ёнгинасида, эҳтимол ўзи тепкилаб турибди. Лекин бу муҳим эмасди. «Сэм, балким, тонгдан бери шу ерда, ўрмондалигимни билса керак» хаёлидан ўтказди у Сэм Маккаслин ва майор де Спейн келишига қадар ётган, Бун билан бирга дафн супачасини ўрнатишган дарахтга яқинлашар экан: мана, дарахтга қоқилган, занглаган, ранги ўчган, анави устунларга ўхшаб кўзни ҳақоратламайдиган, бегона бўлса ҳам ўрмондан ўрнини топган, аллақачондан бери бўм-бўш, аввалги сафар қолдирган овқат ҳам, тамаки ҳам йўқ жез банка; у чўнтагидан тамаки, янги гулли рўмолча, Сэм яхши кўрган новвот халтачасини чиқарди – аммо булар ҳам ғойиб бўлади, сал нарига кетиши билан йўқолади – йўқ, қуёшдан яширилган бу жойларнинг қора тупроғини жодугар сўқмоқлар билан тўлдирган беҳисоб ҳаёт, яширинган, нафас олаётган, ҳар бир шох, ҳар бир япроқдан қандай қайрилаётгани, қирдан узоқлашаётганлигини кузатиб турган ҳаёт томонидан уқилган ҳолда ўзгаради.

Вақтини бой бериб ўтирмади, бу ер дафна эмас, Сэм ҳам, Шер ҳам ўлмаган, ер остида қисилиб ётишгани йўқ, балки беҳисоб бўлақлар, лекин ҳалок бўлмайдиган зарралар билан ҳар бир барг, ҳар бир шохдан жой олиб, ҳаво ва қуёшда, ёмғир ва шудрингда, чўчқа ёнғоқ, эман ва яна чўчқа ёнғоқда, тонг отиши ва ботиши, яна тонг отишида, ўзининг беҳисоблиги ва бўлақланганлигида барҳаёт ва яхлит ер билан бирга эркин ҳаракат қилишмоқда. Қари Бен ҳам. Ҳа, Қари Бен! Улар айиққа панжасини қайтариб беришади, албатта қайтариб беришади – ва яна мусобақалашини бошланади ва ов узоқ давом этади, аммо парчаланган юрак ҳам, яраланган тана ҳам бўлмайди... У сеҳрлаб қўйилгандай тўхтади. Навбат-

даги қадамини қўйиш учун оёғини ердан узганича қотиб қолди, нафас олмасдан қотиб қолди, миясига Эшнинг огоҳлантириши урилди, кулоқлари остида унинг овози жаранглади, ва у – Айзек Маккаслин дунёга келмасидан бурун таъқиб қилиб келадиган, ҳадик эмас, қўрқоқлик эмас, балки илонга қараганда ҳам кўҳна қўрқинч босиб келди, кескин зарба берди. У – алоҳида махлуқ, азалдан лаънатланган, ўлим келтирадиган, узун, олти фут²²дан ортиқроқ ва қари, қачонлардир ёрқин бўлган навқиронлик жиллолари хира тортган, ўчган, судралиб ва яшириниб юрадиган ўрмон манзарасида кўзни қамаштирмайдиган ҳолича ҳали ҳалқа бўлиб эшилмади, шақилдоғи билан сас чиқармади, фақат таяниш учун қалин шиддатли илмоғини (у ҳам ҳадиксиз, ҳозирча фақат сокин таҳдид билан) тизза даражасида ёнига ташлади, турган жойидан бир қадамдан ҳам кам масофадаги бошини бироз орқага тортди; ҳатто унинг бўш, чириётган бодрингларнинг кўнгилни айнитадиган ва яна аллақандай номсизларнинг, ҳамма нарсадан ҳорғин хабардорлик, ҳўрланганликнинг ҳиди келарди. Ниҳоят илон қимирлади. Бошини аввалгидек юқори ва қийшайтирган ҳолда ушлаганча четга судралди ва танасининг кўтарилган учдан бир қисми боши билан оғирлик ва мувозанат қонунига зид равишда ҳаракатланаётган икки оёқли алоҳида мавжудотни ташкил этишига ўхшарди – узоқлашаётган бош кетидан оқаётган бу соя – буларнинг ҳаммаси судралиб кетаётган бир илон эканлигига ишонгинг келмасди; у онгсиз равишда қадам қўйишини тугатди ва бир қўлини кўтарганча тик туриб, бундан олти йил илгари уни

²² Фут (ингл. «foot» – «товон» сўзидан) – масофани ўлчаш бирлиги, одатда «халқаро» ёки «инглиз» фути фарқланиб, у 0,3084 метрга тенг.

овчилар сафига қабул қилишаётганда, Сэм ҳам худди шундай ростланганича, буғу ортидан боққанича оғзидан чиқиб кетган индеецларнинг «Авлоднинг боши – Одам Ато» сўзларини такрорлади.

У томонидан дарҳол идрок этилмаган – қаердир худди бақувват ва ишга астойдил киришган одам у қадар тез-тез эмас, аммо нима сабабдандир, жаҳли чиқарилганидан бўлса керак, бироз қаҳр ила милтиқ стволи билан рельсга тушираётгандек салобатли ва жарангли тақиллаётган овоз бевосита қачон биринчи бор қулоғига эшитилганини айтиш қийин эди. Уч юз қадамча нарида, демак шу тарафда бўлса ҳам бу ердан камида икки миля узоқликдаги темир йўлда тақиллатишмаётганди. Шу заҳотиёқ у қаерда тақиллатишаётганликларини тушунди: тақиллатаётган ким бўлмасин ва бу нимани англамасин, товуш ўрмон четида, Бун учрашишни тайинлаган дарахт ёнидан келарди.

Шу пайтгача у нигоҳидан ер ва дарахтларни ўтказиб, овчига хос оҳиста ва сассиз одим отиб келарди. Энди милтиқдаги ўқни ўқдондан чиқариб ва уни чакалакзорлар орасидан олиб ўтиш осон бўлиши учун қўндоғи билан олдинга ва пастга қаратиб, металлнинг металлга узлуксиз, қаҳрли ва ғаройиб урилишидан чиқаётган товуш томон йўлга тушди ва майсазорга, тўппа-тўғри ёлғиз дарахт ёнига чиқди. Биринчи қарашда унга дарахт жонланиб кетгандек туюлди. Дарахт жунбушга келган олмахонлар билан тўлиб-тошганди, уларнинг қирқ ёки эликтаси шохдан-шохга сакрар ва югурар, дарахт танасини ақдан озган япроқларнинг чексиз бўҳронига айлангирган, улар орасидан икки ёки уч олмахон сакраб чиқиб, пастга шўнғир, аммо учиб борар эканлар, гўё бу ҳайвонларнинг шиддатли гирдоб уларни ўз домига олганидек, яна орқасига

қайтардилар. Кейин у Бунни кўрди. Бун орқаси билан дарахтга суянган, бошини эгган ҳолда ўтирар ва ўта ғазабнок тақиллатарди. Тўқмоғи қисмларга ажратилган питра милтиғининг стволи бўлиб, у билан чоти орасига қисилган қозонга туширарди. Атрофда бўлакланган, ўн-ўн бештача келадиган бошқа қисмлар сочилиб ётарди, Бун эса қизарган, терга ботган қийшиқ юзини эгиб, ствол билан қозонни телбаларча тинмай ноғора қиларди. У ким келаётганлигини кўриш учун бошини ҳам кўтармади. Тақиллатишини давом эттирар экан, ҳаво етмасдан, бўғилиб ҳайқирди:

– Бу ердан йўқолларинг! Бирортасига тегма! Улар меники! Ҳаммаси меники!

ЭМИЛИ УЧУН АТИРГУЛЛАР

*Иброҳим Гафуров*²³

таржимаси

I

Мисс Эмили Грирсон ўлганда, уни кўмиш учун бутун шаҳар йиғилди: эркаклар қулаган маъбудга эъзоз-икром юзасидан, хотинлар эса камида ўн йил инсон қадами етмаган хонадонни ўз кўзлари билан кўргани ичлари ошиқиб келдилар, чиндан ҳам бу эшикка ҳам боғбон, ҳам ошпаз бўлган қари хизматкордан бошқа ҳеч ким яқин йўламасди.

Синчкор қилиб қурилган ҳайҳотдай чорси уйнинг сувоқлари кўчганига не замонлар бўлган, етмишинчи йилларнинг ҳавойи алфозида гумбазчалар, найзадор қуббалар, жимжимадор балконлар билан безатилган бу иморат шаҳримизнинг бир маҳаллар оқсуяклар маҳалласи деб саналган кўчасида жойлашган эди. Замонаси келиб гаражлар ва пахта йигирувчи заводлар бу ердан энг кибор хонадонларни ҳам қисиб чиқарди ва фақат Грирсонларнинг кўҳна тарзли иморатигина худди беллашсанг, беллашаман дегандай пахта ортилган фургонлар ҳамда бензин қуядиган станциялар узра кибр ва қийиқлик ила

²³ Иброҳим Гафуров – таниқли таржимон ва мунаққид. «Ўзбекистоннинг олмос қирралари», «Жозиба», «Прозанинг шоири» каби қатор адабий-танқидий мажмуалар муаллифи. «Телба», «Жиноят ва жазо», «Қиморбоз» (Федор Достоевский), «Алвидо, қурол!», «Чол ва денгиз» (Эрнест Хемингуэй), «Азизим» (Ги де Мопассан) «Улисс» (Жеймс Жойс), «Зардушт таваллоси» (Нитше) каби жаҳон адабиётининг нодир намуналарини ўзбек тилига ўгирган.

кеккайиб турарди. Мана энди қазо соати етиб, мисс Эмили ҳам қарағай буталари ўсиб ётган шаҳар мозоридаги ўз жойига равона бўлди, бу мозорликда ҳамон Жеферсон яқинидаги жангда ҳалок бўлган федерал кўшинлар ва конфедерат солдатларининг (улар ичида номсиз ҳам кўп) сўнгги оромгоҳлари сақланиб келар эди.

Мисс Эмили ҳаёт экан, шаҳар ўз устига олган қадим анъана, қарздорлик ва ўзига хос маънавий бурчнинг мужассам тимсоли эди, бу нарса Жеферсоннинг мэри полковник Сарторис 1894 йилда (бу – негр аёлларга шаҳар кўчаларида этаксиз юришни ман қилган ўша Сарторис эди) қизнинг отаси ўлгандан сўнг дарҳол уни солиқ тўлашдан бир умрга озод қилгандан бери давом этиб келарди. Бу мисс Эмилига хайр-эҳсон бўлиб туюлмади. Полковник Сарторис қизнинг отаси бир замонлар шаҳарга пул қарз бериб турган эди, деган чигал бир баҳонани ўйлаб топди, ўша қарзни шундай йўл билан осонроқ кўчар экан. Бундай нарсани полковник Сарторис авлодига мансуб одамгина тўқиб чиқариши мумкин эди.

Бироқ шаҳар муниципалитетига бошқа бир даврда тарбияланган, замонавийроқ ғоялар эгаси бўлмиш янги одамлар наслари келишганда, ушбу аҳднома маълум бир норозиликларга сабабчи бўла бошлади. Янги йилнинг биринчи куни мисс Эмилига солиқ тўлаш ҳақида баёнот жўнатилади. Февраль кирди, лекин жавоб йўқ эди. Унга ўзингизга қулай бўлган вақтда шерифнинг идорасига келиб учрашинг деган расмий хат ёзилди. Яна бир ҳафта ўтгач, мэрининг ўзи унга хат ёзиб, ё мен хузурингизга борай ва ё сизга автомобиль юборай, ўзингиз келинг, деб хабар қилди ва қадимий қоғоз варағига ранги ўчиб кетган сиёҳ билан бениҳоя нафис хуснихатда ёзилган жавоб олди. Хатда маълум қилинишича, мисс

Эмили узоқ вақтлардан бери эшикка чиқмас экан; хатга ҳеч қандай изоҳсиз солиқ ҳақидаги баёнот ҳам қўшиб жўнатишган эди.

Муниципалитет махсус мажлис чақирди ва мисс Эмили ҳузурига делегация жўнатишди. Делегация саккиз-ўн йиллардан бери ташқаридан келувчиларга тим-тирс беркилган эшикни тақиллатди. Эшик чиннига гул солиш дарслари тугагандан бери очилмаган эди. Қари негр уларни қоронғи пастки залга олиб кирди, бу ердан яна ҳам қоронғироқ бўлган юқорига пиллапоя билан кўтарилар эди. Уврин-тўда ва чанг ҳиди анқирди, ҳаво чирик ва дим эди. Негр уларни вазмин чарм мебеллар қўйилган меҳмонхонага олиб кирди. У деразалардан бирининг тўсиғини очган эди, чармларнинг ёрилиб кетгани кўзга чалинди, хонага кириб келган қуёшнинг бир толим нури ўриндиқлар узра кўтарилган тўзон издиҳомларни ёритди. Камин олдидаги униққан тилла суви югуртирилган мольбертда мисс Эмили отасининг пастелда ишланган сурати турарди.

Улар бошдан-оёқ қора кийинган, тилла занжир остан, занжири белгача тушиб, сўнг кенг белбоғ ичра ғойиб бўлган, паст бўйли, тўлачагина хотин қора оғочдан ишланган, дастаси хира олтиндан қуббаланган асога таяниб кириб келганда, ўринларидан турдилар. У бўйчан, суяги нозик эди, шунинг учун ҳам бошқа пайтда тўлалик бўлиб кўринадиган ҳол ҳозир хом семизлик каби туюлар эди. Унинг вужуди худди узоқ вақт ботқоқлик тагида ётгандай шалвайган ва шишганга ўхшарди. Мурданикидай туссиз бетининг семиз ўрмаларида хамир бўлагига тиқиб қўйилган икки бўлак кўмирдай кўзлари биқинган эди. Мушрифлар нега келганликларини баён қилишаркан, бу кўзлар уларни бирма-бир сузиб чиқди.

Уларга ўтиринглар ҳам демади. У эшикда туриб жимгина қулоқ солди, гапирётган киши тугилиб жим бўлиб қолди. Шунда ҳаммалари олтин занжирнинг учида беркинган соатнинг чиқиллаб юраётганлигини баралла эшитдилар.

У совуқ ва қуруқ оҳангда деди: «Мен Жефферсонда солиқ тўламайман. Менга буни полковник Сарторис тушунтирган. Ичингиздан истаган киши агар қизиқса, шаҳар қоғозларига қараб кўрсин».

– Биз шундай қилдик, мисс. Биз шаҳар идорасиданмиз. Наҳот сиз шериф имзо чеккан хатимизни олмаган бўлсангиз?

– Ҳа, бир нима келгандай бўлувди, – деди мисс Эмили. – Демак, у ўзини шериф деб ҳисоблар эканда... Лекин мен Жефферсонда солиқ тўламайман.

– Шаҳар қоғозларида ҳеч қаерда бундай эслатма йўқ. Биз афтидан...

– Полковник Сарторисга учрашинглар. Менинг Жефферсондан ҳеч қандай қарзим йўқ.

– Лекин мисс Эмили...

– Сарторис билан гаплашиб кўринглар (Полковник Сарториснинг ўлганига чамаси ўн йилча бўлиб қолган эди). Менинг Жефферсондан ҳеч қандай қарзим йўқ. Тоб! – Эшикда негр пайдо бўлди. – Жентльменларни кузатиб қўй.

II

Хуллас калом, у ғалаба қилди, уларнинг пиёдалари ва отличларини буткул тору мор этди. Ўттиз йил бурун ҳид хусусида гап чиққанда уларнинг оталари устидан у худди мана шундай ғалаба қозонганди. Бу отаси вафот этгач, икки йилдан сўнг рўй берганди, ўшанда биз ҳаммамиз энди тўй бўлади деб турганимизда, қаллиғи бирдан ташлаб кетиб қолган

эди. Отасининг ўлимидан сўнг у эшикка камдан-кам чиқар, қаллиғи қочиб кетгач, у сира қорасини кўрсатмай қўйди. Шаҳар хонимлари бир неча маротаба мисс Эмилини кўрмоқчи бўлиб уриндилар, лекин уларни қабул қилмади. Хонадонда ҳали ҳаёт нишонлари сўнмаганлигини негр – у пайтлар ёш йигит эди – онда-сонда қўлида сават билан майда-чуйда харид қилгани эшикка чиққанидангина билса бўларди.

– Нима деганингизда ҳам эркак – эркак-да, товоқ-қошиқни эплай олмайди, – дейишарди хонимлар, шунинг учун ҳам ҳид тарқалганда ҳеч ким бундан ажабланмади. У шу дағал ва жўн кишилар дунёси билан улар узра баланд қад кўтарган улуғвор Грирсонларни боғлаб турган мисоли бир ҳалқа эди.

Бироқ мисс Эмилининг қўшниси шаҳар мэри, саксон яшар судья Стивенсга шикоят қилди.

– Мендан нима истайсиз, хоним? – деб ўсмоқчилади судья.

– Унга айтинг, бир чорасини кўрсин.

– Хўш, бунга ҳеч қандай зарурат йўқ, – деди судья Стивенс. – Негр хизматкори ҳовлида илонми ё каламушми ўлдирган бўлса керак-да. Мен у билан гаплашиб кўраман.

Эртасига яна икки кишидан шикоят тушди – уларнинг бири эркак эди, у қўшнисидан бутунлай фарқли ўлароқ ғоятда эҳтиёткорлик ва назокат билан сўйлади.

– Бир нарса қилмаса сира бўлмайди, судья. Мен ўлсам ҳам мисс Эмилининг тинчини бузишни истамасдим, лекин нимадир қилиш керак.

Кечқурун шаҳар кенгаши чақирилди: учта оппоқ соқолли мўйсафид ва яна ёшроқ бирови – келажак наслар даракчиси.

– Бош қотириб ўтирадиган жойи йўқ, – деди у. – Унга хат ёзиб юбориш керак, уйини тартибга

келтириб қўйсин. Бир озгина фурсат берайлик, агар шунда ҳам нафи тегмаса...

– Э, йўқ, бўлмайди, сэр, – унинг сўзини кесди судья. – Ким ледининг юзига қараб туриб, сасиб кетяпти дейди.

Шундай қилиб, эртаси куни кечқурун тўрт эркак мисс Эмилининг кўк бута деворини ошиб ўтдилар-да, худди қароқчилардай пусиб биқинганча ҳовлини чарх уриб айланиб, барча тешик-ёриқларни искаб кўришди, орқадаги бириси эса елкасига осган қопдан ниманидир олиб дон сочгандай сочди. Уйнинг ертўласига, ҳовли юзасидаги барча иморатларнинг атрофига улар хлорли оҳак сепиб чиқдилар. Сўнг бута девордан ошиб кетаётган чоғларида шу пайтгача қорайиб турган дераза ойнасига бирдан ёруғ тушиб, унда шам қотган маъбуд каби мисс Эмилининг қораси кўринди. Улар бу ердан аста пусиб ўтиб, кўча ёқаларида ўсган дарахтлар қорасида кўздан йўқолдилар. Бир-икки ҳафта ўтиб, ҳид бутунлай билинмай кетди.

Ана ўшандан бошлаб, одамлар мисс Эмилига юраклари ачиб қарайдиган бўлиб қолдилар. Унинг холаси Уайет кампир охири бориб миясини еб қўйганлигини эслашган одамлар, ниҳоят, бу Грирсонларнинг ўзлари доим такаббур бўлганлар, деган хулосага келдилар. Ҳар қалай, қариндош-уруғларининг назарида мисс Эмилига мос келадиган йигит бизнинг шаҳарда топилмас эди, Мисс Эмили билан унинг отаси эшик олдига қандай қилиб чиқиб турганлари ҳали ҳозиргача ҳам кўз ўнгимиздан кетмайди. Отаси олдинда оёқларини керганча, қўлида қамчисини маҳкам қисиб туради, унинг пича орқасида – ланг очиқ эшикнинг ўртасида оппоқ кийинган мисс Эмилининг нозиккина қомати. Шунинг учун ҳам қизнинг ёши ўттизга чиққанда ва у ҳамон

турмуш қурмаганда, бутун шаҳар заҳарханда қилди десак бўлмас-ку, лекин ҳар ҳолда, ундан ўчини олиб алаmidан чиққандай бўлди. Агар, ким бўлмасин, биров унга талабгор бўлганда эди, ҳатто телба холасидан ҳам ҳайиқиб ўтирмай, дарров кўниб қўя қоларди-да, деб ўйлар эдик биз.

Отаси ўлгандан кейин унга уйдан бошқа ҳеч нарса мерос қолдирмагани маълум бўлди, яшириб нима қилдик, бундан кўплар қувонишди. Ана энди у ҳақда ғамхўрлик қилиш мумкин деган қарорга келдик биз. Мисс Эмили ҳам муҳтожлик ва кимсасизликда яшаб кўрса, доим учини учига етказолмай фиғони кўкка чиқиб, мудом кўрқинч ичида кун кечириш нима эканлигини билади.

Ота ўлимнинг эртасига эрталаб шаҳарнинг барча хонимлари мисс Эмилига ҳамдардлик билдириш, мадад бериш учун одатга биноан жам бўлдилар. Уларни одатдагидек кийинган ҳолда эшикда қарши олди. Кўзларида бир қатра ёш йўқ эди. Отам ўлгани йўқ, дер эди у яккаш, руҳонийлар ва докторларнинг мурдани олишга шунча уринишларига қарамай, уч кунгача у шу гапни такрорлашдан қолмади. Қонунда кўрсатилгани бўйича чора кўрмасак бўлмайди деб турганларида, у ниҳоят, рози бўлди ва мурдани тезлик билан дафн қилдилар.

Ўшанда биз уни ҳали телба деб ҳисобламасдик. Мисс Эмили бекорга шундай қилаётгани йўқ, деб мулоҳаза қилар эдик биз, ахир унинг отаси қанчадан-қанча йигитларни эшигидан нари қувиб юборди, одам келмайдиган қилиб қўйди, энди эса қиз охириги бор нарсасини қўлдан чиқармасликка уринарди, одамлар одатан шундай қиладилар-ку.

III

Кейин у узоқ бетоб бўлиб ётди. Уни яна кўрганимизда, сочи калта қирқтирилган ва шундан ёш қизчаларга ва тагин жиндаккина черковларга қўйиладиган маъюс ва ўйчан фаришталарга ўхшаб кетарди.

Худди ана шу пайтларга келиб, шаҳар ҳукумати кўчаларга йўлка ётқизишга қарор қилди, ишга одамлар ёлланди ва ёз кунларида (бу пайтга келиб унинг отаси ўлган эди) ишлар қизиб кетди. Шаҳарга Гомер Бэррон деган сочлари қора, қадди-қомати йирик, иш деганни чайнаб ташлайдиган, овози ўткир ва ўктам, юзи офтобда корайган, кўзлари шишадай тиниқ ҳақиқий янки бошчилигида негрлари, улов ҳамда асбоб-ускуналари билан қурувчилар бригадаси келди. Болалар Бэрроннинг кетидан тўдалашиб чопиб юришар ва унинг негрларини қора терга тушириб ишлатиши, уларнинг қўшиқ айтиб чўкичларни бир маромда кўтариб ташлашларини завқланиб томоша килишарди. Тезда Гомер Бэррон бутун шаҳар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Кўчанинг бирон ерида одамлар тўпланишиб, хахолаб кулишаётган бўлса, билаверингки, демак, Бэррон ҳам шу ерда эди. Кўп ўтмай уни ва мисс Эмилини якшанба кунлари гилдираклари сариқ, ёллаб олинган бир жуфт тўриқ от қўшилган усти очиқ икки ўринли коляскада биргаликда сайр қилиб юришганини учрата бошладилар.

Бошида биз ҳаммамиз қандай бўлмасин мисс Грирсон яна ҳаётга қизиқиб қарай бошлаганидан қувондик, бунинг устига шаҳар хотинлари: «Э, қўйинглар, ахир шу Грирсонлар шимолдан келган ва бунинг устига ёлланиб ишлайдиган одамни назар-писанд қилишармиди?» деганлари деган эди.

Лекин ёшлари улуғроқлар бошқача ўйлашарди: чинакам леди ҳатто бошига кулфат тушганда ҳам ор-номус тузукларидан чиқмаслиги керак, деб ҳисоблашарди улар, лекин бу сўзларни оғиз очиб айтишмасди. Улар оддийгина қилиб: «Шўрлик Эмили. Қариндош-уруғлари унга қарашса бўларди», деб қўйишарди. Қизнинг рости билан ҳам Алабамада қариндош-уруғлари бор бўлиб, бироқ отаси улар билан ақдан озган Уайет кампирнинг мулкани таллашиб, шундан хонадонлар юз кўрмас бўлиб кетган эдилар. Чолни кўмиш маросимига Алабамадан ҳеч ким келгани ҳам йўқ.

«Шўрлик Эмили» деган сўзлар кимнингдир оғзидан чиқиши биланоқ дарҳол турли миш-мишлар ўрмалаб қолди. «У ерда бир нима бор деб ўйлайсизми?», деб сўрардик биз бир-биримиздан. «Албатта-да, бошқача бўлиши мумкинми?» Шундай қилиб, унинг орқасидан, якшанбанинг кўзни қамаштирадиган офтобидан тўсиб ёпилган дераза тавақалари орқасидан, кўчадан ўтиб бораётган қурувчилар билан изма-из ивир-шивир қўзғалди: «Шўрлик Эмили».

Гарчи ҳамма мисс Эмили ўзини тийиб юра олмади, деб ҳисобласа-да, қизнинг ўзи ҳамон бошини мағрур кўтариб юрар, худди одамларнинг койиш, гап-сўзлари унга ўзининг ҳақлиги ва ягоналигига ишонч-эътимодини орттираётгандай, Грирсонлар наслининг сўнгги вакили шану шукуҳини ҳимоя қилиб, ҳар қачонгидан кўра ҳам кибриё эди. У дори-хонадан каламуш дори, маргимуш сотиб олаётганда ҳам ўзини ана шундай тутди. «Шўрлик Эмили» деган сўзлар биринчи мартаба айтилганига ҳам бир йилдан ошиб, ниҳоят унинг ҳолидан хабар олгани икки холаваччаси келишди.

– Менга заҳар керак, – деди у.

– Хўп бўлади, мисс Эмили, лекин қанақасидан бўлсин? Каламушга бўлса керак-да? Мен сизга тавс...

– Менга энг яхшиси керак – нима деб аталиши билан ишим йўқ.

Аптекачи бир неча хил заҳарларни санаб чиқди.

– Улар филни ҳам қулатади. Лекин чамаси, сизга яхшиси...

– Маргимуш, – деди мисс Эмили, – яхши заҳарми?

– Маргимуш? Ҳа, мэм. Лекин сизга...

– Менга маргимуш керак.

Аптекачи унга бошини кўтариб қаради, у заррача ўзгаргани йўқ; унинг шамдай қотган чеҳраси полк туғидай таҳдид соларди.

– Майли бўлмасам, – деди аптекачи. – Агар сизга худди шу заҳар керак бўлса. Лекин қонун бўйича, сиз уни нимага ишлатмоқчи эканлигингизни айтишингиз керак.

Мисс Эмили бошини пича орқага ташлаганча унинг кўзларига тик қараб турар, ва ниҳоят, аптекачи дош беролмай юзини ўтирди-да хонадан чиқиб кетди. У бошқа қайтиб келмади, маргимуш солинган қоғозни югурдак негр боладан бериб юборди. Мисс Эмили уйга кириб қоғозни очди, калла суягининг расми солинган қутичанинг тагида: «Каламушларга қарши» деган сўзларни ўқиди.

IV

«У ўзини ўзи ўлдиради», дердик биз эртасига, шундай қилса ўзига яхши бўлади, деган хулосага келди ҳамма. Улар Гомер Беррон билан энди-энди учрашиб юрганларида, унга турмушга чиқишига ҳамманинг ишончи комил эди. Буғулар Клубида ёшлар билан чақчақлашиб туришни ёқтирадиган Гомер атрофдагиларга ўзининг бўйдоқ яшаш та-

рафдори эканлиги ҳақида оғиз кўпиртирганлигини эшитиб, «қиз уни эгиб олади», дердик биз кейинроқ. Кейин дераза тавақалари туширилгач, якшанба кунлари офтобда ярақлаб турган коляскада ёнларимиздан ўтиб боришаркан, биз: «Шўрлик Эмили!», деганимиз деган эди. Коляскада мисс Эмилининг боши тик кўтарилган, Гомер Бэррон эса шляпасини бошига боплаб кўнқайтириб, оғзидан сигара тушмай, сариқ қўлқоп кийган қўлларида жилов ҳамда қамчинни маҳкам ушлаб борарди.

Шунда баъзи бир шаҳар хонимлари улар ёшларга ёмон ўртак кўрсатишяпти ва шаҳримизнинг обрўсини ерга уришяпти, деб гап-сўз қила бошлашди. Эркаклар бу ишга аралашмасликни маъқул кўрдилар, лекин уларнинг хотинлари баптистлар руҳонийсини мисс Эмилини бориб кўришга кўндирдилар, мисс Эмили барча қавму қариндошлари каби епископ черковига мансуб эди. Руҳоний бу учрашув қандай ўтганлиги тўғрисида ҳеч кимсага ҳеч нарса демади, лекин яна бир марта боришдан қатъий бош тортди. Келаси якшанба кунини улар яна коляскада сайрга чиқдилар, яна бир кун ўтгандан сўнг руҳонийнинг хотини мисс Эмилининг Алабамадаги қариндошларига хат жўнатди.

Ниҳоят, унинг уйига одамлар келишди ва биз буёғи нима бўларкин деб кута бошладик. Аввалига ҳаммаси илгаригидай давом этаверди. Кейин биз улар барибир турмуш қурсалар керак, деб юрдик. Мисс Эмили заргар қошига борганмиш, унга эркакларнинг кумушдан ишланган анжомларини буюрганмиш, анжомларнинг ҳар бирига Г. Б. деган ҳарфлар ўйилиб ёзилармиш деган гаплар тарқалди. Икки кун ўтгач, у эркакларнинг кийим-кечакларини, ҳатто ички кўйлаккача кўшиб харид қилганлигини эшитдик. Ҳаммамиз енгил нафас олдик:

«Улар уйланишибдилар». Чиндан ҳаммамиз юрак-юракдан хурсанд эдик. Биз яна шунга ҳам хурсанд эдикки, Эмилининг ҳар иккала холаваччаси унинг ўзидан ҳам ўтиб тушган Грирсонлардан экан.

Шундай қилиб, шаҳар кўчаларидаги ишлар ниҳоясига етгач, бир оз вақт ўтиб Гомер Бэрроннинг йўқ бўлиб қолганлигидан ҳеч ким ажабланиб ўтирмади. Тўй ҳақида ҳаммага эшиттириб эълон қилинмагани бир оз шаштимизни туширди, лекин Гомер мисс Эмилининг келишига ҳаммасини ҳозирлаб қўйиш учун кетган бўлса керак ёки бўлмаса, қизга холаваччаларидан қутилишга имкон туғдиргандир (холаваччаларга қарши бутун бошли фитна тузилган, ҳаммамиз мисс Эмили томонида эдик), деган фикрда эдик. Ростдан ҳам яна бир ҳафта ўтиб, унинг қариндошлари жўнаб кетишди. Ҳамма кутгандек, уч кундан сўнг Гомер Бэррон яна шаҳримизда пайдо бўлиб қолди: шом қоронғиси тушганда, негр хизматкор орқа эшикни очиб уни ичкарига қўйганлигини мисс Эмилининг аёл қўшнисини кўрган экан.

Ўшандан бери Гомер Бэрронни бошқа ҳеч ким кўрмади. Мисс Эмили ҳам, ҳар қалай, бир оз вақт ўтгунча бутунлай кўринмай қолди. Негр хизматкор майда-чуйда олгани сават кўтариб чиқиб қолар, сўнг яна қайтиб кириб кетар, лекин катта эшик доим тимтирс берк эди. Баъзан деразадан мисс Эмилининг қораси кўзга чалинар (кечаси унинг ҳовлисига оҳак сепиб чиқишганда шундай бўлган эди), лекин ярим йилгача у кўчага қадам босмади. Биз буни ҳам тушунса бўлади деб ҳисоблардик – чунки унинг аёллик қисматининг очилиб кетишига шунчалар қаршилиқ қилган отасининг руҳи, афтидан, ҳаддан ташқари кудратли ва яшовчан бўлса керак эди.

Мисс Эмили, яна қайтиб кўрганимизда, бироз тўлишган, сочларига эса оқ оралаган эди. Йиллар

ўтган сайин оқлари кўпайиб, ниҳоят, улар мурч билан туз аралашган тусга кирди. Ғайратли, ишга чанқоқ эркакларнинг сочлари одатда шундай оқаради. Мисс Эмили етмиш тўртга кириб дунёдан кўз юмгунча унинг сочлари шундайлигича қолди.

Шу вақт ичида хонадоннинг катта эшиги бир марта ҳам очилмади. Мисс Эмили чиннига гул солишдан болаларга дарс берган олти-етти йил (ўшанда у қирқларга бориб қолганди) бу ҳисобга кирмайди. У пастки қаватдаги хоналардан бирини дарсхонага айлантирди, полковник Сарторис курдошларининг қизчалари ва набиралари унинг олдига қатнай бошладилар, қатнаганда ҳам худди якшанба кунлари йигирма беш цент танга хайр-эҳсон учун олиб черковга келгандай бир кайфият ва мунтазамлик билан қатнардилар.

Лекин мана шаҳарнинг қалби ва вужудига айланган янги насл юзага чиқди. Мисс Эмилининг шогирдлари катта бўлиб вояга етишди ва унинг қошига болаларини юбормай қўйишди, бўёқлар, чўткалар, журналлардан қирқиб олинган суратлар шу қадар жонларига тегиб кетган эди. Катта эшик сўнгги шогирд ортидан гурсиллаб ёпилдию бошқа ҳеч қачон очилмади. Шаҳарда текин почта хизмати йўлга қўйилганда ёлғиз мисс Эмили уйига тунука тахтача ва почта қутиси қоқиб қўйишни ман қилди. Уни кўндирмоқчи бўлиб уриндилар, лекин у ҳеч кимнинг гапини эшитишни истамади.

Кун кетидан кун, ой кетидан ой, йил кетидан йил ўтар, биз эрталаблари озиқ-овқат харид қилгани чиққанда негрнинг сочлари тобора оқариб, беллари тобора букилиб бораётганлигини кўрардик. Ҳар декабрь оyi келганда мисс Эмили солиқ тўлаш ҳақида баёнот олар ва ҳар сафар бир ҳафта ўтгач, уни очмасдан орқасига қайтариб жўнатар эди. Онда-сонда

уни пастки қаватдаги хоналардан бирининг дераза-сида кўриб қолардилар – чамаси юқори қават хона-лари ҳамон берк эди – у қотиб турар, мисоли тошдан йўниб ишланган маъбудга ўхшарди. У бизлардан биронтамизни кўрармиди-йўқми, аниқ билиб бўлмасди. Насллардан наслларга худди мана шу алфозда ўтиб борар эди бу ҳаммамизга яқин ва ажойиб, безабон, ўқ ўтмас, сув тешмас, қайтмас ва тонмас аёл.

Шундай қилиб, у оламдан ўтди. Қариб-чуриб путурдан кетган негр хизматкордан бошқа қарай-диган одами бўлмай, чанг-ғубор ва қоронғилик қо-плаган уйда касалланиб ётиб қолди. Ҳатто шаҳарда ҳеч кимса унинг касал ётганлигини билмас, биз қари хизматкордан сўраб-негиб туришликни ал-лақачонлар йиғиштириб қўйгандик. Хизматкор ҳеч ким ва ҳатто бекаси билан гаплашмас, худди узоқ замонлар ишлатилмай ётганидан занглагандай то-вуши хирқираб чиқадиган бўлиб қолганди.

У пастки қаватнинг хоналаридан бирида ёнғоқ-дан ишланган, атрофи парда билан тўсилган кат-такон каравотда жон берди. Унинг оппоқ оқарган боши қуёш нурларини сира кўрмаган, вақтнинг забтига дош беролмай сарғайган ва моғор босган болишга сокин чўккан эди.

V

Биринчи бўлиб келган хотинларни негр эшикда кутиб олди ва ичкарига олиб кирди. Бўғиқ ши-вир-шивир шилдиради, нигоҳлар олазарак чопди-лар. Негр эса шу дамдаёқ ғойиб бўлди. У уйнинг барча хоналаридан ўтиб бориб, орқа зинадан пастга тушди-да, шунинг билан бошқа ҳеч ким ҳеч қачон уни кўрмади. Кўп маҳтал қилмай тезда унинг икки қариндоши ҳам етиб келишди ва эртасига бутун

шаҳар мисс Эмилини кўмиш маросимига йиғилди. У гулларга кўмилиб ётар, бош томонида отасининг пастелда ишланган теран ўйга ботган сурати осиглиқ турар, атрофда эса шаҳар хонимлари ғамбода бир қиёфада ғуж бўлиб, пичир-пичир қилишарди. Эшик олдида ва ҳовлида мўйсафид кариялар ўтиришар, уларнинг айримлари конфедерат қўшинларининг артиб-тозаланган либосларини кийиб олишган, уларнинг хотираларида мисс Эмили худди уларга тенгқурдай гавдаланар, назарларида улар мисс Эмили билан неча-неча бор рақсга тушгандай ва ҳаттоки неча-неча мароталаб унинг қўлини сўрагандай бўлардилар. Барча кексайган одамлар каби улар воқеалар ҳамда саналарни чалкаштириб айтишар, ўтмиш улар назарида олис-олисларда йўқолиб кетадиган арава изимас, кенг, абадий ям-яшил ўтлоқ эди, бу ўтлоқ бизнинг кунларимиздан фақат сўнгги ўн йил ичида тор жарлик билангина ажралган эди.

Уйнинг тепа қаватида қирқ йилдан бери инсон қадами тегмаган, эшиги қулфлаб ташланган хона борлиги ҳозир маълум бўлган эди. Мисс Эмилининг жасади алпон-саппон ўз қабрига қўйилгандан сўнггина бу хонани бузиб очдилар.

Худди янги келин-куёвлар турадигандай қилиб ясатилган ва жиҳозланган хонанинг узоқ йиллар ўтириб қолган чанги қаттиқ ҳаракат туфайли бирдан тўзиб кетди. Уй ичи ачимсиқ гўр ҳидига тўлганди. Ранги ўчиб кетган пушти кимхоб чойшаб қатлари, чироқларнинг пушти соябонлари, биллур шишачалар ва кумушдан ишланган, соч-соқол анжомлари сочилган мўъжаз столчалар – ҳаммаёқ гардга қопланганди. Кумуш буюмлар шунчалар ҳам хиралашиб кетгандики, энди уларга ўйиб ёзилган бош ҳарфларни кўриб бўлмасди. Шу ернинг ўзида худди ҳозиргина ечилгандай ёқа ва галстук ётарди,

уларни ердан кўтариб кўрганларида чанг пардаси ичра ярим гардиш аниқ из қолди. Стулнинг суянчигида текислаб ташлаб қўйилган костюм осилиб турарди. Полда ботинкалар, уларнинг ёнида пайпоқлар ётарди.

Эр кишининг ўзи эса каравотда эди.

Жағи иршайиб очилиб қолган кўрқинчли бош суяк чаноғига қараганча анчагина жим туриб қолдик. Мурда худди кимнидир қучоқлагандай бўлиб ётарди, лекин муҳаббатдан боқийроқ узун уйқу вақт ўтиши билан унинг барча аъжубаликлари ва найрангларини текислаб, ундан маъшуқасини тортиб олгандай эди. Унинг суяклари узра тунги кўйлакнинг чурик парчалари лахталаниб ётарди. Ўлик худди каравотга сингиб кетгандай эди. Лош ҳам, унинг ёнидаги болиш ҳам бир текис хоки туброга ботганди.

Ва фақат шу ондагина биз иккинчи ёстиқда енгилгина бош изи қолганлигини кўрдик. Ичимиздан кимдир қўли билан изни пайпаслади ва олдинга энкайиб, кўзга ташланмас тўзоннинг қуруқ ва аччиқ ҳидини димоққа тортди, шунда биз бўз ранг, пўлат тусли узундан узун соч толасига кўзимиз тушди.

ТЎЗОНЛИ СЕНТЯБРЬ

Иброҳим Ғафуров

таржимаси

I

Олтмиш икки кундан бери ёмғир ёғмас – сентябрь ойининг қонталаш хуфтон чоғларидан бирида худди қуриган ўтга ўт чақилгандай миш-мишми, ҳангомами, нима деб атаманг, тарқалди. Мини Купер билан негр тўғрисида алақандай ғавво. Унга ёпишган эмишлар, уни қоралатган эмишлар, қўрқитган эмишлар; шанба куни кечқурун сартарошхонага тўпланган кишиларнинг биронтаси ҳам аслида нима бўлганини билмас эди. Сартарошхона шифтида вентилятор пириллаб айланар, лекин дим ҳавони тозалаб беролмас, одамларнинг сассиқ нафас ва ҳидларини ўзларига қайтарар, хонада турли лосьон ва сурткиларнинг ислари кезарди.

– Лекин бу Уил Мэйзнинг иши эмас, – деди сартарошларидан бири. Ўрта ёшлардаги малладан келган қотма, чеҳраси мулойим бу сартарош шу тобда мусофир бир кишининг соч-соқолини олмоқда эди.

– Мен Уил Мэйзни биламан. У қора бўлса ҳам, ўзи ёмон йигит эмас. Минни Куперни ҳам биламан.

– Сен уни нимасини биласан? – деди бошқа сартарош.

– У ким ўзи? – сўради мусофир. – Ёшгина қизчадир-да?

– Йўғ-э, – деди сартарош. – Менимча, унинг ёши қирқларга бориб қолган. Турмуш қурмаган. Шунинг учун ҳам сира ишонгим келмайдики...

– Ишониш ёки ишонмасликка бу ерда бало борми! – деди ипак кўйлак кийган, терлаб кетган, хатти-ҳаракатлари ўхшовсиз киши. – Кимнинг сўзи муҳим, оқ хотиннингми ёки қорачалпакнинг?

– Мен Уил Мэйз шундай қилишига сира ишонмайман, – деди сартарош. – Уил Мэйзни биламан.

– Унда балки буни ким қилганини ҳам биларсан? Қорачалпакларни бунчалик яхши кўрар экансан, балки шаҳардан чиқиб қочишига ёрдам бергандирсан?

– Умуман, бировнинг шундай иш қилишига ишонмайман. Бир нарса бўлганлигига ишонмайман. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Эри йўқ хотинлар ёшлари ўтган сайин хаёлларига ҳар хил нарсалар келаверади, шуни ҳам билмайсизларми, ахир, одамга...

– Шуям оқ танли киши бўлдими! – деди мусофир. У пешбанд тагида питирлаб қолди. Йигитча дик этиб ўрнидан туриб кетди.

– Нима, ишонмайсанми? – деди у. – Демак, сенинча, оқ танли хотин ёлғон гапираётган экан-да?

Сартарош устарасини ўрнидан туриб кетай дётган мижознинг тепасида тутиб турди. У атрофига қарамасди.

– Э, ҳаммаси шу ҳавонинг ёмонлигидан, – деди бошқа сартарош. – Бундай ҳавода одамнинг қўлидан ҳамма нарса келади. Ҳатто Минни Купернинг ҳам.

Ҳеч ким кулмади. Сартарош мулойим, лекин қатъий деди:

– Мен ҳеч кимни ҳеч нарсада айбламайман. Мен фақат шуни яхши биламанки, сизлар ҳам болалар яхши биласизларки, аёл киши агар уни ҳеч ким ҳеч қачон...

– Бор, ўзингнинг негритосларинг билан оғиз-бурун ўпишавер! – деди йигитча.

– Оғзингни юм, Чўян, – деди бошқаси. – Гапнинг нимада эканлигини аниқлаймиз, ҳали вақтимиз кўп олдинда.

– Ким? Ким аниқлайди? – деди йигитча. – Топган гапингизни қаранг! Эй, мен...

– Сен чин оқ танли экансан, – деди мижоз. Соқолига совун суртиб қўйилганидан у худди кинолардаги ковбойларга ўхшаб кетарди. – Уларга тушунтириб қўй, йигит, – деди у ўсмирга. – Агарда шаҳарларингда оқ танли эркаклар қолмаган бўлса, мана, мен бор, бор-йўғи мусофиру гумашта эканлигимга ҳам қараб ўтирмайман.

– Менга қаранглар, болалар, – деди сартарош. – Аввал ҳақ-ноҳақни билинглар. Мен Уил Мэйзни танийман.

– Ана ҳолос! – деб қичқирди йигитча. – Тавба, бизга ҳамшаҳар бўлган оқ танли киши...

– Жим, Чўян, – деди иккинчиси... – ҳали вақтимиз етарли.

Мижоз ўтирган жойида қаддини ростлади. У гапираётган одамга қаради.

– Сизнингча, демак, қорачалпак оқ танли хотинга ташланса, индамай ўтиравериш керак экан-да, а? Яна сиз оқ танли бўла туриб, уни оқдайсизми, мен сизни тўғри тушунибманми? Яхшиси, қаердан келган бўлсангиз ўша ерга – шимолга туёфингизни шиқиллатиб қолинг. Бундайларнинг бизга сира кераги йўқ.

– Шимол бу ерда нима қилиб юрибди? – деди бошқаси. – Мен шу ерда ўсганман.

– Ана ҳолос! – деди йигитча. У нима қилмоқчилигини ёки нима демоқчилигини эслагандай бир-бир ҳаммага ўқрайиб ва даргумон бўлиб қараб чиқди. Енги билан тер қуйилаётган танглайини артди.

– Мен отимни бошқа қўяман, агар йўл қўйсам оқ хотинни мана шундай...

– Уларга тушунтириб қўй, йигит, – деди гумашта.
– Худо номини тилга олиб қасам ичаманки, агарда улар андаккина...

Ойнаванд эшик шарақлаб очилди. Остонада оёқларини керганча гавдали бир одам қад ростлади. Оқ қўйлагининг ёқалари ечилган, бошида енгил шляпа. У қонталаш сурбет кўзларини ҳаммага бир-бир қадади. Бу одамнинг исми шарифи Мак-Лендон эди. У фронтда солдатларга бошчилик қилган, мардлиги учун медаль олганди.

– Хўш, – деди у, – Жефферсоннинг кўчаларида қорачалпак оқ хотинни бемалол зўрласа-ю, сизлар индамай чидаб ўтираверасизларми?

Чўян яна дик этиб ўрнидан туриб кетди. Ипак қўйлагидан мушаклари ўйнаб чиққан елкаларига ёпишиб қолганди. Иккала қўлтигини таги намиқиб қорайган, ярим гардиш доғ бўлиб турар эди.

– Боядан бери айтяпман шуни! Тўхтовсиз жавраяпман...

– Ростдан ҳам бир гап бор эканми ўзи? – сўради учинчи одам. – У хотин биринчи маротаба қилаётгани йўқ-ку, бундай ишни. Пенкерстон тўғри айтди. Эсингиздами, бултур у дунёни бузиб айюҳаннос солган эди, ечинаётсам томдан бир эркак қараб турибди, деб?

– Нима? – деди мижоз. – Нима дедингиз?

Сартарош уни яна оҳиста жойига босиб ўтқиза бошлади, у креслосининг суянчиғига ястаниб олди-да, бошини орқага ташлади.

Сартарош унинг елкасидан босиб турарди.

Мак-Лендон учинчи кишига ёпиша кетди.

– Хўп, нима бўпти! Онасини палон-пистон, бунинг нима аҳамияти бор! Нима сиз қорачалпакларга шунгача ҳам бемалол йўл қўйиб бермоқчимисиз?

– Ана мен ҳам шуни айтаяпман! – деб қичқирди Чўян. Шундай деб у бемаъниларча узундан-узоқ сўкинди, нафаси оғзига тикилиб қолди.

– Ўпкангни бос, ўпкангни бос, – деди тўртинчи одам. – Мунча кекирдагингни чўзаверма. Шовқинлаб нима қиласан?

– Рост, – деди Мак-Лендон, – шовқин солмай тинчитамиз. Ким мен билан боради?

У оёғининг учида туриб чайқалар, ҳаммага бир-бир назар соларди.

Сартарош мижознинг калласини креслога босиб, устарасини шайлади.

– Болалар, олдин ҳақ-ноҳақни аниқланглар. Уил Мэйзни мен биламан. Буни у қилмаган. Келинлар, яхшиси, шерифни чақириб, ишни жойида ҳал қиламиз.

Мак-Лендон қаҳр ва қатъиятдан тиришган башарасини унга ялт этиб бурди. Сартарош кўзини олиб қочгани йўқ. Улар турли ирққа мансуб одамларга ўхшар эдилар. Бошқа сартарошлар креслоларда ястанишиб ётган мижозлар тепасида қотиб қолишди.

– Демак, – деди Мак-Лендон, – сенга оқ хотиндан негрнинг сўзлари муҳимроқ экан-да, а? Бу дейман, қорачалпак билан оғиз-бурун ўпишиб қолибсан...

Учинчи одам ўрнидан туриб келиб Мак-Лендоннинг қўлидан тутди. Ўз вақтида у ҳам фронтда жанг қилганлардан эди.

– Қўйинглар, қўйинглар. Келинлар, бир миямизни жойига қўйиб ўйлаб кўрайлик. Ҳақиқатан нима бўлганлигини ким аниқ билади, қани айтсин?

– Мияни қотириб нима қиламиз! – Мак-Лендон силтаниб унинг қўлидан чиқди. – Ким хоҳдаса, мен билан юрсин. Ким истамаса... – у юзидан қуйилиб келаётган терни енги билан сидираркан, ҳаммага кўз қадаб чиқди.

Уч киши ўрнидан қўзғалди. Гумашта креслода қаддини кўтарди.

– Қани, – деди у томоғидан пешбандни сидириб оларкан, – латтангизни олинг бўйнимдан. Мен мусофир одамман, лекин худо номига қасам ичаманки, хотинларимиз, опа-сингилларимиз ва оналаримиз...

У пешбанд билан юзини сидириб, сўнг уни ерга улоқтирди. Мак-Лендон остонада турганча қолганларни сўкиб ҳақоратларди. Ўтирганлардан яна бири туриб унинг ёнига борди. Бошқалар қисилиб-қимти-ниб ўтиришди, сўнг бир-бирларининг кўзларига тик қаролмай, бирин-сирин ўринларидан қўзғалиб, Мак-Лендонга қўшилишди.

Сартарош этакни ердан олди. Уни бафуржа тахлай бошлади.

– Болалар, қўйинглар. Уил Мэйзнинг гуноҳи йўқ. Мен биламан.

– Кетдик, – деди Мак-Лендон. У шаҳд билан орқасига бурилди. Шимининг чўнтагидан оғир тўппончанинг қўндоғи чиқиб турарди. Чиқдилар. Ойнаванд эшик орқаларидан қарсиллаб ёпилди, диққинафас ҳаво шанғиллаб кетди.

Сартарош устарани шошмасдан яхшилаб артди-да, жойига қўйди, қўшни ҳужрага кириб девордан шляпасини олди.

– Мен тезда қайтиб келаман, – деди у. – Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

У кўчага югуриб чиқиб кетди. Бошқа икки уста унинг ортидан эшиккача келишди, шитоб билан очилиб-ёпилаётган эшикни қўллари билан тутиб, кўчага мўралаганча унинг кетидан қараб қолдилар. Ҳаво дим, ўлик эди. Оғиз-томоқлар қақраб қақшаган эди.

– Унинг қўлидан нима ҳам келарди? – деди сартарошлардан бири. Бошқаси пичирларди: «Ё раб-

бим Исо, ё раббим Исо. Шўринг қурсин, Уил Мэйз, Мак-Лендоннинг газабига учрабсан».

– Ё раббим Исо, ё раббим Исо, – дея тўхтовсиз пичирларди бошқаси ҳам.

– Сенингча, ростданам бир гап бўлганмикан ўзи? – деди биринчиси.

II

Унинг ёши ўттиз саккиз-ўттиз тўққизларга бориб қолган эди. У оғир бемор онаси ҳамда ҳеч нарса-ни писанд қилмайдиган заҳил, ориқ холаси билан бирга турарди. Улар кўп қатори йиғма уйда яшар, у ҳар куни эрталаб соат ўн билан ўн бирнинг орасида бошига чеккаларига тўр тикилган қалпоқча илганча айвонга чиқар ва кун ярим бўлгунча ҳалинчак-креслода чайқалиб ўтирарди. Тушликдан сўнг то жазирама иссиқ пасаймагунча уйга кириб ухларди. Кейин эса ёзда кияман деб тиккан уч-тўртта ҳарир кўйлагининг биронтасини кийиб марказга тушарди – бу ерда аёллар магазинлардаги таниш-билишларига учрашар, товарларни қўли билан пайпаслаб кўрар, кўнглида ҳеч нарса оладиган нияти бўлмаса ҳам, совуқ, дағал товуш билан нарх талашарди.

У гарчи жуда атовли бўлмаса-да, лекин Жефферсонда ўзига тўқ ва тузук хонадонлардан эди, унинг қадди-қомати анча нозик, кўриниши эса одмироқ эди, ўзини ғашга тегадиган даражада ўктам тутар ва шунга яраша кийинарди. Ёшлигида қадди-басти келишганлиги ва ерга урса кўкка сапчиши боисидан шаҳар жамоасининг казо-кузоларига тегишли кибор доираларда бир мунча вақт ўралашиб юришга муяссар бўлди; ёшлар ижтимоий келиб чиқишдаги фарқларга унчалик эътибор бериб

ўтирмайдилар, шунинг учун ҳам у дугоналарининг зиёфатларида қатнашар, улар билан биргаликда черковга борарди.

У эътибордан қолаётганлигини ҳаммадан кейин англади; у тўда ичида алангасининг ўткирлиги билан бошқалардан ажралиб турарди, лекин вақт ўтган сари бу тўданинг эркаклари тобора олифта-қуруқ, қизлари эса қасоскор бўлиб боришарди. Ана ўшанда унинг чехрасида мана шу ўнғайсиз-ўктам ифода пайдо бўлди. У яна бирмунча вақт зиёфатларда, иморатларнинг салқин ва ҳоли айвонларида, кўм-кўк ўтлоқларда шундай бўлиб юрди. Бу ифода унга мисоли ниқоб ёхуд байроқ бўлиб хизмат қилар, кейин ҳақиқатни сира тан олишни истамаганлигидан унинг кўзларида ажабланиш юзага чиқди. Лекин бир куни кечқурун меҳмондорчиликда у тасодифий ўзининг номини эшитиб қолди. Шундан эътиборан у меҳмонга чақирсалар, бормайдиган бўлди.

У ўзи билан бирга ўсган дугоналари турмушга чиқаётганлари, уйли-жойли, бола-чақали бўлаётганлари, унга эса биронта эркак жиддийроқ бир ният билан мурожаат қилмаётганлигини кўриб турар, вақт эса жойида турмас, ўртоқларининг фарзандлари энди бўй чўзиб, тил чиқариб, бир неча йилдан бери уни «холажон» деб чақиришар, оналари эса уларга ўктам товуш билан Минни хола ёшлигида қандай қилиб ҳаммани ақлдан оздирганлиги тўғрисида ҳикоя қилиб беришарди. Кейин шаҳарча одамлари унинг якшанба кунлари автомобилда банк кассири билан сайр қилиб юрганларига кўзи туша бошлади. Кассир қирққа кирган, анча басавлат киши эди, ундан доим сартарошхона ва ёки виски ҳиди гупиллаб келиб турарди. У шаҳарчада биринчи бўлиб кичкина «қўнғиз» автомашина олган эди; яна шаҳарчадагилар биринчи мартаба автомобилда

юрганда кийиладиган юзни тўсиб турадиган тўри бор шляпани Миннининг бошида кўрдилар. Ана ўшанда «шўрлик Минни» деган гап чиқди. «Лекин у катта, эслик қиз бўлиб қолган, ақли-хушини йўқотмайди», дейишарди бошқа бировлар. Шундан кейин Минни собиқ синфдош дугоналаридан болаларинг мени «холажон» эмас, «хонимой» деб чақиришсин, дея илтимос қила бошлади.

Жамоат уни йўлдан оздирувчилар қаторига қўшиб қўйганига мана ўн икки йил бўлмоқда, кассирнинг ҳам ишини Мемфисга кўчирганлигига саккиз йил тўлмоқда, у Жефферсонга фақат мавлуд куни келиб кетади, мавлудни у дарё бўйидаги овчилар клубида ҳар йили бўладиган бўйдоқлар зиёфатида ўтказишади. Қўшнилар дарпардалар орасидан мавлуднинг биринчи куни зиёфат қатнашчиларининг кўчадан ўтиб боришларини томоша қилишар, кейин Миннининг олдига кириб, кассирнинг қанчалар очилиб кетгани, одамларнинг гапига қараганда, катта шаҳарда унинг ишлари юришиб, омади келгани ҳақида сўзлашар, шўх, маҳфуз кўзлари билан Миннининг ўнғайсиз-ўктам чехрасига тикилишарди. Одатда, бундай соатларда Миннидан виски ҳиди келиб турган бўларди. Унга вискини сув дўконидан турадиган бола келтириб берарди:

– Рост, кампир учун сотиб оламан. Жуда бўлмаганда шундан хурсанд бўлиб юрсин.

Миннининг онаси энди ўз хонасидан қимирламайдиган бўлиб қолганди; уй юмушларини рамақижон холаси бажарарди. Мана шундай аҳволда Миннининг ҳарир, қичиқ кўйлаклари, бекор, бўмбўш, хувиллаб ўтаётган кунлари аллақандай тоқат қилиб бўлмайдиган рўёга ўхшарди. Кечқурунлари энди у фақат қўшни аёллар билан бирга кинога борарди. Кундузлари эса янги кўйлақларидан бирини

киярди-да, ёлғиз ўзи марказга тушиб кетарди, бу ерларда эса энди унинг ёш-ёш жиянчалари айланиб юришарди – ипакдай нафис ва майин бошчалар, узун, ориқ қўллар, ўз жозиб кучини ҳис қилиб турган беллар – қизчалар бир-бирларини ачомлашиб боришарди ё сув дўкони олдида ўғил болалар билан ҳиринглашиб, қаҳ-қаҳ уришарди; Минни эса улар олдиларидан, магазинларнинг бир-бирига туташиб кетган витриналаридан ўтиб борарди, эшикларда ўтирган, бекорчиликдан тоб ташлаган эркаклар эса энди унга ҳатто қайрилиб ҳам қарамасдилар.

III

Сартарош кўчада тепага қараб югурди, унда-мунда кўзни қамаштириб пориллаб ёнаётган фонарлар атрофида парвоналар чарх урар, фонарлар ўлик ҳавода қимир этмай дабдабадор осилиб туришарди. Куюқ тўзон ичра кун жон таслим қилмоқда; қум кафанига бурканган қоронғи майдон узра осмон худди мис жомнинг ич юзасига ўхшарди. Шарқ осмонига шиддат билан кўтарилиб келаётган тўлин ойнинг шуълалари ёйилганди.

Сартарош уларга етиб олганда, Мак-Лендон билан ёнидаги уч киши тор кўчада қолган машинага ўтирмоқда эдилар. Мак-Лендон хумдай бошини букиб, унга машина тепасидан сарасоф солди.

– Ҳа, ўйлаб кўрдингми? – деди у. – Ўзингга яхши; худо номига қасам ичаманки, эртага бутун шаҳар сенинг боя нима деб алжираганингни эшитса...

– Бўлди, бўлди, – деди собиқ солдат. – Пинкертон ўзимизнинг одам. Ке, бу ёққа, Пинк, ўтир.

– Болалар, Уил Мэйз, сира бундай қиладиган одам эмас, – деди сартарош. – Мабодо бирор гап ўтган бўлса ҳам дейман-да. Э, сизлар мендан кўра

ҳам яхши биласизлар-ку, негрлари бизникидан яхши шаҳар йўқ. Хотин кишининг бошига нималар келмайди дейсиз эркак хусусида, гарчи ҳеч нарса бўлмаса ҳам, мисс Минни умуман...

– Рост, рост, – деди солдат. – Биз у билан озгина гаплашиб оламиз, холос.

– Нимасини гаплашамиз! – деди Чўян. – Уни тин-читганимиздан кейин...

– Э, овозингни ўчир! – деди солдат. – Сен нима демоқчисан ўзи, шаҳардаги ҳар бир итвачча...

– Ҳаммага айтиб чиқамиз, худо ҳаққи! – деди Мак-Лендон, – оқ хотинни... йўл қўйган ҳар қандай одам...

– Кетдик, кетдик, ана яна бир машина.

Тор кўчанинг ичидан чанг-тўзон кўтариб, ғирчиллаганча иккинчи машина чиқиб келди. Мак-Лендон машинасини унинг орқасидан юрғизди. Кўчада тўзон туман янглиғ тўзғирди. Шуъласи гардиш ясаган кўча фонарлари худди сувда сузиб кетаётгандек эди. Машина шаҳарча ташқарисига чиқди.

Тор, ўнқир-чўнқир йўл жуда айланиш эди. Йўл узра ва умуман бутун ер юзини чанг-тўзон босганди. Олисда музқаймоқ фабрикасининг баҳайбат биноси қорайиб кўринди, Уил Мэйз шу ерда тунги қоровул бўлиб ишларди.

– Мана шу ерда тўхтасакмикин, а? – деди солдат.

Мак-Лендон жавоб бермади. У машинани бир силтаб ҳайдаб сўнг қаттиқ тормоз босди, машина чирофининг нури қоп-қора деворни ёритди.

– Менга қаранглар, болалар, – деди сартарош. – Агар у шу ерда бўлса, демак, унинг гуноҳи йўқ. Тўғрими? Агар бўйнида айб бўлганда қочиб кетарди. Тўғрими, қочиб кетарди, а?

Иккинчи машина ҳам юриб келиб тўхтади. Мак-Лендон машинадан тушди, унинг кетидан Чўян эргашди.

– Менга, қаранглар, болалар, – деди сартарош,
– Чироқни ўчириглар! – деди Мак-Лендон.
Зимистон қоронғилик чўкди. Зим-зиё сукунатда
одамларнинг чанг билан олишиб ҳарсиллаб нафас
олиши – икки ойдан бери шу аҳвол – ундан сўнг
Мак-Лендон ва Чўяннинг узоқлашиб бораётган фир-
чиллаган қадам товушлари ва сал ўтмай Мак-Лен-
доннинг овози келади:

– Уил! Уил!

Шарқнинг осмонида ойнинг хира шуълалари
ёруғ тортди, ҳаво ва чанг ичра нуқраланиб, томда-
ги ясалган от узра энкайди, қўрғошиндай эриган
чангалзорда тўзон жонлангандай бўлди. На тунги
қушлар ва на чиридоқларнинг товушлари эшити-
лади – тик этган овоз йўқ, фақат одам нафаси ва
совиётган машина темирларининг тиқирлагани
қулоққа чалинади. Баданинг баданга тасодифан
тегиб кетса гўё одамлар тер чиқармасдан терлаёт-
ганга ўхшардилар, бинобарин, киши таналаридан
энди нам чиқмай қўйганди.

– Ё, раббим Исо! – кимнингдир овози янгради. –
Тезроқ бу ердан оёқни узиб кетайлик.

Лекин ҳеч ким жойидан қимирламади, олдиндан
– қоронғиликдан элас-элас овоз келиб, сўнг у тобора
кучая борди, шунда одамлар машинадан тушиб,
ўлик зулмат ичра юраклари дукирлаб урганча кута
бошладилар. Кейин бошқа товушлар келди: ким-
дир урди, кимдир ихраб оғир нафас олди, кейин
Мак-Лендоннинг вишиллаб сўкингани эшитилди.
одамлар яна бир зум қотиб турдилару сўнг олдинга
ташландилар. Ҳаммалари бир бўлиб, қоқилиб-суқи-
либ, худди ўлимдан қочгандай бўлиб борардилар.

– Тинчитинг, тинчитинг бу аблаҳни, – дея шип-
шиди кимдир. Мак-Лендон ҳаммани орқага итқи-
тиб юборди.

– Бу ерда эмас, – деди у. – Машинага олиб киринглар уни.

– Ўлдир уни, ифлос қораялоқни! – гўлдиради аллаким.

Негрни машинага судрадилар. Сартарош шу ерда эди. Уни жиққа тер босди, ҳозир қусиб юбораман, деб ўйлади у.

– Нима гап ўзи, хўжайин? – деди негр. – Мен ҳеч қандай ёмонлик қилганим йўқ. Худо шоҳид, мистер Жон.

Аллаким кўлкишан чиқарди. Тўнка устида уймалашгандай негр тепасида индамай шоша-пиша, бир-бирларига халақит бериб уймалаша бошладилар. Негр ҳаммасига индамай чидаб турар, кўзлари эса одамларнинг тунд-лойқа башараларида дам-бадам олазарак кезинарди.

– Кимсизлар ўзи, хўжайинлар? – деди у кишиларнинг юзларини тузукроқ кўриш учун энгашиб, оқ кишиларнинг димоқларига унинг нафаси, тер ҳидлари гуп этиб урилди, Негр бир-икки одамни таниди ва уларнинг отларини айтди. – Мен нима қилибман ўзи, мистер Жон?

Мак-Лендон машина эшигини силтаб очди.

– Ўтир! – деди у.

Негр ўрнидан кўзгалмади.

– Мен сизга нима қилдим, мистер Жон? Мен ёмонлик қилганим йўқ. Оқ кишилар, хўжайинлар, мен ҳеч нарса қилганим йўқ, худо шоҳид.

У яна бир одамнинг отини айтди.

– Ўтир! – деди Мак-Лендон. У негрни урди. Бошқалар хирқираб, хушиллаб қуруқ ҳавони ўпкаларига куч билан ютдилар-да, қоранинг тўғри келган жойига уриб дўппослай кетдилар, қора эса ўртада тентираб, пилдираб қолди, сўкиниб, кишанланган кўлларини уларнинг башаралари олдида

силкита бошлади, қўллари сартарошнинг жағига тегиб кетди, шунда сартарош ҳам уни урди.

– Манави ерга ўтқизинг, – деди Мак-Лендон.

Ҳаммалари негр устига ёпирилдилар. У қаршилик қилмай қўйди, машинага кирдию жим бўлиб қолди, бошқалар ҳам атрофга жойлашдилар. Негр солдат билан сартарошнинг ўртасида уларга оёқ-қўллари теккизмасликка ҳаракат қилиб ўтирарди, тинмасдан у башарадан бу башарага алангларди. Чўян эшик тагига ўрнашди. Машина йўлга тушди. Сартарош бурнини рўмолчаси билан тўсди.

– Сенга нима бўлди, Пинк? – деди солдат.

– Ҳеч нима, – деди сартарош. Яна катта йўлга чиқиб олдилар ва шаҳар ташқарасига қараб кетдилар. Чанг-тўзон ичидан иккинчи автомобиль ҳам чиқиб келди. Машиналар тезликни тобора ошира бошладилар, шаҳарнинг сўнгги вайроналари орқада қолди.

– Ҳай, уфф-эй, жуда саситиб юборди-ку! – деди солдат.

– Бунинг эпини қиламиз, – деди гумашта олдинги ўриндиқда Мак-Лендоннинг ёнида ўтирганча. Эшик тубида ўтирган Чўян қайноқ шамолни ютиб бўралаб сўкинди. Кутилмаганда сартарош олдинги ўриндиқ суянчиғига энгашди-да, Мак-Лендоннинг елкасидан тутди.

– Мени тушириб кет, Жон, – деди у.

– Шуми ҳали ҳолинг, сакра. Сен қораялоқларни жонингдан ҳам яхши кўрасан-ку, – деди Мак-Лендон бошини ўгирмасдан. У машинани катта тезликда ҳайдаб борарди. Орқаларидан чанг-тўзон ичида нариги автомобилнинг чироқлари пориллаганча сузиб келмоқда эди. Мак-Лендон тор дала йўлига бурилди, анчадан бери фойдаланилмаганидан йўл ўйдим-чуқур эди. У ташландиқ фишт хумдонга, тепа-тепа бўлиб уюлиб ётган қўнғир тош чандиқларга,

атрофини ўт-ўлан, хас-хашак босган тубсиз хумдонларга олиб борарди. Бир пайтлар бу ерда мол боқишарди, кейин чўпоннинг хачири йўқолди. У ҳар бир хумдон ичига таёқ солиб кўрди, лекин биронтасида таёқнинг учи ерга теккани йўқ.

– Жон, – деди сартарош.

– Э, сакрамайсанми! – деди Мак-Лендон машинани ўйдим-чуқурлардан олиб ўтаркан.

Сартарошнинг ёнидаги негр тилга кирди:

– Мистер Генри!

Сартарош ташқарига интилди. Тор йўл юқорилаб бориб ғойиб бўларди. Машина олға босар, ҳаво худди ўти сўнган хумдондаги каби салқин, лекин буткул ўлик эди. Машина чуқурма-чуқур ҳакилларди.

– Мистер Генри!

Сартарош жон-жаҳди билан эшикни торта бошлади.

– Ҳей, эҳтиёт бўлинглар! – деди солдат, лекин сартарош эшикни тепиб очиб, пастга қараб осиди. Солдат негрнинг устидан оша уни ушлайман деб энкайди, лекин сартарош сакрашга улгурди. Машина тезликни пасайтирмасдан йўлдан ўрлаб борарди.

Ҳаракатнинг тезлигидан у чеккадаги чанг-тупроқ босган шўразорга отилиб кетди ва чуқурликка қулади. Тўзон кўтарилди, тагида қуриган ўт-ўланларнинг ожиз қисирлагани эшитиларди, ҳаво ололмай томоғи бўғилар, дам-бадам ўқчиқ келарди, иккинчи автомобиль ўтиб кетиб, овози узоқда ўчмагунча у шундай аҳволда ётди. Кейин сартарош чўлоқланиб қадам босди, катта йўлга чиқиб олди, шаҳарча йўлига тушди. Энгил-бошига ёпишган чанг-чунгларни қоқди. Осмонга ой чиқди, у энди кўк тоқига баландлаб кетган, тўзондан фориф бўлган эди, бир оздан сўнг тўзон пардаси ортидан шаҳарчанинг чироқлари кўринди. Сартарош ҳамон чўлоқлан-

ганча кетиб борарди. Шунда бирдан қулоқларига автомобилларнинг шовқини чалинди, кейин орқа томонида уларнинг чироқлари борган сари яқинлашиб келаётганлигини кўрди, шунда у то машиналар ариллаб ўтиб кетмагунларича йўлдан чеккага ўтиб, тупроқ босган шўразорда беркиниб турди. Энди Мак-Лендоннинг машинаси орқада келарди. Унда тўрт киши ўтиришар, Чўян ҳам ичкарида эди.

Машиналар ўтиб кетишди. Чанг тупроқ уларни ютиб юборди, чироқларнинг шуълалари, вариллаган овозлар олисларда сўнди. Улар кўтарган чанг бир қанча вақт ҳавода осилиб турди, лекин тез орада улар ҳам асрий тўзонларга қўшилиб кетдилар. Сартарош катта йўлга амаллаб чиқиб олди-да, ланг қадамлар билан шаҳарча томон юрди.

IV

Ўша шанба у кечки тановул учун кийинаркан, аъзойи бадани алангаи оташ бўлиб ёнарди. Илгаклар устида бармоқлари титрар, кўзлари қонталашиб асабий чақнар, тароқ урса сочлари чирсиллар эди. У ҳали кийиниб улгургани ҳам йўқ эдики, дугоналари кириб келишди, нафис ички кийими, пайпоқлари ва янги ҳарир кўйлагини то кийиб бўлгунча унга қараб ўтиришди.

– Сен бемалол кўчага чиқаверасанми, мадоринг келадими? – деб сўрашарди улар, шунда уларнинг кўзлари йилтираб кетар, фитнага ғаш аралаш эди, – Сал ўзингга келганингдан кейин бизга албатта ҳаммасини бир бошдан сўйлаб берасан. У нима деди, нима қилди: ҳамма-ҳаммасини.

Майдон томон борар эканлар, дарахтларнинг қоронғу кўланкасида у худди денгизга шўнғиш олдидан чуқур нафас олгандай титроғини босиш учун чуқур-чуқур сўлиш олди, тўрт дугонаси эса

иссиқдан ва унга юраклари ачиганидан сал орқа-роқда аста қадам ташлаб келар эдилар. Майдонга чиққанда уни яна қалтироқ босди, у муштларини икки биқинига тираганча, бошини баланд кўтарди. Дугоналари тинмай чулдирашар, уларнинг ҳам нигоҳларида аллақандай жазава зуҳур қила бошлади.

Майдонга кириб келдилар, қизлар уни ўртага олишган, нозиккина баданга кийилган ҳарир кўйлаги ҳилпирарди. Титроқ зўрайди. У борган сари имиллаб қадам босар, болалар музқаймоқни еб бўлаётганларида шундай имиллайдилар, бошини орқага ташлаган, чехраси худди осилган байроқдай эди, кўзлари йилтирарди; у меҳмонхона ёнидан ўтди, йўлак бўйлаб қўйилган стулларда пиджаксиз яланг кўйлакда ўтирган гумашталар унинг орқасидан қараб қолишарди:

– Анави, кўряпсанми? Ўртадагиси, пушти кўйлак кийгани.

– Шуми? Қорани нима қилишди? Уни...

– Шундай. Тинчителишди.

– Тинчителишди?

– Шундай. Жойлаб келишди.

Кейин дорихона олдидан ўтдилар, эшикка елкаларини тираб турган ёш йигитлар бошларидан шляпаларини олиб, унинг бели ва болдирларига узоқ тикилиб қолишди.

Улар аста кўтариб қўйилган шляпалар, тўсатдан жим бўлиб қолган меҳрибон, маҳрамона овозларни оралаб ўтиб борардилар.

– Ана кўрдингми? – дейишарди дугоналари. Уларнинг товушлари вошиллиб турган тантананинг оғир ва беҳад узун сўлишлари каби эшитиларди. – Майдонда биттаям негр йўқ. Биттаям!

Кинотеатрга кирдилар. Бу ер кичкина мўъжиза ўлкага ўхшарди – фойе чароғон, ҳаётнинг энг

мудҳиш ва лаззатли эврилишларида тутиб қолинган рангдор суратлари. Унинг лаблари уча бошлади. Қоронғи чўкиб, фильм бошланганда бари жойида бўлади; у кулиб юборишдан ўзини тўхтатади, кулгини тез ва бекордан бекорга исроф қилиб юбормаслик керак. Унга ўтирилиб қараётган башаралар издиҳоми ичидан, ҳайрат ва таажжубнинг босиқ шивир-шивирлари оралаб у жадал ўтиб кетди ва улар одатдагидай жойларига ўрнашиб олдилар, бу ердан нуқра экранга борадиган йўлка ҳам, ўз жойларига ўтаётган қўша-қўша ёшлар ҳам кўриниб туради.

Чироқ ўчди; экран жилваланди, гўзал, ҳароратли ва маънос ҳаёт бошланди, ним қоронғи залга ифор таратиб, ҳамон жуфт-жуфт бўлиб кириб келишар, бир-бирларининг бағирларига сингиб кетган баданлар хушбичим ва ҳавойи, нозик, инжа, йилдирирмадай вужудлари бир оз қовушиқсиз, лекин беҳад навқирон эди, уларнинг бошлари узра оппоқ кумушдай хаёлот бурканар, жозиб сузар эди. Уни кулги хуружи тутди. Кулмаيمان деса, яна баттар кулгиси авжга чиқарди, ҳамма яна унга аланглаб қарай бошлади. Дугоналари уни ўрнидан турғизиб залдан олиб чиқдилар, у ҳамон кулгисини тўхта-толмас, то такси етиб келиб унга ўтқизмагунарича у шайтонлаб, чинқириб кулишдан тўхтамасди.

Ярим ҳарир пушти кўйлагини, ипак ички кийимларини ва пайпоқларини ечдилар, каравотга ётқиздилар, муз синдириб келтирдилар ва унинг чаккаларига босдилар, доктор чақиртирдилар. Докторни қидириб топишолмади, шунинг учун хотинлар унга ўзлари қарай бошладилар, ивир-шивир гаплашиб, унга муз қўйишар, юзларини елпир эдилар. Муз янги экан; у индамас, тек ётар, оҳиста инграр эди. Лекин кўп ўтмай яна кулгиси тута бошлади, сўнг у қичқириққа айланди.

– Тсссссссссс! Тсссссссссс! – дейишарди дуго-
налари яна янгидан муз қўйиб, унинг сочларини
силашаркан, оқ тушганми-йўқми деб қараб ҳам
қўйишарди. – Шўрлик!

Кейин бир-бирларига:

– Сен биласанми, ростдан ҳам бирон гап бўлган-
ми-йўқми? – дейишар, кўзлари эса маҳфуз жазава
ичида фитнали ёнарди. – Ҳей, секинроқ! Оҳ, шўр-
лик! Бечора Минни!

V

Мак-Лендон ўзининг янгигина, озодагина уйига
келганда ярим кеча бўлганди. Худди қуш сақлана-
диган уячадай безатилган, тоза ва пором, мўъжаз-
гина бу уй кўк ва оқ рангларда батартиб бўялган
эди. Мак-Лендон машинани ёпди, айвонга чиқди ва
ичкарига ўтди. Стол устидаги чироқ олдида турган
креслодан хотини турди. Мак-Лендон хонанинг ўр-
тасида то хотини ерга қарамагунча тикилиб турди.

– Қара-чи, соат неча бўлди экан? – деди у қўли-
ни кўтариб хотинига соатни кўрсатаркан. Хотини
унинг қошида – қўлида журнал – бошини қуйи эгиб
турарди. Юзи оқарган, хавотирли, ҳорғин. – Сен-
га неча марта айтиш керак, бундай ўтирма, мени
кутма, қачон келишимни пойлама, деб?

– Жон, – деди у. Журнални қўлидан қўйди. Эри
товонида турганча тебраниб, ундан жазавали кўзла-
рини узмас, терлаб кетган юзини четга бурмас эди.

– Неча марта айтишим керак?

У хотинига яқин келди. Шунда хотини бошини
кўтарди. У хотинининг елкасидан қаттиқ ушлади.
Хотин бўшашибгина унга кўзларини тикиб турарди.

– Керакмас, Жон. Уйқум қочиб кетди. Иссиқдан-
ми, бошқами, билмайман. Ўтинаман сендан, Жон.
Оғритиб юбординг.

– Сенга қанча айтишим керак?

У хотинини бўшатди, урдими ё креслога итқитиб юбордими, билиб бўлмади, хотини креслода индамайгина унинг хонадан чиқиб кетаётганига қараб ётарди.

У уйнинг барча хоналаридан ўтиб борди, йўл-йўлакай эгнидан кўйлагини суғуриб ечди, орқа томондаги қоронғи ойнаванд айвонда тўхтади, боши ва елкаларини кўйлаги билан артди-да, сўнг кўйлакни улоқтириб юборди. Чўнтагидан тўппончани чиқариб столча устига қўйди ва каравотга ўтирди, ботинкаларини ечди, ўрnidан турди ва шимини ечди. У яна терлай бошлади, шунинг учун энгашиб боя отиб юборган кўйлагини асабий қидирди. Охири, уни топди, яна баданларини артди, тик турганча ойнага ёпишиб, ҳарс-ҳарс нафас оларди. Теварак жимжит, тиқ этган товуш йўқ, ҳатто чивин учмайди. Совуқ ой ва мудрамас юлдузлар тагида қоронғи дунё тўнкарилиб ётарди.

УОШ

Иброҳим Гафуров

таржимаси

Сатпен кўзи ёриган она чақалоғи билан ётган катта ёғоч каравотнинг олдида турарди. Деворнинг қуриган тахталари тирқишларидан субҳидамнинг бўз нурлари тушиб турар, улар Сатпеннинг керилган оёқлари ва пастга солланиб турган қамчисининг сопига тегиб синар, усти яхшилаб ўраб қўйилган она ва унинг ёнида ётган топ-тоза ювилган латталарга йўргакланган чақалоқнинг устига ёйилар, она Сатпенга чимирилиб қарар, ундан хўмрайган, синоатли кўзларини узмасди. Сатпеннинг орқа томонида кўри сўнай деб қолган ўчоқ олдида чўнқайганча негр кампир ўтирарди.

– Аттанг, Милли, – деди Сатпен, – бия эмассан-да. Сени отхонамнинг энг яхши ерига жойлаб қўярдим.

Ёғоч каравотда ётган хотин қимир этмади. У ҳамон ҳеч қандай ифодасиз чимирилган кўзларини унга тикиб ётар, унинг навқирон, тумтайган, ҳеч нимани англаб бўлмас юзи яқиндагина тугаган тўлғоқ азобларидан оқариб кетганди. Сатпен юзини бурди, олтмишга кирган эркакнинг чехрасига тонгнинг тирқираган зиёси отилди. Чўнқайиб ўтирган негр хотинга паст товуш билан деди:

– Гризельда бугун азонда қулунлади.

– Тойми, байталми? – сўради негр хотин.

– Той. Кетворган той... Бу ерда-чи? – у қамчи дастасининг учи билан ёғоч каравотни кўрсатди.

– Бу ерда бия.

– Тоймисан той. Худди Роб Ройнинг қўйиб қўйган ўзи бўлади. Эсингдами, уни олтмиш биринчи йилда Шимолга миниб кетган эдим?

– Эсимда, хўжайин.

– Э-ҳа. – У ёғоч каравотга ўгирилиб қаради. Хотин унга қараяптими-йўқми, энди билиб бўлмасди. У қамчисининг сопи билан яна бир карра у томонга нуқиб қўйди. – Бизникини қараб кўр, нима керак бўлса, ҳаммасини қилиб бер.

Шундай деб, у лиқиллаб турган пиллапоядан одам баробар бўлиб қалин ўсган бурганзор ичига тушди (бу ерда Уош бурганларни ўриб ташлайман деб, уч ой илгари ундан сўраб олган чалғи деворга суяб қўйилган кўйи занглаб ётарди), бунда унинг оти жиловини қўлларидан тутганча Уош кутиб турарди.

Полковник Сатпен шимолликлар билан урушга жўнаб кетганда, Уош у билан бирга бормади.

– Полковник йўғида бу ерда унинг хўжалиги ва негрларига қараб юраман, – деб тушунтирарди у сўраганларга ҳам, сўрамаганларга ҳам. Уош новчадан келган, ориқ, безгақдан силламадори қуриган, кўзлари шишадай тиниқ ва ажабсиниб боқадиган, кўринишдан ўттиз бешларга борган, шунга қарамасдан, катта қизи ҳамда саккиз яшар набираси бўлган бир киши эди. Унинг гаплари бошдан-оёқ уйдирма эди ва уйда қолган ўн саккиздан элик ёшгача бўлган ёшу қари эркаклар унинг барча баҳоналари уйдирма эканлигини яхши билишар, шунда ҳам баъзилар у ўз гапига ўзи чиппа-чин ишонса керак, деб ҳисоблашар ва шунга қарамасдан, улар миссис Сатпен ва Сатпеннинг қулларига ўзини ҳомий қилиб кўрсатмасликка ҳар қалай Уошнинг ақли етар, деб ишонишарди. Ё ақли етар ва ё жонбозлик кўрсатишга қурби етмас, дейишарди одамлар, э, барака топсин, унга йўл бўлсин, ахир Сатпеннинг

мулкига унинг ҳеч бир дахли йўқ, фақат полковник Сатпен бир пайтлар ҳали бўйдоқ чоғларида дарё бўйидаги балчиқда балиқ тутиб юрарман деб, тиккайтирган ҳужрасини Уошга берган, ўшандан бери бу кулба ҳам ташлаб қўйилганидан бутунлай путурдан кетган, худди тўйиб сув ичаману сўнг ўламан деб, дарё лабига базўр судралиб етиб келган ночор махлуққа ўхшаб қолганди.

Бироқ Сатпеннинг қуллари Уошнинг катта гапириб кариллаб юрганлигини тешиқ қулоқ эмасми, эшитиб қолибдилар. Улар қотиб-қотиб кулишди. Авваллари ҳам унинг устидан кулиб юришар ва орқасидан оқ ялангоёқ деб чақиришарди. Собиқ балиқчи қўналғасидан келаётганда улар Уошни ўт босган сўқмоқда учратиб қолиб, сўрашарди: «Ҳой, оқ киши, нега сен урушга бормадинг?» Уош тўхтарди-да, мийиғида заҳарханда қилган қора башаралар, оқарган кўз ва тишларнинг гардишига бир-бир разм солиб чиқарди. «Мен хонадонни боқишим керак, ана шунга, – деб жавоб берарди у. – Йўлдан қочинглар-эй, қораялоқлар».

– Қораялоқлар? – деб такрорлашарди улар. – Қораялоқлар? – энди улар очикдан очик унинг башарасига қараб кулишарди. – У киши бизларни қораялоқлар деяптиларми?

– Тўғри-да, – дерди у, – менинг қораялоқларим йўқ, мен кетганда бола-чақамни боқиб ўтирадиган.

– Э, сенинг дарё бетида қийшайган ҳужрангдан бошқа ниманг ҳам бор, ҳатто бизнинг биронтамининг у ерда туришимизга полковникнинг кўнгли бўлмаганди.

Шунда у сўкина бошлар, гоҳида эса ерда ётган таёқни олиб, уларга ташланиб қолар, улар тирақайлаб қочиб кетишар, у офир ҳансираганча алаmidан шақ-шақ титраб сўқмоқда ёлғиз ўзи қоларди, лекин

тахқирловчи, бераҳм, қочириқларнинг қора кулгилари барибир уни ўз гардишидан сира чиқариб юбормасди. Бир сафар худди шундай воқеа хўжайин уйининг нақ орқа ҳовлисида рўй берди. Виксберг остоналарида Теннеси тоғларидан аламли хабарлар олингандан кейин бўлган эди бу. Шерман ҳам мулк далаларидан бостириб ўтиб кетган, қолган бир-иккитасини демаса, барча негрлар ҳам у билан бирга жўнаб қолишган эди. Федерал қўшинлар билан бирга кейин қолган-қутганлари ҳам кетиб қолишди, шунда миссис Сатпен «Уошга бориб айтинглар, келиб уй орқасидаги шийпонда пишган узумни узиб кетсин», деди. Ўшанда плантацияда қолган икки-уч негрнинг бири – хизматкор қиз унинг бошига таъна ёғдирган эди; у ҳатто қочиб ҳам кетмади, фақат орқа эшикнинг пиллапояларидан кўтарилди-да, сўнг орқасига ўгирилиб ўша ерда турганча деди:

– Тўхта, оқ киши. Турган жойингдан қимирлама. Полковник борида бу остонадан ўтмаган эдинг, энди ҳам ўтмайсан.

Тўғриси ҳам шу эди. Лекин унинг орияти учун муҳим бир нозик томони бор эди: у ўзича Сатпен мени уйига қўйган бўларди деб ишонса ҳам, лекин ҳеч қачон бу уйга қадам босишга уриниб ҳам кўрмаганди. «Бошимни бу ерга суқиб зарил келибдими менга, яна қораялоқлардан биронтаси, қани туёғингни шиқиллат, деб қолмасин, – деб юрарди у ўз-ўзига. – Тағин полковник мени деб, уларни ўқитиб юрмасин». Лекин шунга қарамасдан, улар камдан-кам ҳоллардагина меҳмонлар келмай қоладиган якшанба кунларини одатда бирга ўтказишарди. У Сатпенга шу яхши бўлса керак, деб чин дилдан ишонар, бинобарин, полковник ўзи билан ўзи ёлғиз қолса нима қилишни билмайдиган зотлардан эди. Ҳар қалай, қандай бўлмасин, баъзи

кунлари улар уззукун шийпонда бирга бўлишар, Сатпен арқон ҳалинчакда ётар, Уош эса устунга суянганча чўнқайиб ўтирар ва ўртада ёмғир суви тўлдирилган челақ, челақда эса шиша ва улар то шом қоронғиси тушгунча галма-галдан шишани кўтариб ичардилар. Қолган пайтлар, бегим кунлари у полковник (улар Сатпен билан тенгқур эдилар, лекин на униси ва на буниси – афтидан, Уош неваралик бува бўлгани, Сатпеннинг ўғли эса ҳали мактабда ўқиётгани учун бўлса керак – ўзларининг тенгдош эканликларини яхши ҳис қилмасдилар) насдор отда далаларда бир маромда елиб юрганлигини кўрарди. Ана ўшанда унинг дили бир зум ифтихори жўшиб тўхтаб қолгандай бўларди. Шунда унинг назарида худди Инжилда ўқигани каби худо томонидан ҳар қандай оқ танли кишиларга хизмат ва қуллуқ учун маҳкум қилинган негрлар ундан ва унинг оиласидан кўра яхшироқ, тўқроқ яшаётган, ҳатто тозароқ ва тузукроқ кийинаётган бу дунё унинг теварагида мутгасил ва дам-бадам қора кулгининг акс садоси янграб турадиган мана шу дунё дардисар рўёдан ўзга нарса эмас, чинакам дунё бу – унинг валинеъмати асл хоназот қора отда шон-шавкатга чулғаниб ёлғиз учиб бораётган дунё, ахир барча одамлар, бу ҳам Инжил шарифда айтилган худойимнинг шакли-шамойили каби яратилганлар, шунинг учун ҳамма одам болалари жилақурса, худо назаргоҳида бир хил сиймо каби кўринадилар; шунинг учун у худди ўзи ҳақида ўзи айтгандай шундай дейиши мумкин: «Одам! Ҳусн ва шараф! Агар худованди каримимиз кўк тоқидан она еримизга қадам ранжида қилганда эди, у ўзига аён худди мана шу сиймони танлаган бўларди!»

Олтмиш бешинчи йилда Сатпен қора тўриқда уйга қайтди. У ўн ёшга қариган эди. Хотини ўлган

ўша куз кунлари ўғли ҳам жангда ҳалок бўлди. У генерал Лининг шахсан ўзи қўл қўйган ташаккурномани олиб, хароб бўлган далаларига қайтиб келди. Бундан ўн беш йил муқаддам дарё бўйидаги эсидан ҳам чиқиб кетган вайрона балиқчи кулбасига ўзи раҳм-шафқат килиб жойлаштирган бечора одам унинг қизини ҳам қарамоғига олиб боқиб ўтирарди. Уни кутиб олган Уош ҳеч ўзгармабди – ҳамон ўша-ўша – ориқ ва найнов, ҳамон ўша-ўша – унинг ёши нечага кирганлигини билиб бўлмас, хира кўзларида ҳамон ўша саволомуз иштибо учқунланиб туради. «Қани, хўш, полковник, – дерди у уялинқираб, андаккина ялтоқланган ва айни чоқда маҳрамона товуш билан, – бизни уришди, лекин белимизни синдиришолмади, мен тўғри айтяпманми?»

Кейинги беш йил ичида уларнинг ҳамма гаплари мана шунга келиб тақалди. Улар сопол кўзадан галма-галдан ичадиган виски ҳам энди жуда бемаза, ўтирадиган жойлари ҳам энликда ток сўрилари чирмашган шийпон эмас, ночоргина дўконнинг орқаси бўларди. Сатпен йўл бўйида деворлари тахтадан, ичига қатор токчалар ясалган дўкон очган эди. Уош бу ерда гумашта ва қоровуллиқ қиларди, улар керосин, кундалик озиқ-овқатлар, бир-бирига ёпишиб кетган ширинликлар, арзон тақинчоқлар, ленталар сотишар, мижозлари Уошга ўхшаган камбағал оқ танлилар ва негрлар бўлиб, улар пиёда ёхуд қоқсуяк хачирларга миниб келишар, муборизларни жасорат билан жангларга бошлаб кирган, бир маҳаллар ўн чақиримгача ўз ҳосилдор ерларида отини гижинглатиб чоптириб юрадиган (қора тўриқ ҳали ҳам тирик эди; унинг ерга урса кўкка сапчийдиган наслари хўжайиннинг ўзи турадиган уйдан кўра ҳам яхшироқ сақланадиган отхоналарда боқиларди) одам билан ҳар бир чақа

устида эзмаланиб савдолашгани келар эдилар. Тор-тишувлар шу билан тугардики, Сатпен дарғазаб бўлиб уларни дўкондан ҳайдаб чиқарар, эшикни жаҳл билан қулфлар, сўнг Уош билан сопол кўзачани олиб, дўконнинг орқасига ўтиб кетар эдилар. Бир йиллари Сатпен арқон ҳалинчакда ётиб кибру ҳаво билан узоқ вайсар, Уош эса устунга суяниб чўнқайиб ўтирганча унинг гапларини маъқуллар, лекин мана энди уларнинг суҳбатлари ўшанда бўлгандай текис, бир маромда кечмас эди. Энди улар ўтириб олишар, тўғри, Сатпен бирдан-бир курсига, Уош эса тўғри келган яшикми ё тунука идишними тўнкариб ўтиришар, лекин бу узоққа чўзилмас, чунки Сатпен бирпаснинг ичида оғзидан кўпик сочган қаҳҳор жангарига айланар, у чайқалиб гандираклаганча ўрнидан турар, илгари ташланмоқчи бўлар, ҳозир қора тўриғимни минаману тўппончаларимни олиб Вашингтонга йўл оламан, Линкольн билан Шерманни отиб ташлайман, деб дағдаға соларди, ваҳоланки, Линкольн бу пайтга келиб ўлиб бўлган, Шерман эса аллақачонлар генераллик либосларини оддий кишилик кийимларига алмаштирган эди. «Сол уларни! – деб қичқирарди у. – Қутурган ит каби ҳаммасини отиб ташланглар!»

– Бўлмаса-чи, полковник, бўлмаса-чи, – дерди нуқул Уош, йиқилиб бораётган Сатпенни қучоқлаб оларкан. Шундан кейин у йўлдан ўтиб бораётган дуч келган аравани тўхтатар, агар арава ҳадеганда ўтавермаса, бир чақирим келадиган фермага-ча яёв йўл олар, у ердан от-арава олиб Сатпенни уйга етказиб келарди. Анчадан бери у Сатпенни олиб келган чоғларида уйга ҳам кираверар, кейин худди отни, асов отни аврагандай Сатпенни алдаб-сулдаб, керак бўлса судраб йўлакдан уйга киритарди. Сатпеннинг қизи уларни эшикни ланг

очиб ва уни қўллари билан тутиб турганча кутиб оларди. Шунда у ортмоқлаган юкини тепаси ярим айлана, рангдор ойналари ўз вақтида Европадан биттама-битта авайлаб ташиб келтирилган равон ўрнатилган, ҳозир эса тахта қоқиб қўйилган бир маҳаллар оппоқ ва баланд катта эшикдан олиб ўтар, жунлари тўзғиб ётган пат гиламдан судраб ўтиб, тахталари едирилиб кетган, фақат чеккаларидагина жигарранг бўёғи билиниб турган улуғ пиллапоядан кўтариб чиқариб, алоҳа хобхонага етиб келарди. У полковникни чалқанчасига каравотга ётқизар, кийимларини бирма-бир ечиб олар ва сўнг жимгина шу ердаги курсида ўтирарди. Бир оз вақт ўтгач, эшикдан унинг қизи кўриниш берарди. «Биздан хавотир олманг, – дерди унга Уош. – Сиз ҳеч нарсадан ташвишланманг, мисс Жудит».

Кейин бутунлай қоронғилик тушар, бир оз вақт ўтгач, у шундоққина каравот олдида ерга чўзиларди, лекин мириқиб ухлагани имкон бўлмас, чунки кўп ҳам ўтмай, баъзан ҳали тун ярим бўлмай туриб, чўзилиб ётган Сатпен қимирлай бошлар, инграб, уни хаста товуш билан чақирарди: «Уош!»

– Шу ердан, полковник. Тинчгина ухлайверинг. Улар бизни енгиб бўлипти. Кўрсатиб қўямиз ҳали уларга.

Ҳолбуки, у ўша кезлариёқ набираси белига лента тақиб юрганлигини кўрганди. Қизча ўн олтига қаддам қўйган, худди шу ёшга кирган навраста қизлар каби бўй етиб, кўзга ташланиб қолганди. Бу лента қайси ёқдан пайдо бўлганлигини у яхши билар (уч йилдирки, худонинг берган куни дўконда шу ленталарни кўрарди), невараси мабодо ёлғон сўзлаганда ҳам, барибир, у биларди, лекин қизча ёлғонлагани уриниб ҳам кўрмас, фақат унга тап тортмай тик, қовоқ уйиб ҳуркиганча қараб турарди.

– Нима ҳам қилдик, – деёлди у фақат. – Полковник сенга лента ҳады қилган бўлса, сен раҳмат деб қўйишни эсингдан чиқармагандирсан, ахир?

Унинг устида янги кўйлак кўрганида ва қизча унга маҳфуз, тўнг ва қўрқа-писа нигоҳ ташлаганида, кўйлакни тикишга мисс Жудит қарашганлигини эшитганда ҳам унинг дили хотиржам эди. Аммо ўша оқшом дўконни ёпиб, орқа эшикдан Сатпен билан изма-из чиқаркан, унга ўгирилиб қаради, унинг чеҳраси жиддий эди.

– Кўзани келтир, – буюрди Сатпен.

– Ҳозир, – деди Уош. – Шошманг.

Сатпен ҳам кўйлак хусусида бош товлаб ўтирмади.

– Хўп, нима бўпти? – деб сўради, холос.

Лекин Уош унинг такаббур ва тошдек қаттиқ қарашидан кўзини олиб қочмади, у оҳиста жавоб берди:

– Мен сизни қарийб йигирма йилдан бери билман. Сиз нима деб буюрманг, барини тўхтовсиз адо этдим. Мен ҳам олтмишга кириб қолдим ва мен эр кишиман. У эса ҳали навраста қизча, бор-йўғи ўн бешга чиқди.

– Нима, сенингча, мен қиз болани хафа қиладиган одамманми? Мен кексайган бир одам, сенинг тенг-тўшинг бўлатуриб-а?

– Сиз мабодо бошқача бўлмаганингизда, мен ҳам сизни қари – ўзим тенги одам, дердим. Қарими-ёшми, барибир, сизнинг қўлингиздан бу кўйлак туғул бошқа ҳеч нарсани олишга йўл қўймаган бўлардим. Аммо сиз бошқачасиз.

– Нима бошқача? – Бу саволга жавобан Уош унга хира тортган иштиболи кўзларини тикиб турарди, холос. – Сен мана шунинг учун ҳам мендан қўрқар экансан-да?

Уошнинг кўзларидаги саволомуз ифода сўнди. Унинг нигоҳи осуда ва тиниқ эди.

– Мен қўрқмайман. Сиз қаҳрамонсиз, лекин ҳаётда бир кунлик ёки бир дақиқалик қаҳрамон эмассиз, генерал Лининг қўлидан фақат шунинг ўзи учунгина шаҳодатнома олган эмассиз. Йўқ, сиз қаҳрамонсиз, бу қаҳрамонлик худди тириклик нафаси каби сиз билан бирга. Мана шунинг учун сиз бошқачасиз. Мен буни ҳеч қандай қоғоз-поғозсиз ҳам биламан. Яна шуни ҳам биламанки, сизнинг шарпангиз кимга ва ё нимага тегмасин, нимани ўз инон-ихтиёрингизда тутманг, бу хоҳ бир полк солдат ва хоҳ тентак бир қиз ва хоҳ дайди ит бўладими, сиз барибир ҳаммасини жойига қўясиз.

Сатпен кўзини олиб қочди, у шаҳд билан юзини бурди-да, тўнғиллади:

– Кўзани келтир.

– Бош устига, полковник, – жавоб қилди Уош.

Орадан икки йил ўтди, якшанба куни тонг қоронғисида бу ердан уч чақирим наридаги қишлоқдан негр доя кампирни олиб келди, эски майриқ эшик кампир ортидан ёпилиб, набирасининг чинқириқларини бир оз бўлса-да тўсганда ҳам, унинг дили ташвишли, лекин хотиржам эди, У атроф-теварақдаги кулбаларда яшайдиган негрлар ҳам, уззу кун дўкон атрофида хира пашшадай айланиб юрадиган оқ танли кишилар ҳам ўзи ҳақида нималар деб валдирашаётганларини ҳаммасини биларди. Улар Сатпен, унинг ўзи, бўйида эканлиги кундан-кунга билиниб ва билинган сари тобора сурбет ва ҳуркак бўлиб бораётган набирасига – учовларига худди саҳнада томоша кўрсатаётган актёрларга қарагандай қарардилар. «Улар бир-бирларига нималар деётганларини биламан, – деб ўйларди у. – Овозлари шундоқ қулоғимга чалиниб туради. Уош

амал-тақал қилиб қари Сатпенни қўлга туширди. Умрининг йигирма йилини бой бериб бўлса ҳам, барибир, алоҳа уни қўлга киритди».

Тонг оқарай деб қолган, лекин ҳали субҳи козибининг қоронғиси кетмаган. Тирқишидан чироқнинг хира шуълалари тўкилиб турган эшик ортидан бир маромда ва дам-бадам неварасининг қичқириғи эшитилиб турар, унинг хаёли эса худди тимирскилангандай оҳиста ва таҳдидли, нима учундир от тақаларининг дупурларига ҳамоҳанг ҳаракат килар, шунда бирдан қоронғиликлар қўйнидан кўз илғамас кенгликларга мағрур тулпор минган бўз чавандоз отилиб чикардию унинг ўсмоқчиланган, порлоқ даражада тиниқ ва содда хаёллари ҳам кенгликларга учиб чиқардилар – ва бу на барот ва на изҳор эди, бу бамисоли якка ва тушунарли, инсон боласи тегиниб асло кир қилолмайдиган худовандо каби эди: «Ўғли ва хотинини ўлдирган ва негрларини тортиб олган ва ерларини хонавайрон қилган ўша янкиларнинг барчасидан кўра у мумтозроқ; у ўз ерим деб, қонини тўкди, она юрти уни тақдирлаш ўрнига кичкинагина дўкончага тикиб қўйди, у мана шу юртдан кўра мумтозроқ; худди Инжилда айтилгандек, уни талх тўла косани ичишга мажбур қилдилар, у мана шу нонкўрликдан кўра мумтозроқдир. Ахир, мен йигирма йил у билан ёнма-ён яшаб, буларнинг барини кўриб, билиб, танамда ҳис қилиб турибман, яна ҳам ўзгармайинми? Майли, мен ундан кўра тубанроқдирман ва чоптириб юрадиган учар отим ҳам йўқдир. Лекин ҳар калай, доим унга қараб интилдим. Иккимиз бош қўшсак, қўлимиздан ҳар иш келади! Бир оғиз гапи, бир оғиз гапи».

Сўнг кун оқара бошлади. У бирдан уйга ва уй бўсағасида турган негр кампирга қараб турганлигини пайқади. Уй ичидан ҳам энди набирасининг

додлаганлари эшитилмасди. «Киз, – деди кампир. – Бориб унга айтиб қўйсангиз ҳам бўларди». У яна ичкарига кириб кетди.

– Қиз, – дея такрорлади у, – қиз.

Шунда тагин қулоғига отнинг янгроқ дупурлари чалинди, яна кўз ўнгида бўз от минган мағрур чавандоз унинг тасавурида йиллар оша ва эврилишлар оша мумтоз вақт сари – боши узра қиличини яланғочлаб, тўп ўқидан далва-далва бўлиб кетган байроқ тагидан ваҳимали ва гунгурт уфқлар сари от қўйиб ўтаётгани жонланиб кетди; шунда бирдан унинг хаёлидан, ахир, Сатпен мен билан тенг мўйсафид-ку деган фикр ўтди. «Қиз туғибди, а? – деди у ўзига ўзи яна ҳайрати ошиб. Кейин болаларча қувониб ўйлади: – Буни қара-я, шу кунларга ҳам етдикми. Вой сен-эй! Эварали бобо бўлибсан-да!»

У уйга кирди. Худди бу ерда бошқа турмайдигандай бесўнақай, оёқ учида қадам ташларди, бошланаётган янги куннинг биринчи шуълалари ичида ҳозиргина кўксидан садо отилиб чиққан чақалоқ гарчи унга жондош ва қондош бўлса-да, гўё уни бу ердан сиқиб чиқараётгандай эди. Лекин у ёғоч каравот томонда набирасининг ғира-шира сўник оқариб турган юзидан бошқа ҳеч нимани кўрмади. Ўчоқ олдида чўнқайиб ўтирган кампир паст товуш билан деди: «Бориб унга айтсангиз бўларди. Тонг отди».

Лекин хабар беришга ҳожат қолмади. У бундан уч ой илгари ҳовлида ўсиб ётган бурганзорни ўриб ташлайман деб, сўраб олиб кетган, ўшандан бери ташқари эшик олдида деворга суяб қўйилганча турган чалғини айланиб ўтган эди ҳамки, Сатпеннинг ўзи қари тўриқни миниб келиб қолди. Сатпен қаердан била қолибди, деб ажабланиб ўтирмади. Якшанба куни тонг қоронғисида Сатпенни шундан бошқа нима ҳам ўрнидан қўзғатиши мумкин,

деб ўйлади, кейин Сатпен отдан тушгунча қараб турди, сўнг унинг қўлидан жиловни олди, шу тобда Уошнинг чехраси баногоҳий ҳорфин севинчдан телбаловчи бир тусга кирган эди.

– Қиз, полковник! – гўлдиради у. – Одамнинг ҳар нарса бўлгани яхши, ахир, сиз мен билан бараварсиз-ку... – бироқ Сатпен унинг ёнидан индамай ўтиб уйга кириб кетди. У турган жойида турганча қолди. Қулоғига Сатпеннинг эски пол оғочларини қисирлатиб каравот томонга ўтгани кирди. У Сатпеннинг сўзларини эшитди, шунда бирдан ичидан нимадир музлаб кетди, тўхтади, сўнг ўша тўхтаган нарса жуда аста-секинлик билан ҳаракатга келди.

Жанубий кенгликларнинг шитоб билан кўтариладиган офтоби чиқди, шунда назарида ёт осмон тагида ёт бир ерларда тургандай, худди ҳеч қачон баландга чиқмаган одам тушда пастга қулагандай ва атрофдаги жамики нарсалар ҳам худди тушдагидай бўлиб туюлди. «Ё менга шундай эшитилди-микин, – деб фикрларди у хотиржам, – қулоғимга янглиш чалингандир-эй». Бироқ ҳамон ўша таниш овоз доя кампирга шу тонг қоронғисида туфилган той ҳақида сўзлаб бермоқда эди. «Э-ҳа, мана шунинг учун каллаи саҳарлаб ўрнидан турган экан-да, – ўйлади Уош. – Тўғри, шунга. Мени деб, ё менинг томиримни деб эмас. Ўз томири деб ҳам эмас. Тўшакдан мана шунинг учун турган экан-да».

Сатпен чиқди. У пиллапоядан тушиб, ёшлик шахд-шиддати кетиб, ўрнига қолган вазмин мақсад ва ҳаракатчанлик билан бурганзордан ўтиб бора бошлади. Уошнинг кўзларига шу тобгача бир маротаба ҳам қарамади. Йўл-йўлакай у деди: «Дайси унга қараб туради. Нима лозим бўлса, барини қилади. Сен эса яхшиси... – у ҳар қалай олдида турган Уош-ни ниҳоят пайқади ва таққа тўхтади. – Нима гап?»

– Сиз айтдингизки... – Уошнинг овози назарида худди карникидай гағиллаб чиққандай бўлди. – Сиз унга бия бўлганингда отхонадаги энг яхши жойга ўрнаштирган бўлардим, дедингиз.

– Хўш, нима бўпти? – Сатпеннинг кўзлари аввал чақчайди, сўнг худди ўқталган муштдай дарҳол қисилди. Уош тиззалари букилиб, икки елкаси чиққанча унга томон иддао билан юра бошлади. Сатпен бир зум ҳайратланиб қолди – йигирма йил бу одам то ундан амру фармон бўлмагунча синчалогини ҳам қимирлатган эмас, у худди қора тўриқ каби доим унинг ҳукми иродасига тобе эди. Сатпеннинг кўзлари яна қисилиб, сўнг яна чақчайди. У турган еридан қимирламади, фақат шу турган жойида кўкка сапчигандай бўлди. «Кет, – шиддат билан буюрди у. – Яқинлашма!»

– Мен эса боравераман, полковник, – жавоб қилди Уош ўша сокин, палағда, ҳатто эркаловчи оҳангда ва бир қадам олға ташлади.

Сатпен қамчи ушлаб турган қўлини кўтарди; қийшайиб қолган эшикни қия очиб доя кампир худди қари хазинабонникидай қора юзини суқиб қаради. «Қайт орқага, Уош», дона-дона қилиб деди Сатпен. Сўнг у қамчи урди. Доя кампир ўзини бурганзорга уриб, худди эчкичадай ғойиб бўлди. Сатпен яна бир карра Уошнинг қоқ башарасига урди. Уош тиззалаб ўтириб қолди. У ўрнидан туриб яна Сатпенга қараб бораётганда қўлида чалғи бор эди. Чалғини уч ой аввал Сатпендан сўраб олган эди, мана энди у ҳеч қачон Сатпенга керак бўлмайди.

Уй ичида унинг қадам товушларини эшитиб, набираси кароватда қимирлади, уни бўғиқ, хира овози билан чақирди.

– Нима бўлди? – деб сўради у.

– Нима дейсан, қумрим?

– Эшикда шовқин бўлгандай туюлди.

– Ҳечқиси йўқ, арзимаган гап, – меҳрибонлик билан деди у. Сўнг тиз чўкди-да, ўнғайсиз кафти билан ёнаётган манглайини силади. – Бирон нарса олиб берайми?

– Бир қултум сув беринг, – деди қиз йиғламсираб. – Боятдан бери ётаман, ичим ёниб кетаяпти, мен билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

– Ҳозир ҳозир, мен дарров, – деди Уош мурасасоз овоз билан, сўнг оғир қимирлаб ўрнидан турди, ёлоғига сув тўлдириб олди-да, унинг бошини кўтариб туриб ичирди. Кейин яна уни жойига ётқизди, қиз тошдай қотган юзини чақалоққа бурганлигини кўрди. Шунда зум ўтмай унинг ун чиқармай йиғлаётгани билинди. «Э-э, қўй, қўй, – деди чол. – Сенга нима бўлди? Дайси кампир чақалоқ яхши дейди. Ҳаммаси ўтиб кетди. Энди йиғлаш ҳам керак эмас».

Қиз йиғидан тўхтамасди, овозини чиқармай ўксиб йиғларди, шунда чол қиз тепасида ўзини йўқотганча туриб қолди, бир замонлар у шалайим бўлиб ётган хотини, кейин қизи тепасида худди шундай турган эди: «Хотинлар. Тушуниб бўлмайдилар хотинларни. Бола туғсам деб, ўлиб бўладилар, туққанларидан кейин кўзёш қиладилар. Уларни тушунмайман. Бирорта эркак уларни тушунмайди». У секин юриб нари кетди, дераза олдига курсини суриб ўтирди.

Қуёш чарақлаб ётган, имиллаб узоқ чўзилган шу кун эрталабдан то пешингача у дераза олдида ўтириб узоқ кутди. Онда-сонда ўрнидан туриб, оёқ учида ёғоч каравот олдига борарди. Лекин набираси ҳорғин қотган чеҳрасида хафачиликнинг хўмрайган ифодаси билан уйқуга толган, чақалоқ эса унинг эгилиб турган қўлида ором оларди. У яна дераза олдига қайтиб борар, нега улар пайсалга соляпти-

лар, деб ҳайрон бўлганча кутиб ўтирар, сўнг ниҳоят бугун якшанба эканлигини эслади. Кун оғди, у эса ҳамон ўша алфозда ўтирар, шунда бир пайт уй бурчидан оқ танли ўсмир бола чиқиб келди, у оёғи остида ётган ўликни кўриб нафаси ичига тушиб қичқириб юборди, кейин бир он деразада ўтирган Уошга анграйиб тикилди, сўнг орқа-олдига қарамай тирақайлаб қочди. Шунда Уош ўрнидан туриб яна оёқ учида каравот олдига келди.

Набираси, чамаси, ўзи билмаган ҳолда бола қичқириғидан уйғониб кетганди. «Милли, – деди у, – очқаб ҳам кетгандирсан?» Қиз жавоб бермади, фақат юзини деворга ўгириб олди. У ўчоққа олов ёқиб, тузланган гўшт ва зоғора нон пиширди; уларни у куни кечагина олиб келганди; ичи чайқаб қўйилмаган чойнакка сув солди-да, оловга қўйди. Лекин набираси туз тотмади, шунда у шошилмасдан ўзи тановул қилди, стол устини ҳам йиғиштирмай, яна дераза олдига бориб ўтирди.

Энди унинг назарида от минган, милтиқ қўтарган, ит эргаштирган одамлар йиғилиб келаётгандай бўла бошлади – нима гап бўлганини билишга қизиққан, ўч олиш мақсадида ёнган одамлар; ҳали Уош шийпондан хўжайин кўрасигача бўлган масофани босиб ўтиш керак бўлган маҳалларда Сатпен билан бир стол атрофида ўтирган, у билан бир черикка мансуб одамлар; улар ҳам жангларда шу кичкина одамларга намуна бўладиган жасоратлар кўрсатганлар, уларнинг қўлларида ҳам мардлик ва жонбозликлари эвазига генераллардан олинган ёзма гувоҳномалар бор, улар ҳам авваллари асл хоназот отларда ўзларининг бепоён плантациялари бўйлаб учиб юришар, ўшандай мағрур ва димоғдор ва ўшандай умид рамзи ҳамда саждагоҳ эдилар; ўшандай чорасизлик ва кулфат қуроли эдилар.

Мана шундай одамлардан, уларнинг назарича, мен қочиб қутилармидим. Йўқ, мен ҳеч кимдан ва ҳеч қаёққа қочмоқчи эмасман. Мабодо, қочган тақдирда ҳам, у ёвуз ва мақтанчоқ одамларнинг бир тўдасидан қутулиб, яна худди шундай бошқа бир тўдаси чангалига тушган, бинобарин, у билган ушбу дунёда ҳамма ерда уларнинг ҳаммаси бир хилда, ҳолбуки, у магар истаган чоғда ҳам, узоққа қочиб боролмас, бунинг учун қариб қолганди. Тўхтовсиз ва қанча олис чопма, барибир, улардан қутулиб бўлмайди, одамнинг ёши олтмишга чиқиб қолганда эса умуман ҳеч ёққа қочиб қутулолмайсан. Ўзларининг расм-русм, тартиб-қоидаларини ўрнатиб, ҳаётнинг ҳокими бўлиб олган мана шундай одамлар яшайдиган дунёдан буткул бош олиб чиқиб кетиб бўлармиди. Кейинги беш йил ичида биринчи мартаба уларни тушуниб етгандай эди, бу дунёда янкилар ва ёки умуман, бошқа бирон махлуқлар мана шу тап тортмас, мағрур қаҳрамонларни, мардлик, ғурур, шан-шуқуҳ, эгалари, сара зотларни қандай қилиб енга олганларини тушунгандай эди. Агарда улар билан бирга урушга борганда эди, эҳтимол, буни аввалроқ англаб етган бўлармиди. Лекин ўшанда буни олдиндан билса, кейин шунча йиллар қандоқ яшай оларди ахир? Ўтган беш йил давомида илгариги ҳаётнинг хотирасини қандоқ кўтариб юрган бўларди ахир?

Қуёш бота бошлади. Чақалоқ уйғониб йиғлади; Уош ёғоч каравотга яқинлашганда, набираси болани эмизар, лекин унинг чеҳраси ҳамон ўша-ўшандай ўйга ботган, хўмрайган ва тош қотган эди.

– Очқамадингми? – сўради Уош.

– Менга ҳеч нарса керакмас.

– Тотинсанг бўларди.

У жавоб бермади, бошини чақалоқ узра эгди. Уош ўтирган ерига қайтиб борди ва қуёш ботиб кетга-

нини кўрди. «Энди оз қолди», хаёлидан ўтди унинг. Қасос олиш ўтида ёнган, ошиққан одамлар назарида энди жуда ҳам яқинлашиб келгандай эдилар. Уларнинг бир-бирлари билан кўпириб-тошиб, ҳатто орасида Уошни тушуниб тортишаётганлари чолнинг қулоғига чалинаётгандай эди: «Қари Уош Жонс ёмон бой берди. Сатпенни қўлга туширдим деб юрганди, Сатпен уни тоза адабини берди. Полковник энди жуда бўлмаганда ё уйланади ё бадал тўлайди, деб ишонган эди, полковник эса чув туширди». «Лекин мен бундай гапни ҳатто хаёлимга келтирган эмасман, полковник!» – қичқириб юборди Уош ва ўз овозини ўзи эшитиб, шу заҳоти жим бўлди, дарҳол набираси томонга ўгирилиб, қаради ва кўзи унинг саволомуз кўзига тўқнашди.

– Кимга айтяпсиз? – сўради у.

– Э, ўзим шундай. Хаёл олиб қочиб, ўзимдан ўзим гапириб юборибман.

Набирасининг чеҳраси қандайлигини энди англаб бўлмас – қоронғи говгум тушаётган уй ичида унинг юзи ғализ тумтайган доғ каби кўринарди.

– Қайдам, – деди, – қайдам, уни эшитсин десангиз, балки қаттиқроқ қичқириш керак бўлармикин. Э, қичқирдинг нима, қичқирмадинг нима, барибир, у эшитмайди.

– Э, йўқ, бўлди, бўлди, – деди бобоси. – Ҳеч нарсани ўйлама.

Лекин ўзи энди чарх ураётган ўйларини сира тўхтата олмасди: «Ҳечам ундай эмас. Сиз биласиз-ку, ўзингиздан ўзга ҳеч кимдан ҳеч нарса кутган эмасман. Ва ҳеч қачон сўраб борган эмасман. Ҳожати йўқ, деб ўйлардим. Менга ўхшаган бир одам генерал Ли қаҳрамон деб атаган кишидан шубҳаланиб ўтирса, яхшимиди? Қаҳрамон, – деб ўйларди у. – Олтмиш бешинчи йилда бу қаҳрамонларнинг биронтаси уйга

қайтмаганда яхшийди. – Ва яна. – Яхшиси, унга ўхшаган ва менга ўхшаган одамлар, умуман, ер юзига келмаса кошкийди. Токи яна бир Уош Жонс дунёга келиб, бутун ҳаёти худди ўтга ташланган писта қовуздай куйиб кул бўлаётганини кўргунча, яхшиси, биздан кейин ер юзидан қолаётганларнинг бари-бари ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетсайди».

Шунда унинг ўйлари бўлинди; у қотиб қолди. Бирдан у отлар овозини аниқ-равшан эшитди; фонар шуъласи ярқираб кетди, унинг сакраган нурларида одамларнинг қоралари кўзга ташланди, милтиқларнинг пўлат қувурлари ялт-юлт қилди. Лекин у қимир этмади. Бутунлай қоронғи тушган, уйни қуршаб келаётган одамларнинг товушлари, бурганларнинг шатир-шутурларига қулоқ осиб ўтирарди. Яна фонар пайдо бўлди, унинг шуъласи бурганзорда қотган танага тушдию тўхтади. Атрофда отларнинг баланд кўланкалари чайқаларди. Бир отлиқ пастга тушиб, фонар ёруғида ўлик узра энкайди. Унинг қўлида тўппонча бор эди; ниҳоят, у қаддини ростлади ва уйга ўтирилиб қаради.

– Жонс! – деб чақирди у.

– Шу ердан, – оҳиста жавоб қилди Уош. – Майор, сизмисиз?

– Чиқ бу ёққа.

– Ҳозир, – деди у паст овоз билан, – набирамга қарашиб юборай, ҳозир.

– Унга биз ўзимиз қараймиз. Сен бу ёққа чиқ.

– Ҳозир, ҳозир, майор. Бирпас шошманг.

– Чироқни ёқ. Уйни ёрит.

– Мен ҳозир. Вирпас шошмай туринг. – Улар унинг товуши уй ичкараси томон олислаб бораётганлигини эшитиб турдилар, лекин у шитоб билан печ олдига келганини кўрмасдилар, бу ерда фишлар орасига катта ошпичоқ қистириб қўйилган эди, палпис, уврин-тўда турмуши ва ҳаётида у фақат

шу қилич каби ўткир, қайралган пичоғи билан ғуруланиб юрарди. У ёғоч каравотга, набирасининг овози келаётган ёққа қараб юрди,

– Ким келди? Чироқни ёқинг, бобо.

– Чироқни нима қиламиз, қумрим? Бирпаслик иш ўзи, – дея ғўлдиради у ерга тиз чўкиб, қоронғида набирасининг овозига қараб, унинг юзини пайпаслаганча, – қани, қаердасан?

– Э, шу ердман, – жаҳди чиқиб жавоб берди у. – Қаерда бўлардим. Сиз нима... – Унинг қўли набирасининг юзини топди. – Нима... Бобо. Бобож...

– Жонс! – чақирди шериф. – Чиқ дейман,

– Яна жиндай сабр қилинг, майор, – жавоб берди у. Энди ўрнидан туриб тез ҳаракат қилди. У керосин тўлдирилган идиш турганлигини биларди, икки кун бурун уни дўкондан олган, беш галлон керосинни қўлда кўтариш оғир бўлганидан йўловчи аравада уйга етказиб келган эди. Ўчоқда қўр ҳали сўнмаган эди. Лиқилдоқ уйнинг ўзи ҳам тутантирикдай бўлиб қолган эди, уйнинг бурчаклари, деворлар, ўчоқни бир зум ичида кўкиш аланга олди. Уни ташқарида кутиб турганлар бир телба сония ичида у қўлида чалғи кўтариб олов сели қўйнидан уларга томон ташланганини кўрдилар, бироқ шунда отлар осмонга сапчиб, орқага шиддат билан тисарилдилар. Отларнинг тизгинларини қаттиқ тортиб яна олов томон бурдилар, лекин у ҳамон баланд қора қўланка каби қўлида чалғи билан уларга ташланарди.

– Жонс! – қичқирди шериф. – Тўхта! Қимирлама, бўлмаса, отаман. Жонс! Жонс!

Аммо у ҳамон пориллаб ўкираётган аланга қучоғида уларнинг кўзларига ориқ, найнов, тутакқан ҳолда кўринарди. У боши узра чалғисини баланд кўтариб, отларнинг қутурган кўзларида ловуллаётган, милтиқларнинг зирҳларида тирқираётган олов шуълалари сари тилсиз, гунг бостириб борарди.

ҚОРА МУСИҚА

Иброҳим Ғафуров
таржимаси

I

Бу қисматнинг арзандаси, Худо сийлаган банда Уилфред Мижлстоннинг бошдан кечирганлари. Бир парчагина эту суякдан иборат бўлган бу шўринг курғур доим соатлар ва қўнғироқларнинг қисталанг забтида яшар, элик олти йилдан бери кўримсиз тош кўчалардан қатнагани қатнаган, увоқ ва бечораҳол, дилдираган бу одамчанинг турқи-таровати кўча магазинларининг хира ойналарида акс этгани этган ва лекин на бирон эркак ва на бирон хотин унинг орқасидан қайрилиб қараган эмасди. Кейин нима бўлдию бир зум унинг юлдузи балқиб кўтарилди – бир зумлик бу балқиш Мижлстоннинг ўзига бир умрга татиди – кўтарилди-ю, бир замонлар ҳазрати Илёснинг бошидан ўтгандай, уни ҳам ўзи йўқотиб қўйган ернинг англаб бўлмас шафақгун кўкларига кўтариб кетди.

Мен уни «Универсал» нефть компаниясининг пўлатдан қурилган доклариди, чайқалиб турган танкердан катта бўлмаган Ринкон деган шаҳарчада учратганман. Бу ерда бир қатор уйлар тушган ва бир қатор пальмалар ўсган биттагина кўча бор. Кўча тупроғи яланг оёқларнинг қийшиқ изларига тўла, унинг бетиди кундузлари кўланкалар кўлланиб ётади, тунлари эса йирик ярқироқ юлдузлар шуълалар сочади.

– У Штатлардан келган, – деб айтишарди менга. – Бу ерда йигирма беш йилдан бери яшайди. Шунча вақт ўтса ҳам зиғирча ўзгаргани йўқ. Испанчасига лоақал ўнтагина сўзни билмайди. Рост, фақат кийимлари тўзиб кетди, холос.

Кўринишдан уни жуда қари деб ҳам бўлмасди, вақт уни шафқатсиз пийпалаб ўтмагандай эди. Шу ерлик халқнинг ичида йигирма беш йилдан бери ҳаёт кечириб, унинг тилида бир оғиз ҳам гапиролмас, эндиликда шу ҳасратда ўтиб кетадиганга ўхшарди, чамаси! У ҳеч ерда ишламасди: жуда маъсум, ҳаддан ташқари маъсум одамча эди. Жорж Эйд масалларидаги 1890 йилги пресвитер маскарадига дайди либосида чиққан ҳисобчига ўхшаш, афтидан, жуда ғариб, паррихта ва бахтиёр зот.

Ҳа, ғоят бахтиёр ва ғоят қашшоқ.

– Балки ҳақиқатан ҳам камбағалдир, эҳтимол, ўзини фақат камбағал қилиб кўрсатаётгандир. Лекин энди ахир, уни ҳеч нарса қилолмайдилар. Унга бунини янги келган пайтларидаёқ айтганмиз. «Бу қандай юриш, – деганмиз унга, – ишлат пуллари, маза қилиб, роҳат-фароғатда кун кечир. Сувлар оқиб, излар босилиб кетгандир аллақачон». Агар мен таваккалига олиб ўғирлик қилсаму кейин то ўла-ўлгунимча шу лаҳад оғзида қийналиб ўтадиган бўлсам, уларни нима қилишни ўзим билардим!

– «Уларни» деганингиз нима?

– Пуллар. У пул ўғирлаган, кейин жуфтакни ростлаб қолган. Бўлмаса бу ерга келиб, нима қилиб, йигирма беш йилдан бери яшаб юрибди! Куннинг ботишини томоша қилиб юрмагандир, ахир?

– Бой-бадавлат одамга турқи ўхшамайди, – дедим.

– Рост айтасиз. Унда давлат нима қилсин! Лекин афт-башарасини бир қаранг! Бунақа одам ўғирликни ҳам эплаб қилолмайди. Ўғирлаганда ҳам

кейин нима қилишини билмайди. Гапингиз тўғрига ўхшайди. Оёғини қўлига олиб қочган-да, бўйнига тавқи лаънатдан ўзга нарсани осиб келган эмас. У қочиб келган ерда эса биров маза қилиб, пулларни совуриб ётибди, тагин ҳафтада икки маротаба черков хорида овозини баланд қўйиб ашула ҳам айтади, денг.

– Нима, кўпинча шундай бўладими? – деб сўрадим.

– Ҳа, худди мана шундай, тусини ел есин буларнинг. Жуда ҳам битиб кетган разил махлуқ ўзини қуруққа олиб қочади, бошқаси – аҳмоқларнинг энг аҳмоғи эса, гарчи умрида қўлига икки ярим минг ушламаган бўлса ҳам, анов разилга чўф устидан писта олиб бериб туради. Икки ярим минг-а! Анов аллакимнинг чўнтагига кирса, бу озмунча пулми! Лекин барини йиғиштириб, минг чақирим нарига оёқ жуфтлашга тўғри келса ва бунинг йўлқираларини ҳам ўз ёнидан тўласа, қанчага ҳам етади дейсиз шунча пул?

– Қанча вақтга етади? – деб сўрадим.

– Кўпмас, икки йилга. Уф-ф! Ундан кейин мен...

– У тилини тишлаб қолди ва менга олайиб тикилди. Ҳолбуки, ўртамизда турган қаҳва ва ноннинг пулини мен тўлаган эдим.

– Сиз ўзингизни ким деб ўйлаяпсиз жуда? Пинкертонмисиз?

– Э, йўғ-э, сизни хафа қилмоқчи эмасдим. Икки ярим минг долларга қанча вақт яшайди, шуни билмоқчийдим.

– Ким айтди сизга, унинг икки ярим минг доллари бор деб? Мен шунчаки омади гап деб айтдим, холос. Унинг ҳатто икки юз эллик доллари ҳам ҳеч қачон бўлган эмас. Агар бўлганда ҳам, яхшилаб беркитиб қўйган, ҳали бирон жойда чириб ётган чиқар. Бу ерга тилини осилтириб келди-ю, офирли-

ги бўйнимизга тушди, бизнинг меъдамизга теккач, мексикаликлар ҳузурига юкиниб борди. Одам ҳам шундай бўладими, ўғирлик пул устида шунчалар титраб-қақшаб ўтирса-я, яна анов исқирт мексикаликларга сиғинди бўлиб юрса-я! Ваҳоланки, оқ одамларга ўхшаб яшаса бўлади-ку.

– Э, балки, ҳеч қандай пул-мул ўғирламагандир? – дедим.

– Унда бу ерда нима қилиб юрибди?

– Мисол учун, мен ҳам юрибман-ку бу ерда.

– Сиз ҳам балки қочиб келгандирсиз, мен қаердан билай?

– Ҳамма гап шунда, билмайсиз, – дедим.

– Билишни ҳам истамайман. Менинг нима ишим бор. Ҳар кимнинг ташвиши ўзига етарли. Бошқаларни билмайман-у, лекин мен уларнинг ишларига бурнимни тикмоқчи эмасман. Лекин ишончим комилки, одам, айниқса, оқ танли одамнинг Худо билади, нима баҳонаси бўлиши мумкин... у... Ҳозир энди ҳеч қандай баҳонанинг ўзи ҳам қолмаган бўлса керак. Лекин оқ танли одам умрининг қолган-қутган кунларини ўтказиш учун бу ерга келган деб мени ишонтирмай қўя қолинг.

– Нима, сиз ўғирлик – бирдан-бир сабаб деб ўйлайсизми?

У менга нафратомуз ва ҳатто ижирғаниб қаради.

– Мабодо, энага керак эмасми ўзларига? Одамларни яхшилаб билиб олмагунингизча энагасиз юришингиз мумкин эмас. Ким бўлишидан қатъи назар, ҳар бир кимса, ҳатто черковда ҳаммадан кўра баландроқ овозда ашула айтса ҳам, агар қўлга тушмаслигига ишонса, албатта, қўймайди, ўмаришга ҳаракат қилади. Сиз шуни ҳам тушунмасангиз, яхшиси, тезроқ уйингизга жўнаб қолинг, ойижонингизнинг этагига беркиниб ётинг.

Мен кўчанинг нариги бетидаги Мижлстонни кузатиб ўтирардим. У дарахтлар тагида чанг-тўзонда ўйнаётган бир тўда қип-яланғоч болакайлар олдида турар, ўзи жуда афтодаҳол, кийимлари тўзиган, устига тик газламасидан худди қопдек осилиб турган яғир шим илган эди.

– Нима бўлганда ҳам, – дедим мен, – бу нарсаларнинг бари уни сира ташвишга солмайди чоғи.

– Уними? Э, бирон нимадан ташвишланиш ҳатто етти ухлаб тушига ҳам кирмайди. Ақли етмайди бунга.

Ғоят қашшоқ ва ғоят бахтиёр. Ниҳоят, вақти-соати етиб у билан бирга нон ва қаҳва баҳам кўриб, яқиндан танишишга муяссар бўлдим. Йўқ, ундоқ эмас! Мен ҳалиги биринчи ҳамсуҳбатимга ўхшаган унинг шўрпешона ватандошлари – ҳаётда кўп эзилган, тўзган, доим соч-соқоллари ўсиб юрадиган, қачон қараманг, кафе ва барларни тўлдириб ўтириб, тишлари инжудай оппоқ қорамағиз, назокатли, ўйчан, ерли кишилар орасида шовқин-сурон кўтариб, оқ танлиларнинг афзаллиги, бошларига тушган турли ноҳақлик ва хафагарчиликлардан вағирлашиб сўзлашадиган кимсалардан андак ҳоли қолишим билан ўзим уни биргаликда нонушта қилишга таклиф қилдим. Бунга уни бир амаллаб кўндирдим. Мижлстон белгиланган вақтда келди. Устида ўша кир-чир шим, лекин бус-бутун дазмолланган оқ кўйлак кийган эди. Ва ҳатто соқоллари ҳам қиртишлаб олинганди. Меҳмоним қадрини ерга урмай, ялтоқланмай ўтирди. Финжонни қўлига олганда эса унинг бармоқлари қалтираётганига кўзим тушди, – уни жуда қийналиб оғзига олиб борди. Менинг назаримни пайқаб, биринчи марта менга бошини кўтариб қаради. Шунда унинг кўзлари нақадар қартайиб қолганлигини сездим.

– Икки кун бўлди туз тотмаганимга, – деди узр сўраган каби.

– Икки кун дейсизми?

– Иқлим бу ерда иссиқ. Кун иссиқ бўлса, одамга кўп нарса керакмас. Оч бўлсанг, қушдай енгил юрасан. Бу ерга дастлаб келган пайтларим овқат важдан анча қийналганман. Лекин уйда денг, овқат ейишни жонимдан ҳам яхши кўрадим.

– Тушунарли, – дедим.

Унинг шунча йўқ дейишига қарамай, гўшт келтиришларини сўрадим. Этни охиригача – қолдирмай еди.

– Буни қарангки, – деди у. – Йигирма беш йилдан бери бунчалик маза қилиб овқатланмаган эдим. Одамнинг ёши ўтиб қолгандан кейин эски одатлардан қутулиши қийин бўларкан. Ҳа, сэр. Уйдан чиқиб кетганимдан бери бир марта ҳам тузукроқ овқатланмаган.

– Энди уйга қайтиб бормайсизми? – сўрадим мен.

– Э, йўқ. Менга шу ер маъқул. Бу ерда яшаш осон. Ҳеч қандай ташвиш йўқ. Эрталабдан кечгача нима қилсанг, ихтиёринг ўзингда (мен олдин архитектор қўлида чизмакашлик қилганман). Йўқ, орқага қайтиб нима ҳам қилдим.

У юзимга қаради. Чехраси сергак ва ўйчан бўлиб қолди, болалар бирор сирни айтиб бермоқчи ёки ҳикоя қилмоқчи бўлсалар, шундай қиёфага кирадилар.

– Менинг қаерда ётиб юришим хаёлингизга ҳам келмайди.

– Рост айтасиз. Ўзингиз айтиб бера қолинг.

– Чордоқда ётаман. Ҳов анави барнинг орқасида. Компанияга қарашли уй. Бошқарувчи мистер Уидрингтоннинг хотини миссис Уидрингтон ўша ерда ётиб юришимга ижозат берган. Баланд, тинч

жой, фақат каламушлар югургилаб юришади. Лекин бировнинг уйи бўлгандан кейин нима ҳам дердинг. Асли уй ҳам деб бўлмайди. Уни каламуш-хона деяверинг... Аммо қизиғи бунда ҳам эмас. – У мендан кўзларини узмай турарди. – Буни ҳеч қачон тополмайсиз.

– Ҳатто уриниб ҳам кўрмайман, – дедим мен. У ҳамон мендан кўзини узмасди.

– Сизга ҳозир ётадиган тўшагимни гапириб бермоқчийдим.

– Тўшак дейсизми? – қайталаб сўрадим мен.

– Боя айтдим-ку, тополмайсиз деб.

– Нима ҳам қилардик, – дедим мен. – Сиз ютдингиз.

– Мен бир ўрам толнинг устида ётаман.

– Нима?

– Тол дейман.

Унинг чеҳраси очиқ, осуда, овозида қувонч билан бамайлихотир сўйлар эди.

– Кечаси бўлганда, толни ёзиб ётаман, эрталаб яна ўраб бурчакка қўяман. Уй ҳам саранжом денг. Яхши-а, тўғрими? На чойшаб керак ва на кир ювиш. Бу ердан бошқа жойга кўчмоқчи бўлсанг, ўринни тахлайсану соябондай қўлтиғингга қистириб жўнаб қоласан, вассалом.

– Оилангиз борми? – сўрадим мен.

– Йўқ.

– У ёқда, уйингизда-чи?

Мижлстон жуда хотиржам кўринарди. Ўзини стол устида бир нарсаларни кўраётгандай қилиб ҳам кўрсатмасди. У бир зум ўйланиб қолган бўлса-да, лекин кўзларини хаёл тумани қоплагани йўқ.

– У ёқда, уйда хотиним бор. Унга бу ернинг об-ҳавоси унчалар тўғри келмаса ҳам керак. Бу жойни у ёқтирмаган бўларди. Лекин у яхши яшайди. Мен

суғурта пулини доим ўз вақтида тўлаб турганман. Анча пул ўтказганман – ҳафтасига етмиш беш доллар оладиган чизмакаш шунча кўп пул суғуртага тўлаши мумкинлигига ишонмаган бўлардингиз. Суғуртанинг қандайлигини билганингизда тоза ҳайрон қолардингиз-да. Хотиним эса пулни тежаб қолишга ёрдам берарди; у жуда яхши хотин. Энди пулларнинг ҳаммаси унга қолди. Қандини урсин, у шунга арзийди. Ундан кейин менга пулнинг нима кераги бор дейсиз?

– Уйга қайтиш ниятингиз йўқ экан-да?

– Йўқ, – деди у.

У мендан кўзларини узмас, кўзларида яна бир нарсани бўйнига олишга тайёр турган болаларда бўладиган ғалати ифода филтиллаб кўринди.

– Мен бир иш қилиб қўйганман. Тушундингизми?

– Тушундим.

– Йўқ! Сиз ўйлагандан кўра бутунлай бошқа нарса. Анавилар ўйлаб юрганидан кўра ҳам бошқа. – У ўз ватандошлари томонга имо қилди. – Умрим бино бўлиб мен пул ўғирлаган эмасман. Мартага ҳам доим шундай дердим, – Марта – менинг хотиним, миссис Мижластон, – пулни шундоғам ишлаб топиш қийин эмас, шундай бўлгач, бошингни хавф остига қўйишининг нима ҳожати бор? Ишла, вассалом! Биз ахир қийналиб яшаётганимиз йўқ-ку, дердим унга. Албатта, биздан анча яхши тураётган одамлар ҳам бор. Лекин ҳар кимники ўзига. Жўжа бўлиб туғилган экансан, барибир ҳеч қачон бургут бўлиб қолмайсан, охири товук бўласан холос. Ана шундай дердим унга. Хотиним менга кўмаклашарди, биз яхши яшардик. Суғуртамыз қандайлигини сизга айтсам, сиз ишонмаган бўлардингиз. Йўқ, хотиним ҳеч нарсага муҳтож бўлгани йўқ. Нима деб ўйласангиз ўйланг-у, лекин бу ёғига сира шак-шубҳа қилманг.

– Мен ҳам ҳеч нарсадан шубҳаланаётганим йўқ,
– дедим.

– Кейин мен бир иш қилиб қўйдим. Шундай, сэр.

– Нима қилиб қўйган эдингиз? Менга айтиб беролмайсизми?

– Бир иш қилиб қўйдим. Шундай ишки, бундайи оддий одамларнинг бошларига аҳён-аҳёндагина тушиши мумкин.

– Ҳар ҳолда нима бўлган эди?

У башарамга қаради.

– Айтиб беришдан қўрқмайман. Ҳеч қачон қўрққан эмасман. Фақат ановлар, – у яна бошини қимирлатиб нарироқда ўтирган юртдошларига имо қилди, – барибир ҳеч нимани тушунмаган бўлардилар. Улар гап нима устида бораётганини билмайдилар. Сиз эса бошқача одамсиз. Сиз тушунасиз.

У мендан кўзларини узмасди.

– Мен умримда бир марта фан бўлганман.

– Ким?

– Фан. Эсингиздами, эски китобларда ҳикоя қилинади, улар қизил май ичишни яхши кўрадилар. Румо ёки Юноннинг бой сенаторлари эса кўнгили ҳуши учун қадимги узумзорни ва ёхуд эскидан қолган чангалзорни бузиб, ўрнига чорбоғ қурмоқчи бўлишади, чангалзор ва эски токзорлар эса Худонинг суйган жойи бўлади, бойваччалар эса полициянинг кўзидан узоқроқда бўлишни ёқтирадилар, аммо эри бор хотинлар у ерларда қип-яланғоч бўлиб, диркиллаб ўйноқлаб юришлари Худога унчалик хуш келмайди, ана шунда ўрмон Худоси... ҳаҳ, оти нимайди?

– Пан, – дедим мен.

– Худди ўзи. Пан. У ҳалигиндақа одамларни қўрқитиш учун ғалати махлуқларни юборган... ярим така...

– Э-э, фавнлар, – дедим мен.

– Худди ўзи. Фанлар. Мен бир марта ана шундай фан бўлганман. Мени болаликдан Художўй қилиб тарбиялашган, оғзимга бир томчи ҳам олмаганман, чекмаганман, умидим борки, дўзахга ҳам тушмайман. Лекин, ана Инжилда айтиладики, бундай махлуқларни тўқиб чиқаришган, ўзи йўқ. Ким нима деб ўйлашини билмайман-у, лекин ўзимга келганда, гапнинг очиғи, буни тўқима, бўлмағур гап, деёлмайман. Мен бошимдан шундай бир нарсани кечирдимки, бунақаси оддий одамнинг пешонасига ҳар куни ҳам тушавермайди. Ҳаётимда бир маротаба мен фан бўлганман.

II

Мижлстон чизмакаш бўлиб ишлайдиган устахонада миссис Ван Дайминг чорбоғининг гаройиб лойиҳаларини муҳокама қилишар, турли чизмалар ва нусхаларини тайёрлашарди. Чорбоғ тушадиган ерда ўтлоқ ва ўрмон, жанубий ён бағрида эса токзорлар бор эди. «Жуда яхши жойлар, – дейишарди устахонада, – лекин у ерда туриш уларга барибир буюрмайди».

– Нега энди? – деб сўрадим Мижлстондан.

– У ерда гаройиб ишлар бўлиб тураркан. Мисол учун, анча илгари Янги Англиядан бир одам келиб бу ерларда ўрнашганлиги, токзорларга яхшилаб қараганлиги ҳақида ҳикоя қилиб беришган эди, чамаси, узум сотаман, деб ўйлаган бўлса керак. Балки мураббо ва шинни пиширмоқчи бўлгандир, ким билади. У яхши ҳосил етиштирган, лекин денг, ҳосилни йиғиб ололмаган.

– Нима учун?

– Оёғи синган. Унинг ерларида эчкилар билан битта қари така ўтлаб юраркан. Ана шу такани

токзордан сира ҳайдаб чиқаролмас экан. Нималар қилиб кўрмаган дейсиз, лекин ҳеч иложини тополмаган. Кейин у узум узгани кирганда, така уни сузиб йиқитибди, ўшанда унинг оёғи синган экан. Кўклам чиқиши билан кўчиб кетиб қолибди.

Тагин бир италиялик ҳақида айтиб беришган эди, у ўрмоннинг нариги ёғида турган экан. У ҳам май соламан деб узум етиштираркан. Аввал ишлари роса юришибди. Омади чопиб, майи талаш бўлиб кетибди. Шунда у майга сув билан спирт қўшадиган одат чиқарибди, тоза бойибди. Олдин майни отаравада элтиб сотиб юрибди. Ўрмон ичидан ўзи йўл ҳам солган экан. Лекин пули кўпайгандан кейин юк машина сотиб олибди. Кейин майга янаям кўпроқ сув ва спирт қўшаверибди, пули олдингисидан ҳам кўпайиб кетибди. Шундан сўнг аввалгисидан ҳам каттароқ машина сотиб олибди. Бир куни кечқурун узум ортиб келаётса, қаттиқ шамол турибди-да, шундан кейин у қайтиб келмабди. Хотини уни тонг отганда топибди. Машина йўлдан афдарилиб кетиб, тагида қолиб ўлган экан.

– Бунга ернинг нима дахли бор? – сўрадим.

– Э, мен эшитган гапларимни айтиб беряпман-да. Ўша ернинг одамлари, ҳамма бало жойнинг ўзида, деб ўйлашаркан. Тўғри, улар ҳаммаси қишлоқнинг жоҳил ва оми одамлари, балки бунинг учун ҳам, ажабмаски, шундай деб ўйлаб юрган бўлсалар. Лекин ўша жойда уларнинг биронтаси ҳам туришни истамас экан, шунинг учун ҳам мистер Ван Дайминг ерни арзонгинага сотиб олган. Рафиқаси учун олган. Эрмакка. Ҳали чизмалар ҳам тайёр бўлмасдан хотини бир поезд одамни ерини кўрсатгани олиб борибди. У ерда эса ҳали ҳатто қоровулхона ҳам йўқ эди, йўл ҳам тушмаган эди, ҳеч нарса йўқ, фақат ўтлоқда одам бўйи барабар майса-ўланлар

ўсиб ётар, адир ён бағрида эса токзорлар чакалак бўлиб кетганди. Парк-авенюда турадиган бойваччаларга хотин тушунтира кетибди: мана бу ерда меҳмонлар турадиган худди Колизейга ўхшаган кўра бўлади, бу ерда эса худди Акрополга ўхшаган гараж қурилади: токзорларни бошдан-оёқ қўпориб ташлайман, ён бағирликда тепадан пастга қараб ўриндиқлар тушиб келади – очиқ театр шу ерда бўлади, театрда биз ўз пьесаларимизни ўйнаймиз. Ўтлоқ ўрнида кўл бўлади, кўлда моторли рим кемачаси сузади, унда ёстиғу кўрпачалару ҳаммаси бўлади, бемалол ётиб айш қиламиз.

– Мистер Ван Дайминг нима деди?

– Индамай турган бўлса керак. Номигагина эр. Бир сафар у хотинига шундай деб қолди: «Шошма-чи, Мэтти...» Хотини эса устахонада тўппа-тўғри ҳаммамизнинг олдимизда шартта эрига ўгирилиб қаради-да, бобиллаб берди: «Мен сенга Мэтти эмасман!»

Мижлстон индамай қолди. Кейин яна тилга кирди.

– Хотини Парк-авенюда туғилган аслзодалардан эмасди. Ҳатто уэст-честерлик ҳам эмас. У Покипсида туғилган. Қизлик чоғида унинг исми шарифи Лампкин эди. Ана энди ўзингиз топиб олинг! У Ван Дайминглар хонадонига мансуб олмосу жавоҳирларни тақиб газетага суратга тушганида, сурат тагига миссис Ван Дайминг бир пайтлар Покипсида яшаган мисс Матильда Лампкиннинг худди ўзи деб ёзилмаган эди. Йўқ, сэр. Ҳатто газеталар ҳам бунга эслашга журъат қилмаган эдилар. Афтидан, мистер Ван Даймингни ҳам бунга юраги бетламасди, мабодо, устахонада бўлганидек, унда-мунда тилдан адашиб қолмаса. Ўшанда ҳам хотини шартта бетгачопарлик қилганди: «Мен сенга Мэтти эмасман!»

Шўрлик эри турган жойида қотиб қолди, тили танглайига ёпишди, ўзи кичкинагина увоқ одам денг, – менга сизга ўхшайди деб айтишарди. Аъло навли сигарасини қўлқопига аста-аста урганича, юзида юз қолмаган, кулмоқчи бўлган, лекин кулишини ҳам билмаган бир алфозда турибди денг.

Улар олдин уйни қуриб битказишди. Қулинг ўргилсин уй бўлди ўзиям – Ван Даймингнинг ўзи лойиҳасини чизган эди-да! Бу сафар у боплаб адабини берган шекилли, хотини миқ этолмади. Мэтти-пэтти деб ўтирмаган бўлса керак. Хотини ҳам, «Мени ундай деб чақирма, тилингни тий!» деб айтишга юрак бетламаган шекилли. Балки у уй қуришдан бошқа ишларга аралашмасликка хотинига сўз бергандир. Уй чиндан ҳам жуда чиройли чиқди. У адирнинг тепасида ўрмон четида жойлашган эди. Уйнинг бир қисми оғочдан қурилганди. Уй бу ерга шунчалар мос тушган эдики, худди бир асрдан бери ана шу жойда турганга ўхшарди. Йирик хари оғочлар бўлиши керак бўлган жойлари йирик харилардан, ғишт билан териладиган ерлари ташиб келтирилган ғиштан, баъзи жойлари эса тахта қопламалик қилиб қурилган эди. Уй ўз жойига тушганди. Кўзга ташланиб турмасди. Менинг нима демоқчи бўлганимни тушуняпсизми?

– Тушуняпман. Афтидан, тушуняпман.

– Лекин Ван Дайминг бошқа ҳеч нарсага мутлақо аралашмади, на хотини айтган йўлларга ва на Акрополларга.

У менга қаттиқ тикилди.

– Баъзан мен ўйлаб қолардимки...

– Нимани?

– Боя айтдим-ку, биз у билан жуда ўхшаш эдик, бўйимиз ҳам бир...

У мендан кўзларини узмасди.

– Шундан денг, назаримда, биз у билан юракдан очикчасига суҳбатлашсак бўлаверадигандек туюларди, гарчи у аъло костюмлари, акциялари, темир йўллари бўлган Ван Дайминг, мен эса ҳафта-сига етмиш беш доллар оладиган бруклинлик оддий чизмакаш, ёши ҳам ўтиб қолган бир одам эдим. Шу денг, мен истаган пайтда унга юрагимдаги бор гапларимни тўкиб солишим, у эса ўз дард-ҳасратларини мен билан ўртоқлашиши мумкиндай туюларди. Шунинг учун ҳам мен баъзан ўйлаб қолардимки...

У менга синовчан, қаттиқ разм солиб қаради.

– Эркаклар хотинларга қараганда фаросатлироқ бўладилар. Улар нимага бурун суқмаслик кераклигини яхшироқ билишади. Улар Худога ишонадиларми йўқми, бундан қатъи назар. Майли, гарчи умуман ҳеч нарсага ишонмасалар ҳам.

У менга жуда синчиклаб қараб ўтирарди. Кейин худди бирваракай қатъий бир қарорга келган кишидай деди:

– Сизга буларнинг ҳаммаси аҳмоқлик бўлиб кўринади.

– Э, нималар деяпсиз. Асло ундай эмас!

У менга синчковланиб қараб турарди. Кейин кўзларини четга бурди.

– Шундай кўринади. Фақат сизнинг вақтингизни оляпман, холос.

– Ундай эмас деяпман-ку. Чин сўзим! Ростдан ҳам, бу воқеани жуда эшитгим келяпти. Дунёда одамлар ҳамма нарсани билиб бўлдилар, деган гапга ишонмайман.

У кўзларини мендан узмасди.

– Дунё ҳозиргидай бўлиши учун миллион йил керак бўлди, дейишади, – деб давом этдим мен. – Одам боласи эса етмиш йил ичида дунёга келиб, қариб-чириб, омонатини ҳам топшириб улгуради.

У ҳаммасига жиндай шубҳа билан қарайдиган даражада. Ахир қачон шунча нарсани билиб улгуради дейсиз?

– Рост, – деди у, – тўғри нарсани тўғри дейиш керак.

– Хўп, сиз баъзан нималарни ўйлар эдингиз?

– Ўйлардимки, агар мен бўлмаганимда, ановлар уни танлаган бўлишарди. Хўш, ўша Ван Даймингни менинг ўрнимга танлаган бўлишарди.

– Улар дейсизми?

Виз бир-биримизга жуда жиддий ва жуда хотир-жам қараб турардик.

– Мен Янги Англиялик йигитга такани ва италияликка қарши бўрон юборганларни айтяпман.

– Э, шундай демайсизми. Бундан чиқди, уларнинг қўлларига сиз тушиб қолмаганингизда, улар мистер Ван Даймингни танлар эканлар-да. Сиз уларга нега керак бўлиб қолдингиз?

– Ана шуни сизга ҳикоя қилиб бермоқчиман-да. Бу ишга қандай дучор бўлганимни. Лекин мени танлаганларидан мутлақо хабарим йўқ эди. Бунинг устига мени оддий одамлар қисматига камдан-кам тушадиган ишга танлашган экан. Ҳаммаси мистер Картер (архитектор, менинг бошлиғим) Ван Дайминг хонимдан ишни тезлатиш ҳақида буйруқ олгандан кейин бошланди. Мен боя айтиб бердим шекилли, уйни қуришгани ва турли-туман меҳмонлар келиб, энди ҳар турли Колизейлару Акрополларни қандай қураётганларини томоша қилишганларини. Ана шунда биз ҳам буйруқ олдик. Хоним тепа ён-бағрида узумзор ўрнида қуриладиган очиқ театрнинг эскизларини тезроқ тайёрлаб беришни талаб қиларди. Меҳмонлар Акрополлар ва Колизейларни қандай қуришаётганини бемалол ўтириб томоша қилишсин, деб ўйлаган шекилли. Хоним шу мақсад-

да тоқларни ҳам қўпортира бошлаганди. Шундан кейин мистер Картер чизмаларнинг нусхаларини папкага солди-да, икки кунга чиқиб келинг деб, мени жўнатиб юборди.

– Ўша жой қаердайди ўзи?

– Билмайман. Узоқда, тоғлар ичида. Ўша тоғларда одамлар жуда сийрак яшашади. У ерда ҳаво қўм-қўк мовий, салқин шамол эсиб туради. Қарағайлар шамолда гувиллайди, худди арғанун чалган каби, лекин, албатта, арғанун сасларидай созланган эмас. Созланмаган кўйи гувиллашарди ўша қарағайлар. Лекин ана шу ернинг аниқ қаердалигини рости, билмайман. Мистер Картернинг ўзи чипта олдирган ва бекатда сизни одам кутиб олади деганди.

Албатта, мен дарров Мартага қўнғироқ қилдим, уйга тайёргарлик кўргани жўнадим. Келсам, кўчалик костюмларим яхшилаб дазмолланган, туфлиларим ярақлайди денг. Лекин буларнинг унча ҳожати ҳам йўқ эди, қиладиган ишим нусхаларни беришу қайтиш. Лекин Марта, у ерда қандай одамлар йиғилишини ўзинг айтган эдинг-ку, деди. «Шундай борсанг, улардан сира ҳам қолишмайсан, – деди у менга. – Майли, улар бой-бадавлат бўлсинлар, уларни газеталарда ёзишсин. Лекин сенинг улардан кам жойинг йўқ». Кўркам костюмда, папкани қўлтиғимга қистириб поездга ўтираётганимда унинг менга айтган охириги сўзлари шулар эди: «Уларни газеталарда ёзишса ҳам, барибир, сенинг улардан қолишадиган жойинг йўқ». Ана шундан ҳаммаси бошланди.

– Нима бошланди? Саёҳатингизми?

– Йўғ-эй. Анов поезд анча йўл босиб қўйди. Атроф кета кетгунча далалар. Мен ўшанда танлаб олинганимни етти ухлаб хаёлимга ҳам келтирмагандим. Вагонда шундоқ ўтирибман денг, папка эзилмасин

деб, тиззамга қўйиб олганман. Ҳатто муз солинган сув ичиб келайин деб, ўрнимдан турганимда ҳам, мен танлаб қўйилганлигимни билмасдим. Папкани ҳам қўлимдан қўймай, муздай сувни қоғоз стаканчадан ичиб турибман денг. Ойнага қарайман, томоша қиламан. Йўл ёқалаб оппоқ девор узундан-узоқ чўзилиб кетган, уларнинг нарига ёғида моллар ўтламоқда. Поезд шитоб билан елиб борарди, буларнинг қандай моллар эканлигини ҳам билолмай қолдим.

Мен яна бир стакан қуйиб ҳўплаяпман, йўл ёқасига тикиламан, сигирларга қарайман, бирдан оёқ остим қаттиқ силкиниб кетди. Йўл ёқаси, деворлар чархпалак бўлиб суза бошлади. Ана шунда мен уни кўрдим. Кўришим билан гўё бошимда бир нарса портлагандай бўлди. Биласизми, нимани кўрдим?

У мендан кўзларини узмасди.

– Башара! Девор оша ҳавода муаллақ осилиб турибди-ю, менга тикилади. Одамзод башарасига ўхшамайди, нега десангиз, шохи бор, лекин така шохи эмас, аммо соқоли ҳам бор денг. У менга тикилиб қарайди, оғзи катта очилган, худди ҳозир менга бир нима дейдигандай. Ана шунда калламда бир нарса портлаб кетгандай бўлди.

– Кейин-чи? Кейин нима бўлди?

– Менинг гапларимни эшитяпсиз-у, ичингизда ўйлаётган бўлсангиз керак: «Деворнинг орқасида такани кўрибди» деб. Биламан. Мен ҳам сиздан ишонинг деб сўраганим йўқ. Биров ишонадими бунга, ишонмайдими, йигирма беш йилдан бери бу мени сира қизиқтирмайди. Садқаи сар. Ана шуниси муҳим.

– Албатта, – дедим мен. – Ҳар ҳолда ундан кейин нима бўлди?

– Кейин кўзимни очсам, ерда ётибман, юзим жиққа ҳўл, оғзим, томоғимга худди ўт тушгандек.

Аллақандай бир кимса оғзимга шиша тутиб турибди (кузатувчилардан ташқари улар яна икки киши эди). Мен десангиз, ўрнимдан туриб ўтирмоқчи бўламан. «Бу шишадаги виски экан», дейман. «Кўйинг-э, оғайни, нима деяпсиз, – дейди анави кимса, – сизга ўхшаган одамга виски бериб бўладими! Башарангизга бир қарашда онадан туғилиб оғзингизга бир томчи олмаганлигингизни аниқ айтиб бериш мумкин. Тўғрими?» Мен унинг гапини тасдиқладим. «Албатта, ҳеч ичмагансиз. Ҳаа, – дейди у, – кўринишдан унча бақувватга ҳам ўхшамайсиз: бурилишда бир силкинган эди, дарров ағанаб тушдингиз. Бошингизни қаттиқ уриб олган кўринасиз. Ҳозир қандай, сал тузук бўлиб қолдими? Қани-чи, яна бир ҳўплаб юборинг, бир оз тетик тортасиз». – «Менимча, бу вискига ўхшайди», дейман яна мен...

– Ростданам вискимиди?

– Билмайман. Эсимдан чиққан. Ўшанда билган бўлсам керак, яна бир маротаба ҳўплаганимдан кейин. Лекин бунинг ҳеч аҳамияти йўқ. Анов бусиз ҳам ўз ишини бошлаб юборган эди.

– Вискими?

– Йўқ. Анави. Вискидан ҳам кучлироқ бўлган анави. Мен эмас, худди ўша анави шиша оғзидан ароқ тортаётгандай эди. Бояги киши ҳам шишани ёруққа солиб кўрди-да: «Ҳақиқатан ҳам, виски эмас, сувдай тортасиз-а, – деди. – Ҳечқиси йўқ, нималигини кейин билиб оласиз».

Кейин охири поезд мен тушадиган бекатга келиб тўхтади, бу ерда ҳамма нарса мовий экан – осмон ҳам, тоғлар ҳам кўм-кўк. Мени арава кутиб турган экан: бояги икки киши вагондан тушишимга кўмаклашиб юборишди, папкамни кўлимга тутқазишди, мен бўлсам, қаққайиб турганча: «Қани ҳайда!» дейман. Қаранг-а, «Қани ҳайда!» дебман, ҳалиги икки киши менга худди сизга ўхшаб қараб қолишди.

– Анграйиб қолишдимми?

– Ҳа. Ишонмасангиз, ишонманг. Мен фақат улардан илтимос қилдим, тўхтаб турунглар, мен сибизга сотиб олай...

– Сибизга?

– Ўша ерда дўконча бор экан. Дўкончаю станция-ю ва яна тоғлар денг, араванинг тагида хира туссиз тупроқ ва тагин кўкимтир совуқ, лекин қуёш йўқ эди. Кейин биз...

– Сибизга нима бўлди? – сўрадим мен.

– Сотиб олдим, дўкончадан олдим... тунукадан ишланган, тешикчалари ҳам бор. Қандай чалишга ҳеч ақлим етмаса бўладими денг. Шунда денг, папкани арава ичига қараб улоқтирдим-у: «Қани ҳайда!» дедим. Ҳа-ҳа, худди шундай дедим. Бояги икки кишининг биттаси папкани аравадан олиб, қўлимга тутқазди денг. «Ҳей, оғайни, бунинг ичида қимматли ҳеч нарса йўқми?» Мен папкани олиб яна арава ичига итқитаман-да: «Ҳайда!» деб қичқираман.

Биз ҳаммамиз араванинг ўриндиғида ўтирибмиз, мен ўртадаман. Ашулани баланд қўйиб кетяпмиз. Совуқ эди, биз эса дарё бўйлаб кетяпмизу ашула айтамыз денг, кейин тегирмон олдига келиб тўхтадик. Бояги кишиларнинг бири у ерга кириб кетди, мен бўлсам ечина бошладим...

– Ечина бошладингиз?

– Ҳа-да, устимдаги пўрим костюмни ечдим. Ечиб индамай-синдамай тўғри чанг кўчага қараб отдим.

– Совуқ эмасмиди?

– Совуқ. Совуқ ҳам гапми. Ечинганимдан кейин дарров билинди. Кейин бояги бири кўза кўтариб келди, кейин ҳаммамиз ичдик...

– Кўзадаги нима эди?

– Билмасам. Эсимда бўлсайкан. Лекин, афтидан, виски эмасди, йўқ. Худди сувга ўхшаган туссиз нарса эди.

– Ҳидидан билиб бўлмасмиди?

– Мен ҳид билмайман. Шифокорлар ҳид билмай-дигаларни нима деб аташларини ҳам билмайман. Баъзи бир ҳидларни болалигимданоқ ажрата олмасдим. Айтишларича, мен йигирма беш йил шунинг учун ҳам бу ерда чидаб яшаб юрган эмишман.

Шундай қилиб денг, ичиб олганимиздан кейин мен кўприк панжараси олдига бордим. Сакрашдан олдин сувда ўз аксимни кўрдим. Ўшанда билдим – ҳамма нарса рўй бериб бўлганлигини. Танам одамларнинг таналарига ўхшарди. Башарам эса худди поездда кетаётганимда бошим портлаганда қандай бўлса, худди ўшандай – шох ўсиб чиққан, соқолим осилган эди.

Мен аравага қайтиб келдим, биз яна кўзачадан тортдик ва ашулани ванг қилиб кўйдик, улар кўйлак, шимларингизни кийиб олинг деб илтимос қилишди. Сўнг биз йўлга тушдик. Ашулани баланд кўйиб кетяпмиз.

Рўпарамда уй кўринди, мен аравадан тушдим. «Яхшиси, бу ерда тушма, – дейишди ҳалиги иккови. – Бу ер қўра, улар ҳўкиз боқишади занжирда. Лекин мен барибир тушдим, қўлимда денг, костюм, нимча, папка, тунука сибизға денг.

III

Мижластон индамай қолди. Кейин менга жуда жиддий ва жуда хотиржам кўз ташлади.

– Ҳўш, – дедим мен. – Ундан кейин нима бўлди?

– Мен сизга ишонмасангиз ишонманг дедим-ку. Тўғрими? – У қўлини қўлтиғига тикди. – Шунақа гапга ишониб бўладими. Лекин сиз жон-жон деб қулоқ солдингиз, шунинг учун сизга ҳозир бир нар-сани кўрсатаман.

У кўйнидан дағал ҳамён чиқарди. Ҳамён ҳаддан ташқари беўхшов қилиб тикилган, эскириб кетганидан чирк бойлаганди. У ҳамённи очди. Лекин ичидагини олмасдан олдин яна менга қаради.

– Сиз ҳеч риоя қила оласизми?

– Риоя дейсизми?

– Худди шундай. Одамлар буни ўз кўзим билан кўрганман деб сўйлай бошлаганларида. Ахир иккита одам битта нарсани бутунлай бошқача-бошқача кўришлари мумкин. Ҳатто битта одамнинг ўзи турлича кўриши мумкин – ҳаммаси қаердан қандай қарашга боғлиқ.

– Тушунарли, – дедим мен. – Риоя. Ҳа, албатта.

У ҳамёндан букланган газета қийтигини чиқарди. Газета парчаси алақачонлар сарғайиб кетган, букланиб сийқаланган, четлари кир мато билан елимлаб кўйилганди. Мижластон эҳтиёткорлик билан шошилмасдан қийқимни очди-да, менинг олдимга ёзиб қўйди.

– Фақат кўлингизга олманг, – деди. – У жуда эскириб кетган, – менда эса бошқа нусхаси йўқ.

Мен газета парчасига кўз ташладим – ҳарфларнинг ранги ўчган, қоғози ейилиб кетган, йигирма беш йил бурун чиққан...

ВИРГИНИЯ ТОҒЛАРИДАГИ САВДОЙИ КИБОР ХОНИМГА УНИНГ ЎЗ БОҒИДА БЎЛГАН ҲУЖУМ

Нью-Йорклик миссис Карлтон Ван Дайминг ўз чорбоғида ярим яланғоч телба ва қутурган буқа ҳужумига учради. Жинни ғойиб бўлди. Миссис Ван Дайминг офир аҳволда. Шундан кейин суратлар, ўша жойнинг харитаси берилган, миссис Ван Дайминг Нью-Йоркдаги меъмори олдидан вакил келишини кутаётгани ва тушлик чоғида шу одам-

нинг қўлидан чизмаларни олиш учун чиққани ҳикоя қилинган эди. Ҳикоя миссис Ван Дайминг тилидан ёзилган эди:

«Мен кутубхонага бордим, шаҳардан келган вакилни шу ерга олиб киринглар деб айтиб қўйгандим, лекин кутубхонада ҳеч зоғ йўқ эди. Мен хизматкорни чақираймикин дедим-да, яна балки вакил дарвоза олдида тургандир, ўзим чиқиб қарай қолай дедим, бу ернинг одамлари то уй эгаларининг бири чиқмагунча, остона ҳатлаб ичкари кирмайди. Мен дарвозага қараб юрдим. Лекин у ерда ҳам ҳеч ким йўқ эди.

Ташқарига чиқиб қарадим. Эшик олди ёруғ бўлса ҳам, мен аввал ҳеч нарсани кўрмадим. Мен уйга қайтиб кириб кетмоқчи бўлдим, лекин хизматкор арава станциядан келди деб аниқ айтгани учун вакил эски токзорлар қўпорилиб, театр учун жой очилаётган ерга ўтгандир деб ўйладим. Тоғ ён-бағрига яқинлашиб қолганимда нимагадир орқамга ўтирилиб қарашга мажбур бўлдим. Мен билан ёп-ёруғ дарвоза ўртасида аллақандай бир одам бир оёғида ҳақкалаб шимини ечишга уринарди. Юрагим орқамга тортиб кетди.

Мен эримни ёрдамга чақира бошладим. Қичқирганимни биламан, ҳалиги одам шимини шартта ечиб, менга ташланди, унинг бир қўлида қандайдир япасқи нарса, иккинчи қўлида пичоқ бор эди (дарвоза олдидаги чироқнинг шуъласида пичоқнинг узун учи ваҳимали ялтираб кетди). Мен ўрмонга қараб қочдим.

Қаерга қочиб бораётганимни ўзим ҳам билмасдим. Кучим борича чопаётганимни биламан, холос. Кейин мен эски токзордан чиқиб қолдим, буни қарангки, мен уйдан тамомила тескари томонга қараб қочган эканман. Ҳалиги одам орқамдан қувиб

келарди, бирдан кутилмаганда, у ғалати товушлар чиқара бошлади – худди ёш бола сибизга чалаётгандек эди. Лекин мен тезда бу товуш оғзига тишлаб олган пичоқ орасидан чиқаётганлигини фаҳмладим.

Бирдан мени алланима қувлаб етди ва буталарни даҳшатли равишда патирлатиб ёнимдан ғувиллаб ўтиб кетди. У шундоқ ёнгинамдан ўтганлиги учун ваҳимали махлуқнинг чўғ бўлиб ёнган кўзлари ва шохларига кўзим тушди. Шунда ие, бу Карлтон – Ван Даймингнинг наслдор бўрдоқи буқаси-ку, деб танидим, буқа шунчалар даҳшатли эдики, Ван Дайминг уни занжирда сақларди. Буқа ечилиб кетган эди. У ёнимдан учиб ўтиб, нарига шаталоқлаб кетди, мен энди у томонга қочолмасдим, орқага қайтай десам, йўлимни ҳалиги жинни пичоғи билан тўсиб олган. Мен нима қилишимни билмай қолдим, қўрққанымдан дарахтга суяниб олганча ёрдамга чақира бошладим...»

– Хўкиз қандай қилиб ечилиб кетган экан? – сўрадим мен.

Мен ўқирканман, у худди мактаб муаллими унинг иншосини текшираётгандай мендан кўзларини узмасди.

– Мен болалигимдан полиция газетасини сотардим, шунинг эвазига ҳар турли мукофотлар беришарди. Менга ажойиб бир асбоб тегди, у билан истаган қулфингизни очиш мумкин эди. Мен уни чўнтагимда худди тумордек олиб юраман, лекин сира ишлатмайман. Ўша кеча шу асбоб ҳам ёнимда эди.

У стол ва газетага қаради.

– Ахир одамлар ўзлари кўрган нарсаларни ҳикоя қиладилар, бўлган бўлмаганлиги – бу бошқа гап. Улар қандоқ ишонган бўлсалар, сиз ҳам шундай ишонаверинг. Лекин бу газетада у чопиш осон бўлсин деб, туфлисини ечиб ташлагани, мен туфлига

қоқилиб йиқилиб тушай деганим, у чопис бораркан, ичида бир нарса худди юк ташувчи отдай гўрт-гўрт қилгани ва у қадамини секинлата бошлаганда, мен сибизгага зўр берганим ва у яна тирақайлаб қочгани ҳақида ёзилмаган.

Мен орқада қолиб кета бошладим. Қўлимда папка, бир қўлимда сибизга, ҳеч унга етиб ололмасдим. Машқим пастлиги ва бунинг устига кўп югурганлигим билинди. Кейин мен папкани итқитиб юбордим-у у турган жойга чопис келдим, ҳалиги буқа унга тегмайди-ю, атрофида гир айланиб чопгани-чопган денг – даҳшатли шовқин-тўполон денг яна. У бўлса орқаси билан дарахтга тираниб олганча, худди бировни уйғотиб юборишдан чўчигандай: «Карлтон, Карлтон», деб пичирлагани-пичирлаган.

Газетада бу ёғи шундай ҳикоя қилинарди:

«...Мен дарахтга ёпишганча турибман, буқа ана-мана дегунча мени кўриб қолиши мумкин. Шунинг учун мен овозимни чиқармай қўйдим. Аммо шунда анави одам ёнимга келди, биринчи марта уни яқиндан кўрдим. Олдимга келгач, қандайдир бир зум ичида мен ҳам даҳшатга тушиб, ҳам қувониб, ўйладим: мистер Ван Дайминг! «Карлтон!» деб чақирдим.

Жавоб йўқ. У энгашган эди яна унинг пичоғини кўрдим. «Карлтон!» деб қичқирдим мен. У эса гўлдирайди: «Оҳ, қуриб кетсин ҳеч бўлмаёпти», – у шундай деб ёмон пичоғини нимадир қилмоқчи бўлаверади.

«Карлтон! – қичқирдим мен. – Жинни бўлибсан!»

У бошини кўтарди. Мен у эрим эмаслигини кўрдим, ҳам телба, савдойи, ҳам буқа таъқибига дучор бўлганлигимни тушундим. Шунда у яна пичоғини оғзига олиб борди ва унга қараб пуфлай бошлади, кўрқинчли, чинқироқ овоз эшитилди. Мен ҳушимдан кетдим».

IV

Ана шу холос. Газетада бундан ташқари тел-банинг беиз ғойиб бўлгани, миссис Ван Дайминг шифокор назоратида даволанаётгани, уни барча меҳмонлар ҳамда мол-мулк билан биргаликда Нью-Йоркка қайтариб олиб келиш учун махсус поезд буюрилгани хабар қилинган эди: мистер Ван Дайминг эса мухбирларга қисқагина айтган сўзида чорбоғни қуришдан воз кечгани, уни сотиб юбора-жагини билдирган эди.

Мен газета парчасини худди Мижлстоннинг ўзидай ғоятда эҳтиёткорлик билан буклаб қўйдим.

– Демак, бор гап шуми? – дедим.

– Ҳа, шу. Эртасига эрталаб кун ёришганда ўрмонда уйғониб кетдим. Қаердалигимни ҳам, қандай қилиб ухлаб қолганлигимни ҳам дарров эслолмадим. Нима қилиб қўйганлигимни ҳам билмасдим. Бунинг нимасига ҳайрон қоласиз! Лекин, ҳар қалай, одамнинг умридан бир куни йўқоладию буни билмаслиги мумкинми? Нима деб ўйлайсиз?

– Ҳа, – дедим мен, – гапингиз тўғри бўлса керак.

– Мени кўплар гуноҳга ботган банда деб билишади, лекин Худонинг назарида ундай эмаслигимга ақлим етади. Баъзи одамлар Худонинг ишларини Худонинг ўзидан кўпроқ биламан деб ўйлашади, лекин улар нималар дейишмасин, ҳатто ҳар қандай инсу жинслар ва ҳатто иблиснинг ўзи ҳам Худонинг кўз ўнгида улар айтганчалик гуноҳкор эмаслар. Нима дейсиз?

Ҳамён столда очиқ ҳолда ётарди. Лекин Мижлстон газетани ҳануз олиб қўйгани йўқ.

Ниҳоят у кўзларини бир четга олиб қочди ва чехрасида яна болаларча тортинчоқ бир ифода пайдо бўлди. У ҳамёнга қўлини солди-да, худди олдингидек, дарров ола қолмади.

– Ҳолбуки, бу ҳали ҳаммаси эмас, – деди у кўлини ҳануз ҳамёндан олмасдан, кўзларини ерга тикканича: мўйлари сийрак кўримсиз юзи маъсум ва осуда эди.

– Болалигимда жуда кўп ўқирдим. Сиз-чи? Сиз кўп ўқийсизми?

– Ҳа, оз эмас.

Лекин у менинг гапимни эшитмасди.

– Мен қароқчилар, ковбойлар ҳақида китоблар ўқир ва ўзимни уларнинг энг зўр бошлиғи деб тасаввур қилардим, ваҳоланки, мен-ку ўзим океанни ҳам фақат Кони-Айлендда, дарахтларни эса Вашингтон-скверда кўрганман. Лекин мен худди ҳар бир ёш бола каби ўқир ва ишонардимки, ҳамон мен ёруғ дунёга келган эканман, ҳаёт мени камситиб қўймайди ва ўшанда... Ўшанда эрталаб кийингани уйга борсам, Марта менга айтади денг: «Ван Даймингларни газеталарда ёзишса ҳам, сенинг улардан ҳеч қолишадиган жойинг йўқ. Газеталарда ёзишга арзийдиган одамларнинг ҳамма-ҳаммасини на Парк-авеню ва на бутун Бруклинга сиғдириб бўлади». Ана шундай деди.

У кўлини ҳамёндан олди. Қўлида кичкинагина, ранги ўчиб сарғайиб кетган газета қийқими бор эди: қийқимни у менга берди.

СИРАИ ЙЎҚОЛИШ ЖИНОЯТ БЎЛИШИ ҲАМ МУМКИН

Нью-Йорклик меъмор Уилфред Миглстон миллионернинг чорбоғида ғойиб бўлди.

**ПОЛИЦИЯ ВА КЎНГИЛЛИЛАР ВИРГИНИЯ
ТОҒЛАРИДА ЖИННИ ТОМОНИДАН ЎЛДИРИЛ-
ГАН ДЕБ ТАХМИН ҚИЛИНАЁТГАН МЕЪМОР-
НИНГ ЖАСАДИНИ ҚИДИРМОҚДАЛАР**

Миссис Ван Даймингга бўлган ғалати ҳужум билан боғлиқ бўлса керак.

ЕРЛИ КИШИЛАР ТАҲЛИКАДА

...Виргиния штати, 8 апрель...

6 апрель куни мистер Карлтон Ван Дайминг чорбоғига олиб борадиган йўлда Нью-Йорклик меъмор Уилфред Миглстон сирли равишда ғойиб бўлди. Ёши 56 да. Унинг қўлида ноёб чизмалар бор эди, чизмалар бугун эрталаб Ван Дайминг ерларидан топилди, шундай қилиб биринчи ашёвий далил қўлга киритилди. Полиция бошлиғи Элмер Харрис ўзи бу иш билан шуғулланмоқда: ҳозир у Нью-Йоркдан келадиган бир қанча изқуварларни кутмоқда. Криминалистлар ёрдамида у жиноятни тезликда тафтиш қилишни ваъда қилмоқда.

УНИНГ ҲАЁТИДАГИ ЭНГ МУШКУЛ ИШ

«Одам йўқолишининг сабабларини очсам, – деб айтди Харрис, – миссис Ван Даймингга ўша куни юз берган ҳужум ҳам маълум бўлади.

Мижлстоннинг хотини қолди, миссис Марта Миглстон, унинг яшаш жойи – Бруклин, кўча...

У менинг юзимга тикилиб турарди.

– Лекин мана шу ишларнинг ҳаммасида битта хатолик ҳам рўй берган, – деди у.

– Ҳа, – деб жавоб бердим мен, – сизнинг исми-шарифингизни нотўғри ёзишибди.

– Мен буни кўрмасангиз керак деб ўйловдим. Лекиш гап бундамас.

У қўлида яна бир газета парчасини ушлаб турди-да, сўнг менга узатди. Бу ҳам олдинги парчаларга ўхшар, улардай сарғайиб ўчган эди. Сиёҳи қуриган қатор бир текис ҳарфларга тикиларканман, одамларнинг аввалги қилмиш-қидирмишлари, хирсу харослари рангсиз бўз тупроқ каби лоақал

бир из ҳам қолдирмасдан худди эски элакдан ўтиб кетгандай ғойиб бўлганлигини ўйлардим.

– Мана, ўқиб кўринг. Фақат мен бошқа хатолик ҳақида ўйлар эдим. Лекин у пайтлар ким билибди дейсиз?..

Мен ўқир, унинг сўзлари қулоғимга элас-элас чалинарни. Бу қидириш ҳақида эълонлар бериладиган жойда босилган хат эди.

Янги Орлеан, Луизиана, 10 апрель...

«Нью-Йорк таймс» газетасининг

бош муҳарририга,

Ўурматли сэр!

Газетангизнинг 8 апрель соннда бир одамнинг исм- шарифи нотўғри ёзилган. Унинг исм-шарифи Миглстон эмас, Мижлстон. Ҳар бир америкалик оила учун матбуот яхшилик ва ёки қулфат келтириши мумкин, магарким, сиз газетанинг жойларда ва пойтахтда чиқадиган сонларига тузатиш берсангиз, бошим осмонга етган бўлурди. Матбуот – жуда зўр куч ва сиз ҳар куни газеталарда чиқиб юрмайдиган одамларнинг ҳам исм- шарифларини нотўғри ёзишга сира ҳаққингиз йўқ, ўша одамлар бошқалардан сира қолишмайдилар.

Олдиндан миннатдорчилигимни билдираман.

Салом билан Ошна.

– Тушунарли, – дедим мен. – Сиз уни тузатгансиз.

– Ҳа. Лекин хато бутунлай бошқа нарсада. «Нью-Йорк таймс»га хатни мен хотинимни деб юбордим. Не қилсада, аёл киши, биласиз-ку. Унга номи бузиб ёзилганидан кўра умуман газетада исми-шарифини кўрмаслик афзал.

– Унга-я?

– Менинг хотинимга дейман, Мартага. Фақат билмадим, у мен юборганларимни олдим-йўқми. Мана, худди мана шунда хато бўлди.

– Мен унчалик тушунолмаяман. Балки ўзингиз тушунтириб берарсиз?

– Тушунтираяпман-ку, ахир. Ҳалиги йўқолиш ҳақидаги хабар чиққан газетадан иккита бор эди менда, лекин мен хатимни босиб чиқаришларини кутдим. Кейин уларни битта қилиб ўрадим-да, конвертга солиб, унинг номига жўнатдим. «Ошна» деб ёзиб қўйдим. Аммо у конвертни олдим-йўқми, билолмадим. Ана сизга хато.

– Хато?

– Худди ўзи. Хотиним бошқа жойга кўчган эди. Унга суғурта пулини тўлашлари биланоқ у Парк-авенюга кўчиб ўтган. Мен бу ерга келганимдан сўнг буни газетадан ўқиб билдим. Газетада миссис Марта Мижлстон Бешинчи авенюдаги «Мейсон Пейот» фирмасида ишлайдиган ёш бир йигитга турмушга чиққанлиги ҳақида хабар берилган эди. Бироқ қачон кўчиб ўтганлиги у ерда айтилмаган. Шунинг учун олганми, олмаганми, билолмадим.

– Тушунарли, – дедим мен.

У газета қийқимларини дағал матодан тикилган ҳамёнига яхшилаб жойлаштирди.

– Шундай, сэр. Хотинлар ўз номи билан хотинлар. Айрим ҳолларда уларни эркалаб қўйиш керак. Улар шунга арзийдилар, ахир уларнинг турмушлари жуда ҳам ширин эмас. Газетага хатни ўзим учун юборганим йўқ. Менга барибир эмасми исм-шарифимни қандай ёзишгани? Оддий одамнинг чекига камдан-кам тушадиган нарсани кўриш насиб этган кишининг исм билан нима иши бор дейсиз?

Уилям Фолкнер (1897–1962) – америкалик романнавис, новеллалар и жодкори. «Шовқин ва газаб» (1929) романи модерн (фикрлар оқими) усулида ёзилган. Танқидчилар бир овоздан «улуғ роман» дейишди, бироқ асар оддий ўқувчини ўзига жалб қилолмади, уни ўқиш жуда қийин; муаллиф ҳам ўзининг кўнгли таскин топмаганидан, битта асарни уч вариантда (уч персонаж нуқтаи назаридан) ёзган. «Ибодатхона» (1991) романи бестселлер бўлиб кетди, «Айиқ» ҳикояси дунё адабиётида энг яхши асарлардан бири ҳисобланади. 1950 йили Фолкнерга 1949 йил ҳисобидан «Ҳозирги замон Америка романчилигига қўшган, бадиий нуқтаи назардан ноёб ва улкан ҳиссаси учун» Нобель мукофоти берилди.

ЎТ ҚЎЮВЧИ²⁴

Иброҳим Ғафуров
таржимаси

Суд иши кўрилаётган хонада пишлоқ ҳиди анқирди. Одамлар лиқ тўла хонанинг бурчагидаги тўнтариб қўйилган кичикроқ бочка устида гужанак бўлиб ўтирган боланинг димоғига пишлоқ ва яна алланарсаларнинг ҳиди уриларди; ўтирган жойидан у япасқи, думалоқ, дўмпайган тунука идишлар қатор қилиб терилган токчаларни кўрар, идишларнинг қоринларидаги ёзувларни худди қурсоғи билан ўқиётгандай бўлар, зеро, ёзувларнинг ҳарфлари унинг онги-идрокига етиб бормас, аммо қизил чизиқлар билан балиқлар думларининг кумушсимон ёйлари бошқача туюларди; буларнинг бари – пишлоқ ва ҳаво ўтмайдиган, зичлаб ёпилган идишлардаги гўштнинг ҳиди унинг иштаҳасини қитиқлар, дам-бадам димоғига урилиб, уни тинимсиз анқиётган бошқа бир ҳид ё сезгидан бироз бўлса-да, чалғитар, бу кўрқишданмикин, ё тўғрироғи, алам ва умидсизликмикин – унинг қонини қайнатар, қаҳр-ғазабга тўлдирад, аммо бу биринчи марта бўлаётган нарса эмасди. У судья ўтирган столи ҳам, стол олдида тик оёқда турган отаси ҳамда унинг рақибини ҳам кўрмасди. «Бизнинг рақибимиз, – деб ўйларди бола аламангиз, – мен ва отамнинг рақибини. Ахир, бу менинг отам-ку!» Бироқ у гап-сўзларни аниқ-тиниқ эшитиб ўтирар, тўғрироғи, икки кишининг гап-сўзи қулоғига чалинар, аммо отаси бу орада чурқ этиб оғиз очмаган эди.

²⁴ Асар 1938 йилда ёзилган. У Америкада О'Генри мукофотини олган.

– Сизнинг қандай далил-исботларингиз бор, жаноб Ҳаррис?

– Боя сизга айтдим-ку. Унинг ахта чўчқаси экинларимни пайҳон қилди. Мен уни тутиб ўзига топширдим. Унинг ўралган деворлари ҳам йўқ. Уни огоҳлантирдим. Бошқа сафар унинг чўчқасини ўзимга қўшиб олдим. У чўчқасини олиб кетгани келганида, унга бир ғалтак сим бердим, қўтон қуриб ол деб. Кейинги ғал ўзим бордим унинг ерига. Борсам, сим ҳам, ғалтак ҳам ўша-ўша ҳолича ҳовлида ётибди. Мен унга агар пайҳон қилинган экин учун бир доллар тўласа, чўчқасини қайтариб олаверсин дедим. Оқшом у бир қорадан бир доллар бериб юбориб, чўчқасини олдириб кетди. Бегона бир негр экан. У менга: «Сизга шу гапларни айтиб қўйишни тайинлашди: оғоч ва пичан тез ёниб кетадиган нарсалар» деди. Мен ўзи нима гап дедим. «Шу-шу гап, шуни тайинлашди, ёғоч билан пичан тез ёниб кетадиган нарсалар дейишди». Шу кечанинг ўзидаёқ менинг молхонамга ўт тушди, мол-ҳолни қутқариб қолдим, молхона ёниб кетди.

– Ўша негр қаёқда? Уни ушладингизми?

– Сизга айтдим-ку, бегона негр, танимамайман деб. Унга нима бўлганини билмайман.

– Хўш, бу далил бўлолмайди. Сиз буни тушунмайсизми?

– Сиз йигитчадан сўраб кўринг. У билади.

Олдинига бола гап менинг акам ҳақида боряпти, деб ўйлади, аммо Ҳаррис шундай деди:

– Йўқ, унимас. Аनावинисини, болакайни. Кичкинасини айтаман.

Шу ориқ елкаси туртиб чиққан, ёшига нисбатан жуссаси ушоқ, паст бўйли, отаси каби қотма, эски-туски, йиртиқ-ямоқ увадалар ичида ўсган, тўғри тикрайган қизғиш-қўнғир сочларига ҳеч қа-

чон тароқ тегмаган, кўзлари худди қора булутдек кўкимтир ва ғайр боқувчи болакай одамлар четланиб стол орасидан ўзича жой очаётганларини, хўмрайган башаралар тизилишиб, охирида сочлари оқара бошлаган, кўримсиз, кўйлаги ёқасиз, кўзойнакли жаноб судьяга тўғри рўпара бўлиб қолганлигини кўрди ва не қилсинки, судья уни ўз ёнига чақирмоқда эди. У яланг оёқлари билан полни қандай босиб бораётганлигини сезмади: барча бадқовоқ нигоҳлар унинг елкасидан офир юк бўлиб босди, назарида. Ота якшанба кунлари киядиган қора камзулида хода ютгандай қотиб турарди. Камзулни у судга бораётгани учун эмас, йўлга чиққани учун кийганди – у болакайга ҳатто кўз қирини ташлагани ҳам йўқ. «У менинг ёлғон гапиришимни истаяпти, – ўйланди болакай ва яна умидсизлик ва ғам-андуҳга чўмди. – Ёлғон гапиришимга тўғри келади».

– Отинг нимадир, болакай? – сўради судья.

– Полковник Сарторис Сноупс²⁵, – пичирлади бола.

– Ростданми? – ҳайратланди судья. – Қаттиқроқ сўйла. Бундан чиқди сенга туғилганигдаёқ полковник деб от қўйишган экан-да? Хўш, ундай эса номи полковник шарафига қўйилган одам фақат тўғрисини айтиши керак. Шундайми?

Сарти индамади.

«Душман! Душман!» деб ўйлади у. Бир зум унинг кўзлари ҳеч нарса илғамади, судьянинг нимтабассум қилиб турганини пайқамади, судьянинг товуши Ҳаррис исмли одамга мурожаат этганида қалтираб кетганлигини сезмади.

²⁵ Болакайга Америкадаги 1861–65 йилларда Жануб ва Шимол ўртасида бўлиб ўтган фуқаролар уруши иштирокчиларидан бири Жон Сарторис номи қўйилган.

– Хўш, сиз шу болакайни сўроқ қилишимни хоҳлайсизми?

Лекин, ҳарқалай, қулоғи эшитаётганди, мана шу одамлар тикилинч, вазмин ва ҳаяжонли нафаслардан бошқа тик этган товуш чиқмаётган хонада у ўзини бошқача сезди, бир куни у жар устидаги узун ток зангига чиқиб бор кучи билан силкинганда, у томондан бу томонга чайқалиб бориб келганда, уни худди бепоён вақт ичидан узиб олингандай, ўзининг фавқулоддалиги билан карахт қилиб қўядиган туғанмас бир лаҳза қамраб олганди.

– Йўқ! – деди зарда ва қаҳр билан Ҳаррис. – Керакмас! Уни уйига қайтариб юборинг!

Ва яна вақт худди оқиб келаётган тўлқинлардай унинг бошига ёғилди, панир-пишлоқ ҳамда идишларга тикиб жойланган гўшт ҳидларига омукта овозлар ёғилди, кўрқув ҳам, умидсизлик ҳам, яна ўша-ўша эски яранинг азоб-оғриқлари ҳам ёғилди.

– Даъво рад этилсин. Сизга қарши сурилган айбловни, Сноупс, мен исботланмаган деб топанман, аммо сизга бир маслаҳат бераман. Бу ердан кетинг ва ҳеч қачон қайтиб келманг.

Шунда бирдан отаси тилга кирди. Унинг товуши совуқ ва ғайир эди, у текис ва ҳеч қандай ифодасиз сўйларди.

– Ўзим ҳам шундай қилмоқчиман. Мен бунда турли-туман ҳалигинақалар орасида... – у муайян бирон кимсанинг шаънига қаратилмаган бўлса-да, айтиб бўлмайдиган коски, қўпол бир сўзни тилга олди.

– Жуда соз! – деди судья. – Аравангизни тортинг, эртага эрталабдан бу ерларда бошқа қорангизни кўрсатманг. Мажлис ёпиқ.

Отаси шахд билан орқасига қайрилди, шунда бола қотириб қўйилгандай қора камзул ва пайдор

қотма қомат орқасидан эргашди, воқеан, бундан ўттиз йил муқаддам худди мана шу ерда ўғирланган отда жанубликларнинг дала жандармалари ёғдирган ўқлардан ана шунақа бош эгмай, шошилмай узоқлашиб кетган, лекин охир-оқибат ўқлардан бири товонига текканди; бола рўпарасида пайдо бўлган иккита қора елка ортидан борди, чунки қаердандир тўда ичидан қадди-басти отаси билан тенг, лекин ундан кўра миқтироқ катта акаси ҳар доимгидай икки лунжида тамаки сақич чайнаган ҳолда уларга қўшилди; бола бадқовоқ башаралар орасидан ўтиб, бинонинг эскирган айвон йўлаги оша қимирлаб турган пиллапоялардан пастга тушиб, итлару ўсмирлар оралаб билқиллаб ётган май ойининг чанг-тўзон тупроғини босиб борди – ва шунда кимнингдир вишиллаган товушини эшитди:

– Ҳап, сеними, ўт қўювчи!

Яна унинг кўз ўнгида ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетди; унинг бўйидан сал пастроқ бир бола – башарасини худди қизил туман босгандай дум-думалоқ иржайган бир калла – ва шунда бола қизил туманга қараб ташланди, устма-уст тушаётган мушт зарбаларини ҳам сезмади, ўзини чалиб йиқитишгани, боши билан ерга гурсиллаб қулаганини ҳам билмади, амал-тақал қилиб ўрнидан турди ва яна ҳалиги думалоқ туманга ташланди ва яна кетма-кет тушган зарбаларни пайқамади, оғзидаги шўр қон таъмини туймади ва яна қаддини ростлади, ташланди, анов сариқ туман қочди, изидан қувди, шунда темирдек қўл уни қаттиқ тутди, қайтарди ва ғаюр совуқ товуш эшитилди:

– Қани, тез аравага чиқ!

Усти ёпиқ катта арава-фургон йўл бўйида акас ва тут дарахтлари тагида турарди. Якшанбаликка

ясаниб кийинган тўлачадан келган опалари, қалин сурп кўйлак, енгил бош чепак кийимдаги онаси ва холаси – ҳаммалари не-не дарбадарликларни кўрмаган, боланинг ҳеч эсидан чиқмайдиган эски-туски бўхчалар, тугунлар устида ўтиришарди; қийшайиб қолган темир печка, синган-чиққан каравотлару курсилар, онасининг сепи билан келган, қандайдир олис ўтмишда қолган ва унутилиб кетган алақайси бир куннинг икки-ю ўн тўрт дақиқасида таққа қотган, садаф қадалган соат. Онаси кўз ёш тўкиб ўтирар, лекин уни кўргач, ёшларини енги билан артиб фургондан туша бошлади.

– Бу ёққа! – деди отаси.

– Соғ жойини қўймай уришибди. Мен сув топиб ювиб қўяй...

– Ўтир жойингга! – қайтарди отаси.

Бола орқадаги зиначадан аравага чиқди. Отаси араваўриндиғида ўтирар, акаси ҳам шу ерга ўрнашган, у қўлидаги узун тол қамчи билан хачирларни кетма-кет икки бора қаҳрланмасдан, аммо зўр бериб савалади. Унинг бу хатти-ҳаракатида қаҳру ғазаб йўқ эди, кейин-кейинлар унинг издошлари ҳам шундай қиладиган бўлиб, шунга одатландилар – жилову хивични баравар ишга солдилар, ҳайдовчилар эса турган жойнинг ўзида қаттиқ газ бериб, шу заҳоти яна тормоз босардилар. Фургон арава ўрнидан жилди, дўкон ҳамда миқ этмай томоша қилиб турган хўмрайган бадқовоқ тўда ёнидан ўтдилар ва мана, ниҳоят, муйилишда ҳаммаси кўздан йўқолди. «Абадулабад, – деб ўйлади бола, – етар энди шунча кўргиликларим, мана энди у...» Ҳатто ўзига ўзи бу сўзни айтмаслик учун у тилини тийди. Онаси унинг елкасига қўлини қўйди.

– Оғрияптими? – сўради у.

– Йўқ, – деди бола. – Нимасига оғрийди. Гапирманг.

– Қотиб қолмасдан бурун қонни ювиб ташласанг бўлармиди.

– Кечқурун ювинаман, – деди бола. – Сизга айтдилар-ку, қўйинг.

Фургон-арава олға одимларди. Қаерга кетаётганликларини бола билмасди. Шундай, уларнинг ҳеч қайсилари ҳеч қачон билмаган ва ҳеч қачон сўрамаган, чунки улар доим қайгадир боришар ва икки-уч кун юрганларидан сўнг уларни доим қандайдир бир бўм-бўш ётган уй кутиб оларди. Чамаси, бу сафар ҳам отаси биронта ферма билан еридан ҳосилини йиғиб-териб беришга келишган бўлса керак, кейин яна худо билади... Ва яна бола ўз ўй-хаёлларига чек қўйди. Отаси ҳар қачон шундай қилган. У бўридек саркаш ва довюрак эди, шунинг учун уни бошқалар ҳурмат қилишарди, босиқ, шу билан бирга тийиқсиз қаҳр-ғазаби унинг мустақиллигини қандайдир ихота қилиб турар, кишилар наздида ўзининг ҳақ эканлигига битмас-туганмас ишончи у билан бир фикрда бўлганлар, бир ёқадан бош чиқарганларнинг ҳаммаси учун фойда келтирадигандек эди.

Кечаси улар эманзор ўрмондаги булоқ бўйига қўнишди. Кечалари ҳали ҳаво жуда совуқ бўларди, аммо улар нима қилишни билишарди, алакимларнинг четанидан ёғоч ходалчаларни суғуриб олишарди-да, майдалаб ўтин қилиб, қаловини келтириб гулхан ёқишарди. Отаси ҳатто қаҳратон аёзларда ҳам гулханни катта қилиб ёқишга руҳсат бермасди. Ёши пича каттароқ ва ўзи эслироқ бўлганда, бола бунинг нималигини фаҳмлаши ва ҳайрон қолиши мумкин эди, нима учун отаси гулханни каттароқ қилиб ёқмасин, нима учун киши, урушларнинг бемаъни вайронагарчиликларини кўрган, кичик ёшидан бери бошқаларга тегишли нарсаларни аяб-авайлаб ўтирмасликка жоҳилона

ўрганиб одатланган киши нечук катта гулханлар ёқмасин, нечук атроф-тумонатда нимага дуч келса, бари-барини ўт-олов ҳукмига дучор этмасин. Балки болакай эслироқ бўлганда, эҳтимол, бундан кўра ҳам бошқачароқ бир хулоса чиқарармиди; қардан келиб чиқди гулханни бундай тежаб кичкина қилиб ёқиш, отаси бундан тўрт йил илгари бир қанча аравага қўшиладиган отлари билан (отаси уларни ўлжа отлар дерди) ўрмонликларда барча одамлардан, кўк кийганлардан ҳам, бўз кийганлардан ҳам²⁶ қочиб, яшириниб юрган чоғларида балки кечаларда чоғроқ гулханлар ёқишга ўрганиб қолган. Балки болакай кейинроқ бориб бунинг ҳақиқий сабабини қидириб топган: англаган ва тушунган бўларди, эҳтимол, ўт-оловнинг асл, азал табиати отасининг туб онги қаърларида ётган алланарсаларга муқобил менгзарди – мисоли порох билан пўлатнинг азал табиати бошқа бир кишилар онги қаърларидаги алланарсаларга мосу муқобил тушгандай – ва булар ўзи учун энг қадр-қимматли нарсаларни сақлаш ва асраш воситасига айлангандай – ва буларсиз ҳаётнинг ўзи ҳам асло ҳаёт эмасдай; шундан эмасми, ахир, оловни эъзозлаш, уни зикналарча асраш, ундан зикналарча фойдаланиш.

Аммо болакай ҳозир булар ҳақда ўйламасди; шу пайтгача у фақат ўта тежамкорлик билан ёқилган гулханларнигина кўрганди. Болакай ўз тунука товоғи устида мудрай бошлаганда, отаси уни чақирди ва у яна отасининг темирдай қаттиқ елкаси, омонсиз оқсоқланган оёқлари ортидан йўл танобини тортиб борди, улар юлдузлар ёғдусида оқариб турган йўлдан тепаликка кўтарилдилар; юқорига чиққанларида отаси унга қараб ўтирилди ва у ота-

²⁶ Америка фуқаролар уруши даврида Жануб ва Шимол қўшинларининг кийган либослари ранги.

сини юлдузлар шуъласида кўрди – юзида юз йўқ, кўримсиз, турган-битгани қора шарпанинг ўзи, япасқи ва қонсиз, худди тунукадан кесиб ясалгандай, бўйига ўлчаб тикилмаган камзулининг бурма қатлари қаттиқ. Тунукадай қаттиқ; япасқи бир овоз эшитилди болага:

– Сен уларга айтиб бермоқчи бўлдинг. Уларга сен айтармидинг?

У отасига жавоб бермади. Отаси унинг бошига кафти билан қаттиқ урди, аммо ғазаб қилмади, хачирларни суд биноси олдида қамчи кўтариб шундай урганди, худди хачирлар яғринига ёпишган сўналарни уриб ўлдирмоқчи бўлгандай; лекин овозида қаҳру ғазаб ва кин сезилмасди.

– Кўп ўтмай сен эр йигит бўласан. Тушуниш керак. Ўзингнинг қондош қариндошларингга суянишинг керак, кейин сени ҳам суяйдилар. Судда кимдир ёнингни оларди деб ўйлайсанми? Уларнинг бутун ўй-хаёли мени кўлга туширишда, тушунмайсанми шуни? Улар мени бошқача йўл билан кўлга туширолмасликларини яхши билишарди. Хўп, тушундингми?

Кейинроқ, йигирма йиллардан сўнг бола буларни эслаб, шундай деб ўйлаганди: «Агар мен улар фақат ҳақ ва адолатни хоҳлагандилар, десам, отам мени яна урган бўларди». Бироқ у ўшанда ҳеч нарса демади. Кўз ёш тўкмади. У индамай турди.

– Хўш, билдингми? Гапир, – деди отаси.

– Ҳа, – дея пичирлади бола.

– Бор, ухла. Эртага етиб борамиз.

Эртасига улар етиб бордилар. Тушликка яқин фургон-арава икки хонали бўялмаган уй олдида тўхтади; болакай ўн ёшга киргунча худди икки томчи сувдай бир-бирига ўхшайдиган жуда кўп мана шундай уйларда яшаганди; яна ҳамма вақт бўлганидай онаси ва холаси пастга тушиб, арава-

дан юкларни бўшата бошладилар, опачалари, акаси ва отаси ёрдамга қўл ҳам чўзишгани йўқ.

– Бу уй чўчқаларга охурликка ҳам ярамайди, – деб гап қилди опачаларидан бири.

– Сенга ярайверади. Чўчқаларни боқиб кўпайтирасан, хурсанд бўлиб юрасан оғзинг қулоғингда, – деди отаси. – Қани, қимирланглар, онангга қарашинглар.

Худди сигирдай йирик-йирик бесўнақай опачалари крахмалланган ленталарини шилдиратишиб ўрниларидан туришди; бириси ўрин-кўрпалар тагидан сирлари кўчган фонарни кўтарди, иккинчиси жунлари тўкилган эски чўткани қўлга олди. Отаси жиловни катта ўғлига берди-да, белини букмай ғилдиракка оёқ тираб аравадан тушди.

– Юкларни тушириб бўлишгандан кейин, хачирларни отхонага олиб бор, емларини бер! – Кейин кўшиб қўйди (аввалига болакай отам акамга айтяпти деб ўйлади): – Юр!

– Менми? – Сергак торгди бола.

– Ҳа, – деди отаси, – сен.

– Эбнер, – деди онаси.

Отаси индамай унга қаради. Оқара бошлаган қуюқ қошларини чимирди, нигоҳи қаттиқ ва маъносиз эди.

– Мени бутун ашқол-дашқолларим билан роса саккиз ойга сотиб олган одамга бир оғиз сўз айтсам жоиздир-ку, а?

Яна йўлга тушишди. Бирор ҳафта бурун ёки кечаги оқшомгача бола балки қаёққа борамиз, деб сўраган бўларди, аммо энди бунга эҳтиёж қолмаган эди. Отаси илгарилар ҳам, кеча кечқурунга довур, уни калтаклаб турар, аммо ҳеч нега калтаклаганининг сабабини айтмасди; мана энди бошига қарс этиб ургани ва ундан кейин худди таҳқир-

лагандай осуда, вазмин товуш билан сўйлагани ҳамон боланинг қулоғидан кетмай акс садо бериб турар, лекин бундан унинг болаларча ночорлигидан ўзга ҳеч нимани тушуниб бўлмасди – бошидан кечирган йилларнинг енгил-елпи, ҳилпирак таассуротлари юки мана энди у баногоҳ улоқтирилиб юборилган дунёдан бутунлай узилиб кетишига йўл қўймай халақит берар ва шу билан бирга оёқда маҳкам туриш, бу дунёга қаршилиқ кўрсатиш ва унинг саҳнида нималарнидир ўзгартиришга ҳам ожизлик қиларди.

Кўп ўтмай у қуббадор эманзор, тўп-тўп қарағайлар ва яна аллақандай гуллаб ётган дарахтлар, бутазорларни кўрди, бой қўрғон шуларнинг орқасида бўлса керак. Улар учқат буталари ва наъматаклар чирмашган кўк четан девор ёқалаб, тавақалари кенг очилган фиштин таянчли катта дарвозага боришди, кейин хиёбонга ўтишди; умрида биринчи маротаба бундай қўрғонни кўриши эди ва бир зумга отасини, ўзининг қўрқувлари-ю алам-умидсизликларини унутди, ҳатто отасини эслаганда ҳам (отаси тўхтамай одим отарди), қўрқувлари ва ўртанишлари бошқа қайталамасди. Қанча кўп сарсон-саргардон юрмасинлар, улар шу чоққача бу қашшоқ юртни, майда-чуйда фермалару озғин кам ҳосил ерлар, хароба кулбалар юртини ҳеч қачон тарк этмагандилар ва шу чоққача у бундай уйни ҳеч қачон кўрмаганди. «Катталигини қаранг, худди саройга ўхшайди-я», деб ўйлади бола кутилмаганда тинчланиб. Ушбу осудалик ва хотиржамлик нимадан эканлигини у сўз билан тушунтириб беролмасди: бунинг учун ҳали анча ёшлиқ қиларди. Бундай ерда яшайдиганлар отасидан кўрқиймайди. Бундай роҳат-фароғатда яшайдиган кишиларга отасининг кучи етмайди, улар отасига

Ғўнғиллаган арига қарагандай қарашади: нари борса, бир марта чақади – бор-йўғи шу, холос, бу эминлик, фароғат, улуғворлик отасининг зиқна юҳо оловидан омборлару молхона-ю отхоналарни тўсиб, сақлаб туради... Лекин у қорайган қаттиқ яғрин, омонсиз оқсоқланган оёқлар, уйнинг маҳобатидан заррача ўксинмаган қадду қоматни кўрганда, осойиш ва қувонч шу заҳоти уни тарк этди; шуниси ҳам борки, отасининг жуссаси ҳеч қачон ҳеч ерда каттайиб маҳобат билан кўзга ташланмасди; мана энди қатор-қатор устунлар кўтариб турган ҳашамдор уй олдида отаси ясси тунокадан ясалган жонсиз лошга ўхшар, у ён тарафдан қараганда, ҳатто соя ҳам ташламасди. Бола отаси оғишмай тўғри одим отиб бораётганини пайқади; шу билан бирга у отасининг букилмайдиган бир оёғи йўлкадаги от тезагини тик босиб ўтганини кўрди, ҳолбуки, отаси уни босмай осонгина четлаб ўтса ҳам бўларди. Лекин бу фикр бир сония унинг хаёлидан лип этиб ўтди, буни ҳам сўз билан ифодалаб беролмаган бўларди; кейин яна уйнинг ҳашами унинг хаёлини ўзига банд этди – қанийди шундай уйда яшасанг! – Йўқ, у ҳасад қилмади, ўксинмади – унга бир неча қадам илгарирокда бораётган чўяндай оғир қора камзулнинг кин ва қаҳру вазабга тўла адовати бегона эди. «Балки отам ҳам шундай деб ўйлаётгандир. Балки худди шу нарса уни ўзгартириб юборар ва балки ўзи ихтиёрсиз тарзда тушган ҳозиргидақа аҳволдан қутулар?»

Улар қатор-қатор устунлардан ўтишди. Энди отасининг плиталар устида янграётган зилдай қадам товушлари қулоғида зириллар ва соат овозидай равшан акс садо берарди; товушлар бу уйнинг ҳам, келувчиларнинг ҳам миқёсларига сира мос эмасди; акс садоларни бу ердаги ҳеч вақо, ҳатто

қаршиларида турган оқ эшик ҳам босиб кетолмас, гўё қаҳрли, ваҳшиёна зиддиятнинг энг кескин, сўнгги чегарасига етиб келингандай ва бу ҳолнинг шиддатини ҳеч нарса пасайтира олмайдигандай эди; яна унинг шундоқ кўз ўнгида япасқи, айвони кенг қора шляпа, дағал қалин матодан тикилган басавлат камзул турди-қолди; бир маҳаллар туси қора бўлган бу камзул энди эскириб, чирки йилтиллаб, худди гўнг пашшадай кўкимтир товлар, илгарига томон силкинаётган қўл эса худди тирноқлари қайрилган панжани эслатар, ҳаддан ташқари кенг енглари тирсакларига қадар қайрилганди. Эшик шитоб билан очилганидан хизматкор негр улардан кўз узмай кузатиб турганлигини бола тушунди. Жингалак сочларига оқ оралаган, газлама камзулча кийган қари негр; у эшикни гавдаси билан тўсиб деди:

– Оёғингизни артинг, оқ кишисиз, саранжом-озода уйга киряпсиз. Майор ҳозир уйда йўқ.

– Қоч йўлдан, қора ялоқ, – деди отаси аччиғи чиқмай, хотиржам.

У негрни бир четга суриб, ҳамон бошидан қора шляпасини ечмай ичкари кирди. Шунда бола отасининг оёғидаги тезак юқидан аввал бўсағада, ундан кейин гилам устида из қолганини кўрди; отасининг оқсоқ оёғи тезак юқини худди машинадай муҳрлаб борар, гавдасининг бутун оғирлигини бор куч билан шу оёғига ташларди. Негр унинг орқасидан йўрғалаб:

– Мисс Лула! Мисс Лула! – деб қичқирарди.

Кейин бола гилам тўшалган пиллапоялар, жи-мирлаб ялт-юлт этган шокилалар, биллур қандиллар, тилларанг ромларнинг юмшоқ илиқ тўлқинларига фарқ бўлди; у илдам яқинлашаётган қадам товушларини эшитди, кейин хонимойни кўрди –

илгари у ҳеч қачон бундай ойимларни кўрмаганди – аёл тўр ёқали кулранг силлиқ текис кўйлак кийган, белига айлангириб пешбанд ўраган, энглари тирсакдан юқоригача қайрилганди; у залга кириб келаркан, хамир юқи кўлларини сочиқ билан дам-бадам артарди. У отасига эмас, отаси гулдор гиламда қолдирган изларга ишонқирамай ҳайратланиб қарарди.

– Мен ичкарига киритганим йўқ! – деб қичқирарди негр. – Мен унга айтдим, у...

– Илтимос, кетинг бу ердан, – деди ойим овози қалтираб. – Майор де Спейн уйда йўқ. Илтимос, кетинг...

Отаси чурқ этиб оғиз очмади. Оғзини оғритиб ўтирмади. У ҳатто ойимга қарамади ҳам. Бошидаги шляпасини ечмасдан гилам ўртасида қаққайиб турар, кўкимтир бароқ қошларини чимираб, пўлатдай йилтилаган кўзларини уйнинг ҳашаматига нафратомуз югуртирарди. Кейин у худди ўшандай нафрат ёғилган беписандлик билан шартқа ортига ўгирилди; у соғ оёғига таянган ҳолда эгилмайдиган оёғида ярим доира ясаб айланди-да, гилам узра хайр-маъзур ўрнига узунчоқ тезак изини қолдирди. Отаси гиламга бир боқиб ҳам кўймади-ю, ташқарига чиқди-кетди, негр эшикни очиб турди. Эшик орқаларидан қарсиллаб ёпилди. Уй ичидаги аёлнинг асабий чинқириғи эшитилмай кўйди. Отаси остона олдидаги зинапояда тўхтаб ифлос этигини зинага яхшилаб артди. Иккинчи зинага қадам кўяркан, букилмас оёғига бутун оғирини ташлаб яна бир зум тўхтади-да, юзини уйга бурди.

– Оппоққина! Чиройли! – деди у. – Барибир бировнинг пешона теридан бўлган. Занжиларнинг пешона теридан. Балки энди бундай уйлар қурилиши учун занжиларнинг манглай терига қон ара-

лашгандир. Энди балки унга бизнинг пешона теримиз ҳам қорилиши керакдир...

Шундан икки соатлардан кейин бола уй орқасида ўтин ёрар, уй ичида онаси билан бирга хола-си ўчоқ бошида тушлик таом ҳозирлаб ўралашиб юришарди (деворлар тўсиб турган бўлса ҳам, ичкарида опачалари ўлардай ялқовлик қилиб гўнғирлаб вағирлаётганларини эшитарди), шунда бирдан қулоғига отлар дупури чалинди, у газмол костюм кийиб чиройли тўриқ байталга минган чавандозни кўрди; унинг ким эканлигини семиз ахта от устида ўроғлик гиламни олдига қўйиб кўтариб келаётган негр болани ҳали кўрмасданоқ билди; от чоптириб бораётган одамнинг аччиқ ғазабдан қизариб-бўртиб кетган башараси ёнгинасидан тасирлаб ўтиб, отаси билан катта акаси майишиб кетган стулларда ўтиришган уй ортида кўздан ғойиб бўлди; бола ҳали ёғоч гўлани ёриб улгурмай орадан бир зум ҳам ўтмаган эдики, тагин от тақаларининг тасир-тусур овози келди-да, тўриқ байтал яна қўрғондан чиқиб йўл томонга дупур-дупур ўтиб кетди, кейин отаси қизларидан бирини чақира бошлади-ю кўп ўтмай ўралган гиламни ерда судраб орқасига тислана-тислана ошхона эшигига битта опачаси, кейин унинг изидан бепарво судралиб иккинчиси чиқди.

– Бирга кўтаргинг келмаса, қозонга ўт ёқиб юборсанг-чи, – деди гиламни судраган опачаси тўнғиллаб.

– Ҳой, Сарти! – қичқирди иккинчи опачаси. – Қозонда сув қайнат!

Мулқдор қўрғонининг ҳашаматига қандай лоқайд қараган бўлса, кўримсиз атроф-теваракка ҳам шундай фарқсиз боққан отаси уй эшигида кўринди; унинг елкаси оша онасининг ташвишга ботган чехраси қараб турарди.

– Тез-тез қимирланглар, ҳей! – деди отаси. – Ги-
ламни ёзинглар.

Семиз ва бесўнақай опалари гилам устига эги-
лишди, шунда уларнинг этаклари кенг-мўл кўй-
лаклари ҳилпираб кетди, ранго-ранг тасмачалари
шалдир-шулдир овозлар чиқарди.

– Нима қиларкан шунақа гиламни Франциядан
олиб келиб уйига тўшамаса, оёқости бўлиб, булға-
ниб кетишини билишмайдими, – деб тўнғилларди
биринчи опачаси.

Улар гиламни кўтаришди.

– Эбнер! – гап қотди онаси. – Мен ўзим қила қо-
лай.

– Бориб овқатингга қара, – деди отаси. – Буни
мен ўзим қиламан.

Бола ўтинхонада куймаланиб юриб, кечгача
улардан кўз узмади. Қозонда сув қайнади, гилам
ўчоқнинг олдида ерга ёзилади, иккала опачаси ис-
тар-истамай уйқусираганча у ёқдан бу ёққа эма-
клашарди, отаси эса уларнинг тепасида қовоқла-
рини уйганча гўддайиб турар, овозини кўтар-
масдан уларни қисти-бастига оларди. Боланинг
димоғига хомаки ишқорнинг бадбўй ҳиди ури-
ларди; онаси бир марта эшикка чиқиб, буларнинг
ҳаммасига ташвиш-хавотирга ботиб, умидсиз ҳол-
да аламангиз қараб турди. Бола отасининг гав-
да ўтирганини пайқади ва яна қўлига болтасини
оларкан, кўз қири билан отаси эгилиб ердан ясси
қумтошни кўтарганини кўрди, унга диққат билан
тикилиб қаради-да, кейин қайнаётган қозонга
ташлади, сўнг бола онасининг ялиниб-ёлвораётга-
нини эшитди:

– Эбнер, Эбнер! Илтимос, ундай қилма. Ёлвора-
ман, Эбнер!

Бола ниҳоят ўтинларни саранжом қилди. Қош
қорайди. Эчкиэмар чурқиллаб қўшиғини бош-

лади. Тушликдан ортган совиб қолган овқатни кечки таом ўрнида ейишди, ошхона томондан қаҳва ҳиди таралди, бола бу ерга кириб келганидаёқ қаҳва тайёрланаётганини сезган эди, сабаби ўчоқда олов ёниб турган бўлса керак; ёнаётган оловга яқин қўйилган иккита стул суйанчиғига тозаланган гилам ёйилганди. Энди унда отаси қолдирган тезак излари кўринмасди. Лекин улар ўрнида жун гиламда худди тирналгандек нам тортган жойлар кўзга чалинарди.

Совиган овқатни еётганларида ҳам гилам стуларда осифлик турди; кейин иккала хонада дуч келганча уйқуга ётишди; онаси каравотга, ёнида отасига жой ҳозирлаб, чўзилди, катта акаси бошқа каравотни эгаллади, боланинг ўзи, холаси ва опалари – сомон тўлдирилган тўшакларни полга тўшаб ётишди.

Бироқ отаси ётмади. Боланинг кўзи уйқуга кетаркан, гилам устига эгилган отасининг ялпоқ шляпаси ва камзулининг қуюқ соясини эслаб қолди, аммо кўзлари ҳали уйқуга тўла чўмиб улгурмай, ўчоқнинг ўчиб бораётган яллиғларидан тушаётган ўша соялар ўзининг устига эгилганини сезди ва шу заҳоти темир қозиқдай тизза биқинига туртди.

– Хачирни олиб чиқ! – деди отаси.

Бола хачирни олиб келганда, отаси ошхона эшигида турар, ўралган гилам елкасида эди.

– Нима, хачирда борасизми? – сўради бола.

– Йўқ. Кел, оёғингни қўй.

Бола тиззасини букиб, отасининг қўлига тиралди, хачирга азот жойлашаркан, отаси қўлининг чайир кучини ҳис қилди (бир пайтлар уларнинг эгар-жабдуқлари бўларди, аммо бунга шунча кўп вақт ўтдики, эсидан ҳам чиқиб кетди). Отаси гиламни ҳам шундай енгиллик билан хачир яғрини устига жойлаштирди. Осмонга юлдузлар чиққан

эди, улар яна кечаги тупроқ йўлдан, ислари таралган учқат буталари ёнидан, қоронғи хиёбонлардан дарвозадан чироқлари кўринмайдиган кўрғонга ўтиб бордилар; ўша ерда бола ўроғлик гиламнинг қаттиқ қирраси оёғини қириб ўтгани ва ғойиб бўлганини сизди.

– Ёрдамлашайми? – пичирлади бола.

Отаси жавоб бермади. Бола яна қўш устунлар аро акс садо таратган чўлоқ оёқнинг оғир одимларини эшитди, бу одимларда ёғоч каби дағаллик, кишининг жиғига тегадиган бир тирранчалик зуҳур этарди. Ана, ниҳоят, бурчакка итқитилган гилам ҳаддан ташқари гумбурлаб овоз чиқарди (оҳиста қўйилмаган гилам товуши болага ҳатто қоронғида ҳам анча сезилди), сўнг яна шошилмай ташланган оғир қадам товушлари дўқирлади; уй ичкарисида чироқ ёнди; қадамлар тезлашмай бир меъёрда зинапоядан тушиб келаркан, бола асаблари таранг тортилган ҳолда одатдагига қараганда чуқур ва тез-тез нафас олиб хачир устида ўтирарди, ниҳоят, у отасини кўрди.

– Сиз энди уловга чиқиб оласизми? – пичирлаб сўради бола. – У икки кишини кўтаради...

Дам ёрқин шуъла сочиб, дам хиралашиб, уй ичида чироқ у ёқдан бу ёққа юрарди. «Ҳалиям зинадан тушяпти», деб ўйлади бола. Хачир нақ зина ёнида тўхтади, ана отаси унинг орқасига ўтирди, бола жиловни тортди ва хачирнинг бўйнига кафти билан шапатилади, лекин ҳали хачир одимини тезлатмасдан, бола орқасидан темирдай қаттиқ ва чайир қўл узатилди-да, тошдай чўнг ғўдир бармоқлар хачирнинг бошини орқага тортиб, уни бир маромда қадамлатди.

Қуёш илк нурларини соча бошлаганда, улар кўрада хачирларни қўшга қўшиб бўлишганди.

Тўриқ байтал бу сафар шу қадар секин юриб келдики, у ҳатто товушини эшитмай қолди; от устидаги одам ёқасиз кўйлак кийган, боши шляпасиз, бесаранжом бир алфозда катта қўрғондаги анави хотин каби титраб-қалтираб сўзлади. Отаси истар-истамас унга бир қараб қўйди-ю, яна айилни тортганича ерга эгилди, отда келган киши отасининг эгилган елкасига қараб гапиришга мажбур бўлди.

– Тушунасизми ўзи, гиламнинг расвосини чиқардингиз! Нима, тозалайдиган хотинлар йўқмиди бу ерда... – от устидаги кимса қақшаб-қалтираб, тили калимага келмай қолди.

Бола ундан кўзини узмас, катта акаси отхона эшигида ҳаммасига бефарқ қараб, сақич чайнаб тупурарди.

– Гилам юз доллар туради. Сиз шунча пулни тушингизда ҳам кўрмайсиз. Шунинг учун мен сизнинг ҳисобингиздан йигирма бушель²⁷ ғалла олиб қоламан. Мен буни сиз билан тузиладиган шартномага киритаман, шерифнинг олдида шартномага имзо чекаётганингизда бунга ҳайрон бўлиб ўтирманг. Бу миссис де Спейнга тасалли бермайди, лекин эҳтимол сизни бировнинг уйига кираётганда оёқни артиб киришга ўргатади.

Шундан сўнг бу одам жўнаб кетди. Бола шу пайтгача миқ этиб оғиз очмаган, ҳатто бошини ҳам ердан кўтармаган ва шу тобда хачирга бўйинча ўтказаётган отасига қаради.

– Ота, – деди бола.

Отаси унга қаради; бароқ қошлар остидан хўмрайиб боққан бўзарган кўзлар, алланечук башара. Бола бирдан унга қараб талпинди, лекин шу заҳоти ўзини тўхтатди-да, қичқириб юборди:

²⁷ Бушель – АҚШда 1 бушель 35,24 л.га баробар.

– Сиз ҳаммасини қилиб бердингиз, қўлингиздан келганча!.. Агар бошқача қилмоқчи бўлса, унда нега ўзи қолиб кўрсатиб бермади? Олиб бўпти! Ҳаммасини йиғиштириб оламиз, яшириб қўямиз! Ўзим кўриқлаб ўтираман!..

– Сен айтганимдай қилиб чимқирқарни пишиқ ўрнатдингми?

– Йўқ ҳали, сэр, – пичирлади бола.

– Бор, жойлаштириб қўй.

Булар чоршанба куни бўлаётган гаплар. Ҳафтанинг қолган барча кунлари бола кучи борича, тиришиб-тирмашиб, жонини жабборга бериб ишлади, у бир гапни икки қиладиганлардан эмасди, бу томондан онасига ўхшарди – фарқи фақат шунда эдики, у қиладиган ишининг лоақал бир қисмини жон-дилдан ихлос билан адо этарди. Мисол учун, у кичкина болтачаси билан ўтин ёришни ёқтирарди, болтачани янги йил мавлудида онаси билан холаси, қаёқдандир пул тўплашибми ё топишибми, унга совға қилишганди. Уйдаги катта ёшли аёллар билан (бир сафар ҳатто опачаларидан бирови билан ҳам) у чўчқалар ва сигирга қўра қурди, бу мулкдор билан ўрталаридаги шартномага қўра отасининг вазифасига кирарди, бир куни эса отаси қаергадир кетганда, бола ҳатто далага катта акасига ёрдамлашгани чиқди.

Акаси омоч ортида борар, тўғри эгат олар, бола эса тармашлаб тортаётган хачир ёнида жиловни тутиб қадам ташларди. Ҳовлаган қора ер намчил таровати билан яланг оёқларига муздек ёқар, бола ўй ўйлаганча одимларди: «Балки ниҳоят энди ҳаммаси яхши бўлиб кетар. Арзимаган битта гиламни деб, шунча дон-дундан айрилиб ўтириш одамга алам қилса ҳам, балки энди шу билан бари оппон-соппон бўлиб кетар ва бошқа энди ҳеч қа-

чон қайтарилмас ва отаси ҳам энди бутунлай шу пайтгача бўлгандан кўра бошқача одам бўлиб қолар. – Бола шунчалар ўз ўйларига берилиб кетдики, хачир ҳам эсидан чиқди ва акаси уни уришиб берди. – Балки ҳали улар шунча дон-дунни тортиб олиб ҳам ўтиришмас, балки ҳали ҳаммаси – дондун ҳам, гилам ҳам, ўт-аланга ҳам – ҳаммаси бир ёқли бўлиб кетар, қўрқув ва қайғу-алам буткул даф бўлар ва худди от қўшилган икки арава сени икки ёққа тортиб, қоқ иккига ажралиб кетаётгандай аҳволдан қутуларсан, – ҳамма-ҳаммаси тугайди, бутунлай, бутунлай тугайди...»

Кейин шанба куни келди. Бола хачирни нўхта-ларкан, яна отасини қора камзул ва шляпа кийган ҳолда кўрди.

– Йўқ, – деди отаси, – аравага қўш.

Икки соатлардан сўнг арава манзилга етиб борди. Бола отаси билан акасининг орқасида пештахта ўриндиғи устида ўтираркан, яна дўконнинг бўялмаган, путурдан кетган биноси, тамаки ҳамда дори-дармонларнинг туси ўчган, йиртилган рекламалари, айвоннинг устунларига бойланган миниладиган отлар ва усти ёпиқ араваларга қўшилган хачирларни кўрди. У отаси билан акасининг орқасидан қийшиқ пиллапоялардан юқорига чиқди ва учовлари одми тахта столга қараб ўтиб бораётганларида яна томоша қилиб турган қатор совуқ башараларни кўрди, стол ортида кўзойнакли бир киши ўтирар, биров тушунтирмаса ҳам, бу кишининг судья эканлиги болага равшан эди. Кейин бола бўйнига ёқа ва бўйинбоғ таққан одамни кўрди ва унга қаҳру ғазаб билан худди еб қўйгудек бўлиб ўқрайиб қаради, бу одамни у икки марта кўрган, икки марта ҳам от устида кўрганди; ҳозир унинг важоҳатида ғазаб нишоналари кўринмас,

нимадандир лолу ҳайрон эди, аммо бола ҳозир бунинг нималигини тушунишдан ожиз эди. Бўлмасам-чи! Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бир воқеа: чоракор ўз мулкдорини судга бериб ўтирса-я. Бола отаси орқасидан мана шу барча одамлар орасидан тўппа-тўғри столга ўтиб борди-да, судьяга қараб бор овоз билан қичқирди:

– Отам бунақа қилмаган! У ўт қўймаган!..

– Бор, аравага чиқиб ўтир, – деди отаси.

– Ёндирмаган дейсанми? – сўради судья. – Нима, гилам ёндирилган ҳам эдимми?

– Ҳеч ким бундай айбни бўйнимга қўёлмайди! – деди отаси ва болага буюрди: – Бор, аравага чиқ!

Аммо бола чиқиб кетмади, у худди ўтган сафаргидай одамларга лик тўла хонанинг бир бурчагига суқилиб олди, ўтиргани ҳам йўқ, тик тураверди, стол атрофида бўлаётган гапларга индамай қулоқ солаётган издиҳом уни деворга сиқиб қўйганди.

– Сиз гилам эгасига етказилган зарар учун талаб қилинаётган йигирма бушель дон зарарга қараганда анча кўп деб ҳисоблайсизми?

– Хўжайин гиламни олиб келиб тозалашни буюрди. Мен уни тозалаб қайтариб олиб бориб бердим.

– Лекин сиз гиламни қайтариб берганингизда, у аввалгидай эмас эди-да.

Отаси жавоб бермади, шунда бир зум диққат билан тинглаётган издиҳомнинг нафаси, босиқ, теран нафасидан бошқа ҳеч нарса эшитилмади.

– Сиз жавоб беришдан бош торгасизми, жаноб Сноупс? – Яна отаси индамади. – Мен сизни айбдор деб қарайман, жаноб Сноупс. Мен сизни майор де Спейннинг гиламига зарар етказган деб биламан ва зарарни қоплашга ҳукм чиқараман. Бироқ йигирма бушель дон жарима тўлаш сизнинг аҳволингиздаги одам учун ҳаддан ташқари кўп деб

ҳисоблайман. Майор де Спейн гиламнинг баҳосини юз доллар дейди. Октябрь ойида дон тахминан эллик цент туради. Агар майор де Спейн нақд пул тўлаб сотиб олган нарсани учун тўқсон беш доллар миқдорида зарар кўришга қодир бўлса, унда сиз ҳали ишлаб топилмаган беш доллар миқдорида зиён кўришдан қочмасангиз керак, деб ҳисоблайман. Мен сизни майор де Спейнга етказилган зарарни шартномада белгилангандан ташқари ўн бушель дон миқдорида қоплашга ҳукм қиламан ва уни галла йиғиб олингандан сўнг дарҳол тўлашни тавсия этаман. Суд мажлисини ёпиқ деб эълон қиламан.

Булар ҳаммаси кўп вақт олгани йўқ, ҳали вақт эрта эди. Бола энди уйга қайтсак керак деб ўйлаганди, балки тўғри далага йўл олишар, чунки улар бошқа фермерларга қараганда анча кечикишаётганди. Аммо бунинг ўрнига отаси арава ёнидан тўхтамай ўтиб кетди, катта акасини имлаб чақириб, йўлни кесиб ўтди-да, темирчилик устахонасига қараб юрди, шунда бола ўзини отаси томонга отди, йўлни тўсиб уни қучоқлаб олди, эски шляпа остидаги қаттиқ, вазмин башарасига тикилиб гўлдираб пичирлади:

– Бир сиқим ҳам бермаймиз унга. Бир дона ҳам бермаймиз. Биз...

Отаси унга қаради, башараси осуда, совуқ боққан кўзлари узра оқарган қошлари чимирилган, аммо овози мулойим, бир қадар эркаловчи:

– Шунақа дегин? Майли, октябр гача бораверайлик, кўрармиз.

Аравани тузатиш – уч-тўрт кегайларни алмаштириш, тегирчакларни тортиш – кўп вақт олгани йўқ. Аравани темирчиликнинг орқасидаги сув тўлдирилган чуқурга тўғрилаб тегирчакларни

совутишди, хачирлар ўқтин-ўқтин сув шимиришар, бола эса арава ўриндигида ўтириб, жиловларни бўш қўйган, тепада қора дуд босган том тагида темирчининг болғаси босинқи тарақлар, отаси эса сарв ғула устида ўтирганича дам ўзи сўйлар, дам бошқаларни тингларди. Бола ҳамма ёғи ҳўл арава-ни сув чуқурдан устахона эшигига олиб келганда, отаси ҳалиям ўша ерда ўтирарди.

– Том тагига олиб бор, боғлаб қўй, – буюрди отаси.

Бола хачирларни боғлаб қайтиб келди. Отасининг ёнида темирчи билан яна аллаким чўккалаб ўтиришиб, ҳосил ва қорамоллар ҳақида сўйлашишарди, бола улар ёнига туёқларнинг қирқилган бўлаклари ва занг-зунгларнинг парчалари устига чанг-тупроққа чўк тушди; отасининг ҳали тўнғич ўғли туғилмасидан илгари жаллоблик қилиб юрган пайтларида бошидан ўтказган узундан-узоқ бир воқеани шошилмай ҳикоя қилаётганига қулоқ солди. Кейин отаси ўрнидан туриб унинг ёнига келди-да, ўтган йили келган циркнинг оқариб-тўзиб кетган рекламаси парчаларини кўздан кечирди, бола шу қизил отлар, масхарабозларнинг бўялган башараларини қинғир-қийшиқ қилиб оҳанжамалар қилишлари, баданларга ёпишиб турган, бир-бирига чатишиб кетган ажиб тўр, йилтироқ либосларни завқи келиб томоша қиларди. Кейин отаси айтди:

– Кетдик, овқатланамиз.

Аммо улар уйга боришмади. Бола акаси билан бирга деворга суяниб тураркан, отасининг дўкондан қоғоз халта кўтариб чиқаётганини кўрди. Отаси қоғоз халтадан каттакон пишлоқ бўлагини чиқариб, паккида ҳафсала билан уни тенг уч бўлакка бўлди, кейин халтадан қотирилган нон олди. Учовлон тимнинг панжарасига ўтириб, шошилмай та-

новул қилишгандан кейин ўша дўконнинг ўзида тосга тўлдирилган илиқроқ сувдан ичишди, сувдан кедрдан ясалган бочка тахтачаларининг, қора қайиннингми, мазаси келарди. Кейин яна улар уйга қайтишгани йўқ, отаси бу сафар уларни от саройига бошлади; баланд узун темир тўсиқларнинг пешсупачаларида анча одамлар ўтиришар, тик туришарди; кўра ичкарисидан дам-бадам отларни олиб чиқишар, совитиб юришар, йўлка бўйлаб у ёқдан бу ёққа чоптиришарди, орада кўранинг ўзида савдо-сотик борарди. Қуёш ғарбга оққан, улар ҳамон бўлаётган гап-сўзларга қулоқ тутиб, кўзларини ҳар томонга югуртириб айланиб юришарди, акасининг кўзларини уйқу босган, ҳамон қарсиллатиб сақичини чайнади. Отаси онда-сонда қай бир отларни ўзича баҳолаб қўярди.

Уйга қоронғи тушганда қайтишди. Чироқ ёруғида овқатланишди. Кейин бола остонада ўтириб тун қоронғилигининг қуюқлашиб боришини томоша қилди, эчкиэмар ва қурбақаларнинг сайрашларини тинглади, бирдан қулоғига онасининг эланиб ёлворган овози чалинди:

— Қўй, Эбнер! Қўй! Худо ҳақи! Йўқ, Эбнер, худо ҳақи!

Бола дик этиб ўрнидан турди, орқасига ўтириди ва шиша оғзига ўрнатилган шам қолдиғи ёруғида ҳали шляпаси ва камзулини ҳам ечмаган отаси худди шармандали ёвуз бир ишни қилишга отлангандай, айна пайтнинг ўзида ҳам кулгили, ҳам жиддий тарзда чироқ ичидан катта бидон идишга керосин қуяр, онаси эса унинг енгидан ушлаб олган, бир маҳал отаси чироқни бошқа қўлига олди-да, тирсағи билан онасини қаттиқ туртиб юборди, у буни қаҳр-ғазаб ва дағаллик билан қилмаган эса-да, онаси унинг турткисидан девор-

га бориб урилди, алам-ўкинч ичида оғзи очилиб, тамомила умидсиз ҳолда иккала қўли билан деворга тиралиб қолди, онаси боя отасига ялиниб-ёлвораётганда ҳам худди шундай кўйга тушганди. Шу пайт отаси эшик остонасида турган болани кўриб қолди.

– Дарров саройга бориб, қорамой солинган идишни олиб кел, – деди отаси.

Бола қимир этмади. Кейин у тилга кирди:

– Нима? – қичқириб юборди бола. – Нима қилмоқчисиз ўзи...

– Бор бидонни олиб кел, – такрорлади отаси. – Қани!

Шундан сўнг бола уйдан саройга физилади: одатланишнинг кучи шунақа, томирида оқаётган бу қонни у ўзи танламаган, хоҳ-нохоҳ бу унга мерос бўлиб ўтган, унгача қанчадан-қанча томирларда жўшган, қандай зўравонликлар, ваҳшийликлар, ҳирсу ҳаволанишлар қайлардадир тўкилиб қотиб қуюлгани номаълум. «Мен қайтиб келмаслигим мумкин, – ўйларди бола. – Шундай югуриб кетаверсанг, югураверсанг ва ҳеч қачон орқанга қарамасанг, ҳеч қачон унинг башарасини кўрмасанг. Аммо кўлимдан келмайди...» Мана занглаган бидон қўлида, унинг ичида мой шилқиллайди, у уй томон оёғини қўлига олиб чопқиллайди, уй ичидан онасининг ҳўнграб йиғлагани эшитилади, бола бидонни отасига узатади.

– Сиз ҳатто негрни ҳам жўнатмоқчи эмассиз? – қичқирди бола. – Сиз илгари негрларни юборар эдингиз...

Отаси бу сафар уни урмади. Ҳозиргина стол устидаги бидонда турган қўл кўз очиб-юмгунча уни ёқасидан тутиб шундоқ силтаб кўтардики, бола ҳатто оёғи ердан қандай узилганини билмай

қолди; у фақат яхмалакдек совуқ шафқатсиз ба-
шарани кўрди, ўлим нафаси келган совуқ товуш-
ни эшитди, овоз столга қапишиб турган, худди
сигирга ўхшаб жағларини у ёқдан бу ёққа буриб
кавш қайтараётган акасига буюрди:

– Уни катта идишга солиб олиб бор. Мен
орқангдан етиб бораман.

– Яхшиси, уни каравотга боғлаб қўйинг, – деди
акаси.

– Айтганимни қил, – деди отаси.

Кейин бола ердан кўтарилганини сезди, кўйла-
ги бошига сидирилиб чиқди, чўяндай қаттиқ қўл
икки елкаси орасидан чангалаб тутди, оёқ бар-
моқларининг учи ерда судралди, уни олови сўнган
ўчоқ олдидаги ўриндиқларга оғир чўккан опача-
лари олдидан судраб ўтишди, онаси билан холаси
бир-бирларини қучоқлаб ўтиришган каравот ол-
дига олиб боришди.

– Ушла уни, – деди отаси. Холаси улар томонга
талпинди. – Йўқ, сен эмас, – деди отаси. – Ленни,
маҳкам ушла, қўйиб юборма!

Онаси болани кўлидан тутди.

– Йўқ, маҳкам тут. Агар қўлингдан чиқиб кетса,
у, биласанми, нима қилади? У ановларникига чо-
пади. – Отаси бошини қимирлатиб йўлни кўрсат-
ди. – Балки уни бойлаб қўйган яхшидир.

– Мен уни маҳкам ушлаб тураман, – деди онаси.

– Қара, қўйиб юборма.

Кейин отаси кетди, унинг бир маромдаги оғир
қадам товушлари ниҳоят тинди.

Шунда бола ўзини у ёқдан бу ёққа отиб юлқина
бошлади. Онаси уни иккала қўли билан қучоқлаб
олди, у эса ўзини ҳар томонга урарди, барибир
чиқиб кетаман дегандай. Аммо вақт зиқ эди.

– Қўйворинг! – қичқирди бола. – Қўлингиз оғрийди!

– Қўйвор уни, – деди холаси. – У бўлмаса, мен ўзимоқ бориб айтаман уларга!

– Мен бундай қилолмайман, биласан-ку, – йиғлади онаси. – Сарти! Сарти! Қўй! Ёрдам берсанг-чи, Лиззи!

Бироқ бола алоҳа юлқиниб чиқди. Холаси уни тутиб қолмоққа уринди, аммо иложи бўлмади. У ўқдай учиб кетди. Онаси қоқилиб йиқилди, тиззаларида судраларкан, қизларидан бирига қичқирарди:

– Ушла уни, Нетти, ушла!

Аммо иложи бўлмади. (Опа-сингиллар эгизак эдилар, уларнинг ҳар бирови вазнига ва ҳажмига кўра, қайси бирига бўлмасин, оила аъзоларининг иккитасига тўғри келишарди.) Нетти ҳатто ўтирган жойидан қўзғалиб улгурмади, фақат лоқайдлик акс этган юзини ўгириб, унга худди сигирга ўхшаб бақрайиб қаради. Бола эса уйдан отилиб чиқди, йўлнинг билқиллаб ётган юмшоқ тупроғини босиб, димоғига учқатларнинг гупурган ҳидлари урилиб, югура кетди; оёқлари остидаги бўз тупроқли йўл жуда секин айланаётганга ўхшарди; мана, ниҳоят, дарвоза, яна озроқ, яна озроқ, юрак гурсиллайди, нафас томоққа тиқилади; хиёбондан югуради, олдинда чироқлар ёнган уй, чироқлардан чароғон эшик. Бола тақиллатиб ўтирди дейсизми, у бўғзидан бир сўз чиқаришга мажоли етмай, ҳаллослаб ҳансираганча уйга отилиб кирди; дафъатан сурп куртка кийган негрнинг донг қотиб, қути ўчган бетини кўрди, лекин у қаердан пайдо бўлганлигини идрок қилолмади.

– Де Спейн! – деб қичқирди бола жони борича. – Де Спейн борми... – Шунда у зал эшигидан чиқиб келаётган ўша оқ танли кишини кўрди. – Омбор! – қичқирарди бола. – Омбор!

– Нима? – сўради киши. – Омбор?

– Ҳа! – қичқирарди бола. – Омбор!

– Ушла уни! – қичқирди киши.

Аммо яна иложи бўлмади. Негр уни кўйлагидан тутди, лекин йилларча ювилавериб тўзгиган кўйлакнинг энги негрнинг қўлида узилганча қолди, бола ўзини эшикка урди ва яна хиёбондан чопиб кетди, у, ахир, шунча пайтдан бери бир зум тўхтагани ҳам йўқ, ҳатто оқ танли кишини огоҳлантираётганда ҳам тўхтамади.

Орқасидан овоз эшитилди:

– Отни олиб кел! Тезроқ!

Бола дарахтзорларни тўғри кесиб ўтиб, четан деворни ошиб йўлга чиқмоқчи бўлди, аммо на парк ичини ва на хмел билан қопланган деворнинг паст-баландлигини билар, шунинг учун юраги дов бермасди. У хиёбондан ўқдай учиб борар, чакка томирлари қаттиқ лўқиллар, харс-харс нафас оларди; ана, ниҳоят, йўлга чиқди, буни оёғи тупроққа ботганда билди. Унинг кўзи кўрмас, қулоғи чиппа битган, сал бўлмаса, гурсиллаб чопиб келаётган от остида қолиб кетай деди, бола эса ҳамон тўхтамай югурар, гўё қайғу-аламининг зўри унга қанот бағишлаётгандек эди; бола охиригача йўлдан четга чиқмади, фақат сўнгги дамда қамиш ўсган жарга қулади, шунда фақат бир зумгагина юлдузлар қаҳрли йўртиб бораётган отнинг ваҳимали шарпасини тўсиб қолдилар, сўнг от даҳшатли тасир-тусур солиб ёнидан ўтиб кетди; ҳали отлиқ кимса кўздан ғойиб бўлмади туриб, яна осуда осмон унинг бошига оғир даҳшат солиб ағдарилди; бирдан ақд бовар қилмас, гунг ва туганмас гирдобланган ўкирик янгради ва яна унинг кўзларидан юлдузларни тўсди-қўйди, бола ўрнидан дик этиб туриб, сакраб йўлга чиқди ва энди ҳеч нарсанинг иложи қолмаганлигини билган ҳолда яна чопиб кетди, у ўқ товушини, кейин яна икки марта ўқ

узилганлигини эшитганида ҳам, барибир ҳали чопиб борарди, кейин ўзи англамаган ҳолда тўхтади ва «Ота! Ота!» – деб қичқирди – у ўзи англамаган кўйи яна югуриб борар, нималаргадир қоқилар, тояр, нималарнидир оралаб ёриб ўтар ва яна тинмай чопар, ҳатто орқасига ўтирилиб қараб ўт яллиғларини кўрганда ҳам у елиб борарди; у кўзи кўрмаётган дарахтларга урилар, ҳансирар ва ич-ичидан инграрди: «Ота! Ота!»

Ярим кечада у адир тепасида ўтирарди. У тун ярим бўлганини ҳам, ўзининг қаердалигини ҳам билмасди. Аммо орқасида энди яллиғлар кўринмасди, фақат тўрт кунгина унга бошпана бўлган уйга тескари қараб ўтирар, олдида қоронғи ўрмонлар ястаниб ётарди, энди у зим-зиё қоронғиликда кичкина мурфак жони билан титраб-қақшаб чувринди юпқа кўйлагига ўралиб бу ўрмонларга кирганда юрагини қўрқув ва даҳшат эмас, ноумидлик ва азоб қамраб олади, ҳа, фақат ноумидлик ва азоб. «Отам! Менинг отам...» ўйлади бола.

– У мард одам эди! – деб қичқирди у бирдан, аммо қичқиргани пичирлаш янглиғ эшитилди. – У ботир. У урушда бўлган! У полковник Сарториснинг отлиқ полкида хизмат қилган! – деб қичқирарди, у отаси урушга кўнгилли бўлиб борганлигини билмасди, илгари Европада ландскнехтлар²⁸ шундай қилишган. Отаси ҳарбий кийим киймаган, устидан ҳеч кимнинг қўмондонлигини тан олмаган, ҳеч қайси қўшин ёки байроққа қасамёд қилмаган, ўзини ҳеч нарсага боғлашни истамаган. Бир замонлар Малбрук²⁹ нимага урушга борган

²⁸ Ландскнехт – Ўрта асрда Европада ёлланган аскар.

²⁹ Малбрук – французлар устидан шонли ғалаба қозонган инглиз герцоги Жон Черчилл Малборонинг тасодифий ўлими ҳақидаги француз халқ қўшиғи. Бу ўринда ўша герцогга ишора қилинган.

бўлса, худди шу мақсадда борган; ўлжа илинжида бўлган, кимни талайди, душманними ё бошқани, буни ўйлаб ўтирмаган, фарқига бормаган.

Осмонда юлдузлар туркумлари оҳиста силжирди. Тезда тонг отади, қуёш чиқади, оч қолади. Лекин бунинг фурсати эртага, ҳозир эса у совқотди, юрса, танаси исийди. У бироз нафасини ростлади ва ўрнидан туриб юришга чоғланди, кейин у музлаб ухлаб қолганини англади, чунки тонг оқарган эди ва тун тугаганди. Эчкиэмарлар хониши буни тасдиқларди. Ҳали ҳамма ёқда, ҳали қорайиб турган дарахтлар орасида уларнинг тинмаган, безор қиладиган, кун чиққан сайин зўрайиб борадиган куйлари янграрди, аммо тез орада улар ўз ўрнини қушлар сайроғига бўшатиб беради. Бола ўрнидан турди. Увишиб қолган оёқларини ёзолмади, аммо юрса, тез орада бу ўтиб кетади, бадани исийди – ахир, тезда қуёш чиқади. У тепадан пастга, қорайган ўрмонзорларга тушиб борди, у ерларда қушларнинг кумушдек янгроқ сайрашлари жарангларди – баҳор наҳорининг куйга ташна юраги кучли зарб билан бетўхтов дукурлаб урарди. Бола орқасига қайрилмади.

ҚОРОНҒИ ТУШГАНДА³⁰

Иброҳим Гафуров
таржимаси

I

Энди Жефферсонда душанба ҳафтанинг бошқа кунларидан ҳеч нимаси билан фарқ қилмайди. Кўчаларга тош ётқизилган, телефон ҳамда электр компаниялари кундан-кунга соя-салқин дарахтлар – эманлар, акаслар, заранглар, қайрағочларни тағ-тубидан қирқиб – ўрнига тўлғин, шаффоф, туссиз узум бошлари осилган темир устунлар ўрнатишади; бизда ҳам шаҳар кирхонаси бор, душанба куни эрталабдан бўёқлари ялтираган автомобиллар шаҳарни айланиб юради; бир ҳафта давомида тўпланиб қолган киркийим-кечакларга тўлган ҳолда ён-верингдан худди шарпадек ўтади, автомобилларнинг карнайлари жиртак чалиб ғат-ғут қилади, асфальт устида худди ипак мато шариллатиб йиртилаётгандек шиналарнинг шариллаши эшитилади; одатда, оқ танлиларнинг кийимларини ювадиган негр хотин-қизлар либос-анжомларни автомобилларда ташишади.

Аммо бундан ўн беш йил бурун душанба куни эрталаблари сокин салқин чанг-чунг кўчалар негр аёлларга тўлиб кетарди, улар ўзларининг шол рўмол танғилган бақувват бошларида катталиги бир той пахтадек келадиган чойшаб тугунларни кўтариб, уларга қўлларини теккизмай оқ танлиларнинг ошхоналари остонасидан то негрлар маҳалласида-

³⁰ Асар 1929 йилда ёзилган «Шаҳарча» китобига кирган.

ги ҳужралари олдида ўрнатилган қорайиб кетган қозонгача элтардилар.

Нэнси³¹ боши тепасига кир солинган тугунни ўрнатиб, тугуннинг устига қора похол шляпасини жойлаштирар, бу шляпа қишин-ёзин унинг бошидан сира тушмасди. Унинг бўйи баланд, товоқдек сумрайган юзининг ёноқлари бўртиб чиққан, ёноқлари остида юзи чуқурчадай бўлиб турар – жағларида бир талай тишлари етишмасди. Баъзида биз унга кўчада то ўтлоққача эргашиб борар, бошидаги тугунни чаққон кўтариб боришини томоша қилардик; энг тепага ўрналган шляпаси ҳеч қачон қимир этмас, қийшаймас ва ҳатто жарга тушиб, ундан юқорига чиқаётганда ёки четанлар орасидан ўтаётганда ҳам қимирламасди. У чўкка тушиб туйнукдан судралиб, бошини адал тутиб ўтганларида ҳам тугун бошида маҳкам турар, худди калласи узра ҳаво тўлдирилган пуфак шар сузиб кетаётгандек кўринарди, кейин яна иккала оёғида тик турар ва йўлига кетаверарди.

Гоҳида кир кийимларни олиб кетгани кир ювувчи аёлларнинг эрлари келишарди, лекин Иисус ҳеч қачон Нэнси учун бундай қилмасди, ҳали отамиз уни бизникига киритмай қўйгандан анча илгари, ҳатто Дилси³² касал бўлиб ётиб қолганида Нэнси унинг ўрнига бизникига келиб кир-чирларни ювиб, ош-овқатга қараганда ҳам, ҳеч қачон бундай қилмасди.

Ҳар кун и эрталаб Нэнсининг уйига югуриб бориб, уни тезроқ келиб нонушта тайёрлашга чақирардик. Биз жар ёқасида тўхтаб турардик, чунки

³¹ Виргиния университети талабалари Фолкнер билан учрашувда нега персонажга бундай исм қўйдингиз, деб сўрашганда, адиб Миссисипи негрлари орасида бу исм тарқалганини айтганди.

³² Бу персонаж Фолкнернинг «Роҳибага марсия» ҳикоясида ҳам пайдо бўлади.

отамиз бизга Иисус билан гаплашгани ижозат бермасди. Иисус башарасида чуқур тиф изи чандиқ бўлиб қолган чорпақил негр киши эди, биз жар ёқасида туриб Нэнсининг уйига майда тошларни отар, ниҳоят, у қип-яланғоч ҳолда эшикда кўринарди.

– Бу нима қилиқ, тош отиш! – дерди Нэнси. – Нима керак сиз шумтакаларга?

– Отам сени дарров келиб нонушта тайёрласин деди, – бидирларди Кэдди. – Отам нонушта ярим соатга кечикди, деяпти, сен тез бораркансан.

– Нонуштасиз туropolмас экансизлар-да, а! – дерди Нэнси. – Ухлагани қўймайсизлар.

– Нима бало, мастмисан, – дерди Жейсон. – Отам сени маст деяпти. Сен мастмисан, Нэнси?

– Ким айтди шуни? – дерди Нэнси. – Уйқуни ҳаром қиласизлар. Нонушта қилмай туролмайсизларми?

Биз яна бир қанча тошлар отиб, сўнг уйга қайтардик. Ниҳоят, Нэнси уйимизга етиб келганда, мен мактабга аллақачон кечиккан бўлардим. Биз Нэнси қамоққа олингунча буларнинг ҳаммаси унинг виски ичганидан деб ўйлардик. Нэнсини қамоққа олиб кетишаётганда, йўлда уларга жаноб Стовел дуч келиб қолди – бу киши банкда кассир ва баптистлар черковининг оқсоқоли бўлиб ишларди. Нэнси уни кўрган заҳоти лаби лабига тегмай шақиллай кетди:

– Сиз қачон менга ҳақимни берасиз, жаноб? Қачон менга пулимни тўлайсиз, жаноб? Меникига уч марта бордингиз, ҳалиям ҳақимни тўламайсиз...

Жаноб Стовел уни қаттиқ урди, Нэнси ерга йиқилди, аммо шунда ҳам унинг жағи тинмасди:

– Сиз қачон ҳақимни берасиз, жаноб? Меникига уч марта бордингиз, мен шу пайтгача...

Шунда жаноб Стовел уни товони билан юзига қараб тепди, шериф уни нари сурди, Нэнси эса ерда ағаниб ётганча куларди. У бошини кўтариб

бурилди-да, қон аралаш тушган тишини тупуриб ташлади, сўнг деди:

– Менга уч марта борди-ю, бир цент ҳам тўламади.

Ўша куни ҳамманинг оғзида Нэнси билан жаноб Стовел бўлди, кечаси эса қамоқхона ёнидан ўтганлар Нэнсининг қўшиқ айтгани ва додлаганини эшитишди. Пастдан унинг дераза панжараларини чангаллаган қўллари кўринарди, қамоқ девори олдида анча одамлар тўпланди. Ҳаммалари унинг бақираётганини томоша қилиб туришарди, назоратчи унинг оғзини юмишга, тинчитишга уринарди. Аммо у оғзини юммас, кечаси билан додлаб бақириб чиқди; тонг қоронғисида назоратчи юқорида нимадир тарақлаб, чийиλλαётгани, деворни тирнаётганини эшитиб қолди: у юқори қаватга чиқиб, Нэнси дераза панжарасига ўзини осганини кўрди. У кейин гап вискида эмас, кокаинда деб юрди: агар негр бурнига тўйиб кокаин тортмаса, ҳеч қачон ўзини ўлдирмайди, деди. У кокаин тортгандан кейин негрга ҳам ўхшамай қолади.

Назоратчи Нэнсини сиртмоқдан чиқариб, ҳушига келтирди, кейин хумордан чиққунча калтаклади. Нэнси кўйлагини арқон қилиб, ҳаммасини жойига қўйиб ўзини осган экан. Уни қамоққа олиб кетишаётганда, эғнида фақат кўйлаги бор экан, қўлини бойлашга бошқа нарса топилмаган, кейин у қўлларини дераза токчасидан тортиб ололмаган. Ана шунда назоратчи юқорида бўлаётган шовқинни эшитиб, югуриб чиққан у Нэнси панжарада қип-яланғоч осилиб турганини кўрган.

Дилси бетоб бўлиб қолиб, ўз кулбасида кўрпаёстиқ қилиб ётганди, Нэнси бизникига келиб ош-овқат тайёрларди, биз шунда унинг қорни устида фартуғи дўмпайиб турганини пайқаганмиз. Бу Иисусни отамиз бизникига келтирмай қўйганидан

илгарироқ бўлганди. Иисус ошхонада плита ёнида ўтирар, унинг қоп-қора юзидаги чандиқ худди кир чизимчага ўхшаб кўринарди. У бизга Нэнсининг кўйлаги тагида тарвузи бор, деди. Ваҳоланки, қиш пайти эди.

– Қишда тарвузни қаердан олдинг? – сўраб қолди Кэдди.

– Мен олганим йўқ, – жавоб берди Иисус. – Бу менинг совғам эмас. Менданми, мендан эмасми, барибир бир кун уни сўйиб ташлайман.

– Нега болалар олдида бундай гапиряпсан? – деди Нэнси. – Нега ишга борма йтирибсан? Нима, жаноб Жейсон сенинг бу ерда ўтириб болалар олдида валдираётганингни эшитсинми?

– Нимани валдираяпти? У нимани валдираяпти, Нэнси? – сўради Кэдди.

– Мен оқ танли одамнинг ошхонасига кирмаслигим керак, – деди Иисус. – Менинг ошхонамга эса оқ танли одам кирса бўлаверади. У уйимга кириб келаверади, мен кирма деёлмайман. Оқ одам менинг уйимга кирдими, тамом, энди у менинг уйим эмас. Мен унга кирма деёлмайман, майли, лекин у мени ўз уйимдан ҳайдаб чиқаролмайди. Йўқ, бу унинг қўлидан келмайди.

Дилси ҳалиям тузалгани йўқ. Отамиз бизнинг уйимизга Иисус келишини тақиқлаб қўйди. Дилси ҳалигача касал ётарди. Узоқ оғриб ётди. Бир куни кечки овқатдан сўнг кабинетда ўтиргандик.

– Нима, Нэнси ишини тугатдими? – сўраб қолди ойим. – Шу вақтгача аллақачон идиш-товоқни ювиб қўйса бўларди.

– Квентин бориб қарасин, – деди отамиз. – Квентин, бориб қара-чи, Нэнси ишини тугатдими, йўқми? Айт унга, уйига кетаверсин.

Мен ошхонага йўл олдим. Нэнси ишини битирган экан. Идиш-товоқ йиғиштирилган, ўчоқда ўт

ўчирилган. Нэнси ўчган плита олдида курсида ўтирган экан. У менга қаради.

– Ойим ишингни қилиб бўлдингми, йўқми, деб сўраяпти, – дедим мен.

– Ҳа, – деди Нэнси; у менга қаради. – Ишимни бўлдим. – У яна менга қаради.

– Нима қилди, Нэнси? – сўрадим. – Сенга нима бўлди?

– Мен қора хотинман, холос, – деди Нэнси. – Лекин бу менинг айбим эмас-ку.

У бошида похол шляпаси билан ўти ўчган плита ёнида ўтирар ва кўзини мендан узмасди. Мен кабинетга қайтиб келдим. Плита ўчгани учун бўлсамикин, ошхона ошхонага ўхшамасди, ахир, одатда ошхона иссиққина бўлади, ҳамманинг димоғи чоғ, ҳамма нима биландир банд. Ҳозир эса плита ўчган, идиш-товоқ йиғиштириб қўйилган, бунақа пайтда ҳеч ким овқат ейишни ўйламайди.

– Нима, ишини қилиб бўлибдими? – сўради ойим.

– Ҳа, ойи, – дедим.

– Ўзи нима қиляпти? – сўради ойим.

– Ҳеч нима. Ўтирибди.

– Бориб қарай-чи, – деди отам.

– У Иисусни кутаётгандир, уйга кузатиб қўяди деб, – деди Кэдди.

– Иисус кетиб бўлган, – дедим.

Нэнси бир куни эрталаб уйқудан кўзимни очсам, ёнимда Иисус йўқ, деб ҳикоя қилиб берганди.

– Мени ташлаб кетди, – деди Нэнси. – Менимча, Мемфисга кетган. Полициядан қочиб юрибди, шекилли.

– Ундан қутулганингга худога шукр қил, – деди отамиз. – Шояд ўша ерда қолиб кетса.

– Нэнси қоронғидан қўрқади, – деди Жейсон.

– Сен ҳам қўрқасан, – деди Кэдди.

- Ҳечам-да, – деди Жейсон.
- Қўрқоқ! – деди Кэдди.
- Ҳечам-да, – деди Жейсон.
- Кэндейси! – хитоб қилди ойим.
- Отам кириб қолди.
- Мен Нэнсини бироз кузатиб қўяман, – деди у.
- У Иисус қайтиб келди деяпти.
- Уни кўрибдими? – сўради ойим.
- Йўқ. Битта негр айтибди, уни шаҳарда кўришибди. Мен тез келаман.
- Нэнсини кузатиб келгунингча мен ёлғиз ўтираманми? – деди ойим. – Уни кўриқлайсану мени кўриқламайсанми?
- Мен тез қайтаман, – деди отам.
- Ўша негр шу ерларда изғиб юрибди, сен болаларни ёлғиз қолдирасанми?
- Мен ҳам бораман, – деди Кэдди. – Майлими, ота?
- Болаларингни бошига урадимми у? – деди отам.
- Мен ҳам бораман, – деди Жейсон.
- Жейсон! – деди ойим. Унинг овозига қараганда, отамга гапираётгани аниқ эди. Ўзича шундай демоқчи эди: кун бўйи мени қандай қилиб қаттиқ хафа қилишни ўйлаб юрди, мен барибир билардим у бир нарсани ўйлаб топишини. Мен жимгина ўтирардим, биз отам иккимиз билардикки, агарда ойим мени сезиб қолса, албатта, отамнинг сен ойинг билан қол, деб айтишини хоҳларди. Шунинг учун отам ҳатто менга қарамасди. Мен тўнғич фарзанд эдим. Мен тўққизга, Кэдди – еттига, Жейсон – бешга киргандик.
- Аҳмоқлик! – деди отам. – Биз тезда қайтиб келамиз.
- Нэнси шляпасини кийиб тайёр бўлиб турарди. Биз тор кўчага чиқдик.
- Иисус доим менга яхши муомала қилган, – деди Нэнси. – Икки доллар пул ишлаб топса, доим бир долларини менга берган.

Биз тор кўчадан юриб борардик.

– Фақат тор кўчадан ўтиб олсак, бас, – деди Нэнси, – у ёғига ўзим кетавераман.

Тор кўча доим қоронғи бўларди.

– Барча авлиёлар куни Жейсон мана бу ерда қўрқувди, – деди Кэдди.

– Ҳечам-да, қўрқмаганман.

– Холаси Рэйчел уни тартибга сололмайдимиз? – сўради отам.

Рэйчел хола қариб-қартайиб қолган эди. У Нэнсига яқин кулда туради. Унинг сочлари оқарган, энди ишламасди, уззукун остонага чиқиб ўтирар, тамаки чекарди. Айтишларича, Иисус унинг ўғли эди. Баъзан у ҳа, шунақа, дерди, баъзан менинг ҳеч кимим эмас, деб бош тортарди.

– Йўқ, сен қўрқдинг, – дерди Кэдди. – Сен Фронидан ҳам баттар қўрқдинг. Негрдан ҳам баттар.

– Ҳеч ким уни ҳеч нарса қилолмайди, – дерди Нэнси. – Мен унинг девини уйғотиб юборган эмишман. Энди унинг кўнгли жойига тушмайди, токи...

– Бўпти, майли, – деди отам, – у кетиб қолди-ку. Энди қўрқмасанг ҳам бўлади. Фақат оқ танлилар билан гап-сўзга қолиб юрмасанг бўлди.

– Нега гап-сўзга қоларкан? – сўради Кэдди. – Қанақа оқ танли одамлар?

– У кетмаган, – деди Нэнси. – Юрагим сезиб турибди, у шу ерда. Мана шу тор кўчада. Ҳар бир сўзимизни эшитяпти. Бир жойга беркиниб, пойлаяпти. Мен уни кўрганим йўқ, энди фақат қўлида пичоқ кўтариб келганини кўрсам керак. Пичоқни чизимчага бойлаб елкасига кўйлаги тагидан осиб юради. Кўрсам, ажабланмайман.

– Мен ҳечам қўрққанам йўқ, – деди Жейсон.

– Агар сен ўзингни тутиб юрганингда, ҳеч нарса бўлмас эди, – деди отам. – Аммо энди кеч. У ҳозир

Сент-Луисда бўлса керак, ўзига аллақачон бошқа хотин топиб олган, сени эсидан ҳам чиқаргандир.

– Шунақа бўлса агар, – деди Нэнси, – мен буни билмаганим маъқул. Бўлмаса, мен уни шундоқ қўймайман, билдингизми! Қани, уни бир қучоқлаганини кўрай-чи, қўллари чопиб ташлайман! Калласини оламан, ўша хотиннинг қорнини ёраман, мен...

– Жим-м! – деди отам.

– Кимнинг қорнини, Нэнси? – сўради Кэдди.

– Мен ҳечам қўрққаним йўқ, – деди Жейсон. – Хоҳлайсанми, мен тор кўчадан бир ўзим ўтаман?

– Қанақасига! – деди Кэдди. – Биз бўлмасак, тирақайлаб қочасан!

II

Дилси ҳалиям касал ётарди ва биз ҳар оқшом Нэнсини уйига кузатиб қўярдик. Ниҳоят, ойимнинг тоқати тоқ бўлди.

– Қачонгача бу шундай давом этади? Мен ҳар куни кечқурун ҳеч ким йўқ уйда бир ўзим қолавераманми, сен қўрқоқ негр хотинни кузатиб кетаверасанми?

Нэнсига ошхонада тўшак тўшаб беришди. Бир куни кечаси биз аллақандай товушдан уйғониб кетдик, товуш пиллапоя тагидаги қоронғиликдан келар, дам куйга, дам йиғига ўхшарди. Ойимнинг хонаси ёруғ эди, биз отам йўлакка чиққанини эшитдик, кейин у четки зинага ўтди, биз ҳам Кэдди билан йўлакка қараб чопдик. Пол муздек совуқ эди. Оёқларимизнинг бармоқлари совуқдан чангак бўлиб қолди, биз товушларга қулоқ тутиб турдик. Бу товуш куйга ҳам ўхшар, куй ҳам деб бўлмас – негрларнинг ишларини баъзан англаб етолмайсан киши.

Кейин товуш ўчди, отам пиллапоядан пастга тушаётганини эшитдик, биз ҳам зина панжараси олдига келиб тўхтадик. Кейин яна ўша овоз энди зинадан оҳиста эшитила бошлади, биз деворга яқин зина устида Нэнсининг кўзларини кўрдик. Унинг кўзлари худди мушукникидек ёниб турар, худди девор олдига катта мушук яшириниб бизга тикилиб тургандек эди. Биз бир неча зинани босиб пастга тушганимизда, у овоз чиқаришни бас қилди ва биз шу ерда то отамиз қўлида тўппонча билан ошхонадан чиқиб келмагунча туравердик. Отам Нэнси билан бирга пастга тушди, кейин улар орқага қайтиб Нэнсининг тўшагини олиб келишди.

Тўшакни биз ётадиган болалар хонасига жойлаштиришди. Ойимнинг хонасида чироқ ўчгандан кейин, яна Нэнсининг кўзи йилтирай бошлади.

– Нэнси! – пичирлади Кэдди. – Сен ухлаганинг йўқми, Нэнси?

Нэнси нимадир деб пичирлади, мен яхши эшитмадим. Пичирлаган товуш қоронғида қаердан келаётганлигини билиб бўлмасди, худди номаълум ёқдан ўз-ўзидан чиқаётгандек эди, Нэнси ҳам у ерда йўқдай эди, кўзлари ёниб турганлигининг сабаби шунда эдики, ҳали зинада турганимизда мен жуда диққат билан унга тикилган эдим, шундан улар менинг қорачиқларимда ўрнашиб қолганди, қуёшга тик қараб, сўнг кўзингни юмсанг, ана шундай бўлади.

– Худойим! – хўрсинди Нэнси. – Худойим!

– У ерда Иисусни кўрдингми? – пичирлади Кэдди. – У ошхонага кирмоқчи бўлдимми?

– Худойим, – деди Нэнси. У: «Худооойййимм», – деди, пичирлаш шу билан шам пилигидай ё гугурт алангасидай сўнди.

– Сен бизни кўряпсанми, Нэнси, – шивирлади Кэдди. – Сен ҳам бизнинг кўзларимизни кўряпсанми?

– Мен бир қора хотинман, холос, – деди Нэнси. – Худойим билади, худойим билади...

– Ошхонада нима бўлди? – шивирлади Кэдди. – Нима, кирмоқчи бўлдимиз?

– Худойим билади, худойим билади, – деди Нэнси. Биз унинг кўзига қараб турардик.

Дилси соғайиб кетди. У қозон-товоққа қарай бошлади.

– Сен яна бирон кун ётсанг бўларди, – деди отамиз.

– Нима кераги бор? – деди Дилси. – Яна бир кун ётсанг, бу ернинг чанги осмонга чиқиб кетади. Қани, бу ерни бўшатишлар-чи, мен бир ошхонани тартибга келтирай.

Кечки таомни ҳам Дилси пиширди. Кечқурун қош қорайганда ошхонага Нэнси келди.

– Қаердан биласан унинг қайтиб келганини? – сўради Дилси. – Сен, ахир, уни кўрганнинг йўқ-ку?

– Иисус – қора ялоқ, – деди Жейсон.

– Кўнглим сезяпти, – деди Нэнси, – у жарда яшириниб юрибди, кўнглим сезяпти.

– Ҳозир-а? – сўради Дилси. – Ҳозир у ўша ердами?

– Дилси ҳам қора, – деди Жейсон.

– Бирон нарса еб олсанг бўларди, – деди Дилси.

– Кўнглим тиламаяпти, – деди Нэнси.

– Мен эса қора эмасман, – деди Жейсон.

– Қаҳва ичгин, – деди Дилси. У Нэнсига идишда қаҳва қуйиб берди. – Сенингча, у ҳалиям ўша ердами? Сен қаердан биласан?

– Биладан, – деди Нэнси. – Ўша ерда пойлаб турибди. Шунча вақт у билан бекорга яшаганим йўқ. Мен доим унинг нима қилишини биладан, ўзи билмаганда ҳам, мен билиб тураман.

– Қаҳвангни ичиб ол, – деди Дилси.

Нэнси қаҳвани оғзига олиб борди-да, уни пуфлади. Оғзи худди резинкадай чўзилди, қаҳвани

пуфлаганда гүё бутун қизиллиги ўчиб кетгандай лаблари оқариб қолди.

– Мен қора эмасман, – деди Жейсон. – Сен қорамисан, Нэнси?

– Мени худо урган, – деди Нэнси. – Тез кунда мендан ҳеч нима қолмайди. Тез орада қайдан келган бўлсам, ўша ерга кетаман.

III

У қаҳвасини ҳўплай бошлади. Қаҳва идишни икки қўлининг кафтида тутаркан, уни ича туриб, яна ўша товушни чиқаришга тушди.

Товуш қаҳва идишга ўтиб, ичидаги қаҳва чайқаларди ва Нэнсининг қўлига, этагига тўкиларди. Унинг кўзлари биздан узилмасди; у қаҳва идишни кафтлари орасига олиб, иккала қўлини тиззасига тираб, қаҳва тўла идиш оша бизга қараганча ўша товушни чиқарарди.

– Нэнсига қара, – деди Жейсон. – Дилси келгани учун Нэнси бизга овқат пиширмапти.

– Жим ўтирсанг-а, – деди Дилси.

Нэнси қаҳва идишни икки қўллаб ушлаб, бизга қараб ҳалиги товушни пуркар, худди бир эмас, иккита Нэнси борга ўхшарди: бири бизга қарар, иккинчиси товуш чиқарарди.

– Нега жаноб Жейсон телефонда шерифга айтиб қўйишини истамаяпсан? – сўради Дилси.

Нэнси қаҳва идишни катта қора қўлларида тутганча, жимиб қолди. У қаҳвани лабига олиб бориб ҳўпламоқчи бўлди, лекин қаҳва чайқалиб қўли ва тиззасига тўкилди-ю, у идишни четга қўйди. Жейсон ундан кўзини узмасди.

– Оғзимдан ўтмаяпти, – деди Нэнси. – Ютмоқчи бўлсам, томоғимга тиқилиб қоляпти.

– Менинг хонамга бор, – деди Дилси. – Фрони жой солиб беради, мен ҳам ҳозир бораман.

– У қандайдир қора-қуралардан кўрқиб ўтирармиди? – деди Нэнси.

– Мен қора эмасман, – деди Жейсон. – Дилси, мен қорамасман, тўғрими?

– Шунақага ўхшайди, – деди Дилси. У Нэнсига қараб қолганди. – Шунақага ўхшайди. Қани, нима қилмоқчисан ўзи?

Нэнси бизга кўз югуртирарди. У қимир этмас, аммо кўзлари худди ҳаммасини кўрмай қолишдан кўрққандек, жуда тез аланг-жалаң қиларди, у бизга қарар, учаламизга бирдан қарарди.

– Сизнинг хонангизда ётиб қолганим эсингиздами? – деди у.

У биз эрта тонгда уйғониб ўйнагани ўтирганимизни ҳикоя қилиб бера бошлади. Биз то отамиз уйқудан тургунча Нэнсининг тўшаги устида ўйнаган эдик, кейин Нэнси пастга тушиб нонушта тайёрлаганди.

– Ойингиздан сўранг, мен бугун ҳам сизлар билан ётиб қолай, – деди Нэнси. – Менга тўшакнинг ҳам кераги йўқ. Биз яна бирга ўйнаймиз.

Кэдди ойимга борди. Жейсон ҳам унга қўшилди.

– Мен қаланғи-қасанғи қоралар уйимизда ётиб қолишларига йўл қўёлмайман, – деди ойимиз.

Жейсон йиғлади. Агар шундай йиғлайверсанг, уч кунгача ширинлик емайсан, деди ойимиз. Шунда Жейсон агар Дилси шоколад торт қилиб берса, бошқа йиғламайман деди. Отамиз ҳам шу ерда эди.

– Нега ҳеч нарса қилмай қараб ўтирибсан? – деди ойим. – Полиция нима қилиб юрибди?

– Нега Нэнси Иисусдан кўрқади? – сўради Кэдди. – Ойи, сиз ҳам отамдан кўрқасизми?

– Полициянинг қўлидан нима келади? – эътироз билдирди отам. – Нэнсининг ўзи кўрмаган бўлса, уни қаердан қидириш керак?

– Унинг нимасидан кўрқади?

– Нэнси у шу ерда, мен биламан, дейди. Ҳатто бугун ҳам шу ерда юрганмиш.

– Ахир, биз бекорга солиқ тўламасак керак, – деди ойим, – сен ҳар хил қора-қура хотинларни кузатиб юрасан, мен эса ҳувиллаган уйда ёлғиз қоламан, шу ҳам иш бўлдимми?

– Мен сени қўйнимга пичоқ яшириб таъқиб қилаётганим йўқ-ку, ахир, – деди отам.

– Дилси шоколад торт қилиб берса, мен йиғламайман, – деди Жейсон.

Ойим бизга чиқишга рухсат берди. Отам, билмадим, Жейсон шоколад торт оладими-йўқми, лекин ҳозироқ бу ердан жўнаб қолмаса, Жейсоннинг бошқа нарса олиши тайин, деб пўписа қилди. Биз ошхонага йўл олдик. Шу ерда Кэдди Нэнсига деди:

– Отам сени уйига борсин деди, эшикни беркитиб ўтирсин, ҳеч ким тегмайди деди. Сенга ким тегади, Нэнси? Иисусми? У сендан хафа бўлганми?

Нэнси ҳалиям қаҳва идишни тиззалари орасида икки қўллаб тутиб турар, тирсакларини тиззасига тираган эди. У қаҳва идишга кўзини тиккан эди.

– Нима қилиб Иисуснинг жаҳлини чиқардинг? – сўради Кэдди.

Нэнси қаҳва идишни тушириб юборди. Идиш синмади, фақат қаҳва тўкилди, Нэнси эса ҳамон қўлини ҳовуч қилиб турарди, худди қаҳва идишни тутгандай. Шунда у яна оҳиста бояги товушни чиқара бошлади. Куйга ўхшаб-ўхшамайди. Биз унга қараб турардик.

– Бўлди, бас! – деди Дилси. – Етар энди. Мунақа бўшашиш керак эмас. Шу ерда ўтира тур, мен бо-

риб Вершдан илтимос қиламан, сени уйга кузатиб қўяди.

Дилси чиқди. Икки кўзимиз Нэнсида эди. Унинг елкалари силкинарди, аммо энди индамасди. Кўзимизни ундан узмасдик.

– Иисус сени нима қилмоқчи? – сўради Кэдди. – Ахир, у кетган-ку.

Нэнси бизга қаради.

– Мен сизлар билан ётганимда роса хурсанд бўлгандим, а?

– Ҳечам-да, – деди Жейсон. – Мен ҳеч хурсанд бўлмаганман.

– Сен ухлаб қолувдинг, – деди Кэдди.

– Бизга қўшилганинг йўқ.

– Ҳозир меникига борайлик, яна бирга ўйнаймиз, – деди Нэнси.

– Ойим рухсат бермайди, – дедим. – Вақт кеч бўлиб қолди.

– Сиз эса унга айтиб ўтирманг, – деди Нэнси. – Эртага айтасиз. У хафа бўлмайди.

– Ойим рухсат бермайди, – дедим.

– Унга ҳозир айтманг, – деди Нэнси. – Унинг жонига тегманг.

– Ойим борманглар, деган эмас, – деди Кэдди.

– Виз сўрамовдик-ку? – дедим мен.

– Агар ҳозир борсанглар, мен айтиб бераман, – деди Жейсон.

– Биз бирга ўйнаймиз, – деди Нэнси. – Менинг уйимгача борамиз. Ойингизнинг жаҳли чиқмайди. Ахир, мен шунча вақтдан бери сизникида ишлайман. Ойингиз ва отангиз уришмайди.

– Мен бораман, мен қўрқмайман, – деди Кэдди. – Жейсон қўрқади, у ойимга айтиб беради.

– Мен қўрқмайман, – деди Жейсон.

– Йўқ, сен қўрқасан. Ойимга айтиб берасан.

– Айтмайман, – деди Жейсон. – Мен қўрқмайман.

– Жейсон мен боримда қўрқмайди, – деди Нэнси. – Тўғрими, Жейсон?

– Жейсон ойимга айтади, – деди Кэдди.

Тор кўча қоронғи эди. Биз орқа эшикдан ўтлоққа чиқдик.

– Агар эшик орқасидан бир нима чиқиб қолса, Жейсон додларди.

– Ҳечам додламасдим! – деди Жейсон.

Биз юриб кетдик. Нэнси баланд овозда гапирарди.

– Нега бундай овозингни баланд қилиб гапиряпсан, Нэнси? – сўради Кэдди.

– Ким? Менми? – сўради Нэнси. – Қаранг-а, нималар дейишяпти бу Квентин, Кэдди билан Жейсон, гўё мен бақириб гапираётган эмишман.

– Сен худди бу ерда бешинчи бир одам ҳам бордай қилиб гапиряпсан, – деди Кэдди. – Худди отам ҳам биз билан бирга бораётгандай.

– Ким бақириб гапиряпти? Менми, жаноб Жейсон? – деди Нэнси.

– Нэнси укамиз Жейсонни «жаноб» деди, – сўйлади Кэдди.

– Қаранглар, қандай гаплашишяпти, бу Кэдди, Квентин, Жейсон, – деди Нэнси.

– Биз ҳечам гаплашаётганимиз йўқ, – деди Кэдди. – Сен бир ўзинг гаплашяпсан, худди отам...

– Жим, – деди Нэнси. – Жим, жаноб Жейсон.

– Нэнси яна Жейсонни «жаноб» деди...

– Жим! – деди Нэнси.

Биз жардан ва четан орасидан ўтарканмиз, у тинимсиз бақириб гапириб борди, у ҳар доим бошида тугун билан шу четан орасидан ўтарди. Ниҳоят, биз уйга келдик. Биз жадал юридик. У эшикни

очди. Уйда лампа чироқ ҳиди анқирди, Нэнсининг ўзидан тарқаётган ҳид эса худди пиликнинг исига ўхшарди, худди янада кучлироқ ис таратиш учун улар бир-бирларини кутиб тургандай эди. Нэнси чироқни ёқди, эшикни ёпди, тамбалади. Шундан сўнг у бақриб гапиришни бас қилди ва бизга қаради.

– Энди нима қиламиз? – деди Кэдди.

– Ўзингиз нимани хоҳлайсизлар? – деди Нэнси.

– Ўзинг ўйнаймиз девдинг.

Нэнсининг уйида нимадир унча яхши эмасди, бу тарқалаётган ҳиддан бўлса керак. Буни ҳатто Жейсон ҳам сезди.

– Мен бу ерда қолишни истамайман, – деди у. – Мен уйга кетаман.

– Майли, бор, кетсанг, кетавер, – деди Кэдди.

– Бир ўзим кетмайман, – деди Жейсон.

– Мана ҳозир биз ўйнаймиз, – деди Нэнси.

– Нима ўйин? – сўради Кэдди.

Нэнси эшик олдида турганди. Унинг кўзлари бизда эди, лекин кўзлари ҳеч нарсани кўрмаётган-дек, бўм-бўш эди.

– Сиз нима ўйинни хоҳлайсиз? – сўради Нэнси.

– Бизга эртак айтиб бер, – деди Кэдди. – Сен эртак айтишни биласанми?

– Биламан, – деди Нэнси.

– Унда, айт, – деди Кэдди.

Биз Нэнсига қараб турган эдик.

– Сен ҳеч қанақа эртакни билмайсан-ку, – деди Кэдди.

– Йўқ, биламан, – деди Нэнси. – Мана, ҳозир сизларга айтиб бераман.

У бориб ўчоқ олдидаги курсига ўтирди. Ўчоқда ҳали сўнмаган чўғлар бор экан, у чўғларни аланга олдириди. Ўт олдиришга ҳожат бўлмади. Нэнси

оловни каттайтирди. Кейин эртак айта бошлади. У шундай сўйлар ва қарардики, худди кўзи ҳам, овози ҳам уники эмас, бошқа бегона бировникидай, ўзи ҳам худди бу ерда эмасдай эди. У қайдадир бошқа бир ерда, гўё ниманидир кутарди. У бу ерда уй ичида эмас, балки қаердадир ташқарида, қоронғилик ичида эди. Унинг овози шу ерда эди, танаси, вужуди шу ерда эди, анов бошида катта шардай тугун билан четан орасидан қилт этмай ўтадиган Нэнси эса ҳавол ҳамда вазнсизга ўхшарди. Шу вазнсиз пуфакдек вужудгина ва фақат шугина шу ерда эди.

–...Мана, ниҳоят, қиролича ёмон одам яшири-ниб турган жар ёқасига етиб келди. У жар ичига тушди-да, шундай деди: «Ишқилиб, мен жардан ўтиб олсам эди...»

– Қандай жар? – сўради Кэдди. – Бизнинг жарга ўхшаганми? У нега жарга тушди?

– Уйга етиб олиш учун, – деди Нэнси. – Уйга етиб олиш учун жарга тушиш керак эди.

– Нима қиларди у уйига бориб? – сўради Кэдди.

IV

Нэнси биздан кўз узмасди. У эртакни тўхтатди. Унинг кўзи бизда эди. Жейсоннинг оёқлари иштон ичидан чиқиб турарди. У кичкина бўлгани учун калта иштон кийиб юрарди.

– Бу ёмон эртак, – деди у. – Мен уйга кетаман.

– Рост, уйга кетайлик, – деди Кэдди ва полдан турди. – Бизни кутиб қолишгандир, қидиришаётгандир. – У эшикка қараб юрди.

– Йўқ, – деди Нэнси. – Очма.

У ўрнидан сакраб туриб, олдинга чопиб борди. Эшикка, ёғоч тамбага у қўл урмади.

- Нега? – деб сўради Кэдди.
- Юр, яна бирпас чироқ олдида ўтирайлик, – деди Нэнси. – Ўйнаймиз. Кетишга ҳали эрта.
- Биз қололмаймиз, – деди Кэдди. – Мабодо, жуда қизиқ ўйин бўлса, бошқа гап.
- У Нэнси билан ўчоқ олдига қайтди.
- Мен уйга кетаман, – деди Жейсон. – Мен ҳаммасини айтиб бераман.
- Мен бошқа бир эртақниям биламан, – деди Нэнси.
- У Кэддига қараб турар, лекин кўзлари косасидан чиқиб кетаётганга ўхшарди, чўпни бурун учида тутиб турмоқчи бўлиб, унга пастдан юқорига қараганда, шундай бўлади. Нэнси Кэддига тепадан пастга қараётгандай эди, шундай эса-да кўзлари косасидан чиқиб кетаётгандай кўринарди.
- Эшитгим келмаяпти, – деди Жейсон. – Оёғимни тапиллатаман.
- Бу яхши эртақ, – деди Нэнси. – Олдингидан анча яхши.
- Нима ҳақда? – сўради Кэдди.
- Нэнси чироқ олдида турарди. У чироқ шишасига қўлини тутди. Чироқ ёруғида қўли узун ва қора бўлиб кўринди.
- Қизиб турган шишани ушладинг, – деди Кэдди. – Қўлинг куймадими?
- Нэнси қўлига қаради. Уни секин шишадан олди. У Кэддига қараб турар ва қўлини шундай айлантитардики, худди қўли чизимчага осилганга ўхшарди.
- Яхшиси, бошқа бир нарса қилайлик, – деди Кэдди.
- Мен уйга кетаман, – деди Жейсон.
- Менинг жўхорим бор, – деди Нэнси. У Кэддига, кейин менга, кейин Жейсонга, кейин яна Кэддига қаради. – Кел, жўхорини қовурамиз.
- Мен жўхорини яхши кўрмайман, – деди Жейсон. – Мен попуқларни яхши кўраман.

Нэнси Жейсонга қаради.

– Сен товани дастасидан ушлаб турасан.

Нэнси ҳалиям қўлини айлантитарди. Қўли узун ва қоп-қора, худди суяги йўқдай эди.

– Майли, – деди Жейсон. – Агар товани ушлаб турадиган бўлсам, мен қоламан. Кэдди товани ушлаб туrolмайди. Агар Кэдди товани ушлаб турса, мен уйга кетаман.

Нэнси оловни кўтарди.

– Қара, Нэнси тўғри оловни ушляпти, – деди Кэдди. – Сенга нима бўлди, Нэнси?

– Жўхорим бор, – деди Нэнси. – Озгина бўлса ҳам, бор.

У каравот тагидан товани олди. Тованинг дастаси синган эди. Жейсон йиғлаб юборди.

– Ҳеч нарса қилиб бўлмайди, – деди у.

– Барибир уйга кетадиган вақт бўлди, – деди Кэдди. – Квентин, кетдик.

– Тўхтанглар, – деди Нэнси. – Тўхтанглар. Мен уни ҳозир тузатаман. Сен менга ёрдамлашмайсанми?

– Жўхори егим келмай қолди, – деди Кэдди. – Жуда кеч қолдик.

– Унда, сен менга ёрдам қил, Жейсон, – деди Нэнси. – Сен менга ёрдам берасан, тўғрими?

– Йўқ, – деди Жейсон. – Уйга кетаман.

– Керакмас, – деди Нэнси, – керакмас. Қараб тур, мана, менинг нима қилишимни. Мен ҳозир товани тузатаман, кейин Жейсон уни ушлаб туриб жўхорини қовуради.

У бир бўлак сим топди-да, тованинг дастасини маҳкамлади.

– Яхши ушламайди, – деди Кэдди.

– Яхши бўлади, – деди Нэнси. – Мана кўрасан. Энди менга жўхори пўстини арчишга ёрдамлашинглар.

Жўхори ҳам каравот остида экан. Биз уни арчиб, товага сола бошладик. Нэнси эса Жейсонга товани олов устида тутиб туришга кўмаклашди.

– У бодрамаяпти, – деди Жейсон. – Мен уйга кетаман.

– Шошма, – деди Нэнси. – Ҳозир ёрила бошлайди. Жуда қизиқ бўлади.

Нэнси оловга яқин ўтирарди. Чироқнинг пилиги ҳаддан ортиқ кўп кўтарилган экан, у лопиллаб тутаётган бўлади.

– Уни пасайтириб қўйсанг бўлмайдими? – деб сўрадим.

– Ҳечқиси йўқ, – деди Нэнси. – Мен кейин қурумини тозалайман. Қара: ҳозир ёрила бошлайди.

– Ёриладиганга ўхшамайди, – деди Кэдди. – Барибир уйга кетишимиз керак. Хавотир олишади.

– Йўқ, – деди Нэнси. – Ҳозир ёрилади. Дилси мен билан бирга кетганингизни айтади. Мен шунча вақт уйингизда ишладим. Мен билан келганингизга хафа бўлишмайди. Шошманг. Ана ҳозир ёрила бошлайди.

Шу вақт Жейсоннинг кўзига тутун кириб ачиштирди-да у йиғлашга тушди. У товани олов ичига тушириб юборди. Нэнси латтани хўллаб Жейсоннинг юзини артди, у эса йиғидан тўхтамасди.

– Қани, бўлди, – деди Нэнси. – Бўлди қил. Аммо у бас қилмасди.

Кэдди товани оловдан олди.

– Ҳаммаси куйиб кетибди, – деди у. – Яна жўхори керак, Нэнси.

– Сен ҳаммасини солувдингми? – сўради Нэнси.

– Ҳа, – деди Кэдди.

Нэнси унга қаради. Кейин товани олиб куйган жўхориларни этагига тўкиб, доналарини узун қора бармоқлари билан тера бошлади. Биз кўзимизни ундан узмасдик.

– Бошқа жўхори йўқми? – сўради Кэдди.

– Бор, – деди Нэнси. – Бор. Қара, ҳаммаси куйиб кетмабди. Шуни фақат...

– Уйга кетаман, – деди Жейсон. – Ҳаммасини айтиб бераман.

– Тишш! – деди Кэдди.

Қулоқ солдик. Нэнси бошини эшик томонга бурди, кўзлари чироқнинг қизғиш шуъласи билан тўлди.

– Кимдир келяпти, – деди Кэдди.

Шунда Нэнси ўчоқ олдида ўтириб, узун қўллари икки тиззаси орасига осилтириб оҳистагина яна бояги товушни чиқара бошлади, кейин бутун юзидан тер қуйилиб оқди; тер ёноқларидан оқиб, иягида айланар, ҳар бир томчида ўчоқдаги ўтнинг олов нуқтаси аксланарди.

– У йиғлаётгани йўқ, – дедим.

– Мен йиғлаётганим йўқ, – деди Нэнси: унинг кўзлари юмилганди. – Мен йиғлаётганим йўқ. Ким келаётган экан?

– Билмадим, – деди Кэдди; у эшик олдига бориб ташқарига қаради. – Ана энди уйга кетамиз. Отам келди.

– Ҳаммасини айтиб бераман, – деди Жейсон. – Мен келмоқчи эмасдим, сизлар мажбур қилдингиз.

Нэнсининг юзидан ҳамон томчилар оқарди. У курсида ўтирган кўйи ўгирилди.

– Менга қаранглар, унга айтинглар... Айтинглар биз ўйнаймиз деб. Айтсанглар, мен сизларга эрта-лабгача ўзим қарайман. Илтимос қилинглар, мен сизлар билан борай, тунни сизларникида ўтказай, полда бўлса ҳам ётай. Айтинг, менга тўшакнинг ҳам кераги йўқ. Биз ўйнаймиз. Эсингиздами, ўтган сафар роса маза қилганмиз?

– Мен маза қилмаганман, – деди Жейсон. – Мени қаттиқ ушлаб оғритдинг. Сен кўзимга тутун ҳайдадинг.

Отам кириб келди. У бизга боқди. Нэнси ўтирган еридан турмади.

– Унга айтинглар, – илтижо қилди у.

– Мен келмоқчи эмасдим, – деди Жейсон, – Кэдди эса мени мажбур қилди.

Отам ўчоқ ёнига борди. Нэнси бошини кўтарди.

– Ахир, сен Рэйчел холангнинг олдига бориб, ўша ерда ётиб қолсанг бўлмайдами? – сўради отам. Нэнси икки қўлини тиззалари орасида осилтириб, унга қараб турарди. – Анавинг бу ерда эмас, – деди отам. – Мен кўрган бўлардим. Бу ерда ҳеч ким йўқ, тирик жоннинг ўзи кўринмайди.

– У жарда, – деди Нэнси. – Жарга беркинган.

– Бўлмағур гап, – деди отам. У Нэнсига боқди. – У жарда эканлигини қаердан биласан?

– Менга башорат бўлди, – деди Нэнси.

– Қанақа башорат?

– Шунақа. Кирганимда стол устида экан. Чўчқанинг қонига беланган суяк гўшти. Стол устида чироқ ёнида турувди. У ўша ерда. Сиз манави эшикдан чиқишингиз билан мен адойи тамом бўламан.

– Адойи тамом нимаси, Нэнси? – сўради Кэдди.

– Мен чақимчи эмасман, – деди Жейсон.

– Беҳуда гап! – деди отам.

– У ўша ерда, – дерди Нэнси. – Ҳозир ойнадан қараб турибди, сиз кетишингизни кутяпти. Адойи тамом бўламан.

– Беҳуда гап! – деди отам. – Уйни беркит. Биз сени Рэйчел холаникига кузатиб қўямиз.

– Бефойда! – дерди Нэнси. Отамга у бошқа қарамасди, отам унинг узун қора беҳол қўлларига қарарди. – Чўзиб ўтиришдан нима фойда!

– Энди нима қилмоқчисан ўзи? – сўради отам.

– Билмадим, – деди Нэнси. – Нима ҳам қила олардим? Яна бироз чўзиш мумкин. Нима фойдаси бор! Афтидан, пешонамга шундай ёзилганга ўхшайди. Ёзилганини оламан.

– Нимани оласан? Сенга нима ёзилган? – сўради Кэдди.

– Булар ҳаммаси беҳуда, – деди отам. – Ҳаммаларингизга ухлайдиган вақт бўлди.

– Мен хоҳламадим, Кэдди мени мажбур қилди, – деди Жейсон.

– Рэйчел холангникига бор, – деди отам.

– Нима фойдаси бор! – деди Нэнси. У ўчоқ олдида тирсакларини тиззасига тираб, узун қўлларини тиззалари орасида осилтириб ўтирарди. – Ҳатто сизнинг ошхонангизда ўтирганимда ҳам, жоним омонда эмас. Мабодо, мен сизнинг болаларингиз билан бир хонада ётганимда ҳам, барибир эрталаб мени қонимга беланган ҳолда топган бўлишарди ва...

– Жим-м! – деди отам. – Эшикни ёп, чироқни ўчир ва ухлагани ёт.

– Мен қоронғидан қўрқаман, – деди Нэнси. – Мен бу иш қоронғида рўй беришини хоҳламайман.

– Нима, сен чироқни ёқиб тун бўйи ўтириб чиқмоқчимисан? – сўради отам.

Шунда бирдан Нэнси ўчоқ олдида ўтириб, узун қўлларини тиззалари орасида осилтирганча, яна ўша товушни чиқара бошлади.

– Эй, қуриб кетмайдими, – деди отам. – Қани, уйга жўнанглар, болалар! Ухлайдиган вақт бўлди.

– Сиз кетишингиз билан мени қуритишади, – деди Нэнси. – Эртага мен ўлган бўламан. Мен тобутимга пул топиб қўйганман, жаноб Лавледига топширганман...

Жаноб Лавледи негрлардан суғурта пули йиғиб юрадиган бўйи пастрок, исқирт бир одам эди,

шанба кунлари эрталабдан у барча кулбаларни айланиб чиқар ва негрлар унга ўн беш центдан бадал топширишарди. У хотини билан қўноқхонада турарди. Бир куни эрталаб хотини ўзини ўлдириб қўйди. Уларнинг битта қизчаси бор эди. Хотини ўзини ўлдириб қўйгандан кейин жаноб Лавледи боласини олиб кетиб қолди. Бироз вақтлардан сўнг у қайтиб келди. Шанба кунлари тонг чоғлари биз унинг тор кўчаларда айланиб юрганини кўрардик.

– Абас, – деди отам. – Эртага эртаминан сен ошхонамизга бор.

– Борганча борарман. Борганда нима кўрарман, ёлғиз худойимга аён.

VI

Биз Нэнсининг уйидан чиқдик; у ҳалиям ўчоқ олдида ўтирарди.

– Эшикни ёп, – деди отам, – тамбани қўй. – Нэнси қимирламади. У бизга боқмади. Биз кетдик, у ўчоқ олдида қолди; эшик ланг очиқ, чироқ ёниб турарди.

– У нима дейди, ота? – сўради Кэдди. – Нима рўй бериши керак?

– Ҳеч нима, – деди отам. Жейсон унинг елкасида ўтирар, шунинг учун ҳаммамиздан баланд кўринарди. Биз жарга тушиб бордик; мен индамай ҳар ёққа аланг-жалаң қарардим. Лекин ой шуъласи соялар билан чаплашган ерларда ҳеч нарсани кўриб бўлмасди.

– Агар Иисус бу ерга беркиниб олган бўлса, у бизни кўриб турибди, тўғрими? – деди Кэдди.

– Бу ерда у йўқ, – деди отам. – У аллақачон кетиб қолган.

– Сен мени мажбур қилдинг, – деди Жейсон ўзи ўтирган чўққидан; осмон саҳнида отамнинг икки-

та боши борга ўхшаб кўринар – бири кичкина, иккинчиси катта эди. – Мен эса бормайман дедим.

Биз сўқмоқдан юриб жардан чиқдик. Бу ердан ҳамон Нэнсининг эшиги ланг очиқ уйи кўриниб турарди, аммо Нэнсининг ўзи кўринмасди – балки ўчоқ олдида эшикни кенг очиб кўйиб ўтиргандир, чунки у кутавериб чарчаганди.

– Мен чарчадим, – деди у биз кетар пайтимиз орқамиздан. – Оҳ, жуда чарчадим. Мен бор-йўғи бир қора хотинман. Бу менинг айбим эмас.

Аммо ҳали унинг товуши эшитилиб турарди, нега деганда, биз нақ жардан чиққанзимизда, у яна ўша товушни чиқара бошлади – товуш куйга ўхшаб-ўхшамасди.

– Энди кийимларимизни ким ювиб беради? – деб сўрадим мен.

– Мен қора эмасман, – деди Жейсон ўз чўққисида ўтириб, у отамнинг елкасида силкиниб борарди.

– Сен баттарроқсан, – деди Кэдди, – сен чақимчисан. Олдиндан бирон нарса чиқиб қолса, сен қорадан ҳам баттар кўрқардинг.

– Ҳечам-да, – деди Жейсон.

– Сен бўкириб йиғлаб юборардинг, – деди Кэдди.

– Кэдди! – деди отам.

– Ҳечам йиғламасдим, – деди Жейсон.

– Кўрқоқ! – деди Кэдди.

– Кэндейси! – деди отам.

АЛВОН ЯПРОҚЛАР³³

Иброҳим Ғафуров
таржимаси

I

Иккала ҳинду экинзордан унинг нариги чеккасига, қабилага тегишли қуллар яшайдиган ерга ўтишди. Бу ерда хом фишдан қурилган икки қатор кулбалар жойлашганди; улар ҳаммаси оҳак билан яхшилаб оқартирилганди. Ўртадан торгина кўча тушган бўлиб, яланг оёқларнинг изларига тўла эди. Болаларнинг бир қанча қўлбола ўйинчоқлари тупроққа қоришиб ётарди. Ҳеч ерда ҳаёт асорати кўринмасди.

– Бу ердан нима топишни мен биламан, – деди ҳиндунинг бирови.

– Нимани топмасмиз, – деди бошқаси.

Вақт тушдан оққанди, лекин кўчада зоғ учмасди, ҳамма ёқ жимжит ва бўм-бўш эди; ёрилган, илма-тешик лой билан сувалган дудбуронлардан тутун чиқмасди.

– Ҳа. Ҳозирги йўлбошчининг отаси қазо қилганда ҳам шундай бўлган эди.

– Сен олдинги йўлбошчини айтасан-да.

– Ҳа.

Ҳиндуларнинг бирини Уч Сават деб аташарди. У олтмишларга кирганди. Ҳар иккала ҳинду кўринишидан шаҳарлик давлатмандларга ўхшар – тўладан келган, паст бўйли, андак қорин қўйган; бошлари катта, қизғиш тупроққа ўхшаган башаралари товоқдек кенгиш, уларга қандайдир хира вазминлик муҳри босилгандай кўринарди; шундай тош санамларни баъзан Сиамда ёки Суматрада бирдан

³³ Асар 1930 йилда ёзилган. «Сахро» китобига кирган.

кўриб қоласан: улар ярим вайрона деворлар оша туманлар орасидан чиқиб келишади. Куйдириб жизғанақ қилиб юборадиган қуёш ва ўткир соялар уларни шундай кўйга солган. Икковининг ҳам сочлари ёниб кетган қамишзорда сақланиб қолган қиёққа ўхшарди. Уч Сават қулоғининг солинчоғида сирланган носқовоқ осилганди.

– Мен қачондан бери айтиб келаман: булар ҳаммаси нотўғри. Илгари қуллар бўлмаган. Бизда негрлар йўқ эди. Нимани хоҳласанг, шуни қилардинг. Ҳамманинг вақти ўзига етиб ортарди. Энди-чи, бутун вақтинг уларга иш топиб беришга кетади. Улар ишсиз яшолмайди.

– Худди от билан итнинг ўзи улар.

– Зиғирча ҳам ақл-идроклари йўқ. Албатта, иш топиб беришинг керак. Улар оқ танли одамлардан ҳам бешбаттароқ.

– Аввалги қари қабила бошлиғи тириклигида уларга иш қидириб овора бўлишнинг ҳожати йўқ эди.

– Тўғри. Менга қулчилик ёқмайди. Бу тўғри эмас. Қадимда одамлар тўғри яшашарди. Энди ундай эмас.

– Қадимда одамлар қандай яшаганларини сен билмайсан-ку.

– Мен кексалардан эшитганман. Ўзим ҳам шундоқ яшашга ҳаракат қилганман. Одам ишлаш учун яралмаган.

– Бу тўғри. Ишлайвериб таналари қандай бўлиб кетганини кўрмайсанми.

– Шунақа. Қоп-қора. Таъми ҳам аччиқ.

– Сен еганмисан?

– Бир марта еб кўрганман. Мен у пайтда ёш эдим, унча фарқига бормасдим. Ҳозир ўлсам ҳам оғзимга олмасман.

– Ҳа. Ҳозир улар тановул қилинмайди. Нафи йўқ.

– Этлари мазали эмас. Тахир. Менга ёқмайди.

– Оқтанлилар уларнинг эвазига от беришади, этини егандан кўра бу фойдалироқ.

Улар кўчага киришди. Тилсиз, кўримсиз ўйинчоқлар – ёғочдан, латта-путталар, патлардан ясалган туморлар чанг-тўзон босган, ўнгиб кетган бўсағаларда мужилган суяклар, қовоқдан ясалган товоқларнинг синган парчалари орасида сочилиб ётарди. Кулбаларда ҳаёт асари йўқ, на шитирлаган сас эшитилади, на қопида инсон боши кўринади. Иссетибеҳа жон бергандан бери, кечаги кундан бери шу аҳвол. Аммо ҳиндулар бу ердан нима топажакларини ўзлари ҳам билишарди.

Улар қишлоқнинг ўртасида жойлашган, бошқаларидан каттароқ кулбага қараб юришди. Ой чиқшининг маълум бир кунлари бу ерда негрлар йиғилиб, расм-русумларининг биринчи қисмини адо этишар, қоронғи тушгандан кейин эса дарё томонга ўтишар, у ерда ўзларининг катта ноғораларини сақлашарди. Бу уйда турли-туман майда-чуйда асбоб-анжомлар жамланганди – сеҳрли безаклар, расм-русумлар ёзилган лавҳалар – қизил лой бўёқ билан чизилган рамзий белгилар туширилган ёғоч тахтачалар кўзга ташланарди. Уйнинг ўртасида томдан очилган туйнук остида кули олинмаган ўчоқ ва унинг устида осма қозон кўринадди. Деразаларнинг тавақалари ёпиб қўйилган, қуёшнинг ўткир нурларидан кўзлари қамашган ҳиндулар уйга қадам ташлаган илк дамларда ҳеч нарсани илғай олмадилар – фақат қандайдир гимирлашлару шарпалар, кўз оқларининг йилтирашлари сезиларди. Уй ичи негрларга лиқ тўлганга ўхшарди. Ҳар икковлон ҳинду бўсағада тўхташди.

– Ана холос, – деди Уч Сават. – Мен айтяпман-ку, бу нотўғри деб.

– Менга бу ер ёқмаяпти, – деди бошқаси.

– Ҳид келяптими? Улар қўрқишаётгани учун шундай. Уларнинг иси бизникига ўхшаган эмас.

– Бу ердан кетайлик.

– Сен ҳам кўрқяпсан. Мен буни ҳидингдан биламан.

– Балки бу Иссетибеҳани сезаётганимиз учундир.

– Ҳа. У билади. Биз бу ердан нима топишимизни у билади. У ҳали ўлаётган пайтидаёқ биз бугун бу ердан нима топишимизни билган. – Уй ичидан ҳиндуларнинг димоғига ўткир ҳид уриларди, қуюқ қоронғида негрларнинг кўзлари йилтирарди. – Сизлар мени биласизлар. Одамлар мени Уч Сават деб чақиришади. Биз қидириб келган одам қочиб кетган.

Негрлар миқ этишмасди. Иссиқ, димиққан ҳавода негрлар, уларнинг таналаридан кўтарилган ҳидлар дам кучайиб, дам сусайиб таралаётганга ўхшарди. Афтидан, уларнинг бари битта ягона ҳилқатга ўхшар, ўзларига жуда ёт ва ақл бовар қилмайдиган бир нарсани ўйлаётгандек эдилар. Улар қоронғида яшириниб олган саккизоёқ ёки улкан дарахтнинг тўнкарилган илдизлари каби эдилар. Бамисоли ҳозиргина ер қатлами кўтарилган ва баногоҳ унинг остидан бирдан безовта ҳаросонликда қолмиш тирикликнинг нур-зиёдан йироқ уфунатга тўла улкан чалкаш бир чангали кўзга ташланиб қолганди.

– Қани-чи, – деди Уч Сават. – Сиз биласиз нимага келганимизни. Биз истаётган одам қочиб кетдими?

– Улар ниманидир ўйлашяпти, – деди иккинчи ҳинду. – Кетайлик бу ердан.

– Улар ниманидир билишади, – деб қўшди Уч Сават.

– Сенингча, улар уни яширишаётганмикин?

– Йўқ. У қочган. Кеча кечқуруноқ қочган. Ҳозирги қабила бошлиғининг бобоси ўлганда ҳам шундай бўлганди. Уни уч кун қидирганмиз. Дуум уч кун ер бағрига киролмаган, у шундай деган: «Мен отим би-

лан итимни кўряпман. Аммо қулимни кўрмаяпман. Уни нима қилдинглар? Нега гўримда тинч ётгани кўймайсизлар?»

– Улар ўлишни хоҳламайдилар.

– Ҳа. Ўлгилари келмайди. Доим одамни овора-сарсон қилишади. Уларда номус ва виждон йўқ. Доим овора-сарсон қилишади.

– Бу ер менга ёқмаяпти.

– Менга ҳам ёқмайди. Лекин на илож. Булар ёввойилар. Урф-одатларни ҳурмат қилишларини улардан кутиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, мен айтаман-да, ҳозир ҳаммаси нотўғри.

– Ҳа. Уларнинг ўлгилари келмайди. Улар қабила бошлиғи билан бирга ер остига кетгандан кўра офтобда тер тўккан яхши деб биладилар. Аммо бизга керак одам бу ерда йўқ.

Негрлар миқ этишмас, товуш чиқаришмасди. Қоронғида уларнинг кўзлари муте ва ёввойи чақнарди; ўткир ва талх ҳид тараларди.

– Ҳа, улар қўрқишяпти, – деди иккинчи ҳинду. – Энди нима қилдик?

– Кетдик, қабила бошлиғи билан гаплашамиз.

– Мокетуббе эшитишни хоҳлармикин?

– Бошқача бўлиши мумкинми? Унга бу ёқмайди. Аммо энди у йўлбошчи.

– Ҳа. Энди у йўлбошчи. Энди у қизил пошнали туфлисини кун бўйи кийиб юравериши мумкин.

Ҳиндулар орқага ўтирилиб чиқиб кетишди. Эшик ўрни бўш, биронта ҳам қулбага эшик ўрнатилмаганди.

– У илгари ҳам ўша туфлини кийганди.

– Иссетибеҳадан яшириб кийган. Аммо энди туфли уники, у қабила бошлиғи.

– Ҳа. Иссетибеҳага бу ёқмаган. Мен биламан. Бир марта унинг Мокетуббега шундай деганини эшитганман: «Сен қабила бошлиғи бўлганингдан кейин

туфли сеники бўлади. Ҳозирча бу туфли меники». Аммо энди Мокетуббе қабила бошлиғи бўлди, энди уни кийиши мумкин.

– Ҳа, – деди иккинчи ҳинду. – Энди у йўлбошчи. Авваллари у туфлини Иссетибеҳадан беркитиб киярди, ҳеч ким билмасди, буни Иссетибеҳа биладими, йўқми. Аммо энди Иссетибеҳа ўлди, ҳали ўзи унча қари эмасди, туфлининг эгаси энди Мокетуббе, чунки Мокетуббе энди қабила бошлиғи. Сен бунга нима дейсан?

– Ҳеч нарса демайман, – деди Уч Сават. – Сен-чи?

– Мен ҳам нима дейман, – дейди иккинчи ҳинду.

– Жуда соз, – деди Уч Сават. – Ақлинг бало.

II

Уй тепаликка тушган, атрофи эманзор эди. Олди томонидан у бир қаватли эди – очигини айтганда, бир замонлар дарё саёзлигига ўтириб қолган кеманинг бошқарув бўлмасини келтириб ўрнатишганди. Иссетибеҳанинг отаси Дуум ўзининг қуллари билан бу кемани бўлакларга ажратган ва уни сарв оғочи ғўлалари ёрдамида қуруқликда ўн икки чақирим йўл босиб уйига олиб келиб қўшганди. Бунга беш ой вақт кетганди. Ўшангача унинг уйи ёлғиз фишт девордан иборат эди. Бу фишт уйга у кеманинг бўлагини кенг томони билан ўрнатди, мана энди баъзи ерлари қирилган, бўёқлари, сирлари кўчган рококо услубидаги тилла суви берилган карниз перамонлар каютааларнинг пардалар тортилган эшиклари узра эскириб, оқариб қолган ўтмиш ҳашамлари билан осилиб турарди; эшикларда олтин ҳарфлар билан битилган ёзувлар ҳам сақланганди.

Дуум йўлбошчи қавмидан эди, аммо ота уруғидан эмас, минго қабиласидан бўлиб, она уруғи томонидан қариндош эди. Ёшлик чоғларида у нақ

Янги Орлеангача³⁴ катта саёҳатга бориб келганди – бунга анча вақтлар бўлиб кетди, ўша пайтларда Янги Орлеан Европа шаҳарларига менгзарди; Дуум Миссисипининг шимолидан қайиқда Янги Орлеаннинг ўзигача борди, бу ерда у кавалер³⁵ Сёр-Влонд де Витри билан танишди, ҳар икковлари ҳам жамоатчилик орасида шубҳалироқ бир ўринни эгаллардилар. Шу устознинг етакчилигида у Янги Орлеан портининг қиморбозлари ва каллакесарлари даврасида яхшигина мактаб таълимини ўтади. Бу ерда у ўзини ота уруғига тегишли жуда катта ерларнинг меросхўри, қабила йўлбошчиси деб танитди. Ҳиндулар йўлбошчини «Одам» деб атар эканлар, шунинг учун кавалер де Витри уни *du Homme* деб номлади, Дуум деган исм шундан қолди.

Башараси кўпол ва дағал, кўзлари сурбетларча тик ва тап тортмай боқадиган, гирдиғум ҳинду билан ўз юртидан ҳайдалган, айтишларича, Каронделенинг³⁶ дўсти ва генерал Уилкинсоннинг³⁷ ўз одами бўлган парижлик киши билан ҳар қайда бирга бўлишарди. Кейин улар ўзлари одатда бирга вақт ўтказадиган, ёмон шуҳрат қозонган исловохонаю маишатхоналарни кутилмаганда бирдан тарк этиб ғойиб бўлдилар, орқаларидан эса афсоналар ва миш-мишлар тарқалди – эмишки, Дуум жуда катта миқдорда пул ютган, вест-индиялик³⁸ бир бадавлат хонадоннинг қизи билан ошиқ-маъшуқ бўлган. Дуум

³⁴ Янги Орлеан – АҚШда Миссисипи дарёси соҳилидаги, Мексика кўрфази қирғоғидаги шаҳар.

³⁵ Кавалер – нишондор, ҳурмат-эътиборга сазовор ҳарбий аскар маъносида. Бизча: валломат, азамат. Яъни азамат де Витри деса ҳам ўринли.

³⁶ Каронделе – Луизиананинг испан губернатори.

³⁷ Уилкинсон – генерал, ҳиндулар билан урушда шафқатсизлик кўрсатган.

³⁸ Вест-индия – АҚШ ғарби ва Марказий Американи шундай аташган.

гойиб бўлгач, бу қизнинг акаси қўлида тўппонча билан уни маишатхоналардан қидириб юрган.

Ярим йилдан сўнг ойимқиз ҳам дом-дараксиз йўқолган. У Сент-Луисга жўнайдиган кемага ўтирган ва бир кун кечаси Миссисипининг юқори оқимларида кема соҳилда тўхтаган. Ойимқиз ўз хизматкори негр қиз билан кемадан тушган. Соҳилда уни тўртта ҳинду от-аравада кутиб олишган, плантациягача уч кун юришган, улар шошмасдан оҳиста йўл босишган, нега деганда ойимқиз ҳомиладор бўлган. Манзилга етиб келишганда, ойимқиз Дуум қабила бошлиғи бўлиб қолганини эшитган. Дуум бунга қандай эришганлигини унга айтиб ўтирмаган. Фақат амаким билан акам кутилмаганда оламдан ўтишди деган. Ўша пайтларда уй фақат гишт девордан иборат эди. Уни ҳам қуллар ўз билганларича амал-тақал қилиб қуришган, гишт уйнинг ёнига томи похол билан ёпилган сарой солинган, сарой алақанча хоналарга бўлинган, хоналар ғажилган суяклару ашқол-дашқоллар билан лиқ тўлиб ётган. Буларнинг ҳаммаси худди паркка ўхшаган ўн минг акр³⁹ ўрмонзор ўртасида бўлиб, унда буғулар худди уй ҳайвонларидай ўтлаб юрган. Дуум ва ойимқиз Иссетибеҳа туғилмасдан сал олдин никоҳдан ўтишган – уларнинг никоҳини қул савдоси билан шуғулланадиган, хачирда элма-эл юрадиган сайёр руҳоний ўқиб қўйган. Хачирнинг эгарига ип-газламадан соябон ҳамда тўқима мато билан ўралган уч галлонлик⁴⁰ виски тўлдирилган шиша маҳкамланган. Дуум оқ танлилардан ибрат олиб, қуллар сотиб олиб, ерларининг бир қисмига экин эка бошлаган. Қуллар кўп, иш эса оз эди. Кўпчилик негрлар бекорчи бўлиб қолган, шунинг

³⁹ Акр – ер ўлчови. Бир акр – Англия ва Америкада 0,4047 кв.м.га тенг.

⁴⁰ Галлон – суюқлик ўлчови. Бир галлон – 4,5 л.га тенг.

учун Африка чангалзорларида нимага одатланган бўлсалар, шундай яшар эдилар. Баъзан Дуум меҳмонларининг вақтларини чоғ қилиш учун уларни итлар билан қувди-босди қиларди.

Дуум қазо қилганда, унинг ўғли Иссетибеҳа ўн тўққиз ёшда эди. У барча еру мулклар ва сон-саноксиз қулларнинг эгаси бўлиб қолди. Бу вақт орасида қулларнинг сони беш баробар кўпайган ва уларни нима қилишни билмасди. У қабила бошлиғи унвонига эга эди. Шу билан бирга яна бир талай амакилари ва амакиваччалари ҳам бор эдики, булар қабилада ҳукмронлик қилардилар. Улар ниҳоят бир куни негрлар масаласида кенгашга йиғилишди. Каюталар эшикларидаги тилла ёзувлар остида чордона қуриб хаёлга толиб ўтириб, улар бу масалани ҳар томонлама муҳокама қилишди.

– Биз уларни ея олмаймиз, – деди бирови.

– Нега энди?

– Улар жуда кўп.

– Тўғри айтдингиз, – деди учинчиси. – Агар ейдиган бўлсак, барини ейишимиз керак. Бунча кўп гўшт ейиш саломатликка зиён.

– Уларнинг эти буғу этига ўхшаса керак. Унда бунинг зарари йўқ.

– Унда ортиқчасини ўлдириб, лекин гўштини емаслик керак, – деди Иссетибеҳа.

Бир дақиқа ҳамма унга қаради.

– Нега? – деди кимдир.

– Йўқ, бу ярамайди, – деди яна бирови. – Бундай қилиб бўлмайди. Улар бизга жуда қимматга тушган. Эсингиздами, қанча овора бўлганмиз уларга иш топамиз деб. Оқтанлиларга ўхшаб иш қилайлик.

– Улар нима қилишади? – сўради Иссетибеҳа.

– Негрларни сотиш учун кўпайтиришади. Каттароқ ерларни ўзлаштиришади ва макка экишади, шу билан уларни боқишади. Биз ҳам ерларни

ўзлаштириб, макка экамиз, негрларни урчитамиз, кейин уларни оқларга пуллаймиз.

– Хўп, лекин у пулларни кейин нима қиламиз? – сўради учинчиси.

Бироз вақт ҳаммалари қаттиқ ўйлашди.

– Яна кўрармиз, – деди биринчиси. Улар чордона қуриб жуда чуқур ўйга ботиб ўтиришарди.

– Аммо бу яна ишлаш керак дегани, – деди учинчиси.

– Буни негрларнинг ўзи қилсин, – деди биринчиси.

– Ҳа, ўзлари қилсин. Бизга терлаш зарарли. Танамиз хом тортади. Барча тешиклар очилиб кетади.

– Кейин у ердан тунги ҳаво киради.

– Ҳа. Негрлар ўзи қилсин. Улар терлашни яхши кўришади.

Шундай қилиб, қабила негрлар ёрдамида янаям каттароқ ерлар очиб, дон экишди. Илгари қуллар бари битта катта кўрада яшарди, кўранинг бир бурчаги худди чўчқалар офилхонаси каби усти берк эди. Энди улар алоҳида кулбалар қуриб, уларга жуфт-жуфти билан ёш негр йигит-қизларни насл беришлари учун жойлаштиришди. Беш йилдан сўнг Иссетибеҳа мемфислик қул жаллобига қирқ бош негрни сотди ва шу пул эвазига ўзи она томонидан янги орлеанлик қариндоши етакчилигида Европага саёҳатга борди. Кавалер Сёр-Блонд де Витри бу вақтлар Парижда истиқомат қиларди; шарти кетиб парти қолганди; барча тишлари тушиб кетган, ясама соч киярди, белига корсет боғларди, унинг тоби қочган, туси ўчган, оқариб тиришган чеҳрасида истеҳзоли ва теран фожиали ифода қотиб қолганди. У Иссетибеҳадан уч юз доллар олди-да, шунинг ҳисобига уни баъзи кибор доираларига олиб кирди; бир йилдан сўнг Иссетибеҳа уйига қайтди, у ўзи билан олтин ҳалли каравот ва иккита катта

шамдон келтирди, айтишларича, мана шу шамдонлар шуъласида мадам де Помпадур сочларини турмаклар, қирол Людовик эса унинг упалар суртилган елкалари оша ўзининг тошойнадаги аксига мийиқ, остидан илжайиб қўяркан. Иссетибеҳа яна бир жуфт қизил пошнали туфли олиб келди, туфли оёғига тор эди, бунинг ажабланадиган жойи ҳам йўқ, чунки у Янги Орлеанга келгунга қадар ҳеч қачон пойабзал киймаганди.

Туфлини у юпқа шилдироқ қоғозга ўралган ҳолда сақларди, уни йўл халтасининг бўлмасида қарағай пайрахалари орасига солиб қўяр, онда-сонда халтадан чиқариб, ўғли Мокетуббега ўйнагани берарди. Мокетуббе уч ёшидаёқ башараси мўғулларникидек кенг ва ялпоқ, қилт этмас, худди чўнг уйқуга чўмгандек эди. Қизил пошнали туфлини кўргандигина башараси жонланарди.

Мокетуббенинг онаси чиройли аёл эди, уни Иссетибеҳа боғчада ишлаётганда кўриб қолганди. У юришдан тўхтаб анча вақтгача қизга термилиб қолди – унинг тикмачоқ беллари, таранг елкалари, осуда юзига мафтун бўлди. У дарёга балиқ овлагани кетаётган эди, лекин шу куни энди дарёгача етиб боролмади. Қизга билдирмай бошдан-оёқ тикилиб, томоша қиларкан, балки у шаҳарлик бўлган қочоқ онасини, унинг елпигичлари, зар уқалари, тўрларини эслагандир, онасига негр қони омихта эди – ҳеч қовушмаган уйланишнинг ўша уवादаси чиққан ялтир-юлтурларини эслади. Мана шундан бир йил ўтар-ўтмай Мокетуббе туғилди. У уч ёшга кирганида туфли оёғига сиғмасди. Дим ҳаволи сокин оқшомлар Иссетибеҳа тез-тез ўғлига қараб ўтирар, ўғилчаси ақл бовар қилмас қайсарлик билан ҳеч имкони бўлмаган ҳолда семиз товонларини туфлига сиғдириш учун зўр бериб уринар, ота ўзича мийиғида кулиб томоша қиларди. Унинг мийиғида кулишлари

йилларга чўзилди. Мокетуббе ўн олти ёшига довуր ўзининг туфлини кийишга бўлган уринишларини тарк этмади. Кейин бас қилди. Ҳарқалай, Иссетибеҳа энди бас қилгандир деб ўйларди. Аслида ўғли бундан отаси ҳузуридагина тийиларди. Лекин кунлардан бир кун Иссетибеҳанинг янги хотини Мокетуббе туфлини олиб яшириб қўйганлигини айтди. Шунда Иссетибеҳа мийиғида кулишни бас қилди ва хотинини чиқариб юборди. «Э-ҳаҳ, – деб хўрсинди у ёлғиз қолгач, – мен ҳам тирик юришни яхши кўраман. – У Мокетуббени чақириб келгани одам юборди. – Мен сенга туфлини ҳадя қиламан», – деди у.

Ўшанда Мокетуббе йигирма беш ёшга тўлганди. У ҳали уйланмаганди. Иссетибеҳани дароз деб бўлмасди-ю, аммо ўғлидан бўйи бир тирсак баландроқ ва ундан юз қадоқ енгилроқ эди. Мокетуббе шу ёшларида ҳаддан ортиқ семиз эди, қонсиз юзи ялпоқ ва доим уйқусираган, юзи, қўли, оёқлари худди сариқ сув касалидай шишинқираганди.

– Туфли энди сеники, – деди Иссетибеҳа ўғлининг башарасига тийрак зеҳн соларкан. Мокетуббе кириб келаётгандагина отасининг афтига кўзини кўтариб бир мартагина қараб қўйганди – ялт этган бу нигоҳда эҳтиёткорлик, муҳофазакорлик акс этганди.

– Раҳмат, – деди у.

Иссетибеҳа ҳамон ундан кўз узмасди. У ҳеч қачон Мокетуббе нимани кўраётгани, нимага қараётганини англаб етолмасди.

– Сенга уни совға қилсам, ахир, ўзи яна шундоқ бўлмайдими? – сўради у.

– Раҳмат, – деди Мокетуббе.

Ўша пайтларда Иссетибеҳа тамаки бурнаки қиларди: оқтанлилардан алақим бир чимдимини тилининг тагига ташлаб, алфия ёки елим дарахт чўпчаси билан тишларига суртиб ишқалашни ўргатганди.

– Майлига, – деди у, – одам мангу яшамайди. – У яна ўғлига тикилди, кейин кўзлари ҳеч нарсани кўрмаётгандек маъносиз бўлиб қолди. У хаёлга чўмди. Нимани ўйларди, билиб бўлмасди, лекин бироздан сўнг у худди ўзига ўзи гапиргандай деди: – Шундоқ, аммо менинг отам Дуумнинг амакиси қизил пошналар туфли киймагани. – У яна ўғлига тикилди. Ўғли олдида семиз, уйқусираган кўйи турарди. – Шундоқ. Башараси мана шунақа одам нима деб ўйлаётганини худо билади, буни билгунингча гишт қолипдан кўчган бўлади. – У буғу териси тасмаларидан тўқилган ўриндикда ўтирарди. – У ҳатто бу туфлини киёлмайди. Уни кўтариб юрган бу дағал жисм икковимизга ҳам халал беради. Уни ҳатто кия олмайди. Лекин бунга мен айбдорманми?

У яна беш йил умр кўрди, кейин ўлди. Бир куни оқшом у ўзини ёмон ҳис қилди, гарчи сассиққўзан терисидан нимча кийган табиб унинг боши узра хушбўй чўпларни тутатиб турганига қарамай, тонга бориб узилди.

Бу воқеа кеча рўй берди; гўр қазиб кўйилганди ва кун бўйи одамлар от араваларда, отлиқ, пиёда қовурилган ит гўшти, секкоташ⁴¹, қулга кўмиб пиширилган этлардан тановул қилиш ҳамда кўмиш маросимида қатнашиш учун тўда-тўда бўлиб келардилар.

III

– Бу уч кун давом этади, – деди Уч Сават ўз йўлдоши билан қабила бошлиғининг уйига қайтиб. – Уч кун оз эмас, овқат ҳам етмайди. Бунинг қандай бўлишини мен кўрганман.

Унинг йўлдоши бўлган ҳиндуни одамлар Луи Шумурт деб чақиришарди.

⁴¹ Секкоташ – ловия, нўхат солиб чўчқа гўшtidан пиширилган таом.

– Бунақа иссиқда ўлик димиқади, – деди Луи.

– Шундоқ. Улар фақат ташвиш келтиришади. Ташвиш ва оворагарчиликдан бошқани билишмайди.

– Балки уч кун зарур бўлмас.

– Улар узоққа чопишади. Бу йўлбошчи ер остига киргунча унинг ҳидларига тўясан. Ҳали мени ҳақ дерсан.

Улар уйга яқин келишди.

– Энди у туфлини кийса бўлади, – деди Шумурт.
– Ҳаммага кўрсатиб кияверса бўлади.

– Ҳали бунга вақт бор, – деди Уч Сават. Шумурт унга тушунмай қаради. – У қочоқни қувишнинг бошида бўлиши керак.

– Мокетуббе-я? – сўради Шумурт. – У буни хоҳармикин? Оғзини очишга ҳам эринади-ку!

– Бошқа на илож? Ахир, отаси тез орада ҳидлаиб қолади.

– Бу тўғри, – деди Шумурт. – Демак, у ҳозир ҳам туфлининг ҳақини тўлаши керак. Шунақа. Унга туфли қимматга тушади. А? Нима деб ўйлайсан?

– Ўзинг нима деб ўйлайсан?

– Сен-чи?

– Мен бир нима деб ўйламайман. Энди Иссетибеҳага туфли даркор эмас. У Мокетуббега қолди. Иссетибеҳага энди фарқи йўқ.

– Майли. Олаверсин. Йўлбошчи бўлгандан кейин олади-да.

Уй олдида кема бошқарув хонасининг тоmidан ҳам анча баландроқ, пўсти тилинган сарв оғочи гўлаларидан тикланган устунларга тиралган, томи пўстлоқлардан ёпилган баланд айвон бўлиб, унинг саҳни қуруқ ер, ёғингарчилик кезлари бу ер қантарилган отлар ва хачирларнинг туёқлари билан топталиб кетганди. Кема палубасининг бурун қисмида бир чол билан икки аёл ўтиришарди. Аёллардан

бири товуқ патларини юлар, иккинчиси жўхорини оқларди. Чол нималарнидир сўйларди. У оёқяланг, узун каноп камзул, қалин мовут шляпа кийганди.

– Ҳаммаси хароб бўлди, – дерди чол. – Бу оқтанлилар бизни ҳалок қилди. Биз ўз кунимизни кўриб юрувдик, ҳаммаси рисолада, жойида эди, оқтанлилар бўйнимизга негрларини юклашди-ю бари расво бўлди. Илгариги замонларда чоллар соя-салқинда ўтиришар, яхна буғу гўштини маккага қўшиб ейишар, тамакини тутатишар, ор-номус ҳақида сўйлашар, бошқа муҳим ишларни ақллашарди. Ҳозир-чи, нима бўляпти? Ҳатто қари-қартанглар манави терга ботишни яхши кўрадиган аҳмоқларнинг ташвишини қилиб ҳоли-жонидан айриляптилар. – Уч Сават билан Шумурт палубага чиқишганда, чол гапиришдан тўхтаб уларга қараб қолди. Унинг кўзлари хира ва маъюс, юзини майда ажин босганди. – Мана энди буниси ҳам қочиб кетди, – деди у.

– Шундоқ, – деди Шумурт. – У қочди.

– Ўзим ҳам билувдим. Мен айтганман. Энди уч ҳафта унинг орқасидан қувишга тушамиз. Ўтган гал Дуум ўлганда шундоқ бўлувди. Ҳали кўрасиз.

– Унда уч кун кетган, уч ҳафта эмас, – деди Шумурт.

– Сен бормидинг ўшанда?

– Йўқ, – деди Шумурт. – Аммо мен бошқалардан эшитганман.

– Мен эса у ерда бўлганман, – жавоб берди чол. – Роса уч ҳафта балчиқ, ботқоқлар, тиканли бутазорларда қувганмиз. – У яна алланималарни сўйлар, бироқ иккала ҳинду ҳам эшитмай нарига ўтиб кетишди.

Қачонлардир кенг салон бўлган жой эндиликда бир чеккадан тарашадай қуриётган, чириган, тўзган қутига айланганди; қизил оғочдан ишланган қопламалар моғор босиб кўринмай кетган, фақат

у ер бу ердагина ҳали олтин ҳалли нақшлар кўзга ташланар, худди сирли маъноларга тўла кабала белгилари⁴² каби ғалати гул-нигор ҳосил қиларди; синган деразаларнинг кўзлари ҳувиллаб ётарди. Бу ерда уруғ ёки ғалла солинган бир неча қанорлар ва ландо аравасининг олд қисми кўзга ташланарди, арава шотилари, филдираклар, олд филдирак ўқлари нафис ёй каби рессорлар устида осилиб турарди. Бурчакда тол навдаларидан ясалган қафас бўлиб, унинг ичида товуш чиқармай ва ҳеч тўхтамай тулки боласи у ёқдан бу ёққа югурарди, учта ориқ жангари хўроз тупроқ титиб юрарди: оёқ ости уларнинг қуриган тезагига тўла эди.

Ҳиндулар гишт деворда очилган туйнукдан ўтиб, ёрилиб кетган харилардан солинган жуда катта хонага чиқдилар. Бу ерда ландо аравасининг орқа қисми ва усти ағанаб ётарди; даричалар тол чўпларидан ясалган панжара билан тўсилган, улар орасидан яна бир қанча жангари хўрозларнинг бошлари суқилиб турар – мунчоқдай думалоқ кўзлари қимир этмас, қаҳрли боқар, тожлари эса йиртилиб кетганди. Бурчакда ибтидоий омоч билан қўлда ясалган иккита эшкак деворга суяб қўйилганди. Иссетибеҳа Париждан келтирган заррин каравот буғу терисидан тайёрланган тўртта тасма билан шипга осилганди. Унда энди на пружиналар ва на тўшак қолганди. Бўм-бўш роми чарм тасмалар тўри билан маҳкамлаб боғланганди.

Иссетибеҳа ҳисоб бўйича ўзининг энг охирги ёш хотинини шу каравотда ухлашга мажбур қиларди. Ўзининг нафас қисар касали бўлиб, тунларни йиғма креслосида ярим ўтириб ўтказарди. Оқшом у хотини каравотга ётганига ишонч ҳосил қилгач, ўзини ухлаганга солиб узоқ вақт қоронғида ўтирар, тун бўйи фақат уч-тўрт соатгина ухлар, хотини

⁴² Кабала – ўзгача сирли маъноли.

чексиз эҳтиёткорликлар билан зарҳал тасмалар тортилган каравотдан тушиб полга қалин жун адёл тўшаб ётаётганига қулоқ тутар ва мийиғида роҳатланиб куларди. Тонг отиши олдидан хотини шовқин чиқармай яна каравотга ўтиб ётар ва ўзини ухлаётгандек кўрсатарди, унинг ёнида қоронғида ўтирган Иссетибеҳа қулоқ тутар ва мийиғида мазза қилиб куларди.

Уй бурчагига иккита лангарчўп ўрнатилган, уларга тасмалар билан катта шамдонлар маҳкамланганди; яна шу ерда ўн галлонлик виски идиши ётарди. Бу ерда яна лойдан ўчоқ ҳам қурилган, ўчоқ қаршисида йиғма кресло жойлашган, унда ҳозир Мокетуббе ўтирарди. Унинг бўйи пастроқ – беш фут⁴³ бир дюйм⁴⁴ – бўлишига қарамай вазни росмана икки юз элик фунт⁴⁵ чиқарди. У қора мовут камзул кийган, аммо кўйлаги йўқ эди ва унинг мис зўлдирдай юмалоқ, силлиқ қорни газлама иштони белбоғидан осилиб турарди. Оёғига қизил пошналар туфли илганди. Унинг креслоси орқасида шокиладор қоғоз елпиғич кўтарган ўсмир елпирди. Мокетуббе ўзининг куракчага ўхшаган семиз қўлларини тиззасига қўйиб, кўзларини юмганча қимирламай ўтирарди. Унинг пучуқ бурунли баркашдай сарғиш башараси ниқобга ўхшар, сирли, аламли, лоқайд эди. У Шумурт билан Уч Сават кириб келишганда кўзини очмади.

– У эрта азондан кийиниб олдимиз? – сўради Уч Сават.

– Ҳа, эрталабдан, – деб жавоб берди бола. Елпиғичнинг ҳаракати бир зум ҳам тинмасди. – Ўзингиз кўриб турибсиз-ку.

– Ҳа, – деди Уч Сават. – Кўриб турибмиз.

⁴³ Фут – узунлик ўлчови. 1 фут – 12 дюйм, 0,3048 м.

⁴⁴ Дюйм – узунлик ўлчови. 1 дюйм – 2,54 см.

⁴⁵ Фунт – оғирлик ўлчови. 1 фунт – 317,62 дан 560 гр. гача.

Мокетуббе қимир этмади. У бамисоли ҳайкалдек, камзул ва иштонда қотиб ўтирар, яланғоч кўкси очик, оёғига ярашмаган қизил пошнапи туфли кийганди.

– Сизнинг ўрнингизда бўлсам, – деди бола, – уни безовта қилмасдим.

– Сен балки безовта қилмасдинг, – деди Уч Сават. Улар Шумурт билан бирга чўнқайиб ўтиришди. Бола тинмай елпигични елпирди. – О, йўлбошчи, қулоқ сол! – сўз бошлади Уч Сават. Мокетуббе қимирламади. – У қочиб кетибди.

– Мен айтувдим, – деди бола. – Қочиб кетишини билувдим. Сизга айтганман.

– Шундоқ, – деди Уч Сават. – Сизга ўхшаган олдиндан биладиганлар кўп. Шундоқ ақлли бўлсанглар, нега кеча бунинг олдини олмадинглар?

– Унинг ўлгиси келмайди, – деди Шумурт.

– Нега ўлгиси келмас экан? – деди Уч Сават.

– Нега ўлгиси келсин? – сўз қўшди бола. – Бир кунмас бир кун барибир ўлади, бу сабаб бўлолмайди. Мен бунга ишонмайман.

– Жим бўл, – деди Шумурт.

– Йигирма йил давомида, – сўз бошлади Уч Сават, – унинг қабиладошлари офтоб тифида тер тўкишганди, у соя-салқинда йўлбошчига хизмат қилган. Агар илгари терлаб-пишини хоҳламаган экан, нега энди ўлгиси келмай қочади?

– Тез қийналмай ўлади, – қўшиб қўйди Шумурт. – Кўз очиб-юмгунча ўтиб кетади.

– Ана шуни унга тушунтирасиз, тутиб келганингизда, – деди бола.

– Жим! – унинг сўзини кесди Шумурт. Чўнқайиб ўтирган иккала ҳинду йўлбошчининг бетига диққат билан тикилишарди. Аммо Мокетуббе худди ўзи ҳам ўлгандай қимир этмасди. Худди танаси териси

қалин ғилоф ичига қамалгандай, нафас олиши ҳам билинмас, шунчалар теранликка шўнғиганди.

– Қулоқ сол, о, йўлбошчи, – тилга кирди яна Уч Сават. – Иссетибеҳа ўлди. У маҳтал. Унинг оти ва ити бизнинг қўлимизда. Лекин унинг қули қочиб кетди. Овқатланиш пайтида унинг идиш-товоғини тутиб турган, унинг томоғига шерик бўлган кимса қочди. Иссетибеҳа маҳтал.

– Шундоқ, – деди Шумурт.

– Бу энди биринчи марта бўлаётгани йўқ, – давом эттирди Уч Сават. – Сенинг бобонг Дуум ер остига кетишини кутиб ётганида ҳам шунақа воқеа содир бўлганди. Дуум: «Менинг қорам қани?» – деб уч кун ётди. Ана ўшанда сенинг отанг Иссетибеҳа айтган эди: «Ташвиш қилма, мен уни топаман, сен бемалоо йўлга тушгин, уни сенга топиб келтираман».

– Шундоқ, – деди Шумурт.

Мокетуббе қимирламади, кўзини ҳам очмади.

– Иссетибеҳа уч кун ботқоқликларда кезинди. У қорани тутмагунча уйга қайтмади, оғзига туз тотмади. Ўшанда у ўзининг отаси Дуумга шундай деди: «Мана, отинг, итинг ва қоранг. Тинчлан». Кеча жони узилган Иссетибеҳа шундоқ деганди. Энди Иссетибеҳанинг қораси қочибди. Унинг оти ва ити ёнгинасида шай, аммо қора қочган.

– Шундоқ, – деди Шумурт.

Мокетуббе қимирлагани йўқ. Кўзлари юмилган эди. Унинг креслода ялпайган, даҳшатли даражада семиз вужудини қандайдир жуда оғир ланжлик қамраб олганга ўхшар, у шунчалар теран турғунликка чўмган эдики, ҳеч қандай овоз, ҳеч қандай нидо бу турғунликнинг қалин деворларини ёриб ўтолмасди. Ҳиндулар чўнқайиб ўтирганча унинг юзидан кўз узишмасди.

– Сенинг отанг қабила бошлиғи бўлганида шундоқ бўлганди, – деди Уч Сават. – Бошқа ҳеч ким

эмас, Иссетибеҳа қорани топиб, Дуум ётган жойга олиб келди, у ер тагига жўнашга илҳақ эди.

Мокетуббенинг бир туки қимирламас, кўзи юмилаганди. Бирпас кутиб тургач, Уч Сават шундай деди:

– Унинг туфлисини еч.

Бола унинг оёғини ечди. Бирдан Мокетуббе қисқа ва тез-тез нафас ола бошлади. У ўз вужудининг тубсиз теранликларидан худди сув остидан, денгиз тагидан юзага қалқиб чиқишга зўр бериб уринаётгандай, яланғоч кўкраги офир-офир кўтарилиб тушарди. Аммо ҳали-ҳамон кўзлари очилмаганди.

– У ўзи қувишга бош бўлади, – деди Шумурт.

– Шундоқ, – деди Уч Сават. – Энди у йўлбошчи. У қувишга бош бўлади.

IV

Қабила бошлиғининг хос хизматини қиладиган негр ўша кун сомонхонага беркиниб, Иссетибеҳанинг жон таслим қилаётганини кузатиб ётди. Негрнинг ёши қирқларда, ўзи гвинейлик эди. Унинг бурни ясси ва пучуқ, жингалак сочли боши кичкина эди; кўзи ичидаги киприклари қизил, олдинга бўртиб чиққан милклари кўкимтир-қизғиш, қони қочган, япасқи тишлари йирик-йирик эди. Қул жаллобларидан аллаким уни ўн тўрт ёшида Камерун атрофларидан олиб келган, тишларини арралаб тузатишга улгурмаганди. У йигирма уч йил Иссетибеҳага хос хизмат қилди.

Иссетибеҳа ўлим тўшагида ётиб қолган кун арафасида негр кеч қоронғисида ўз қишлоғига қайтди. Қоронғи кеча. Ушбу осуда дамларда барча кулбаларда ўчоқларда ўт ёнар, пишаётган таомларнинг бирдай ҳидлари тараларди – ҳамманинг қозонида ўша-ўша гўшт, ўша-ўша ўтмак-нон – ҳидлари кўчадан уйма-уй тарқаларди. Аёллар ўчоқ бошида

куймаланишар, эркаклар кўча бошига тўпланиб, негрнинг йўлбошчи қўрғонидан яланг оёқларини эҳтиёткорлик билан босиб пастга иниб келаётганини кузатишарди. Эркаклар тўпланган ердан қараса, негрнинг кўзлари ёнаётганга ўхшарди.

– Иссетибеҳа ҳали ўлгани йўқ, – деди оқсоқол.

– Ўлгани йўқ, – акс садо берди хизматкор. – Ким ўлгани йўқ?

Қора говгумда ҳамманинг башараси хизматкорнинг башарасига менгзарди, ёшнинг фарқи қолмаганди, маймуннинг ўлгандан кейин олинган ниқобига монанд ушбу афт-ангорларда ҳар қандай фикр қотириб муҳрланиб ташлангандек эди. Ўчоқлар ва қозонларнинг аччиқ тутуни оҳиста қорайиб бораётган ҳаволарни чулғарди; хизматкор жуда узоқ-узоқлардан, гўё бошқа дунёлардан кўча юзалаб сузиб, тупроқда ўйнаётган болалар оша келаётгандек туюларди.

– Агар у кунботардан ўтса, унда тонг чоғигача яшайди, – деб қўйди қоралардан бири.

– Ким айтди?

– Одамлар.

– Э-ҳа. Одамлар. Аммо биз фақат бир нарсани биламиз. – Улар ҳаммалари ораларида турган хизматкорга қарашди. Унинг кўзлари андак йилтирарди. У секин ва оғир нафас оларди. Кўкси яланғоч эди, ундан тер қуйиларди. – У билади. Унинг ўзи билади.

– Бас, ноғоралар чалинсин.

– Шундоқ. Ноғоралар чалинсин.

Қоронғи тушгач, ноғоралар чалина бошлади. Уларни қуриган дарё ўзани тагида сақлардилар. Улар ботқоқ сарв оғочининг ўйилган нозик томирларидан ясалган ва негрлар уларни жуда эҳтиётлаб яшириб сақлашарди – негалигини ҳеч ким билмасди; улар балчиқ-ботқоқ чеккасида соз тупроқ ичига кўмиб қўйиларди; ўн тўрт яшар ўсмир бола

уларни қўриқларди. Боланинг бўйи паст ва туғма гунг эди. Кун бўйи ўша ерда қип-яланғоч ҳолда чўққайиб ўтирар, атрофида чивинлар ғужгон ўйнар, у чивин чақишидан безор бўлиб баданини қалин балчиқ лойи билан суваб ташларди; унинг бўйнида похол халтача осилган, халтада чала-ярим этли чўчқа қовурғаси ва тизимчага ўтказилган танга-танга пўстлоқ солиб қўйилганди. У тиззаларини қучоқлаб ўтириб, нималарнидир ғунғиллар, оғздан тупук-сўлаги оқарди; шундай ҳам бўлардики, унинг орқасидаги ўт-ўлан, буталар орасида ҳиндулар ҳеч овоз чиқармай пайдо бўлишар, бир дақиқа уни томоша қилиб туришар, сўнг ғойиб бўлишарди, бола эса ҳеч нарсени пайқамасди.

Негр бир кеча ва бир кундуз яшириниб ётган отхона тепасидаги пичанхонадан ноғоралар садоси аён эшитиларди. Дарёгача уч чақирим масофа бор эди, лекин ноғора овозларини шунчалар аниқ эшитардики, худди улар унинг тагидаги отхонада чалинаётгандай эди. Назарида, у ёнаётган гулхан ва ноғоралар чалинаётган, алангада мисдай товланган қора қўлларни ҳам кўраётгандек бўларди. Фақат у ёқда аланга йўқ эди. У ёқда бу ердаги чанг-чунг пичанхонадагидан ортиқ ёруғлик йўқ, бу ерда у қоронғида биқиниб ётар, каламушларнинг юмшоқ панжалари болта билан текисланган эски тўсинлардан шитир-шитир қилиб югургиларди. У ёқда чивинларни қочириш учун ёқилган оҳишта тутаётган оловдан бошқа гулхан йўқ, олов теграсида тиззаларида чақалоқлари билан аёллар ўтиришар, лўмбиллаган кўкракларининг силлиқ, сут тўла эмчакларини гўдаклар оғзига тиқишар, улар хаёл оғушига фарқ бўлишган, ноғоралар овозини эшитишмасди... У ёқда ўт-олов йўқ эди, ўт эса ҳаёт давом этаётганидан нишона берарди.

Кема бошқарув қисмининг ёнидаги хонада чоғроқ бир гулхан ёқиб қўйилган, бу ерда лангар-чўпларга маҳкамланган катта шамдонлар, шипга осиб қўйилган заррин каравот тагида ўз хотинлари қуршовида Иссетибеҳа ўлим тўшагида ётарди. Негр пичанхонада ётиб гулхан тутуни ўрлаётганини кўрарди, тонг ёришиши олдида у сассиққўзан терисидан нимча кийган табиб кема бурнига чиқиб иккита, лой билан устига безаклар чизилган чўпларни ўт олдирганини пайқади. «Демак, унинг ҳали жони узилмабди», – деб қўйди негр ўз-ўзига жавоб бергандай пичанхонанинг шитир-шитирларга тўлган қоронғисида. У ўзига тегишли бўлган икки овоз ўзаро сўзлашаётганини эшитгандай бўларди.

– Ким ўлди?

– Сен ўлдинг.

– Ҳа, мен ўлдим, – секин жавоб берди у ўзига ўзи. У ноғоралар олдига боришни истади. У ўзининг бирдан буталар орасидан сакраб чиқишини, яланғоч, қуруқ пай, мой суртилган кўзга кўринмас оёқларида баланд-баланд сакраб, ноғоралар атрофида айланишини кўз ўнгига келтирди. Лекин ҳозир у бундай қилолмасди, зеро, бундоқ рақс одамни тирикликдан маҳрум этади, ўлим диёрига олиб кетади. Унинг ўзи тўғри ўлимни қаршилаб сакрайди, шунинг учун ҳам ўлмайди, зотан, ўлим чегаранинг бу томонида, энг охирида тутиб олсагина, инсонга эгалик қилади. У одамнинг орқасидан келиб, ҳали ҳаёт маконларидаёқ унга етиб олади ва тутади. Каламушларнинг тўсинлар устида югургилашидан чиққан тинаётган шамол шувиллашидай говушлар пасайиб борарди. Бир куни у каламушни еган. Унда ҳали бола эди, Америкага эндигина олиб келишганди. Негрлар палубалар орасидаги баландлиги уч фут келади-ган маконда уч ой қимирламай ўтиришди – кема тропик кенгликларда сузиб борарди – тепада янги

англиялик маст шкипер⁴⁶ китобдан нималарнидир қироат билан ўқиётганини эшитишарди; ўн йил ўтгандан кейингина бу китобнинг Библия эканлигини билди. У ғужанак бўлиб ўтираркан, анчагача каламушлардан кўзини узмади, улар цивилизация шароитларида одам боласи билан ёнма-ён яшаб табиий ҳушёрлик ва чаққонликни унутиб қўйганди. У ортиқча қийналмасдан қўлини чўзди-ю, каламушни тутиб олди-ю уни шошимасдан еди, бу махлуқни шундоқ осон ушлаб олганига ва улар ҳозиргача тирик яшаб келаётганига ҳайрон қолди. Ўшанда бола узун оқ қўйлак кийганди, қўйлакни унга қул жаллоб берган, бу одам савдогарчиликни унитар черков⁴⁷ дьякони⁴⁸ лавозими билан қўшиб олиб борарди. Бола ўша пайтларда фақат ўз лаҳжасидагина сўзлай оларди.

Ҳозир у эгнидаги сурп иштонни ҳисобламаганда деярли яланғоч эди, бундай лозимларни ҳиндулар оқтанлилардан сотиб олишарди, яна белида тасмага боғланган тумори ҳам бор эди. Тумор Иссетибеҳа Париждан келтирган садаф лорнетнинг⁴⁹ ярим бўлаги ва мокассин илонининг чаноғидан иборат эди. Бу илонни унинг ўзи ўлдириб, заҳарли бошидан бошқа ҳаммасини еб битирганди. У пичанхонада биқиниб ётар, уйга, кема қолдиқларига қарар, ноғораларнинг тарақлашига қулоқ тутар ва ноғоралар атрофида сакраб рақс тушаётганини кўз ўнгига келтирарди.

Тун бўйи шундай ётди. Эрталаб у табиб ўзининг сассиққўзан нимчасида ташқарига чиққани ва хачирига ўтириб жўнаганини кўрди. У бутун вужуди чангак бўлиб, хачир туёқларидан кўтарилиган чанг

⁴⁶ Шкипер – капитаннинг эскирган номи.

⁴⁷ Унитар черков – худонинг ягоналиги ҳақидаги таълимотга асосланувчи черков.

⁴⁸ Дьякон – черковда ёрдамчи руҳоний.

⁴⁹ Лорнет – дастали кўзойнак.

босилмагунча йўлга қараб турди. Ана шунда у ҳали нафас олаётганини пайқади ва ҳали-ҳамон ҳаво ютаётганига ажабланди, қаранг, унга ҳали ҳаво керак экан-а. У яна биқиниб жимгина ётди, қачон бу ердан кетишини кутиб қаранди, кўзлари бирозгина осуда, тиниқ шуълаланиб йилтиради, енгил, бир маромда нафас оларди, шунда у Луи Шумурт ичкаридан чиққанини ва кўкка қараганини кўрди. Кун ёришиб келарди, саҳнда пўрим кийинган бешта ҳинду чўнқайиб ўтиришарди, тушга бориб уларнинг сони йигирма бештага етди. Қуёш ғарбга йўл олганда, улар ерда чуқур ўчоқ қазий бошладилар, бу ерда қозон қуриб, эт ва ямс⁵⁰ қовурадилар; бу вақтга келиб юздан ортиқ одам йиғилди, ҳаммалари европача либосларидан қийналишиб, ўнғайсизланиб, лекин ўзларини сабр-тоқат ва иззат-икром билан тутардилар; шунда негр, Шумурт ошхонадан Иссетибеҳанинг байталини олиб чиқиб, уни дарахтга бойлаганини кўрди, яна бироз вақт ўтгач, Шумурт уй эшигида қари итни етаклаб пайдо бўлди; бу ит кўпинча Иссетибеҳанинг ўриндиғи олдида чўзилиб ётарди. Итни ҳам у дарахт танасига боғлади, кейин ҳаммага бирма-бир сиполик билан кўз югуртириб қараб, ўзи ҳам ўтирди. Ит бирдан увиллай бошладди. Қуёш ботаётган паллада ҳам ҳамон увилларди. Қуёш ғарбга бота бошлаганда негр саройнинг орқа деворидан жарликка тушди, жарликдан булоққа бориларди. Бу ер қоронғилашиб қолганди. Жарликка тушгач, негр югуриб кетди. Орқадан итнинг увиллагани эшитиларди. Булоқ яқинида у бошқа бир негрга дуч келди, бир зум – бу чопиб бора туриб, у жойида тик туриб – бир-бирларига қараб қолдилар, икки турли оламини бир-биридан ажратиб турган девор оша қарагандай бўлдилар. Тезда бутунлай қоронғи тушди, у эса тишларини маҳкам

⁵⁰ Ямс – картошкага ўхшаш сабзавот.

босиб, муштларини қаттиқ туғиб, бурун тешиклари катта-катта кенгайиб ҳамон қочар, қочиб борарди.

У қоронғида қочарди. У бу ерларни яхши биларди, чунки Иссетибеҳа билан тунда кўп марта ов қилганди, тулки ё ёввойи мушук изига тушиб, йўлбошчининг бияси ёнида хачирини йўрттириб борганди; бу жойларни у қандай яхши билса, уни таъқиб қилувчилар ҳам шундай яхши билишарди. Иккинчи куни эди, у таъқиб қилувчиларни илк бора шунда кун ботар чоғида кўрди. Бунгача у дарё ёқалаб югуриб борди, кейин орқага қайтиб, пастга тушди, мана энди баланд ўсган хушбўй ўт-ўланлар орасида ётиб, биринчи марта таъқиб қилувчиларни кўрди. Улар икки киши эди, иккови ҳам узун кўйлак ва шляпа кийган эдилар; иштонларини яхшилаб тахлаб қўлтиқларига қистириб олгандилар; қуроллари йўқ эди. Иккови ҳам ёши анча ўтган, қорин солган бўлиб, тез юролмасдилар; эҳтимолки, ҳозир негр ётган жойга улар эртага эрталаб етиб келишар. «Демак, ярим кечагача нафас ростлаш мумкин», – деди у ўзига ўзи. У плантацияга шунчалар яқин келиб қолгандики, димоғи тутун ҳамда қовурилган гўшт ҳидини илғамоқда эди, шунинг учун у овқат еб олсам бўларди, деб ўйлади, очиққанга ўхшайман, чунки бир кеча-кундуз туз тотмадим. «Аммо нафас ростлаган муҳимроқ», – деди у. Муаттар ўт-ўлан орасида ётаркан, бу гапни ўз-ўзига қайта-қайта такрорлар, чунки нафас ростлашга уринишим, нафас ростлашим зарур ва буни иложи борича тезроқ, тезроқ қилишим керак, деган фикрдан юраги худди узоқ тез чопиб келгандай қаттиқ гурсиллаб урарди. У одамлар қандай ҳордиқ чиқаришларини унутиб қўйгандай эди, буни эслаш учун эса олти соат ҳам оз.

Қоронғи қуюқлашгач, у ўрнидан турди. У тун бўйи шошилмай, аста-секин қимирлаб бораверман, барибир борадиган жойим ҳам йўқ, деб ўй-

ларди, аммо биринчи қадамини қўйиши ҳаманоқ у оғир босинқи нафас олиб, бурун катакларини кенг очиб, қалин, бўғиқ, саваловчи зулматни кўкси билан ёриб ўтиб югурди. У йўналишини йўқотиб, қаерга бораётганини ўзи ҳам билмай, бир соатча югурди ва бирдан тўхтаб, қулоқ сола бошлади, бироздан сўнг юрагининг гурсиллашини ноғоралар уришидан ажратиб олди. Ноғоралар қайдадир унча узоқ бўлмаган, икки чақиримча нарида чалинмоқда эди. У товуш келаётган томонга қараб юрди ва қоронғида узоқ судралди, кейин димоғига гулханнинг аччиқ тутун ҳиди урилди. У пайдо бўлганда, ноғоралар овози тўхтамади; фақат оқсоқол олға босиб, қочоқ тутун ичида турган жойга чиқди; қочоқ оғир ҳанси-рарди, титраган бурун катаклари зўриқиб кериларди, лой балчиқ сачраган бетигади икки кўзи хира йилтирарди, уларнинг шуъласи худди ўпкасининг кучига боғлиқдек, дам пасаяр, дам зўраярди.

– Биз сени кутаётган эдик, – деди оқсоқол. – Энди кетавер.

– Кетайми?

– Овқат еб, кейин кет. Ўликка тириклар орасида жой йўқ. Буни ўзинг ҳам биласан.

– Ҳа. Биламан. – Улар бир-бирларининг кўзларига қарашмасди. Ноғоралар тинимсиз тарақларди.

– Овқат ейсанми? – сўради оқсоқол.

– Мен оч эмасман. Бугун мен ўтлар орасида ётиб товушқон тутиб едим.

– Унда қовурилган гўшт бор, ола қол.

У япроқларга ўралган пишган этни олди ва яна дарё ўзанидан илгарилаб кетди, бироз вақт ўтгандан сўнг ноғоралар товуши тинди. У тонг отгунча тўхтамай юрди. «Ҳали ихтиёримда ўн икки соат бор, – деди у. – Балки ундан ҳам кўпроқдир, чунки улар изимга кечаси тушишди». У тиз чўкиб ўтирди, этни еди ва қўлларини биқинига артди. Кейин

ўрнидан турди, сурп иштонини ечди, яна балчиққа яқин ўтириб, бугун бадани – юзи, қўллари, оёқларини балчиқ билан суваб чиқди, кейин ерга ўтирди, тиззаларини қўллари билан қучоқлади, бошини тиззаси ва қўлига қўйди. Тонг оқаргач, у ботқоқликнинг янада ичкарироғига кирди, чўнқайиб ўтириб ухлаб қолди. Тушига ҳеч нарса кирмади. Яхшиям, ботқоқлик ичкарисига киргани, негаки, у бирдан уйқудан кўзини очганда, ҳаммаёқ ёп-ёруғ, қуёш баланд кўтарилганди, у рўпарасида яна ўша икки ҳиндуни кўрди. Улар ўзи яширинган жойнинг шундоқ қаршисида ҳалигача яхшилаб букланган иштонларини қўлтиққа қистирганча турардилар – икковлари ҳам хомсемиз, пўк, қорин солган, похол шляпа ва этаклари ҳалпиллаган узун кўйлақда бироз кулгили кўринадилар.

– Абгор бўлдик, – деди бирови.

– Ҳа, уйда маза қилиб соя-салқинда ўтирмасмидим, – деди бошқаси. – Аммо у ёқда йўлбошчи қоронғи ерга кетаман деб мунтазир.

– Шундоқ.

Улар атрофга осуда кўз югуртиришарди. Бирови энгашиб этагидан қушқўнмас тиканларини териб ташлай бошлади.

– Шу қоровой ҳам бор бўлсин-да, – деди у.

– Шундоқ. Улардан ташвишу таҳликадан бошқа нарса кўрмадик.

Негр тушдан кейин баланд дарахтнинг тепасига чиқиб плантация томонга қаради. У Иссетибеҳанинг лоши арқон ҳалинчақда икки дарахт орасига осиб қўйилганини кўрди, аввалроқ бу дарахтларга унинг ити билан биясини бойлашганди, кема-уйнинг олдигаги майдон ҳовлида эса ҳар турли ранг-баранг ёпиқ, очиқ, чуқур, ясси аравалар, эгар-жабдуқли отлар, ҳачирлар тиқилишганди; ерда қазилган ўчоқлар атрофида бола-бақра орасида ранго-ранг

либосларда хотин-халаж, қари-қартанглар жойлашган, ўт-аланга устида нимталар жазиллаб пишар, улкан ўчоқлардан қуюқ тутун ва буғ ўрларди. Эркаклар билан каттароқ ёшдаги болалар бари дарё оқимининг юқорисида унинг ортидан қувиб боришар, кишилиқ либосларини ечиб ўраб, дарахтларнинг айриларига қистириб кетишарди. Лекин, ана, ҳарқалай бир тўп эркак уй эшиги олдида уймалашяпти. Негр улардан кўзини узмай қараб турди, бирпасдан сўнг эркаклар олхўри хурмо поясига буғу териси тасмалари тортилиб ясалган замбарда Мокетуббени кўтариб олиб чиқишди. Тилоғочлар орасида яшириниб ётган қочоқ ўша ёқларда уни қурбон қилишга тайёргарлик кетаётганини кузатар, унинг башараси эса худди Мокетуббенинг башараси каби қилт этмас ва ундан ҳеч нарсани англаб бўлмасди. «Э-ҳа, – деди у оҳистагина, – ўзлари ҳам йўлга тушарканлар-да. Ўн беш йил ўликдай ётди-я, энди йўлга тушарканлар-да».

Кечга яқин у ҳиндуларнинг бирови билан юзма-юз тўқнашиб қолди. Улар сой устига ташланган ёғоч хари устида дуч келишди: негр баланд бўйли қотма, пайдор, чарчаш нималигини билмас, куч-қуввати ошиб-тошиб ётарди; ҳинду эса семиз ва пўк, ўтакетган ҳафсаласиз, андак жон койитишга асло тоқати йўқ эди. Ҳинду қимирламади, овоз чиқармади, хари устида турганча негрга бақрайиб қолганди, негр дарҳол ўзини сувга отди, қирғоққа сузиб борди-да, ўрмонда ғойиб бўлди, орқасидан шох-шабба, буталарнинг қайрилгани, шитирлагани эшитиларди.

Қуёш ботиб бораётганда у ағанаган дарахт панасида биқиниб ётарди. Дарахт танасидан чумолиларнинг узундан-узоқ карвони чўзилиб борарди. Негр чумолиларни тутиб, қандайдир бамайлихотирлик ва паришонлик билан оғзига солар, гўё қуюқ меҳмондорчиликда ўтириб, икковора тортилган

таом орасида шўрданақларни татиб кўраётгандай эди. Чумолилар ҳам шўртаккина, улардан офиз сув очиб, сўлак оқарди. Негр чумолиларни ер, уларнинг муқаррар ҳалокат сари тўхтамай, сира офишмай, охири кўринмай ғимирлаб боришларига қараб турарди. У кун бўйи туз тотмаганди; юзига чаплаган лой ниқоб қотиб қолганди, кўзининг жияқлари қизариб, яллиғланган, қорачиқлари тинмай безовта айланарди. Кун ботганда у сув бўйида ўтирган қурбақани тутиш учун уринаётганда уни бирдан капча илон чақиб олди. Заҳарли тишларини унинг билан гига кучли зарб билан санчди, териси устида худди тиг билан чизилгандай икки узунчоқ, яра қолди. Капча илон бесўнақайлик билан унга ташланди-да, тишларини қадагач, ўз шиддати ва қаҳр-ғазабидан ҳолсизлангандай, ерда чўзилиб қолди; бир зумгина унинг олдида ночор бўлиб ётди. «Салом, бувижон», – деди негр. У илоннинг бошига қўлини теккизди ва шунда илон бир чирпиниб яна унинг қўлига тишларини ўнғайсиз ва қаттиқ ботиргани, кейин яна ва яна худди паншаха билан тирнагандек зарба урганига лоқайдлик билан қараб турди.

– Буларнинг ҳаммаси менинг ўлгим келмаётгани учундир, – оҳистагина деди у тобора ортиб бораётган сокин бир ҳайрат ичида, у ўзида яшаш истаги қанчалар ҳоким ва кучли эканлигига ҳисоб бермаган, бу сўзлар ўз-ўзидан унинг лабларида қалқимагунча англамагандай ва ҳозир, шу тобдагина уларнинг маъносига етиб боргандай бўлди.

V

Мокетуббе ўзи билан туфлини ҳам олди. Уни юрганда, кийиб юролмасди, замбарда чайқалиб, ястаниб ўтирганида ҳам киёлмасди, шунинг учун пойабзал унинг тиззасига ёзилган ёш буғу териси-

дан ясалган гиламчада ётарди. Ялтироқ, чатнаган чармдан тикилган, балларда кийиладиган тўқасиз, оёқ юзасидаги тили узун, қизил пошнапи бир туфли-да, у қабила бошлиғининг семиздан семиз, чалқанча тушган, ҳаёт асари билинмайдиган гавдаси устидан тушмасди; уззукун юккашлар бир-бирлари билан ўрин алмашиб ботқоқликлару чангалзорлар оралаб тебраниб турган замбар ва унинг ичидаги жиноятни, жиноят сабабини сабр-тоқат билан кўтариб боришарди. Зеро, қотил мақтул олдидаги ўз бурчини ўташи керак эди. Мокетуббе учун афтидан бу шунга ўхшаган бир нарса эдики, ўзи гарчи мангу тирик бўлса ҳам, ҳали тириклик чоғларида унга ўлим тилаган, ўлимларидан сўнг эса унинг абадий қийноқларининг ғайриихтиёрий иштирокчиларига айланган маҳкумлар томонидан жаҳаннам пучмоқларига олиб кириб кетилаётгандай туюларди.

Йўл юриб, сўнг бироз нафас ростлаб олиш учун қўнган пайтларида ҳаммалари давра ясаб ўтирар, ўртага эса қимир этмай кўзларини юмиб Мокетуббе ётган замбарни кўярдилар, унинг юз ифодаларида айнаи бир вақтнинг ўзида тинч фароғат ва бўлажак азоб-уқубатларнинг муқаррарлиги акс этарди; ўшанда унга яна қисқа бир муддатга туфлини кийдиришарди. Бир бола туфлини Мокетуббенинг катта, юмшоқ, ялпайган оёқларига зўр-базўр тиқиштирарди, шунда йўлбошчининг афти-ангориде еган емиши ҳазм бўлмайдиган одамларда учрайдиган маъюс, муте ва диққатпаз ифодалар зухурланарди. Кейин ҳаммалари яна йўлга тушардилар. Мокетуббе қимирламасди; у фақат замбарни кўтариб бораётганларнинг қадамларига монанд чайқаларди, оғзини очмасди – бунинг боиси чексиз танбаллигиме ё мардлик-матонат, ирода қудрати каби олий фазилатлардан ўрнак олардими, ўзига

аён. Бироз вақтдан сўнг замбарни ерга қўйишар ва санамдай қотиб қолган, сарғайган, тер босган юзига қарашарди.

Шунда кимдир, Уч Саватми ё Луи Шумуртми: «Туфлини оёғидан ечинглар. Хурмат-эйтибор кўрсатилди», дерди. Туфлини ечиб олишарди. Мокетуббенинг чеҳраси ўзгармас, фақат нафас олиши сезиларли бўлиб қоларди – лабларидан ҳаво чалпилаган бир товуш билан отилиб чиқарди, бошқалар атрофда чўнқайиб ўтиришар ва ҳар томондан келиб турган синчилару хабаркашлар билан гаплашишарди.

– Кўринадими?

– Кўринмайди. У шарқ томонга юряпти. Кеч оқшом Типах қўйиладиган жойларга етиб боради. Кейин орқага қайтади. Биз уни эртага тутамиз.

– Қанийди, кўп вақт бўлди.

– Шундоқ. Бугун тўртинчи кун.

– Дуум ўлганда уч кунда ушловдик.

– Унда қочган киши қари эди. Буниси ҳали ёш.

– Ҳа-а. Жуда чопағон. Агар уни эртага тутишса, мен битта от ютаман.

– Қанийди эртага тутишса.

– Шундоқ. Бемаъни ишлар.

Шу куни плантацияда озиқ-овқат тугади. Қўноқлар уй-уйларига тарқаб, эртасига бир ҳафтага етадиган озиқ-овқат келтиришди. Шу куниёқ Иссетибеҳа ҳидлана бошлади, пешин пайти иссиқ авжга чиққач, шамол ўлик уфунатини дарё ёқалаб пастга ва юқорига – узоқларга олиб кета бошладди. Аммо негрни на бугун, на эртасига тутишди. Олтинчи куни кеч тушганда, хабар етказишдики, қочоқнинг изларида қон юқи қолибди. У жароҳат олганга ўхшайди.

– Яраси, ишқилиб, офирмасдир, – деди Уч Сават.

– Биз Иссетибеҳа билан унга фойдаси тегмайдиган хизматкорни жўнатомаймиз.

– Худо кўрсатмасин. Иссетибеҳанинг ўзи унга хизмат қилмаса денг, – деди Шумурт.

– Биз билмадик, – деди онгчи. – У беркинган. У яна ботқоқликка кириб кетди. Биз у ерга қоровул қўйдик.

Энди замбарни тез югуриб кўтариб кетишди. Қочоқ ботқоқликка кириб кетган жойгача бир соатча йўл юриларди. Ҳаяжонлар жўш урган шошилинича Мокетуббенинг оёғидан туфли ечилмаган экан. Ботқоқликка етиб боришганда, йўлбошчи беҳуш ётганини пайқашди. Улар туфлини ечиб олиб, уни ҳушига келтиришди.

Қоронғи тушгунча бутун ботқоқлик ўраб олинди. Ҳиндулар чордана қуриб ўтиришар, уларнинг тепасида пашша-ю чивинлар булутдай тўда-тўда учарди. Осмоннинг энг қуйи, чекка нуқтасида ғарбда шом юлдузи хира нур сочарди, юксакда юлдуз туркумлари чарх уриб айланарди.

– Унга вақт берайлик, – дейишди ҳиндулар. – Эртага дегани бугуннинг давоми ва бошқача номи.

– Шундоқ. Уни шошилтирмаймиз. – Улар жим бўлиб қолишди ва бирдан ҳаммалари бир бўлиб, тун қучоғидаги ботқоқлик томонга қараб қолишди. Бироз вақт ўтгач, ботқоқдаги шовқин босилди ва кўп ўтмай қоронғиликдан синчи чиқиб келди.

– У ёриб ўтишга уринди.

– Лекин сиз уни орқасига қайтариб юбордингизми?

– Шундоқ. У орқага бурилиб кетди. Биз учаламиз кўрқиб кетгандек бўлдик. У қоронғида эмаклаб юрганида биз ҳидидан билдик, яна бир нимани сезгандек бўлдик, нималигини билолмадик. Шунинг учун биз кўрқдик, лекин кейин у бизга тушунтирди. У биздан ўзини шу ердаёқ ўлдиришимизни сўради, нега деганда, ботқоқликда қоронғида олдимга ким келганини, унинг юзини кўролмайман деди. Аммо

биз бошқа нарсани туйгандик, у бизга бунинг нима-лигини айтди. Уни илон чақибди. Икки кун олдин. Яраси шишиб кетиб, у ҳидлана бошлабди... Аммо биз туйган нарса бу эмасди, чунки энди шиш қайтиб, энди қўли худди ёш боланинг қўлидай кичкина бўлиб қолибди. У қўлини бизга кўрсатди. Биз унинг қўлини учаламиз ҳам ушлаб кўрдик, у ёш боланинг қўлидай эди. У биздан болта беришимизни сўради, қўлимни чопиб ташлайман деди. Аммо эрта – бугуннинг давоми.

– Шундоқ. Эрта – бугуннинг давоми.

– Биз кўрқиб кетдик. Кейин у ботқоқлик ичка-рисига кириб кетди.

– Бу яхши.

– Шундоқ. Биз кўрқдик. Йўлбошчига айтайлик-ми?

– Ўйлаб кўрайлик, – деди Уч Сават. У туриб кетди. Синчи чўнқайиб ўтирди-да яна қочоқ ҳақида сўйлай бошлади. Уч Сават қайтиб келди. – Йўлбошчи яхши деди. Кўриқлаган жойингга қайт.

Синчи қоронғида кўздан йўқолди. Ҳаммалари замбар атрофида чордана қурдилар; сўнг ухлаб қолдилар. Ярим кечага яқин негр уларни уйғотиб юборди. Кутилмаганда у бақириб, ўзи билан ўзи гаплаша бошлади; унинг товуши қоронғилиқдан аниқ ва баланд эшитиларди. Кейин у жим бўлди. Тонг отди, оқ қарқара қанотларини тапиллатиб сарғайиб келаётган осмондан учиб ўтди. Уч Саватнинг уйқуси ўчди.

– Энди борайлик, – деди у. – Бугунги кун кирди.

Икки ҳинду балчиқларни шалолатиб ботқоққа тушди. Лекин қочоқ қошига етиб бормаёқ тўхташди, негаки, негр ашула айта бошлади. Ҳиндулар уни кўриб туришарди, негр яланғоч ва бутун баданига лой чапланган ҳолда тўнка устида ўтириб қўшиқ хиргойи қиларди. Ҳиндулар бироз нарироқда

чўнқайиб ўтириб, индамай унинг ашуласини туга-тишини кутишди. Негр юзини кўтарилиб келаётган қуёшга қаратиб ўз лаҳжасида нималарнидир куйларди. Унинг овози тиниқ ва кучли, оҳанглари ваҳшиёна ва маҳзун янграрди.

– Уни шошилтирмайлик, – дейишди ҳиндулар. Улар чўнқайиб ўтирганча, сабр-тоқат билан кутишарди. Қочоқ жим бўлди, ҳиндулар унга яқин бордилар. Қочоқ юзига чапланган лой ёрилиб чатнаб кетган ҳолда уларга пастдан юқорига қаради. Унинг кўзларига қон тўлганди, лаблари қуруқшаб бир-бирига ёпишган, улар орасидан йирик қисқа тишлари чиқиб турарди. Қуриган лой ниқоби юзидан кўра каттайиброқ кўринарди, лой ниқобни суртган вақтдан бери анча озганга ўхшарди. Чап қўлини у кўкраги тагига маҳкам босганди; тирсагидан пастга томон унга ҳам қалин лой чапланганди. Ҳиндулар негрдан чиқаётган ўткир ҳидни туйишарди. У ҳиндуларга индамай, қимир этмай қараб турарди, ниҳоят, ҳиндулардан бири унинг қўлидан ушлади.

– Юра қол, – деди ҳинду, – сен хўп чопдинг. Уятга қолмадинг.

VI

Мусаффо ва ифлослик билан булганган эрталабки пайт улар плантацияга кириб келдилар, негрнинг кўзлари отнинг кўзларидай олайиб қолди. Эт पिшаётган ўчоқдан тутун тараларди; тутун ер бағирлаб ёйилиб, ҳовлида ва уй-кемада чордона қуриб, чўнқайиб ўтирган, ёрқин, дағал, ўнғайсиз ярашмаган либослар кийган меҳмонлар, хотин-халаж, бола-чақа, қари-қартанглар кўзларини ачитарди. Овчилар дарё ёқалаб синчиларни жўнатишди, бировини илгарилатиб плантацияга юборишди. Энди Иссетибеҳанинг жасади у кўмиладиган гўр оғзига

келтирилди, унинг ити билан отини ҳам шу ерга олиб келишди; ammo уфунат ҳали тарқаманган, бинобарин, ўзи тириклигида яшаган жойларда шарпаси кезарди. Меҳмонлар ҳам гўр атрофига йиғила бошлади. Ниҳоят, қияликдан Мокетуббе ўтирган замбарни унинг яқинлари, аёёнлари қуршовида кўтариб чиқишаётгани кўзга ташланди.

Улар орасида негрнинг бўйи ҳаммадан баланд эди; унинг кичкина, думалоқ, балчиқ пўстларига тўла боши бошқалардан юқорида кўринарди, азоб-уқубатга тўлиб-тошган кейинги ҳафтанинг олти куниди бошига шунча кўп кулфат ёғилдики, шундан энди базўр нафас оларди; гарчи издиҳом жуда секин ҳаракат қилаётган бўлса-да, биқинига маҳкам босиб ушлаган чап кўли тепасида кўкраги оғир кўтарилиб тушарди. Кўзлари тинмай аланг-жаланг қиларди, ҳеч бир нуқтада тўхтамас, чамаси, у ҳеч нарсани кўрмас, қараган нарсасини кўриб улгурмасди. Баъзан оғзи очилиб қолар ва йирик оқ тишлари кўзга чалинарди, бирдан у ҳансирашга тушди. Қабр сари юрган меҳмонлар бу издиҳомни кўриб тўхтаб қолдилар, айримларнинг кўлларида эт парчалари бор эди. Улар юришдан тўхтаб кутар, негрнинг кўзлари, унинг ёввойи, харосон нигоҳи уларнинг юз-кўзларини сузарди.

– Балки сен олдин тановул қилиб оларсан? – сўради Уч Сават. У сўзларини икки карра такрорлади.

– Шундоқ, – деди негр. – Шундоқ, шундоқ. Мен олдин овқат ейман.

Энди издиҳом яна ўртага қараб тисарилди; энг орқада турганларгача бу шивирлаган сас етиб борди: «У олдин овқат ермиш».

Улар уй-кемага келдилар. «Ўтир», – деди Уч Сават. Негр уй-кема қирғоғига ўтирди. У ҳамон ҳарсиллар, кўкраги оғир кўтарилиб тушар, пахтаси чиқиб кетган кўзлари тинмай аланг-жаланг қиларди.

Кўзлари ҳеч нарсани кўрмаётгани, афтидан, ички сабабларга боғлиқ эди, бу нобиноликдан эмас, балки умидсизлик ва алам-изтироблар натижаси эди. Унга таом келтирдилар, ҳамма унинг қандай овқат ейишини томоша қилиб турарди. У бир бўлак этни оғзига солиб, чайнай бошлади, аммо чайналган овқатнинг ярми оғзининг бурчакларидан чиқиб, энгагидан кўксига тўкилди, бироздан сўнг у чайнашни бас қилди. У шундай бутун яланғоч баданига лой чапланган ва бу лой энди қуриган ҳолда тиззасида товоқ билан ўтирар, очиқ оғзи тўла чала чайналган ош, ола-кула кўзлари атрофга тинмай аланглар, ҳарс-ҳарс қисқа-қисқа нафас оларди. Вазмин, тап тортмас ҳиндулар унга қараб сабр-тоқат билан кутардилар.

– Юр энди, – деди ниҳоят Уч Сават.

– Сув ичаман, – деди негр. – Сув. Шундоқ, шундоқ. Сув ичаман.

Қудуқ қулар яшайдиган қишлоқ йўлида, қуйироқда эди. Адир ён бағрида калта соялар ётарди – пешин чоғи эди, бундай сокин пайтларда Иссетибеҳа тушки овқат ва тушдан кейинги уйқуни кутиб, юмшоқ ўриндиғида мудраб ўтиргучи эди, шунда унинг шахсий хизматкорининг қўли бўшарди. Бу дамни у ошхона бўсағасида ўтириб ўтказарди, тушлик тайёрлаётган аёллар билан у ёқ бу ёқдан гаплашишни ёқтирарди. Ўқтин-ўқтин у пастга – негрлар қишлоғига назар ташлар, у ёқларда ҳаммаси сокин-тинч, аёллар кўчанинг у бетидан бу бетига қараб сўйлашар, очиқ эшиклардан оҳиста тутун ўрлар, кўча чангида қора оғочдан ясалган ўйинчоқларга ўхшаш болакайлар ўйнаб юришарди.

– Юр, – деди Уч Сават.

Негр издиҳом ичида борар, боши ҳаммадан кўра баландроқ эди. Меҳмонлар Иссетибеҳа, унинг ити, унинг оти кутаётган томонга аста оғиб йниб бори-

шарди. Негр ҳам қадам ташлар, кўзлари ола-кула аланглар, боши издиҳом оша юксалар, кўкси оғир-оғир кўтарилиб тушарди.

– Қани, – деди Уч Сават. – Сув ичмоқчи эдинг.

– Шундоқ, – деди негр. – Шундоқ. – У уйга ўгирилиб қаради, кейин пастга, қишлоққа боқди, бугун бунда ўчоқларда ўт ёнмас, эшиклардан аёллар мўраламас ва болалар ўйнаб кўчада чанг кўтармас эдилар. Негр базўр оғир нафас оларди.

– Илон менинг бу еримни чақди, – деди у. – Тишларини қўлимга санчди: бир марта, икки марта, уч марта. Мен унга: «Салом, бувижон», дедим.

– Хўп, қани, – деди Уч Сават. Негр ҳамон жойидан қимирламай, бошини адл тутиб, худди балчиқда ишлаётгандай тиззаларини баланд кўтариб қадам ташларди. Унинг кўзлари худди отнинг кўзларидай ваҳшиёна зўрабор ялт-юлт қиларди.

– Сув ичмоқчи эдинг, – деди Уч Сават. – Мана, сув.

Қудуққа кади бадя маҳкамланмиш эди. Бадяни лиқ тўлдириб негрга бердилар. Унинг қандай сув ичаётганига ҳамма қараб турди. У бадяни оғзига олиб борди-да, лой билан сувалган юзига босиб оҳиста қиялатди. Кади бадя оша унинг кўзлари ҳамон атроф-тумонатга саросар назар соларди ва бир зум ҳам тўхтамасди. Йиғилган ҳамма унинг бўғзида кекирдаги кўтарилиб тушаётгани, қуёш шуълаларида ярақлаган сув кади бадядан унинг энгак, бўйин, кўкрагига оқиб тушаётганини кўриб турди. Кейин сув тамом бўлди.

– Қани, – деди Уч Сават.

– Шошманглар, – деди негр. У яна сув олиб бадяни лабига олиб борди ва уни қийшайтира бошлади, кади бадя оша ҳамон унинг кўзлари ола-кула кезарди. Яна ҳамма унинг қандай сув ичмоқчи бўлаётгани ва томоқдан ўтмаётган сув минглаб марварид зарраларга ажралиб, унинг даҳани ва кўксига оқиб

тушаётгани, чапланган лой юзида хўл излар қолдираётганига қараб турарди. Улар – қабиладошлар, меҳмонлар ва йўлбошчининг яқинлари ўзларини вазмин, одоб-икром, сабр-тоқат билан кутиб туришарди. Кейин сув тугади, аммо негр уни ютиш учун ҳамон кекирдаklarини чўзар, қалт-қалт титраб ҳеч нимани ютолмасди. Кўкрагидан сув ювиб ўтган лой парчаси кўчиб оёқлари остига тушди ва парчаланиб кетди ва ҳамма бўшаган кади бадя ичидан унинг хирқираган овозини эшитди: «хаҳ, хаҳ, хаҳ, хаҳ».

– Хўп, қани, – деди Уч Сават ва негрнинг қўлидан кади бадяни олиб, уни қудуқнинг четига илиб қўйди.

КАРКАССОНН⁵¹

Иброҳим Ғафуров

таржимаси

Мен оқ саман от устидаман, унинг кўзлари худди яшиннинг зангори чақинлари каби, ёллари эса – худди ўрлаган аланга тилларидай, у тепалик узра юксакка сакраб, тасирлаб чопади ва уфқлар оша сарбаланд кўклар сари кўтарилади.

Унинг суяк лоши жимгина ётади. Балки у бу ҳақда ўйлаётгандир. Ҳар ҳолда, бироз вақтдан сўнг ингради. Бироқ ҳеч нарса демади, ўзингга ўхшамаяпсан, – деб ўйлади у, – сен ҳозир ҳеч ўзингга ўхшамаяпсан, лекин андаккина тинчлик бўлса, ёмон бўлмасди, деб айта оламан.

У ёйилган қора тўлни устига ёпиб ётарди. Яъни унинг ҳашаротлару иссиқдан азият чекмайдиган бўлиб қолган аъзоларидан ташқари бор вужуди ўзининг қаерга бораётганлигидан беҳабар оқ саманда бир зум ҳам толиқиш билмай укпар булутларнинг кумуш тепаликларида учиб борар, бу жойларда туёқлар сира сас чиқармас ва сира-сира из қолдирмас, мангу етиб бўлмас мовий тубсизлик томон еларди. Унинг аъзоларининг бир бўлаги на тана эди, на тана эмасди, у томларга ёпиладиган ўз қора тўли тагида ётаркан, доимо нимасидир кам, доимо нимадир етмайдиган дунёни нигоҳлари билан сузаетганидан ҳатто енгилгина титрарди.

Уйқу ҳолатига, кечадан кундузга, кундуздан кечага ўтишнинг усули ана шу тахлит соддалаштирилиши эди. Ҳар куни эрталаб кўрпа яна айлантирилиб

⁵¹ Каркассонн – Тулуза атрофидаги қадимий шаҳар. Салиб урушлари даври қалъалари сақланган. Асар 1926 йилда ёзилган «Қора мусиқа» асари билан ҳамоҳанг.

ўраб қўйилар ва пучмоққа тиркаларди. Бу кайвони хонимлар хат-китоб ўқиш учун кўзларига тақадиган ойнакка ўшар, ойнакларга тасмачалар тақилган, тасмачалар ғалтакчаларга ўралиб чингилинг олтин ҳуққачага солинган (илло, олтиннинг қиммати кўрсатилмаган), ғалтак, қутича эса уйқу онасининг улкан кўкрагига маҳкамланган бўларди.

У ушбу манзарани хаёлида айлантириб, жимгина ётарди. Унинг оёқлари ёнида Ринкон⁵² ўзининг тунги сирли қора кори бадини адо этарди, ва кўчаларнинг қалин ҳамда турғун қоронғисида ёруғ дераза ва эшиклар бўёқ оқиб тушаётган чорси чўтканинг мойли чапловларига ўшарди. Аллақайларда порт докларид⁵³а кемаларнинг узун-чўзиқ наъралари эшитиларди. Бир сониягагина бу шунчаки бир сас бўлиб, кейин у ўз ичига жимликни ҳам, ҳаво-муҳитини ҳам қамраб олади ва шу билан қулоқ пардалари ичида шундай бир бўшлиқ ҳосил қиладики, энди унда ҳеч вақо ва ҳатто жимлик ҳам йўқ эди. Кейин у ўзини эркин қўйди, йўқолди, ўчди ва шунда жимлик яна бир маромда нафас ола бошлади, бу мисоли палма новдаларининг бир-бирига ишқаланишига, қумнинг металл лавҳ узра шувиллаб тушишига ўшарди.

Ҳарқалай, унинг қуруқ суяк лоши қимирламай ётарди. Балки у шу ҳақда ўйлар ва ўзининг қора тўл кўрпасини ўз ҳолича бир кўзойнак деб тасаввур қилар, шу кўзойнак орқали ҳар кеча ўз тушларининг тархини кўраман дерди.

Унинг шу жуфт шаффоф ойнаклари оша оқ саман ҳамон ёллари солланиб, аланга тилларидай эланиб учиб борарди. Қорнининг тифиз солмаси остида от оёқлари орқага, олдинга бир маромда тебранар, дам ердан кўтарилар ва дам ундан итқаланар ва

⁵² Ринкон – Шимолий ва Марказий Америкада бир неча шаҳар шу ном билан аталади.

⁵³ Док – кемалар устахонаси.

ҳар бир шундай нафратангиз итқаланиш тақаларнинг тақа-туқиға жўр бўларди. Анов узала тушиб ётганга айил ва узангиларга жойлашган оёқларнинг пошналари кўринарди. От яғрини орқасида айил уни иккига ажратар, аммо у ҳамон қаҳру ғазабга тўлиб-тошиб от устида учар ва заррача ҳам олдинга силжимасди – ана шунда узала тушиб ётганнинг эсига норманд айғири тушди, айғир мана шундай учиб мусулмон амири устига бостириб борар, кўзлари бургутдай ўткир амир эса, қилич дастасини кучли чапдаст қўлларида маҳкам қисганча дафъатан бир зарб билан отни қоқ иккига бўлиб ташлади, отнинг ҳар иккала бўлаги ҳам гўрқиллаб муқаддасчанг-тўзон ичра елиб борар, бу ерда Бульон герцоги⁵⁴ ҳамда Танкред⁵⁵ аста-секин чекиниб ҳамон жанг қилардилар. Қилич билан нақ иккига бўлиб ташланган айғир жанг майдонида шундай елиб борар, қаҳр-ғазаб ва ҳужум ғуруридан энтикар, аммо ҳали ўлганлигини билмасди.

Болохонанинг осилган шипи унча баланд бўлмаган шарафа томонга тик қиялаб тушганди. Қоронғи эди, узала тушиб ётган кишининг жисмоний онги ўз устига назар вазифасини олиб, унинг идрокий нигоҳига шуларни намоён этди: у туғилган пайтдаёқ жонига жойлаб қўйилган адоқсиз емирилиш ўз ҳукмига кириб, унинг мана шу қимирламайдиган жисмини худди чакнаган фосфордай нурлантираётир, *ўз-ўзи билан озиқланаётган жисм ўлаётир, лекин ўзининг янги туғилишида ўзидан эҳтиёткорона озиқланиб, тириклигини давом эттираётир, бинобарин, у ҳеч қачон ўлмаяжак, зероки, мен бори Тирилиш ва Ҳаётдирман.* Эркакларга тирканмиш ўша чувалчанг эҳтиросли, ориқ ҳамда мўйдор бўлиши керак, аёлларга, нафис қизларга ато этил-

⁵⁴ Бульон герцоги – салиб юриши ташаббускорларидан бири.

⁵⁵ Танкред – биринчи салиб юришида ном қозонган рицарь.

гани эса, гўзалликка чўммоқ учун гўзаллик билан озикланган бўлади, уларнинг ҳар бири ногаҳон қулоққа чалинган мавзун куй каби хушрўй ва латофатли бўлмоқлари лозим, дарвоқе, буларнинг бари мен учун худди янги сутнинг қайнашидай ва айна шунинг ўзи Тирилиш ва Тирикликдир, ортиқ эмас.

Қоронғи эди. Бизнинг кенгликларимизда дарахтнинг ўлими юмшоқроқ кечади. Бўм-бўш хоналар гичирламас ва чарсиллаб ёрилмасди. Айтгандай, балки дарахт вақт ўтиб ҳар бир одамнинг лоши каби қуруқ суяк бўлиб қолади. Ўшанда аввалги зўрлашларнинг ҳиссиётлари батамом тугаб кетган бўлади. Суяклар балким, уммон остида, чўнқир моғораларда ётарлар, уларни бу ерларга тўлқинларнинг сўниб бораётган акс садолари ҳайдаб келтирмишдир. Отларнинг ҳам суяклари ўз лаёқатсиз чавандозларини қарғаб лаънатлаб ётурлар ва бир-бирларига агар чавандозим олғир бўлганда, нималарга қодир бўлмасдим, деб мақтанурлар. Бироқ олғир чавандозларни доим кимлардир чилпарчин қилурлар. Шунинг учун ҳам, бу яхшироқдирки, денгизларнинг моғоралари ва ўра-камарларида сўнги тўлқинларнинг сўниб бораётган мавжлари уларни титкилаб тебратганда, суяклар бир-бирларини безор қоқиб қўйганлари маъқул.

Ундадир шунингдек, бульонлик герцог ва ундадир шоввоз Танкред.

Унинг суяги яна ингранди. Ўша жуфт мусаффоликлар шаффоф шиша саҳн узра оқ саман от ҳамон тўхтамай елар, ҳоримас ва олға босмасди, у уйқу танғилган отхона томон йўл оларди. Қоронғи эди. Пастдаги буфетнинг эгаси Люис унга болохонада ётиб юришга ижозат берди. Бироқ, болохона ҳам, у устига ёпинчиқ қилган қора тўл ҳам «Стандарт Ойл» компаниясиники эди. Қоронғиликнинг эгаси ҳам ўша эди. У ёқда қоронғида ухлаган чоғларида у де-

мак, миссис Уиддрингтоннинг мулкидан истифода этарди. У эса «Стандарт Ойл»нинг қонуний хотини эди. Шошма, агар сен ҳеч қаерда ишламасанг, у сени шоир қилиб қўяди. Агарда у сенинг нафас олиб туришингдан маъно кўрмаса, унда, демак, шундай маънонинг ўзи йўқ. Унинг назарича, агар киши оқ танли бўлсаю, мабодо ишламаса, демак, у ё дайди ва ё шоир. Эҳтимол, у ҳақдир. Ахир, аёллар шунчалар оқила бўлишади. Улар борлиқни андиша қилиб ўтирмай яшашга ўрганишган, борлиқ уларни лақиллатолмайди. Қоронғи эди.

агдарар, агдарар менинг суякларимни Қоронғи эди.

Ва қоронғи зиғирчагина панжачаларнинг биқинган, сергак, чаққон ва билинар-билимас сас чиқарган югургилашларига тўла эди. Баъзан совуқ панжачалар юзидан чопқиллаб ўтиб, уни тунда бирдан уйғотиб юборар ва аста қимирлаган чоғи улар худди шамол учирган хазон япроқлари каби бир зумда кўздан ғойиб бўлишарди ва тинимсиз шитир-шитирлару чисирлашлар ивирсишлар орасида орқаларидан очофатлар сирининг жуда ҳам жирканч ингичка ҳидини таратарди. Баъзан қия бўғотлар бўйлаб кундузги ёруғлик бўй-бўй бўлиб бўз тус олиб тараларкан, у ётган жойида сояларнинг қоронғиликнинг бир парчасидан иккинчи парчасига оғиб ўтишини кузатарди, соялар худди мушуклардек хира ва улкан эди, улар ушбу турғун сукунат оралаб ўз афсункор югургилашлари билан шитоб шипшиниб селдай қуйилардилар.

Каламушлар ҳам миссис Уиддрингтонга тегишли эди. Бойлар шунчалар кўп нарсаларга эгалик қилардилар-да. Фақат у, каламушлар унинг қоронғилиги ва сукунатидан фойдаланганликлари учун пул тўлаш ўрнига шеър ёзишларини кутмаганди. Улар энди ҳеч қанақа шеър-пер ёза олмасликлари учун

эмас, йўқ, балки ёза билардилар, балки ёмон ҳам ёзмасдилар, йўқ. Мисол учун Байроннинг нимасидир, алланимаси каламушга менгзарди: унинг баъзи бир фикрларида ўзининг мечкайлигига айрим ишоралар мавжуд; ушоққина жимит панжачаларнинг қон сачраган девор гилам ортидаги афсункор чопқиллашлари; қайда ҳалок бўлдим, қайда ҳалок бўлдим, қайда эдим мен Шоҳлар Шоҳи – Шаҳаншоҳ⁵⁶, аммо аёл киши Ит кўзли аёл билан ағдармоқ, ағдармоқ учун Менинг суяқларимни.

– Мен нималарнидир адо этсам девдим, – деб қўйди у қоронғиликда лабларини унсиз қимирлатиб, шунда чопаётган от яна унинг онгини тақаларнинг сассиз тасирлашлари билан тўлдирди. У айил билан чавандознинг узангидаги оёғи пошналарини кўриб турарди ва яна ўша норманд айғири, жуда кўп айғирлардан бунёд бўлган хоназот ҳақида хаёл қилди, у Англиянинг сирқов сернам яшил водийларида пўлат совут тутиб елди. Эндиликда иссиқдан ва ташналиқдан, умид нишонаси қолмаган уфқлардан, жимирлаган сароб тўла бўшлиқлардан эс-ҳушини йўқотиб, ҳамон қалдироқдек учиб борар, энди у қилич зарбидан қоқ иккига бўлиниб кетган, лекин буни билмас ва ўз тезлигида бир маромда тобора тисланиб тисариларди. Унинг боши пўлат парчаларидан ясалган дубулғада, бинобарин, олдинда нима борлигидан беҳабар, пўлат парчаларнинг нақ ўртасидан эса недир туртиб чиқиб турар, чиқиб турар...

– Шамфрон⁵⁷, – деди унинг қоқ суяғи.

– Ҳа, Шамфрон. – У бироз вақт хаёлга толди, қоқ иккига бўлинган ва ҳали ўзининг ўлганини билмаган от ҳамон қалдироқ солиб еларди, Қўзичоқ пайғамбарнинг⁵⁸ душманлари сафлари муқаддас

⁵⁶ Шаҳаншоҳ – илоҳийшунос Иоанн Богослов башоратларидан.

⁵⁷ Шамфрон – отнинг тумшугини ҳимояловчи абзал.

⁵⁸ Исо Масих алайҳиссалом назарда тутилади.

тўзон ичра очилар ва уни ўтказиб борарди. – Шамфрон, – дея такрорлади у. Мана шундай хилватнишин ҳаёт кечираркан, унинг суяк лоши оламнинг борлигидан деярли беҳабар эди. У ўз мавлосининг тасодифан хотирасидан чиққан турли майда-чуйда маълумотларни шипшиб айтиб туришдек бемаъни, ғашга тегадиган бир қилиқ чиқарганди. – Сен фақат сенга айтганларимнигина биласан, – зардаси қайнаб деди мавло.

– Ҳар доим ҳам эмас, – деди тана суяк лоши. – Мен мисол учун шуни биламанки, ҳаётнинг охири бу – қимирламай ётиш. Сен эса буни ҳали билмайсан. Ёки, жила қурса, буни менга айтмагансан.

– Э, биламан мен буни, биламан, – деди у. – Миямга тоза қўйишган. Аммо гап бунда эмас. Гап шундаки, мен бунга ишонмайман.

Суяк лош ингради.

– Сенга айтяпман-ку бунга ишонмайман, – қайтарди суҳбатдоши.

– Майли, майли, – қуруққина қилиб деди суяк лоши. – Сен билан тортишмайман. Ҳеч қачон тортишмайман. Фақат сенга ўғит айтаман.

– Ҳа, кимдир шу ишни ҳам қилиши керак, – киноя қилиб деди суҳбатдоши. – Ҳарқалай, шунга ўхшайди. – У ҳамон сукунат бағрида ўз тўл кўрпаси остида ётар, афсункор тикир-тикирлар эшитиларди. Ва яна унинг жасади қуёш шуълаларининг уқпар кунгиралари остида шаффоф сарғиш қаҳрабо йўлкалардан қиялаганча сирғала-сирғала бориб, ниҳоят шаббода йўламаган денгиз боғчаларида маскун бўлди. Атрофда ғорлару ўнгирлар чайқаларди, унинг жасади жилваланган полда ётарди, заифлашиб бораётган, олис ва бу ерда энди билинар-билинемас мавжларнинг майин чайқалишларида осуда ҳилпироқ елпинарди.

– Мен қандайдир мардона, фожиона ва қахқорона бир ишни адо этгим келади, – такрорлади у реза мисол шувиллоқ сукунатда лаблари билан сассиз сўзларни пичирлаб, мана мен оқ саман той устидаман, унинг кўзлари зангори оҳанрабо сочиб ёнади, унинг ёллари тўзғиган аланга тиллари каби ва у тепалик сари гурсиллаб чошиб боради ва нари-нарироқлар, оламнинг баланд кўкларига сарафроз кўтарилади. Ва ҳамон гурсиллаб чопаркан, у юксакка учади, ва ҳамон гурсиллаб учаркан, осмоннинг узун мовий тепасида сурон солади ва унинг тўлқинланган ёллари бари олтин олов гирдобига ўхшайди.

От ва чавандоз гумбураб нари-нарироқларга елиб боради, аммо қалдироқ аста-аста сўнади. Мана, энди фақат сўнаётган юдуз чексиз қоронғи ва сукунатда базўр кўзга чалинади, буларнинг ичида оғишмаган, тебранмаган, собит ва эриб бо-раётган, кўкраги улуғ ва бағри серуруғ, қоронғи ва фоже – унинг онаси – Замин хаёлга ботади.

**УИЛЯМ ФОЛКНЕРНИНГ НОБЕЛЬ
МУКОФОТИ БИЛАН
ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМНДА
СЎЗЛАГАН НУТҚИ**

Қудрат Дўстмуҳаммад
таржимаси

Тушуниб турибман: мукофот менга эмас, асарларимга – шу пайтгача мавжуд бўлмаган, инсон қалбига таяниб, пешана тери ва қалб тўлғоқлари билан яратилган, шон-шуҳратни ҳам, манфаатни ҳам кўзламаган ишларимга берилаяпти. Шунинг учун мукофотни ишончли вакил сифатида қабул қиламан. Унинг пул қисмини бу мўътабар мукофот мақсадлари ва ўтмишга муносиб равишда сарфлаш мен учун қийин эмас.

Менга берилган эътибордан муносиб фойдаланган ҳолда, ўзини оғир ва азобли ёзувчилик меҳнатига бағишлаган ёшларга мурожаат қилишни истардим ва ишонаманки, вақти келиб, гапларимни мен ҳозир эгаллаб турган минбарга чиқадиганлар ҳам эшитишади.

Давримизнинг фожиаси шундаки, биз, ҳаммамиз ёппасига ҳайвоний қўрқув билан яшаб келяпмиз. Бу – узоқ вақтдан бери давом этиб келаётганидан қўрқувга ўрганиб ҳам қолдик. Инсон руҳиятига тегишли ҳамма масалалардан фақат биттаси қолди: қачон бизни қириб ташлашаркин? Шунинг учун ҳам ҳозирги ёш қаламкашлар ҳақиқий адабий асарни бунёд эта оладиган, ёзишга, меҳнат қилиш ва азоб чекишга арзийдиган мавзу – одам ўзи билан ўзи курашиши муаммосини унутиб қўйдилар. Ёзувчи булар ҳақида ўйлаб кўриши, қўрқув энг пасткаш

ҳиссиёт эканини тушуниб етиши ва ниҳоят, ўз «устахонасидан» юрак ҳақиқатини, асарни абадийликка дохил қиладиган муҳаббат, ор-номус, мурувват, гурур, раҳм-шафқат, фидойилик каби азалий ва абадий қадриятлардан бошқа барчасини чиқариб ташламоғи керак. Агарда ёзувчи шундай қилмас экан, унинг асари устида лаънат тошлари ўйнаб туради. У муҳаббат ҳақида эмас, шаҳвоният, беэиён мағлубиятлар, умидсиз ғалабалар ҳақида ва энг ёмони – ачинмасдан, ҳамдард бўлолмасдан ёзади. Унинг дардини ҳеч ким тушунмайди, бу дардлар ҳеч қайси қалбда из қолдирмайди. У инсоний қалб ҳақида эмас, балки жисмоний фаолият ҳақида ёзган бўлади. Ёзувчи шуларни тушуниб етмагунча, четдан туриб кузатаётган одамдек, инсониятнинг ҳалокатга юз тутиши ҳақида ёзади. Мен инсониятнинг ҳалокати ҳақидаги фикрни рад этаман. Одам боласи ҳамма нарсага чидайвергани учун инсониятни мангу дейиш осон. Зулматнинг бир чеккасидаги қонли шафақ узра илиниб турган қоядан энг сўнгги қўнғироқ ноласи узилганда ҳам битта сўнмас овоз – ОДАМ овози қолади, деган гапларни тан олмайман. Одамзод нафақат тирик қолишига, балки тантана қилишига ишонаман. Унинг мангулиги овозининг сўнмаслигида эмас, балки ўз хусусияти ва руҳиятига кўра раҳм-шафқатга, фидойиликка, матонатга мойиллигидадир. Ёзувчи ва шоирнинг бурчи – шулар ҳақида ёзиш, мардлик, ор-номус, умид, раҳм-шафқат, мурувват, фидойилик каби инсонга хос азалий ифтихорни мустаҳкамлаш йўли билан одамлар қалбига мадад беришдан иборат. Уларнинг овози, шунчаки акс садо бўлмасдан, одам ҳаёт синовларига бардош бериши ва тантана қилиши учун замин, таянч бўлмоғи лозим.

1950 йил

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----|
| Уилям Фолкнер – инсонпарвар ёзувчи. <i>А. Саидов</i> | 3 |
| Айиқ. <i>Эркин Эрназаров таржимаси</i> | 24 |
| Эмили учун атиргуллар. <i>Иброҳим Фафуров</i> <i>таржимаси</i> | 111 |
| Тўзонли сентябрь. <i>Иброҳим Фафуров</i> <i>таржимаси</i> | 127 |
| Уош. <i>Иброҳим Фафуров таржимаси</i> | 147 |
| Қора мусиқа. <i>Иброҳим Фафуров таржимаси</i> ... | 167 |
| Ўт қўювчи. <i>Иброҳим Фафуров таржимаси</i> | 197 |
| Қоронғи тушганда. <i>Иброҳим Фафуров</i> <i>таржимаси</i> | 228 |
| Алвон япроқлар. <i>Иброҳим Фафуров</i> <i>таржимаси</i> | 254 |
| Каркассонн. <i>Иброҳим Фафуров таржимаси</i> | 293 |
| Уилям Фолкнернинг Нобель мукофоти билан тақдирлаш маросимида сўзлаган нутқи. <i>Қудрат Дўстмуҳаммад</i> <i>таржимаси</i> | 301 |

Адабий-бадиий нашр

УИЛЯМ ФОЛКНЕР

ҚОРА МУСИҚА

Қисса ва ҳикоялар

Муҳаррир

Маъмура ҚУТЛИЕВА

Мусаҳҳиҳ

Мадина МАҲМУДОВА

Бадиий муҳаррир

Дилфуза СОЛИХЎЖАЕВА

Саҳифаловчи

Суннат МУСАМЕДОВ

Техник муҳаррир

Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АИ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 2017 йил 25 сентябрда рухсат этилди.

Бичими 84x108^{1/32}.

Босма тобоғи 9,5. Шартли босма тобоғи 15,96.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғоз.

Адади 10 000 нусха. Буюртма № 208.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87;

факс – 273-00-14

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

Уилям Фолкнер

(1897 – 1962)

Ўша куни Қари Бенга битта ҳам ўқ
узилмади. Овчилар уни кўришмади. У болага
уч йил аввал ёзда рўпара келган
яланглиқдан юз қадам чамаси нарида оёққа
турғизилди. Бола бу ердан чорак миля ҳам
келмайдиган нарида эди. У итлар айиққа
ташланганларидаги товушларни эшитди,
бирок Шерга тегишли бўлган нотаниш овоз
сезилмади ва бундан у Шер ўша ерда
бўлмаса керак деган хулоса чиқарди. Қари
Бенни қувиш илгаридегиларга қараганда
жадалроқ кечарди, юқори, жазавали ҳуриш
қулоққа чалинмаганлиги ҳам ҳақиқий аҳволга
ойдинлик киритмади. Фақат оқшомда Сэм
унга Шер сас чиқармасдан из қувишини
тушунтирди.

